«СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ»
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ

21-СОН БҲМС

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЕТЛАР РЕЖАСИ ВА УНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

1-чиқарилиш

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи
Тошкент — 2001

65.052.5
Ў 32

Таҳрир кенгаши:

Б. А. Хўжаев, В. С. Беганов, Ж. Х. Абдуллаев,
М. М. Перпер, Э. Ф. Гадоев, Д. И. Шаулов,
У. Т. Кан, Л. П. Югай

Нашр менежери **Б. С. Муслимов**

Таржимонлар:
У.Х.Худайбердиев, Б.И.Исрошлов, Н.У.Худайбердиев

Ў 32 **Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. 21-сон БҲМС:** Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома / Таҳрир кенгаши: Б.А.Хўжаев, В.С.Беганов, Ж.Х.Абдуллаев ва бошқ. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001. — 320 б. («Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси кутубхонаси» серияси, 1-чиқарилиш)

ББК 65.052.5

Тўпламга Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 21-сон, хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси, уни қўллаш бўйича йўриқнома ва счётлар бўйича намунавий проводкалар киритилган.

Ҳисобчилар, иқтисодчилар, аудиторлар, тадбиркорлар, ҳамда иқтисодий олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларига мўлжалланган.

© «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001 й.

асосий кутубхонаси
Фундаментальная библиотека
Т.НВ. №
ТошДАД • ТашГАУ

КИРИШ

Тўпламга 21-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» киритилган. БҲМС 9-бўлимга бирлаштирилган бухгалтерия ҳисобварақларига таъриф беради (1-8-бўлимлар — баланс таркибига мувофиқ, 9-бўлим — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга мувофиқ). Ҳисобварақлар молиявий ҳисоботнинг активлар, мажбуриятлар, сармоя, даромад ва харажатлар сингари элементлари бўйича гуруҳларга киритилган. Ҳисобварақлар тўрт белгили рақамланишга эга бўлиб, уни корхона эҳтиёжларига мувофиқ янги ҳисобварақлар билан тўлдириш имкониятини таъминлайди. Мазкур стандарт хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хўжалик операциялари ҳисобварақларининг ўз иш режасини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишни, ушбу фактни корхонанинг ҳисоб сиёсати бўйича буйруғида акс эттиришни тавсия этади. Ҳисобварақлар иш режаси кўп ёки оз миқдорда ҳисобварақларга эга бўлиши мумкин, лекин ҳисобварақларни гуруҳлаштириш корхонанинг фаолият турига мувофиқ барча хўжалик операциялари ҳисобини таъминлаши керак.

Миллий стандарт бухгалтерия ҳисобварақларини доимий, транзит ва балансдан ташқари ҳисобварақларга ажратади. Доимий ҳисобварақлар таркибига актив, пассив, контрактив ва контрпассив ҳисобварақлар киритилади. Доимий ҳисобварақлар ҳисобот даври давомида камаядиган ёки кўпаядиган бошланғич сальдо ва кейинги ҳисоб даврига кўчириладиган ҳамда балансда акс эттириладиган якуний сальдога эгадир.

Транзит ҳисобварақлари гуруҳи даромадлар ва харажатларнинг вақтинчалик ҳисобварақларини бирлаштиради. Улар корхона даромад ва харажатларининг муайян ҳисобот даври учун ҳолатини акс эттиради, ушбу давр тугаши билан улар ёпилади ва сальдо якуний молиявий натижага кўчирилади.

Балансдан ташқари ҳисобварақлар ўз ичига корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинча унинг тасарруфида бўлган активлар, шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳисобини юритадиган ҳисобварақларни олади.

Стандартга мувофиқ актив, мажбурият ёки сармоя ҳар

бир туринининг ҳисоби алоҳида ҳисобварақларда юритилади, улар ўзининг функционал вазифаси, тегишли таҳлилий ҳисобварақлар ёки уларнинг гуруҳлари бўйича дебетланади ёки кредитланади. Бухгалтерия ҳисоби мақсадлари ва солиқ солиш мақсадлари учун ҳисобланган солиқ ўртасида фарқни акс эттириш учун солиқлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар ва бошқа муддати кечиктирилган мажбуриятлар ҳисобини олиш ҳисобварақлари жорий этилди.

Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари қарзнинг ҳар бир тури бўйича актив ва пассив ҳисобварақларига қараб бўлинган.

Муассислар томонидан киритилган акциядорлик сармоясини (акциялар турлари бўйича) ва сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари жорий этилди.

Маҳсулот сотилишини ҳисобга олиш учун маҳсулот сотишдан олинган даромадлар ва сотилган маҳсулот таннархининг мустақил ҳисобварақлари жорий этилди. Сотиш натижалари «Якуний молиявий натижалар» махсус ҳисобварағида аниқланади, у ҳисобот даврининг охирида корхона фаолиятининг молиявий натижаларини шакллантиришни акс эттириш учун очилади.

Стандарт ўз ичига Корхоналар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасини қўллаш бўйича қўлланма ва намунавий бухгалтерия проводкаларини олади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
2000 йил 1 июн
930-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги томонидан
ТАСДИҚЛАНГАН
2000 йил 30 март
37-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ

21-сон БҲМС

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЕТЛАР РЕЖАСИ ВА УНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

(2002 йил 1 январдан амалга киритилади)

МУНДАРИЖА

Бандлар номи	Бандлар
Умумий қоидалар	1
Амал қилиш соҳаси	2
Таърифлари	3
Кучга кириш санаси	4
1-илова. Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси	5
2-илова. Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома	6

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу стандарт Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига асосан ишлаб чиқилган.

1.2. Молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси молиявий ҳисобот элементлари: активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва харажатлар асосида гуруҳлаштирилган счетлар тўпламини билдиради (1-илова).

1.3. Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси асосида хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисоби ишчи счетлар режасини тузадилар ва хўжалик юритувчи субъект уни ўзининг ҳисоб юритиш сиёсатида кўрсатади.

1.4. Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини қўллаш бўйича Йўриқнома хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби счетларида хўжалик операцияларини акс эттириш тартибини бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойиллари (принциплари) асосида регламентлайди (тартибга солади) (2-илова).

2. АМАЛ ҚИЛИШ СОҲАСИ

2.1. Ушбу стандарт бюджет муассасалари ва банклардан ташқари мулк шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун бажарилиши мажбурийдир.

3. ТАЪРИФЛАР

3.1. Бухгалтерия ҳисоби — хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ресурслари ҳаракати ва ҳолати, ҳамда уларга қўйиладиган талабларни қайд қилиш ва сақлаш усулидир.

3.2. Доимий счетлар — активлар, мажбуриятлар ва капитал счетлари бўлиб, ҳисобот даври охирига қолдиқ бўлади ва бухгалтерия балансида кўрсатилади. Доимий счетлар актив, пассив, контр-актив ва контр-пассив счетларига бўлинади.

3.3. Актив счет (А) — бу счет, активларни қайд қилиш учун мўлжалланган счет бўлиб, иқтисодий ресурслар қолдиғи ва кўпайиши счетнинг дебетида, камайиши эса кредитида акс эттирилади.

3.4. Пассив счет (П) — бу счет капитал ва мажбуриятларни қайд қилиш учун мўлжалланган бўлиб, уларда капитал

ва мажбуриятлар қолдиғи ва кўпайиши счетнинг кредитида, камайиши эса дебетида акс эттирилади.

3.5. Контр-актив счет (КА) — бу счет, молиявий ҳисоботда активнинг соф қийматини кўрсатиш учун бу счетнинг сальдоси, унга боғлиқ актив счет сальдосидан айирилади.

3.6. Контр-пассив счет (КП) — молиявий ҳисоботда капитал ва мажбуриятлар соф қийматини кўрсатиш учун бу счетнинг сальдоси, унга боғлиқ пассив счет сальдосидан айирилади.

3.7. Транзит счетлар (Т) — бу счетлар, ҳисобот даври давомида даромад ва харажатларни ҳисобга олиб бориш учун ишлатиладиган вақтинчалик счетлардир, улар ёпилади ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатиладиган ҳисобот даври охирига қолдиқлари қолмайди.

3.8. Балансдан ташқари счетлар (З) — бу счетлар корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинча унинг ихтиёрида бўлган активлар, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятлар қолдиғи ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу счетлар бошқа счетлар билан корреспонденцияланмайди ва хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботида кўрсатилмайди.

4. КУЧГА КИРИШ САНАСИ

Ушбу бухгалтерия ҳисоби стандарти 2002 йил 1 январдан кучга киради.

1-илова
Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЁТЛАР РЕЖАСИ

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
I Қисм. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР		
1-бўлим. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР		
01	**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
0110	Ер	
0111	Ерни ободонлаштириш	
0112	Лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш	
0120	Бинолар, иншоотлар ва узатгич мосламалар	
0130	Машина ва ускуналар	
0140	Мебел ва жиҳозлар	
0150	Компьютер ускунаси ва ҳисоблаш техникаси	
0160	Транспорт воситалари	
0170	Ишчи ҳайвонлар	
0171	Маҳсулдор ҳайвонлар	
0180	Кўп йиллик ўсимликлар	
0190	Бошқа асосий воситалар	
0199	Консервациядаги асосий воситалар	
02	**АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**КА**
0211	Ерни ободонлаштиришнинг эскириши	
0212	Лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши	
0220	Бино, иншоот ва узаткич мосламаларнинг эскириши	
0230	Машина ва ускуналарнинг эскириши	
0240	Мебел ва жиҳозларнинг эскириши	
0250	Компьютер ускунаси ва ҳисоблаш техникасининг эскириши	
0260	Транспорт воситаларининг эскириши	
0270	Ишчи ҳайвонларнинг эскириши	

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
0280	Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши	
0290	Бошқа асосий воситаларнинг эскириши	
0299	Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши	
03	**ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
0310	Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар	
04	**НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау	
0420	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари	
0430	Дастурий таъминот	
0440	Гудвил	
0450	Ташкилий харажатлар	
0460	Франшизалар	
0470	Муаллифлик ҳуқуқлари	
0480	Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи	
0490	Бошқа номоддий активлар	
05	**НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**КА**
0510	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хауларнинг эскириши	
0520	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг эскириши	
0530	Дастурий таъминотнинг эскириши	
0540	Гудвилнинг эскириши	
0550	Ташкилий харажатларнинг эскириши	
0560	Франшизаларнинг эскириши	
0570	Муаллифлик ҳуқуқларининг эскириши	
0580	Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг эскириши	
0590	Бошқа номоддий активларнинг эскириши	
06	**УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
0610	Қимматбаҳо қоғозлар	
0620	Шуъба корхоналарига инвестициялар	
0630	Қўшма корхоналарга инвестициялар	
0640	Уюшган корхоналарга инвестициялар	
0650	Қарам корхоналарга инвестициялар	
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
07	**ЎРНАТИЛАДИГАН УСКУНАЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
0710	Маҳаллий ўрнатиладиган ускуналар	
0720	Хорижий ўрнатиладиган ускуналар	
08	**КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
0810	Тугалланмаган қурилиш	
0820	Асосий воситаларни сотиб олиш	
0830	Номоддий активларни сотиб олиш	
0840	Асосий подани шакллантириш	
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	
09	**УЗОҚ МУДДАТЛИ ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАР ВА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
0910	Олинган векселлар — узоқ муддатли қисми	
0920	Олинадиган лизинг	
0930	Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи	
0940	Бошқа узоқ муддатли муддати узайтирилган харажатлар (келгуси давр харажатлари)	
0990	Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар	
II Қисм. ЖОРИЙ АКТИВЛАР		
2-бўлим. ТОВАР МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР		
10	**МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
1010	Хом аёш ва материаллар	
1020	Сотиб олинган ярим тайёр материаллар ва бутловчи қисмлар	
1030	Ёқилғи	
1040	Эҳтиёт қисмлар	
1050	Қурилиш материаллари	
1060	Ем-ҳашак ва тўшамалар	
1070	Идиш ва идиш материаллари	
1080	Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар	
1090	Бошқа материаллар	
11	**ЎСТИРИШДАГИ ВА БЎРДОҚИДАГИ ҲАЙВОНЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
1110	Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар	
12	**КАМ БАҲОЛИ ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БУЮМЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
1210	Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар	
1220	Фойдаланишдаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар	
1230	Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар	

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
13	**КАМ БАҲОЛИ ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БУЮМЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ ВА ҲИСОБЛАШ СЧЁТЛАРИ**	**КА**
1310	Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши	
14		
15	**МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА СОТИБ ОЛИШ ҲИСОБ СЧЁТЛАРИ**	**А**
1510	Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш	
16	**МАТЕРИАЛЛАР ҚИЙМАТИДАГИ ФАРҚЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
1610	Материаллар қийматидаги фарқлар	
17		
18		
19		
20	**АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
2010	Асосий ишлаб чиқариш	
21	**ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
2110	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар	
22		
23	**ЁРДАМЧИ ВА БОШҚА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
2310	Ёрдамчи ишлаб чиқариш	
2320	Бошқа ишлаб чиқариш	
24		
25	**УМУМИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
2510	Умумишлаб чиқариш харажатлари	
26	**ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БРАК ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
2610	Ишлаб чиқаришдаги брак	
27	**НОКАПИТАЛ ИШЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
2710	Вақтинчалик (титулли) иншоотларни қуриш	
2720	Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларни қуриш	
2790	Бошқа нокапитал ишлар	
28	**ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
2810	Омбордаги тайёр маҳсулот	
2820	Кўргазмадаги тайёр маҳсулот	
29	**ТОВАРЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
2910	Омбордаги товарлар	
2920	Чакана савдодаги товарлар	
2930	Кўргазмадаги товарлар	

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
2940	Прокатдаги товарлар	
2950	Товар билан банд ва бўш идишлар	
2990	Бошқа товарлар	
	3-бўлим. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР — ЖОРИЙ ҚИСМ	
30		
31	**КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
3110	Олдиндан тўланган ижара ҳақи	
3120	Олдиндан тўланган хизмат ҳақи	
3190	Бошқа бўнак харажатлар	
32	**МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР — ЖОРИЙ ҚИСМИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
3210	Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи	
3290	Бошқа муддати узайтирилган харажатлар	
33		
34		
35		
36		
37		
38		
39		
	4-бўлим. ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР	
40	**ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар	
4020	Олинган векселлар — жорий қисми	
41	**БЎЛИНМАЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
4110	Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар	
42	**ДАЪВОЛАР БЎЙИЧА ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
4210	Даъволар бўйича олинадиган счётлар	
43	**МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА БЕРИЛГАН БЎНАКЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
4310	ТМЗлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар	
4320	Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган бўнаклар	
44	**ХОДИМЛАРГА БЕРИЛГАН БЎНАКЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
4410	Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар	

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
4420	Хизмат сафари учун берилган бўнаклар	
4430	Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар	
4490	Ходимларга берилган бошқа бўнаклар	
45	**СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА БЎНАК ТЎЛОВЛАРИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
4510	Солиқлар бўйича бўнак тўловлар	
4550	Мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлар	
46	**ХОДИМЛАРНИНГ ТУРЛИ ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗЛАРИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
4610	Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари	
4620	Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари	
4630	Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари	
4690	Ходимларнинг бошқа қарзлари	
47	**УСТАВ КАПИТАЛИ (ФОНДИ)ГА УЛУШЛАР БЎЙИЧА МУАССИСЛАРНИНГ ҚАРЗЛАРИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
4710	Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари	
48	**ТУРЛИ ДЕБИТОРЛАРНИНГ ҚАРЗЛАРИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
4810	Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар	
4820	Олинадиган фоизлар	
4830	Олинадиган дивидендлар	
4840	Роялти ва гонорарлар бўйича олинадиган счётлар	
4890	Бошқа шахсларнинг қарзлари — жорий қисми	
49	**ШУБҲАЛИ ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ЗАХИРА ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**КА**
4910	Шубҳали қарзлар бўйича захира	
	5-бўлим. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР	
50	**КАССАДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
5010	Миллий валютадаги пул маблағлари	
5020	Хорижий валютадаги пул маблағлари	
51	**ҲИСОБ-КИТОБ СЧЁТИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
5110	Ҳисоб-китоб счёти	
52	**ВАЛЮТА СЧЁТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ СЧЁТЛАРИ**	**А**
5210	Мамлакат ичидаги валюта счётлари	
5220	Хориждаги валюта счётлари	
53		
54		

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
55	**БАНКДАГИ МАХСУС СЧЁТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
5510	Аккредитивлар	
5520	Чек дафтарчалари	
5530	Бошқа махсус счётлар	
56	**ПУЛ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИ ВА ЙЎЛДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
5610	Пул эквивалентлари (турлари бўйича)	
5620	Йўлдаги пул маблағлари (турлари бўйича)	
57	**ЙЎЛДАГИ ЖЎНАТМАЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
5710	Йўлдаги жўнатмалар (турлари бўйича)	
58	**ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
5810	Қимматбаҳо қоғозлар	
5830	Берилган қисқа муддатли қарзлар	
5890	Бошқа жорий инвестициялар	
59	**БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
5910	Бошқа жорий активлар	
	III қисм. МАЖБУРИЯТЛАР	
	6-бўлим. ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР	
60	**МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН СЧЁТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
6010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	
6020	Берилган векселлар	
61	**БЎЛИНМАЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН СЧЁТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
6110	Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар	
62	**МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ЖОРИЙ ҚИСМИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**А**
6210	Муддати узайтирилган даромад	
6220	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар	
6230	Муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)	КП
6240	Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)	КА
6290	Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар	
63	**ОЛИНГАН ЖОРИЙ БЎНАКЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
6310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
6320	Акцияга ёзилган (жисмоний шахс)лардан олинадиган бўнаклар	

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
6390	Бошқа олинган бўнаклар	
64	**БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗДОРЛИК ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ (ТЎЛОВ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)**	**П**
6410	Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)	
65	**СУҒУРТА БЎЙИЧА ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАРГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗДОРЛИК ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
6510	Мулкий ва шахсий суғурта бўйича тўловлар	
6520	Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар	
6530	Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар	
66	**ТАЪСИСЧИЛАРГА ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
6610	Тўланадиган дивидендлар	
6620	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар	
67	**МЕҲНАТ ҲАҚИ БЎЙИЧА ХОДИМЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
6720	Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар	
6720	Депонентли меҳнат ҳақи	
68	**ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРДАН ҚАРЗЛАР ВА БОШҚА ҲИСОБЛАНГАН МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
6810	Тўланадиган лизинг	
6820	Ҳисобланган фоизлар	
6830	Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар	
6840	Кафолатлар бўйича қарзлар	
6850	Тўланадиган узоқ муддатли қарз мажбуриятлари жорий қисми	
6860	Даъволар бўйича тўланадиган счётлар	
6870	Ҳисобдор шахслардан қарзлар	
6890	Бошқа мажбуриятлар	
69	**ҚИСҚА МУДДАТЛИ БАНК КРЕДИТЛАРИ ВА БАНКДАН ТАШҚАРИ ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
6910	Қисқа муддатли банк кредитлари	
6920	Тўланадиган облигациялар — банкдан ташқари	
6930	Тўланадиган векселлар — банкдан ташқари	
6940	Қисқа муддатли банклан ташқари қарзлар	
6990	Бошқа кредитлар ва қарзлар	
7-бўлим. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР		
70	**МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН СЧЁТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
7010	Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	
7020	Берилган векселлар	
71	**БЎЛИНМАЛАРДАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
7110	Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан узоқ муддатли қарзлар	
72	**МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
7210	Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар	
7220	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар	
7230	Облигациялар бўйича муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)	КП
7240	Облигация бўйича муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)	КА
7290	Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар	
73	**ХАРИДОРЛАР ВА БУЮРТМАЧИЛАРДАН ОЛИНГАН БЎНАКЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
7310	Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
74	**БОШҚА ШАХСЛАРДАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
7410	Бошқа шахслардан узоқ муддатли қарзлар	
75	**УЗОҚ МУДДАТЛИ БАНК КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
7510	Узоқ муддатли банк кредитлари	
76	**УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
7610	Тўланадиган облигациялар	
7620	Тўланадиган векселлар	
7630	Тўланадиган лизинг — узоқ муддатли қисми	
7690	Бошқа узоқ муддатли тўланадиган счётлар	
77	**ҚАЙТАРИЛАДИГАН МАҚСАДЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ТУШУМЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
7710	Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	
78		
79		
IV қисм. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ		
8-бўлим. КАПИТАЛ, ФОЙДА ВА ЗАХИРАЛАР		
80		
81		
82		
83		

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
84		
8510	**УСТАВ КАПИТАЛИ (ФОНДИ) ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
8511	Оддий акциялар	
8512	Имтиёзли акциялар	
8513	Пай ва улушлар	
8520	**ҚЎШИЛГАН КАПИТАЛ (ФОНДИ) ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
8521	Эмиссион даромад	
8522	Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар	
8523	Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк	
8530	**ЗАХИРА КАПИТАЛИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
8531	Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар	П
8532	Захира капитали	
86	**СОТИБ ОЛИНГАН ХУСУСИЙ АКЦИЯЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**КП**
8610	Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий	
8620	Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли	
87	**ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА (ҚОПЛАНМАГАН ЗАРАР) ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
8710	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)	
8720	Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)	
88	**ГРАНТЛАР ВА СУБСИДИЯЛАР (КАПИТАЛ) ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
8810	Грантлар ва субсидиялар (капитал)	
89	**КЕЛГУСИ ХАРАЖАТЛАР ВА ТЎЛОВЛАР ЗАХИРАСИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**П**
8910	Келгуси харажатлар ва тўловлар захираси	
V қисм. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ФОЙДАЛАНИШИ		
9-бўлим. ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР		
90	**АСОСИЙ (ОПЕРАЦИОН) ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**Т**
9010	Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар	
9020	Товарларни сотишдан олинган даромадлар	
9030	Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар	
9035	Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар	
91	**СОТИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ТАННАРХИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**Т**
9110	Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи	
9120	Сотилган товарлар таннархи	
9130	Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи	

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
9140	Сотиб олиш/харид (ўқув мақсадлари учун қолдирилган)	
9150	ТМЗ бўйича тузатишлар (ўқув мақсадлари учун қолдирилган)	
92	**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА БОШҚА АКТИВЛАРНИНГ РЕАЛИЗАЦИЯСИ ВА ТУРЛИ ЧИҚИМИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**Т**
9210	Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими	
9220	Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими	
93	**АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН БОШҚА ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**Т**
9310	Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда	
9320	Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда	
9330	Ундирилган пеня, жарима ва бурдсизликлар	
9340	Ўтган йиллар фойдаси	
9350	Рента даромадлари ва ёрдамчи хизматлардан тушган даромад	
9360	Кредиторлик ва дебиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар	
9370	ТМЗларни қайта баҳолаш	
9380	Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам	
9390	Бошқа операцион даромад	
94	**ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**Т**
9410	**СОТИШ ХАРАЖАТЛАРИ**	
9411	Сақлаш ва ташиш харажатлари	
9412	Реклама ва сотишни ривожлантириш	
9413	Ўраш, қайта саралаш ва идиш харажатлари	
9414	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар	
9415	Меҳнат ҳақи фондидан ажратматлар	
9419	Бошқа сотиш харажатлари	
9420	**МАЪМУРИЙ ХАРАЖАТЛАР**	**Т**
9421	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар	
9422	Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар	
9423	Умуммаъмурий асосий воситаларнинг амортизацияси бўйича харажатлар	
9424	Умуммаъмурий асосий воситаларнинг ижараси бўйича харажатлар	
9425	Умуммаъмурий асосий воситаларни суғурталаш харажатлари	
9426	Умуммаъмурий номоддий активларнинг амортизацияси бўйича харажатлар	
9427	Юқори ташкилотларни сақлаш харажатлари	

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
9429	Бошқа маъмурий харажатлар	
9430	**БОШҚА ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР**	**Т**
9431	Асосий воситаларнинг реализацияси ва турли чиқими бўйича зарарлар	
9432	Бошқа активларнинг реализацияси ва турли чиқими бўйича зарарлар	
9433	Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бўйича харажатлар	
9434	Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар	
9439	Бошқа операцион харажатлар	
9440	**КЕЛГУСИДА СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН БАЗАДАН ЧЕГИРИЛАДИГАН ҲИСОБ ДАВРИ ХАРАЖАТЛАРИ (ХАРАЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)**	**Т**
9450	**ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАР**	**Т**
95	**МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**Т**
9510	Роялти ва капиталнинг трансфертидан олинган даромадлар	
9520	Дивиденд кўринишидаги даромадлар	
9530	Фоиз кўринишидаги даромадлар	
9540	Курс фарқлари (ижобий)дан олинган даромадлар	
9550	Мулкни лизинг шартномаси бўйича ижарага беришдан олинган даромадлар	
9560	Қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар	
9590	Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар	
96	**МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**Т**
9610	Фоиз кўринишидаги харажатлар	
9620	Курс фарқларидан зарарлар	
9630	Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар	
9690	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	
97	**ФАВҚУЛОДДА ФОЙДА (ЗАРАРЛАР) ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**Т**
9710	Фавқулоддаги фойда	
9720	Фавқулоддаги зарар	
98	**СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШИ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ**	**Т**
9810	Даромад (фойда) солиғини тўлаш	
9820	Йиғимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар	
9890	Бошқа ажратмалар	

Счёт-лар №	Счётлар номи	Счёт тури
99	**ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖА**	**Т**
9900	Якуний молиявий натижа	
	БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАР	
001	Ижарага олинган асосий воситалар	З
002	Масъул сақлашга олинган товар-моддий бойликлари	З
003	Қайта ишлаш учун олинган материаллар	З
004	Комиссияга олинган товарлар	З
005	Монтаж учун қабул қилинган ускуна	З
006	Қатъий ҳисобот бланкалари	З
007	Зарарга олиб борилган тўловга лаёқатсиз бўлган дебиторларнинг қарзлари	З
008	Мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминоти — олинган	З
009	Мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминоти — берилган	З
010	Молиявий лизинг шартномаси бўйича берилган асосий воситалар	З
011	Мулк баҳосининг ўсиши (пасайиши) суммаси	З

2-илова
Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЕТЛАР РЕЖАСИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

I қисм. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР

1-бўлим. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР

Бу бўлим счетлари қуйидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган:

корхонанинг ва молиявий лизинг шартномаси асосида олинган меҳнат қуролларининг, қайсиким белгиланган тартибга биноан асосий воситаларга олиб бориладиган, қолдиғи, ҳаракати ва эскириш тўғрисидаги;

мулк шаклига асосан корхонага тегишли номоддий активларнинг қолдиғи, ҳаракати ва эскириши тўғрисида;

мамлакатда ва хорижда тайёрланган ўрнатиладиган ускуналар қолдиғи ва ҳаракати тўғрисида;

қимматбаҳо қоғозларни узоқ муддатга шуъба, қўшма, уюшма корхоналарга ва қарам жамиятларга инвестиция қилиш тўғрисида;

капитал қўйилмаларнинг барча турлари бўйича;

олинган векселларнинг ҳисоби бўйича узоқ муддатли қисми, молиявий лизинг бўйича олинадиган счетлар, муддати узайтирилган даромад солиғи, келгуси давр харажатлари ва бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар.

Ушбу бўлимда ҳисобнинг қуйидаги счетлари бўйича ҳисоб юритиш тартиблари ёритилади.

01 — Асосий воситалар ҳисоби счетлари;

02 — Асосий воситаларнинг эскириш ҳисоби счетлари;

03 — Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби счетлари;

04 — Номоддий активлар ҳисоби счетлари;

05 — Номоддий активлар эскириш ҳисоби счетлари;

06 — Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счетлари;

07 — Ўрнатиладиган ускуналар ҳисоби счетлари;

08 — Капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари;

09 — Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби счетлари.

01 — Асосий воситалар ҳисоби счетлари

Асосий воситалар — моддий активлар бўлиб, узоқ вақт (бир йилдан кўп) мобайнида, моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, номоддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам фойдаланишда бўлиши ёки ижарага беришда ишлатилиши мумкин.

Объектларнинг асосий воситаларга олиб берилиши ва уларнинг таркиби БҲМС 5-сон «Асосий воситалар»* билан белгиланади.

Корхонанинг мулки бўлган эксплуатациядаги, захирадаги, консервация қилинган ёки шартнома асосида жорий лизингга берилган асосий воситалар қолдиғи ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади (жамланади):

0110 «Ер»;

0111 «Ерни ободонлаштириш»;

0112 «Лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш»;

0120 «Бино, иншоотлар ва узатгич мосламалар»;

0130 «Машина ва ускуналар»;

0140 «Мебель ва жиҳозлар»;

0150 «Компьютер ускуналар»;

0160 «Транспорт воситалари»;

0170 «Ишчи ҳайвонлар»;

0171 «Маҳсулдор ҳайвонлар»;

0180 «Кўп йиллик дарахтлар (ўсимликлар)»;

0190 «Бошқа асосий воситалар»;

0199 «Консервациядаги асосий воситалар».

Аналитик ҳисоб асосий воситаларнинг Республика ҳудудидаги ва чет элдаги қолдиғи ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотни таъминлаши лозим.

Асосий воситалар асосий воситалар счетида дастлабки қийматида ҳисобга олиб борилади, қайсики у объектлар бўйича қуйидагича аниқланади:

таъсисчилар томонидан корхонанинг устав капитали (фонди)га уларнинг ҳиссалари — томонларнинг келишуви (шартлашуви) бўйича;

корхонанинг ўзида тайёрланган, ҳамда бошқа корхона ва шахслардан сотиб олинганлари — объектларни қуриш ёки уларнинг сотиб олиш учун кетган ҳақиқий харажатлар, тўпланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар) қўшилиб, ҳамда уларни ташиб келтириш, монтаж қилиш, ўрнатиш ва эксплуатацияга топшириш ва активни ишчи ҳолатга келтириш билан боғлиқ ҳар қандай харажатлар;

бошқа корхона ва шахслардан текин (бепул), ҳамда давлат органларидан субсидия тарзида олинганлар — қабул қилиш — топшириш ҳужжатига асосан ёки кирим қилинган санага бозор баҳосида.

Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати фақат шу объектда қўшимча қурилганда, ускуналанганда, реконструкция қилинганда ёки қисман тугатилганда ҳамда қайта баҳоланганда ўзгариши мумкин. Асосий воситаларни қайта баҳолаш Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорига ва корхона мулк эгаси қарорига асосан бўлади (асосий воситани бошқа корхона устав капиталига (фондига) таъсисчи сифатида қўшганда). Асосий воситаларни қайта баҳолаш суммаси счет 8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»да акс эттирилади.

Асосий воситалар эскириши асосий воситалар эскириш ҳисоби счетлари (02)да ҳисобга олиб борилади.

Корхона устав капиталига таъсисчи (муассис) ҳиссаси тарзида кирим қилинган асосий воситалар 0110-0190 счетлар дебети ва 4610 «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счети кредитида акс эттирилади (ёзилади).

Корхонанинг ўзида тайёрланган, ҳамда пудрат шартномаси бўйича қурилган асосий восита объектлари, асосий воситалар-

ни ҳисобга олиб борувчи тегишли счетлар дебети (01) ва 0810 «Тугалланмаган қурилиш» счетининг кредитига ёзилади.

Таъминотчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахслардан олинган асосий восита объектлари, асосий воситалар ҳисоби счетлари дебети (01) ва 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» счети кредитига ёзилади. Бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган, ҳамда давлат органларидан субсидия тарзида олинган асосий воситалар, асосий воситалар ҳисоби счетлари дебети ва 8523 «Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк» счети кредити билан корреспонденцияланади. Аммо солиқ солиш базаси мақсади учун текинга олинган асосий восита суммаси солиқ тўланадиган базага қўшилади (киритилади).

Асосий восита объектлари чиқарилганда (сотилганда, ҳисобдан чиқарилганда, текинга берилганда ва бошқалар) уларнинг дастлабки қиймати асосий воситалар ҳисобининг тегишли счетларидан ўчирилиб 9210 «Асосий воситалар сотилиши ва турли чиқими» дебетида олиб борилади. Сотилган асосий воситалар учун пул маблағларининг келиб тушиши 9210 «Асосий воситалар сотилиши ва турли чиқими» кредитига ёзилади. 9210 счети дебет ва кредит оборотлари фарқи — натижа 9310 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда» ёки 9431-сонли «Асосий воситаларнинг сотилиш ва турли чиқими бўйича зарарлар» счетига ўтказилади.

Кам чиққан ва бутунлай яроқсиз бўлган асосий воситалар ҳисобдан чиқарилганда ҳам ҳисобнинг худди шундай тартиби қўлланади.

0110 «Ер» счетида амалдаги қонунларга асосан корхонага мулк шаклида берилган ер участкалари ҳисобга олиб борилади. Ерни сотиб олаётганда, унинг қийматидан ташқари, кўпинча қўшимча харажатлар қилишга тўғри келади: кўчмас мулк агентини рағбатлантириш воситачилик ҳақи (комиссион), адвокатлар хизмат ҳақи, сотиб олишдаги солиқлар, ерни дренаж, тозалаш ва текислаш харажатлари. Бундай харажатлар, ер қиймати каби, 0110 «Ер» счетининг дебетига ёзилади.

Ерни тайёрлаш бўйича умумий харажатлар, ерни текислаш, канализация ҳамда геодезия ишлари ҳам 0110 «Ер» счетига қўйилади, чунки бу харажатлар кейинчалик ердан фойдаланиш ва унинг қимматлигини ошириш учун зарурдир.

Ер бино ва иншоотларни қуриш ёки реконструкция қилиш учун сотиб олинганда, мавжуд конструкцияларни ва бошқа тўсиқларни олиб ташлаш учун қилинган харажатлар 0110 «Ер» счети дебетига ёзилади (қўйилади). Бунда мавжуд конструкцияларни тугатишда олинган материалларни сотишдан келган тушум бу харажатларни камайтиришга олиб борилади.

Агарда ер мулк ҳисобида турган бўлсаю, мавжуд конструкциялар янги қурилиш учун олиб ташланаётган бўлса, унинг харажатлари 0110 «Ер» счетига олиб борилмасдан, эски конструкцияларни тугатиш тарзида харажатларга (зарарга) олиб бориб, фойдани камайтиради.

0111 «Ерни ободонлаштириш» счетида ер майдонини такомиллаштириш, кириш йўллари, автомобиль ва бошқа транспорт воситалари парки, тўсиқлар ва бошқа айлантириш харажатлари ҳисоби олиб борилади.

0112 «Лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счетида жорий ва узоқ муддатли лизинг шартномаси бўйича олинган, ижара мулкига қилинган капитал харажатлар ҳисобга олиб борилади.

Ер участкалари, ўрмон ва сув, кўп йиллик дарахтларга қилинган инвентар тавсифдаги капитал қўйилмалар асосий воситалар таркибига ҳар йили қўшилади, барча иш комплексининг тўлиқ бажарилишига қараб ўтирмасдан.

0120 «Бино, иншоотлар ва узатгич мосламалар» счетида ҳисобга олиб борилади:

— ишлаб чиқариш, маъмурий, ижтимоий-маиший, уйжой бинолари (бунда инвентар объекти бўлиб, алоҳида бино ёки қўшимча қурилиш, қайсики, мустақил хўжалик аҳамиятига эга бўлса ҳисобланади). Бино ва қўшимча қурилган бино таркибига нормал эксплуатация қилиш учун зарур бўлган барча коммуникациялар киради (иситиш тизими, ёритиш, вентиляция, сувгазтаъминлаш, ички телефон ва компьютер тармоғи, лифт хўжалиги);

— иншоотларга — автомобиль йўллари, кўприклар, эстакадалар, сув омборлари, нефть ва газ қудуқлари, шахталар ва бошқалар;

— узатгич мосламалар — электр узатиш линиялари, трубопроводлар, иссиқлик ва газ узатиш тармоқлари, трансмиссия ва бошқалар.

0130 «Машина ва ускуналар» счетида ҳисобга олиб борилади:

— куч машина ва ускуналар — атом реакторлари, қозонлар, иссиқлик двигатели, турбиналар, куч трансформаторлар, ички ёниш машиналари ва бошқалар;

— ишчи машина ва ускуналар — станоклар, аппаратлар, агрегатлар, қайсики механик, иссиқлик, химик ёки бошқа тарзда меҳнат предметига технологик таъсир ўтказади;

— ўлчовчи ва тартибга солувчи қурилма ва приборлар, лаборатория ускуналари — тарозилар, дозаторлар, монометрлар, термостатлар, диспетчерлик назорати ускуналари, сигнализациялар, лаборатория илмий-тадқиқот аппаратлари, сейсмик станциялар ва бошқалар;

— бошқа машина ва ускуналар — телефон станцияси ускуналари ва бошқа юқоридаги гуруҳларда ҳисобга олиб борилмайдиганлар.

0140 «Мебель ва жиҳозлар» счетида ишлаб чиқариш ва маъмурий мебель ва жиҳозлар (стол, шкафлар, мебеллар набори, креслолар, сейфлар ва бошқалар) ҳисобга олиб борилади.

0150 «Компьютер ускунаси» счетида компьютерлар, принтерлар, сканерлар, модемлар ва бошқа компьютер ускуналари ҳисобга олиб борилади.

0160 «Транспорт воситалари» счетида темир йўл ҳаракатланувчи таркиби, сув, автомобиль, ҳаво, ишлаб чиқариш ва коммунал транспорти, ҳамда магистрал нефтгаз проводлар ҳисобга олиб борилади.

0170 «Ишчи ҳайвонлар» счетида, ишчи кучи сифатида ишлатиладиган ҳайвонлар — отлар, воллар, туялар, эшаклар ва бошқа ишчи ҳайвонлар (транспорт отлари ва бошқа ҳайвонлар қайсики, от-арава транспорт тарзида ишлатилади).

0171 «Маҳсулдор ҳайвонлар» счетида маҳсулот (бола, сут, жун ва бошқалар) берадиган ҳайвонлар — сигирлар, қўтослар, ҳўкизлар, зотдор байталлар, қўйлар ва бошқалар ҳисобга олиб борилади.

0180 «Кўп йиллик дарахтлар» счетида кўкаламзорлаштириш, декоратив, мевали дарахтлар, ўтказилган дарахт ва жонли изгородлар ҳисобга олиб борилади.

0190 «Бошқа асосий воситалар» счетида юқоридаги счет-

ларда кўрсатилмаган асосий воситалар, мисол учун кутубхона фонди (жамғарма) ҳисобга олиб борилади.

0199 «Консервация қилинган асосий воситалар» счетида ҳукумат қарорларига асосан консервация қилинган ва захирага ўтказилган асосий воситалар ҳисобга олиб борилади.

Асосий воситалар ҳисоби счетлари корреспонденцияси (01)

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Қурилиш тугалланиб, фойдаланишга топширилган объект, асосий восита таркибига кирим қилинганда (инвентар қийматда)	0110-0190	0810	Асосий воситани (АВ) фойдаланишга топшириш далолатномаси, инвентар карточкаси
2	Сотиб олинган асосий восита ҳақиқий таннархда (дастлабки қиймат)	0110-0190	0820	Шартнома, ТТН, счет-фактура АВ қабул қилиш далолатномаси
3	Молиявий лизинг шартномаси муддати тугагандан сўнг, узоқ муддатга ижарага олинган объект асосий восита таркибига кирим қилинди	0110-0190	0310	Лизинг шартномаси, АВ қабул қилиш-топшириш далолатномаси
4	Қурилиш хўжалик ёки пудрат усулида юритилганда АВга қўшиладиган фойдаланишга топширилган вақтинчалик (титулли) бино ва иншоотларнинг ҳақиқий таннархига	0110-0190	0810	Лойиҳа-смета ҳужжатлар, қурилиш тугалланган объектлар қабул қилиш далолатномаси, АВ қабул қилиш-топшириш далолатномаси
5	Муассислар томонидан устав капиталига улуш (пай) тарзида топширилган асосий восита балансга кирим қилинди	0110-0190	4710	Муассислар шартномаси АВ қабул қилиш-топшириш далолатномаси
6	Акция тўлови ҳисобига тушган асосий восита балансга кирим қилинди	0110-0190	4710	Қимматбаҳо қоғозга обуна, АВ қабул қилиш-топшириш далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
7	Текинга олинган асосий восита (даромад солиғи тўланғандан кейин асосий воситани резерв капитал таркибига қўшиш)	0110-0190	8523	АВ текин бериш тўғрисида қарор ёки буйруқ. АВ қабул қилиш-топшириш далолатномаси
8	Асосий восита таркибига кирим: а) ишчи ҳайвонни б) маҳсулдор ҳайвонни	 0170 0171	 0840 0840	Ишчи ёки маҳсулдор ҳайвонлар таркибига ўтказиш далолатномаси
9	Қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, модернизациялаш, реконструкция ва бошқа сифатни яхшилаш буйича ишлар натижасида, асосий воситалар дастлабки қийматининг кўпайиши	0110-0190	0890	Лойиҳа-смета ҳужжатлари, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
10	Ерни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий воситалар таркибига қўшиш	0111	0810	Лойиҳа-смета ҳужжатлари, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
11	Жорий ижарага олинган асосий воситага ижарачи томонидан қилинган капитал қўйилмага асосий воситанинг қийматини кўпайтириш	0111-0190	8531	Жорий лизинг шартномаси, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
12	Аукционда олинган, хусусийлаштирилган корхона асосий восита объектларини ҳисобга олиш	0110-0190	8511-8513	Олди-сотди шартномаси, счет-фактура, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
13	Ҳукумат қарорига асосан қайта баҳоланган асосий восита суммасига	0110-0190	8531	Қайта баҳолаш тўғрисида ҳукумат қарори, қайта баҳолаш ҳисоблари
14	Шуъба ва бошқа корхоналар устав капиталига улуш сифатида берилган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш	9210	0110-0190	Муассислар шартномаси, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
15	Асосий воситани тўлиқ жисмоний эскириши (ёки маънавий), реконструкция, ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартириш, табиий офат ёки бошқа экстремал ҳолатлар натижасида тугатиш	9210	0110-0190	АВ ни тугатиш далолатномаси, табиий офат тўғрисида махсус комиссия хулосаси
16	Асосий воситанинг сотилиши натижасида ҳисобдан чиқариш	9210	0110-0190	Олди-сотди шартномаси, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
17	Ўз бўлинмаларидан асосий воситани кирим қилиш	0110-0190	6110	АВ ни қабул қилиш-топшириш шартномаси, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
18	Ўз бўлинмасига берилган асосий воситалар	4110	0110-0190	АВ ни қабул қилиш-топшириш шартномаси, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
19	Асосий воситанинг камомади ва бузилганлиги сабабли ҳисобдан чиқарилиши	9210	0110-0190	АВ инвентаризация далолатномаси, таққослаш қайдномаси
20	Молиявий лизинг шартномасига асосан берилган асосий воситани ҳисобдан чиқариш	9210	0110-0190	Лизинг шартномаси, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
21	Банкрот деб эълон қилинганлиги сабабли, ҳамда амалдаги қонуний ҳужжатларга асосан тугатилаётган корхоналар асосий воситалари сотилганда	9210	0110-0190	Банкротлик хулосаси, олди-сотди шартномаси, счет-фактура
22	Хусусийлаштирилганда, қўшилаётганда, ажратилаётганда, қайта ташкил қилинаётганда, янги ташкил қилинаётган корхонага асосий воситани бериш	9210	0110-0190	Давлат корхонасининг баланси, янги корхонанинг кириш баланси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
23	Текинга (бепул) берилган асосий воситани ҳисобдан чиқариш	9210	0110-0190	Буйруқ, бепул бериш шартномаси АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
24	Ҳукумат қарорига асосан қайта баҳоланган асосий воситалар	8531	0110-0190	Нархни пасайтириш тўғрисида қарор

02 — Асосий воситалар эскириши ҳисоби счетлари

Корхонанинг мулкидаги ёки молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

0211 «Ерни ободонлаштиришнинг эскириши»;

0212 «Лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскиргани»;

0220 «Бино, иншоот ва узатгич мосламаларнинг эскириши»;

0230 «Машина ва ускуналарнинг эскириши»;

0240 «Мебель ва жиҳозларнинг эскириши»;

0250 «Компьютер ускунаси ва ҳисоблаш техникасининг эскириши»;

0260 «Транспорт воситаларининг эскириши»;

0270 «Ишчи ҳайвонларнинг эскириши»;

0280 «Кўп йиллик ўсимликларнинг (дарахтлар) эскириши»;

0290 «Бошқа асосий воситалар эскириши»;

0299 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши».

Ҳисобга олиб бориладиган асосий воситаларнинг эскириши ҳар ойда амалдаги қонунларда белгиланган амортизация ажратмалари меъёри ва қабул қилинган эскириш ҳисоблаш усулига қараб аниқланади. Эскириш қуйидаги усуллар асосида ҳисобланиши мумкин:

— бир маромли (тўғри чизиқли) усул;

— ишлаб чиқариш усули;

асосий воситалардан интенсив фойдаланганда:

— қолдиқнинг камайиш усули;

— йиллар йиғиндиси (суммаси) усули (кумулятив усул).

Қуйидаги асосий воситалар бўйича амортизация ҳисобланмайди:

— маҳсулдор ҳайвонларга;

— кутубхона фондига;

— ҳокимлик қарамоғидаги шаҳарни ободонлаштириш иншоотлари ва умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларига;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан консервацияга ўтказилган фондларга;

— тўлиқ амортизация бўлган асосий воситаларга.

0211-0290 счетларида корхона мулкий ҳуқуқида бўлган асосий воситаларнинг эскириши ҳисобга олиб борилади.

0299 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши» счетида узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар эскириши, худди шахсий (ўзининг) асосий воситалари эскириши каби ҳисобга олиб борилади.

Асосий воситаларнинг ҳисобланган эскириш суммалари асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиб борувчи тегишли счетлар (02) кредитига олиб борилиб, ишлаб чиқариш харажатлари (муомала харажатлари), давр харажатлари ва капитал қўйилмалар счетлари билан корреспонденцияланади. БҲМС 5-сон «Асосий воситалар»га* асосан асосий воситаларга эскириш (амортизация) ҳисобланганда, уларнинг тугатиш қиймати ва объектнинг ўрнини қоплаш суммасини ҳисоблаш лозим, чунки амортизация қиймати — дастлабки қийматдан мўлжалланган тугатиш қийматини айиришдир. Бунда тугатиш қиймати — фойдали хизмат муддати охирида, асосий воситани тугатиш пайтидаги тугатиш харажатлари чиқариб ташлангандан кейинги қийматдир.

Жорий ижарага берилган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммасини ижарага берган корхона асосий воситалар эскириши ҳисобининг тегишли счетлари (02) кредити 9439 «Бошқа операцион харажатлар» счети дебетига олиб боради.

Корхонанинг ҳуқуқий мулки бўлган асосий воситалар тугатилганда (сотилганда, ҳисобдан чиқарилганда, бошқа корхоналар устав капиталига қўшилганда, бепул берилганда ва бошқалар), уларга ҳисобланган эскириш суммаси асосий воситалари эскириши ҳисоби тегишли счетлари (02) дебетидан 9210 «Асосий воситалар сотилиши ва турли чиқими» счети кредитланади.

(02) Асосий воситалар эскириш ҳисоби счетларининг корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Асосий ишлаб чиқаришда фойдаланаётган ўзининг асосий воситалар буйича ҳар ойда ҳисобланадиган эскириш (амортизация) суммасига	2010	0211-0299	Эскириш ҳисоби
2	Ёрдамчи ва умум хўжалик ишлаб чиқаришдаги ўзининг асосий воситаларнинг ҳар ойда ҳисобланадиган эскириш (амортизация) суммасига	2310 2320	0211-0299	Эскириш ҳисоби
3	Нокапитал ишларда фойдаланадиган асосий воситалар эскириш (амортизация) ҳар ойда ҳисобланганда	2710-2790	0211-0299	Эскириш ҳисоби
4	Умум ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланаётган асосий воситага эскириш (амортизация) ҳар ойда ҳисобланганда	2510	0211-0299	Эскириш ҳисоби
5	Савдо ташкилотларида фойдаланаётган асосий воситаларга эскириш (амортизация) ҳар ойда ҳисобланганда	9419	0211-0299	Эскириш ҳисоби
6	Умум маъмурий асосий воситаларга эскириш (амортизация) ҳар ойда ҳисобланганда	9423	0211-0299	Эскириш ҳисоби
7	Ҳар ойда фойдаланишдаги асосий воситаларга эскириш (амортизация) ҳисобланганда: а) янги турдаги бюмларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган, ишга тушириш ишларида; б) серияли ва оммавий ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган, янги технологик жараёнларни ўзлаштиришда хизмат кўрсатувчи; в) қазиб олувчи тармоқларда тайёргарлик ишларида	9440	0211-0299	Эскириш ҳисоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
8	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш соҳасида фойдаланаётган асосий воситаларга ҳар ойда эскириш (амортизация) ҳисобланганда	9450	0211-0299	Эскириш ҳисоби
9	Ишчи ҳайвонга эскириш ҳисобланганда	2010	0270	Эскириш ҳисоби
10	Кўп йиллик дарахтларнинг фойдаланиш муддати камайтирилгани сабабли эскириш (амортизация) ҳисобланганда	2010	0280	Эскириш ҳисоби
11	Жорий (қисқа муддатга) ижарага берилган асосий воситага эскириш (амортизация) ҳисобланганда	9439	0220-0291	Эскириш ҳисоби
12	Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий восита эскиришни, лизинг шартномаси шартлари ёки томонларнинг келишувлари асосида ижарага асосий воситалари таркибига ўтганлиги сабабли суммани ўтказиш	0299	0211-0290	Молиявий лизинг шартномаси сотиб олиш тўғрисида келишув эскириш ҳисоби
13	Молиявий лизинг муддати тугаши сабабли ижарага берувчига қайтарилган асосий воситалар ҳақиқий эскиришни ҳисобдан чиқариш	0299	0310	Молиявий лизинг шартномаси, қайтариш тўғрисида келишув
14	Эскириш суммасини индексация қилиш: а) нархни кўтариш сабабли; б) нархни камайтириш сабабли	 8531 0211-0290	 0211-0290 8531	Ҳукумат қарори, эскиришнинг қайта ҳисобланиши

0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

Корхонага узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар қолдиғи ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетда умумлаштирилади:

0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар».

Бу счет ижарачи-корхона (лизинг олувчи)да ишлатилади. Корхона жорий (қисқа муддатли) ижара шартномаси бўйича олган асосий воситалар ҳисоби балансдан ташқари 001 «Ижарага олинган асосий воситалар» счетида ҳисобга олиб борилади.

Лизинг ҳисоби БҲМС 6-сон «Лизинг ҳисоби»* асосида олиб борилади. Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларга лизинг шартномасига мувофиқ лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига вақтинчалик фойдаланиш учун берилган кўчар ва кўчмас мулк киради. Лизинг шартномаси муддати тугагандан кейин, объект шартномада кўрсатилган сотиб олиш нархи тўлиқ тўланганда, агарда шартномада бошқача келишилган бўлмаса, ижарачи мулкига ўтиши мумкин.

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий восита 0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счетида лизинг берувчи ва лизинг олувчилар келишган баҳоларда ҳисобга олиб борилади.

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар эскириши 0299 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши» номли счетда ҳисобга олиб борилади. Лизингга олинган объектга ҳисобланадиган эскириш сиёсати хусусий асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш сиёсатига мос (мувофиқ) бўлиши керак.

Амортизация ажратмалари БҲМС 5-сон «Асосий воситалар»га* асосан ҳисобланиши лозим. Лизинг контракти муддати тугагандан кейин, лизинг олувчи активни мулки қилиб олишига ишонч бўлмаса, актив энг қисқа муддатли амортизация билан: лизинг контракти муддати давомида ёки активнинг хизмат муддатида, қайси бири қисқа бўлса (БҲМС 5-сон, 29 пункт) тўлиқ эскириш ҳисобланган бўлиши лозим.

Молиявий лизинг шарти билан корхонага қабул қилинган асосий восита 0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счети дебети, 6810 «Тўланадиган лизинг» жорий қисми ва 7630 «Тўланадиган лизинг — узоқ муддатли қисми» кредитига ёзилади.

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий восита учун тўловларни лизинг берувчига тўлаганда 6810 «Тўланадиган лизинг» дебет ва пул маблағларини ҳисобга олиб борувчи счетлар кредитланади. Молиявий лизинг шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммасига:

— лизинг олувчида: дебет 9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар» кредит 6810 «Тўланадиган лизинг» ёзуви бўлади;

— лизинг берувчида эса: дебет счет 4810 «Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар», Кредит счет 9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар» ёзуви бўлади.

Ижарага олинган асосий восита молиявий лизинг шартномаси (ёки лизинг берувчи ва лизинг олувчилар тузган қўшимча келишув)га биноан лизинг олувчи мулкига ўтганда ҳисобда асосий воситалар ҳисобининг (01) тегишли счети дебет ва кредит 0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» бўлади. Бир вақтнинг ўзида бу объект бўйича эскириш суммаси 0299 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши» счетидан асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиб борувчи 0211-0290 счетларига ўтказилади.

Агарда молиявий лизинг шартномаси тугагандан кейин объект асосий воситаси лизинг берувчига қайтарилса, ҳисобда дебет счет 0299 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши», кредит счет 0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар». Агарда ижарага олинган асосий восита лизинг берувчига молиявий лизинг шартномаси тугамасдан лизинг берувчига қайтарилса, ҳисобда кредит 0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ва дебет 0299 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши» (ҳисобланган эскириш суммасига), ҳамда дебет счет 6810 «Тўланадиган лизинг (жорий қисми), 7630 «Тўланадиган лизинг — узоқ муддатли қисми» (объектни фойдалангани учун ижарага берувчига тўланмаган суммага) ёзувлари бўлади.

0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счетининг аналитик ҳисоби турлари ва асосий воситалар ҳар бирининг инвентар объекти бўйича олиб борилади.

(03) Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Молиявий лизинг шартномаси бўйича асосий воситанинг қабул қилиниши	0310	6810 ва 7630	Молиявий лизинг шартномаси, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
2	Молиявий лизинг ҳар ойда узоқ муддатли қисмидан жорий мажбуриятларга ўтказиш	7630	6810	Молиявий лизинг шартномаси лизинг тўлови ҳисоби
3	Молиявий лизинг бўйича олинган асосий воситаларнинг устав капиталига қўшилган ҳиссасига қийматининг кўпайиши	0310	8511-8513	Таъсис шартномаси, лизинг шартномаси, қийматини кўпайтириш тўғрисида келишув
4	Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий восита объектларини ўз асосий воситалар таркибига ўтказиш. Бир вақтда эскиришини ўтказиш	0110-0190 0299	0310 0211-0290	Молиявий лизинг шартномаси, сотиб олиш тўғрисида келишув
5	Молиявий лизинг шартномаси тугамасдан лизинг берувчига объектни ҳисобланган эскириш суммасида қайтариш	0299	0310	Молиявий лизинг шартномаси, қайтариш тўғрисида келишув, АВ ни қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома
6	Молиявий лизинг шартномаси тугамасдан лизинг берувчига объектни лизинг шартномаси бўйича тўланмаган суммага қайтариш: жорий қисмига узоқ муддатли қисмига	 6810 7630	 0310 0310	Молиявий лизинг шартномаси, қайтариш тўғрисида келишув, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси

04 — Номоддий активлар ҳисоби счетлари

Корхонанинг мулк ҳуқуқидаги номоддий активлар қолдиғи ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

0410 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау»;

0420 «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари»;

0430 «Дастурий таъминот»;

0440 «Гудвилл»;

0450 «Ташкилий харажатлар»;

0460 «Франшизалар»;

0470 «Муаллифлик ҳуқуқлари»;

0480 «Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари»;

0490 «Бошқа номоддий активлар».

Номоддий активларни олиб бориш ва уларнинг таркиби қонунчилик бўйича ва БҲМС 7-сон «Номоддий активлар»ига* асосан тартибга солинади.

Номоддий активлар — хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолиятида ёки бошқаришда фойдаланишда бўлган, лекин моддий-буюм мазмунига эга бўлмаган объектдир.

Номоддий активлар номоддий активлари ҳисоби счетларида объектлар бўйича қуйидагича аниқланадиган дастлабки баҳосида ҳисобга олиб борилади:

корхонанинг устав капиталига муассислар томонидан умумтарзда қўшилганда — томонларнинг келишувига биноан;

бошқа корхона ва шахслардан сотиб олинганда — сотиб олиш ва объектни тайёр ҳолга келтириш бўйича бўлган ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб;

бошқа корхона ва шахслардан бепул олинганлари — эксперт асосида;

ўз корхонасида илмий-тадқиқот ишлар натижасида олинганлари — ҳақиқий таннархда.

Корхонанинг устав капиталига муассислар томонидан улуш тарзида топширган номоддий активлар дебет счетлар 0410-0490 ва кредит счет 4710 «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» ёзуви билан кирим қилинади.

Бошқа корхоналар ва шахслардан сотиб олинган номоддий активлар дебет счетлар 0410-0490 ва кредит счет 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» ёзуви билан кирим қилинади.

Бошқа корхона ва шахслардан бепул, ҳамда давлат органларидан субсидия тарзида олинган номоддий активлар киримига дебет счетлар 0410-0490 ва 8523 «Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк» корреспонденцияси тузилади.

Номоддий актив хўжалик юритувчи субъектнинг ўзида тайёрланган ва уни тузиш учун кетган харажатлар суммасини аниқ аниқлаш имконияти бўлганда, номоддий актив ҳақиқий таннарх билан кирим қилинади. Агарда унинг ҳақиқий таннархини аниқлаб бўлмаса, номоддий актив алоҳида моддада актив қилиб кўрсатилади, чунки харажатлар ИИХ илмий ишлар харажатлари) ёки НИОКР таркибига олиб борилади.

Корхонани сотиб олганда (сотганда) уни сотиб олиш баҳоси ва активларнинг ҳақиқий баланс баҳолари тарзида Гудвилл (фирма баҳоси) пайдо бўлади. Гудвилл актив тарзида фақатгина корхона сотиб олинганда дебет счет 0440 «Гудвилл» ва кредит счетлар 6890 «Бошқа мажбуриятлар» ёки 7410 «Бошқа шахсларга узоқ муддатли қарзлар» ёзуви билан кирим қилинади.

Номоддий активлар эскириши (амортизацияси) 0510-0590 «Номоддий активлар эскириши ҳисоби счетлари кредитида олиб борилади.

Номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилишида (сотиш, бепул бериш ва бошқалар) уларнинг дастлабки қиймати номоддий активлар ҳисоби тегишли счетлари кредитидан дебет счет 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» ёзилади. Номоддий активларни ташқарига (четга — юридик ва жисмоний шахсларга) сотганда сотишдан тушган тушум кредит 9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда», 4890 «Бошқа шахслар қарзлари — жорий қисми» ва 0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар» счетлари билан корреспонденцияланади.

(04) Номоддий активлар ҳисоби счетларининг корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Сотиб олинган номоддий активни дастлабки қиймати (ҳақиқий таннархи) билан кирим қилиш	0410-0490	0830	Олди-сотди шартномаси, номоддий активларни қабул қилиш топшириш далолатномаси
2	Корхонанинг ўзида тайёрланган номоддий активни ҳақиқий таннархи билан балансга кирим қилиш	0410-0490	0830	Илмий-тадқиқот ишлар дастури, лойиҳа-смета ҳужжатлар, номоддий активларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
3	Устав капиталига бадал ёки акцияга обуна тўлови тарзида олинган номоддий активни балансга кирим қилиш	0410-0490	4710	Муассислар шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
4	Бепул, ҳамда давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан субсидия тарзида берилган номоддий активларни эксперт баҳосида балансга кирим қилиш	0410-0490	8523	Бепул бериш тўғрисида шартнома, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
5	Сотилганлиги, ҳисобдан чиқарилганлиги бепул берилганлиги ва шу кабилар бўйича номоддий активларни дастлабки қийматида тугатиш (ҳисобдан чиқариш)	9220	0410-0490	Олди-сотди шартномаси, счет-фактура, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
6	Олинган акциялар (муддати бир йилдан кўп) тўловлари учун берилган номоддий активларни ҳисобдан чиқариш	9220	0410-0490	Акцияга обуна, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
	Бир вақтда:			
	— эскиришни ҳисобдан чиқариш;	0510-0590	9220	
	— узоқ муддатли инвестицияни акс эттириш	0610	9220	

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
7	Шуъба корхоналарга (муддати бир йилдан кўп) пай бадали тариқасида берилган номоддий активни ҳисобдан чиқариш	9220	0410-0490	Низом, муассислар шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
	Бир вақтда:			
	— эскиришни ҳисобдан чиқариш;	0510-0590	9220	
	— узоқ муддатли инвестицияни акс эттириш	0620	9220	
8	Қўшма корхонага (муддати бир йилдан кўп) пай бадали тариқасида берилган номоддий активни ҳисобдан чиқариш	9220	0410-0490	Қўшма фаолият тўғрисида шартнома, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
	Бир вақтда:			
	— эскиришни ҳисобдан чиқариш;	0510-0590	9220	
	— узоқ муддатли инвестицияни акс эттириш	0630	9220	
9	Уюшган корхонага (муддати бир йилдан кўп) пай бадали тариқасида берилган номоддий активни ҳисобдан чиқариш	9220	0410-0490	Уюшган фаолият тўғрисида шартнома, НА қабул қилиш-топшириш далолатномаси, муассислар шартномаси
	Бир вақтда:			
	— эскиришни ҳисобдан чиқариш;	0510-0590	9220	
	— узоқ муддатли инвестицияни акс эттириш	0640	9220	
10	Қарам корхонага (муддати бир йилдан кўп) пай бадали тариқасида берилган номоддий активни ҳисобдан чиқариш	9220	0410-0490	Қўшма фаолият юритиш тўғрисида шартнома, НА қабул қилиш-топшириш далолатномаси, муассислар шартномаси
	Бир вақтда:			
	— эскиришни ҳисобдан чиқариш;	0510-0590	9220	
	— узоқ муддатли инвестицияни акс эттириш	0650	9220	
11	Сотиб олинган қимматбаҳо қоғоз (муддати бир йилдан кўп) тўлови учун берилган номоддий активни ҳисобдан чиқариш	9220	0410-0490	Қимматбаҳо қоғозга обуна, НА ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
	Бир вақтда:			
	— эскиришни ҳисобдан чиқариш;	0510-0590	9220	
	— узоқ муддатли инвестицияни акс эттириш	5810	9220	

05 — Номоддий активлар эскириши ҳисоби счетлари

Мулк ҳуқуқи тарзида корхонага тегишли номоддий активлар объектлари бўйича амортизациянинг тўпланиши маълумотлари қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

0510 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хауларнинг эскириши»;

0520 «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг эскириши»;

0530 «Дастурий таъминотнинг эскириши»;

0540 «Гудвиллнинг эскириши»;

0550 «Ташкилий харажатларнинг эскириши»;

0560 «Франшизаларнинг эскириши»;

0570 «Муаллифлик ҳуқуқларининг эскириши»;

0580 «Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг эскириши»;

0590 «Бошқа номоддий активларнинг эскириши».

Номоддий активлар эскириш миқдори ҳар ойда, уларнинг амортизация қиймати ва фойдали фойдаланиш муддати (лекин корхона фаолияти муддатидан кўп эмас) асосида ҳисобланган меъёрлар (норма) бўйича ҳисобланади. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар эскириш меъёри 5 йил ҳисобидан (лекин корхона фаолияти муддатидан кўп эмас) белгиланади.

Амортизацияланадиган қиймат активнинг фойдали фойдаланиш даврига тўлиқ тақсимланади. БҲМС 7-сон «Номоддий активлар»га* асосан амортизация қуйидаги усуллар билан ҳисобланиши мумкин:

— тўғри чизиқли ёки бир маромли усул;

— бажарилган ишлар миқдорига (бирлигига) нисбатан амортизацияни ҳисоблаш усули;

— камайиб борувчи қолдиқ усули.

Ҳар бир ҳисобот даври охирида номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатини қайта кўриб чиқиш зарур. Агарда келажакда дастлабки баҳолашдан жиддий фарқ қилса, унда жорий ва келгуси давр амортизация суммаларини кўпайтириш ёки камайтириш лозим бўлади.

Номоддий активларга ҳисобланган эскириш ишлаб чиқариш харажатлари (муомала харажатлари, маъмурий харажат-

лар, капитал қўйилмалар) счетнинг дебети ва кредит 0510-0590 счетларга ёзилади.

Номоддий активлар ҳисобдан чиқарилганда (сотилганда, ҳисобдан чиқарилганда, бепул берилганда ва шу кабилар) уларга ҳисобланган эскириш дебет счетлар 0510-0590 дан 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счетининг кредитига ёзилади.

0510-0590 счетлари бўйича аналитик ҳисоб номоддий активлар турлари ва алоҳида объектлари бўйича олиб борилади.

(05) Номоддий активлар эскириши ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Асосий ишлаб чиқаришда фойдаланишда бўлган номоддий актив объектларига амортизация ҳисобланди	2010	0510-0590	Номоддий активлар эскириш ҳисоби
2	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланишда бўлган номоддий актив объектларига амортизация ҳисобланди	2310	0510-0590	Номоддий активлар эскириш ҳисоби
3	Умумхўжалик ишлаб чиқаришда фойдаланишда бўлган номоддий актив объектларига амортизация ҳисобланди	2320	0510-0590	Номоддий активлар эскириш ҳисоби
4	Умум ишлаб чиқаришда фойдаланишда бўлган номоддий актив объектларига амортизация ҳисобланди	2510	0510-0590	Номоддий активлар эскириш ҳисоби
5	Савдо ташкилотларида фойдаланишда бўлган номоддий актив объектларига амортизация ҳисобланди	9419	0510-0590	Номоддий активлар эскириш ҳисоби
6	Маъмурий мақсадларда фойдаланишда бўлган номоддий актив объектларига амортизация ҳисобланди	9426	0510-0590	Номоддий активлар эскириш ҳисоби
7	Номоддий активлар объектларига амортизация ҳисоблаш, фойдаланишдаги:	9440	0510-0590	Номоддий активлар эскириш ҳисоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
	а) янги турдаги буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишга тушириш ишларида; б) серияли ва оммабоп ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, янги технологик жараёнларни ўзлаштиришда хизмат кўрсатган; в) қазиб олувчи тармоқларда тайёргарлик ишларида.			
8	Капитал қўйилмаларда фойдаланишда бўлган номоддий активлар объектларига амортизация ҳисобланди	0810-0890	0510-0590	Номоддий активлар эскириш ҳисоби
9	Номоддий актив объектлари тугатилганда (сотиш, ҳисобдан чиқариш, бепул бериш) тўпланган амортизация суммасини ҳисобдан чиқариш	0510-0590	9220	Олди-сотди шартномаси, счет-фактура, номоддий актив қабул қилиш-топшириш далолатномаси
10	Номоддий активга жорий йилда кўп ҳисобланган амортизацияни тўғрилаш	0510-0590	9390	Номоддий активлар эскириш ҳисоби
11	Номоддий активга жорий йилда амортизация суммаси кам ҳисобланганда тўлдириш	Харажатлар счетлари	0510-0590	Номоддий активлар эскириш ҳисоби

06 — Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счетлари

Мамлакат ҳудудида ва чет элда ташкил қилинган шуъба, қўшма, уюшган корхоналар, қарам жамиятлар устав капиталига (фондига) бошқа корхоналар қимматбаҳо қоғозларига узоқ муддатли қўйилмалар (инвестициялар) қолдиғи ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетларда умумлаштиради:

0610 «Қимматбаҳо қоғозлар»;

0620 «Шуъба корхоналарга инвестициялар»;

0630 «Қўшма корхоналарга инвестициялар»;

0640 «Уюшган корхоналарга инвестициялар»;

0650 «Қарам жамиятларга инвестициялар»;

0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар».

Активларни инвестицияларга олиб бориш ва уларнинг турлари БҲМС 12-сон «Молиявий инвестициялар ҳисоби»*, 8-сон «Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига киритилган инвестициялар ҳисоби»* ва 14-сон «Қўшма фаолиятда қатнашиш ҳиссаларининг молиявий ҳисоботда акс эттирилиши»* билан тартибга солинади.

Молиявий инвестиция — хўжалик юритувчи субъект ихтиёридаги актив бўлиб, фоиз, дивиденд, роялти ёки ижара ҳақи олишга инвестиция қилинадиган капитал қийматини кўпайтиради ёки инвестиция қилаётган томонга бошқа даромад (фойда) келтиради.

Узоқ муддатли инвестиция — бу 12 ойдан кўпроқ муддатга қилинган инвестициядир.

0610 «Қимматбаҳо қоғозлар» счетида давлат ва маҳаллий заём облигацияларига, акциядорлик жамиятларининг акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларига (опционлар, фьючерслар, депозит сертификатлари ва шу кабиларга) узоқ муддатли қўйилмалар (инвестиция) қолдиғи ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади.

0630 «Шуъба корхоналарга инвестициялар», 0640 «Қўшма корхоналарга инвестициялар», 0650 «Уюшган корхоналарга инвестициялар», 0660 «Қарам жамиятларга инвестициялар» счетларида тегишли равишда шуъба, қўшма, уюшган, қарам корхоналарга узоқ муддатли қўйилмалар қолдиғи ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади.

0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счетида давлат корхонасига ёки хайрия жамғармаси, экология жамиятларига келажакда молиявий даромад олиш учун узоқ муддатга қўйилган инвестициялар ҳисобга олиб борилади.

Акция, облигация ва шу каби қимматбаҳо қоғозлар 0610 «Қимматбаҳо қоғозлар» счетининг дебетида сотиб олиш қийматида ва бу қўйилмалар учун берилган бойликлар счети кредитида ҳисобга олинади. Масалан, корхона бошқа корхонадан сотиб олган қимматбаҳо қоғозлари дебет бўйича счет 0610 «Қимматбаҳо қоғозлар» ва кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счети», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетлари», 5220 «Хориждаги

валюта счетлари» 9210 «Асосий воситалар сотилиши ва турли чиқими», 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» материал ва бошқа бойликлар (қимматбаҳо қоғозлар моддий ва бошқа бойликлар билан сотувчи корхона мулкига ўтказилганда ёки фойдаланишга берилганда). Корхонадан ўтказилган, лекин корхона ҳуқуқини тасдиқловчи (акция, облигация корхона ва бошқалар) ҳужжатларини ҳисобот давригача олинмаган узоқ муддатли қўйилмалар 0610 «Қимматбаҳо қоғозлар» счетида алоҳида ҳисобга олиб борилади.

Агарда корхона сотиб олган акция, облигация ва шу каби қимматбаҳо қоғозларнинг сотиб олиш баҳоси уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, уларга тегишли даромадларни ҳар сафар ҳисоблаганда сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқнинг бир қисмини ҳам ҳисобдан чиқариш лозим. Бунда дебет счетлар 4820 «Олинадиган фоизлар» ёки 4830 «Олинадиган дивидендлар» (қимматбаҳо қоғозлар бўйича олинадиган даромадлар суммасига) ва кредит счет 0610 «Қимматбаҳо қоғозлар» (сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқнинг бир қисмига); кредит эса 9520 «Дивиденд кўринишдаги даромадлар» ёки 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» (4820 «Олинадиган фоизлар» ёки 4830 «Олинадиган дивидендлар» счетларига олиб борилган суммалар фарқига).

Агарда корхона сотиб олган облигация ва бошқа шу каби қимматбаҳо қоғозларнинг сотиб олиш баҳоси уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, уларга тегишли бўлган даромадларни ҳар сафар ҳисоблаганда, сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқнинг бир қисмини қўшиб бориш лозим. Бунда дебет счет 4820 «Олинадиган фоизлар» ёки 4830 «Олинадиган дивидендлар» (қимматбаҳо қоғозлар бўйича олинадиган даромадлар суммасига) ва дебет счет 0610 «Қимматбаҳо қоғозлар» (сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқнинг бир қисмига) кредит счетлар 9520 «Дивиденд кўринишидаги даромадлар» ёки 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» (4820 «Олинадиган фоизлар» ёки 4830 «Олинадиган дивидендлар» счетларига олиб борилган умумий суммасига).

Юқоридаги икки ҳолда ҳам:

қимматбаҳо қоғозлар даромадларнинг корхонага тегишли қисмини ҳисобдан чиқаришда (қўшиб боришда)ги сотиб олиш

ва номинал қиймат фарқи қисми, қимматбаҳо қоғозлар даромадларини тўлашнинг белгиланган даврлари ва умумий фарқ суммасидан аниқланади;

қимматбаҳо қоғозларнинг 0610 «Қимматбаҳо қоғозлар» счетидаги номинал қийматига тенг бўлиши лозим.

Узоқ муддатли инвестицияларнинг сотилиши ва тўланиши дебет счет 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» ва кредит узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиб борувчи тегишли счетларда акс эттирилади.

0610-0690 счетларини молиявий қўйилмалар турлари ва объектлари, қайсики бу қўйилмалар амалга оширилган (қимматбаҳо қоғозлар сотувчи корхоналар, шуъба, қўшма, уюшган корхоналар, қарам жамиятлар ва бошқа корхоналар, қайсики корхона қатнашчидир). Аналитик ҳисоб мамлакат ичидаги ва чет элдаги узоқ муддатли молиявий қўйилмалар тўғрисидаги маълумотлар олишни таъминлаши зарур.

(06) Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Қимматбаҳо қоғозларни сотувчи корхонага асосий воситаларни мулк қилиб бериш билан олиш	0610 (9210	9210 0110-0190)	Қимматбаҳо қоғозга обуна, счет-фактура, АВни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
2	Қимматбаҳо қоғозларни сотувчи корхонага бошқа активларни мулк қилиб бериш билан олиш (номоддий ва жорий моддий активлар, шу жумладан ярим тайёр маҳсулотлар, ишлаб чиқариш хизматлар ва шу кабилар)	0610 9220	9220 номоддий ва жорий моддий активлар счетлари	Қимматбаҳо қоғозга обуна, счет-фактура АВни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, чиқим накладнойи
3	Қимматбаҳо қоғозларни сотувчи корхонага монтаж талаб бўлган ускунани мулк қилиб бериш билан олиш	0610 (9210	9210 0710-0720)	Қимматбаҳо қоғозларга обуна, счет-фактура, ускунани қабул қилиш-топшириш далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
4	Қимматбаҳо қоғозлар узоқ муддатли инвестиция тарзида бепул олинганда	0610	8523	Узоқ муддатли инвестициялар тўғрисида шартнома
5	Бошқа корхоналардан олинган қимматбаҳо қоғозлар	0610	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар	Қимматбаҳо қоғозга обуна-си, қимматбаҳо қоғозларга мулк ҳуқуқини бериш шаҳодатномаси
6	Тўлови кечиктирилган хусусийлаштирилган корхонани олганлиги бўйича кредитор қарзлар	0610	6850 ёки 6930	Олди-сотди шартномаси, кредит шартномаси
7	Муваффақиятли аукциондан (конкурсдан) кейин гаров суммаси ҳисобланди	0610	9590	Аукционда қатнашиш шартномаси, гаров тўғрисида счет-фактура
8	Муддати узайтирилганлиги сабабли қисқа муддатли молиявий қўйилмалар узоқ муддатли инвестицияга ўтказиш	0610	5810-5890	Инвестиция муддатини узайтириш тўғрисида қарор
9	Муассислар томонидан корхона устав капиталига улуш тарзида қўшилган қимматбаҳо қоғозлар қиймати акс эттирилди	0610	4710	Низом (устав), муассислар шартномаси
10	Акция тўлови (янги ташкил этилаётган акционер жамиятнинг устав капиталини тузишда) бўйича қабул қилинган қимматбаҳо қоғозлар қиймати акс эттирилди	0610	4710	Низом (устав), муассислар шартномаси
11	Монтаж талаб қиладиган ускунани бошқа корхонага бериш билан узоқ муддатли инвестиция тарзида олинган қимматбаҳо қоғозларни қабул қилиш	0610 9210	9210 0710-0720	Қимматбаҳо қоғозга обуна, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
12	Корхона қимматбаҳо қоғозлар ҳуқуқи унга ўтганлиги тўғрисидаги шаҳодатномани олди	0610	6890, 7410	Шаҳодатнома, қимматбаҳо қоғозларга обуна

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
13	Қимматбаҳо қоғозни сотиб олиш ва номинал қиймати (номинал қиймати сотиб олиш баҳосидан юқори) ўртасидаги фарқ акс эттирилди (қўшиб ҳисобланди)	0610	9560	Шаҳодатнома, қимматбаҳо қоғозларга обуна, счет-фактура
14	Чет эл валютасидаги узоқ муддатли инвестиция операцияларининг курсидаги ўзгаришлар йил давомида акс эттирилди: — йиғилган ўзгариш ижобий салбий — тўғридан-тўғри молиявий натижаларга олиб борилганда: ижобий салбий	 0610 9620 0610 9620	 9560 0610 9560 0610	Қимматбаҳо қоғозлар курси ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар
15	Узоқ муддатли инвестиция акс эттирилади: — шуъба корхоналарга — қўшма корхоналарга — уюшган корхоналарга — қарам жамиятларга	 0620 0630 0640 0650	0110-0190 0410-0490 1010-1090 1110 1210-1220 2110-2810 2910-2920 5010-5020 5110 5210-5220	Низом, муассислар шартномаси, уюшган корхоналар келишуви, қарам жамият билан келишуви
16	Узоқ муддатли инвестиция ҳисобидаги қимматбаҳо қоғозни сотиб олиш	5110-5210 9220	9220 0610	
17	Узоқ муддатли инвестиция ҳисобидаги қимматбаҳо қоғоз сотилди	5110-5120 9220	9220 0610	
18	Муддати қисқартирилганлиги сабабли узоқ муддатли инвестиция қисқа муддатли молиявий қўйилмага ўтказилди	5810-5890	0610	Қимматбаҳо қоғоз сақлаш муддатини ўзгартириш тўғрисида қарор
19	Йил охирида қимматбаҳо қоғознинг сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ (сотиб олиш юқори) акс эттирилди	9620	0610	Қимматбаҳо қоғозга обуна, шаҳодатнома, счет-фактура
20	Қимматбаҳо қоғознинг камомади акс эттирилди	4630	0610	Инвестиция далолатномаси, таққослама қайднома

07 — Ўрнатиладиган ускуналар ҳисоби счетлари

Қурилаётган (реконструкция қилинаётган) объектлар учун мўлжалланган ва монтаж талаб қилиниши талаб этиладиган технологик, энергетика ва ишлаб чиқариш ускуналари (шу жумладан устахоналар, тажриба қурилмалари ва лабораториялар учун) мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун қуйидаги счетлар мўлжалланган:

0710 «Маҳаллий ўрнатиладиган ускуналар»;

0720 «Хорижий ўрнатиладиган ускуналар».

Бу счетлар қурувчи корхоналар томонидан фойдаланилади. Монтаж талаб этиладиган ускуналарга фақат унинг қисмларини йиғиб, пойдеворга ёки тиргакларга, полга, қаватлар орасидаги тўсинга ва бино-иншоотларнинг бошқа конструкция қисмларига мустаҳкамлангандан сўнг ишга тушириладиган ускуналар, шунингдек бундай ускуналарнинг эҳтиёт қисмларининг комплектлари киради. Бундай ускуналар таркибига, шунингдек назорат-ўлчов аппаратлари ва ўрнатиладиган ускуналар таркибида монтаж қилиш учун мўлжалланган бошқа асбоблар ҳам киритилади.

Ўрнатиладиган ускуналар ҳисоби счетларида монтаж қилиниши талаб этмайдиган ускуналар: транспорт воситалари, ўзи алоҳида турадиган дастгоҳлар, қурилиш механизмлари, қишлоқ хўжалик машиналари, ишлаб чиқариш асбоблари, инвентарлар, ўлчов ва бошқа асбоблар ҳисобга олиб борилмайди. Монтаж қилишни талаб этмайдиган ускуналарни сотиб олиш харажатлари, уларнинг корхонага келиб тушишига қараб бевосита 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» счетига олиб борилади.

Ускуналар ўрнатиладиган ускуналар ҳисоби счетларида сотиб олиш (харид) ҳақиқий таннархида, қайси-ки, уларни сотиб олиш (харид қилиш) баҳоси ва тайёрлаш ва бу бойликларни корхона омборига олиб келишгача кетган барча харажатлардан ташкил топади, ҳисобга олиб борилади.

Корхонанинг устав (капитал) фондига муассислар томонидан ўз улушлари ҳисобидан берилган (киритилган) ускуналар кирими дебет счетлар 0710-0720 ва кредит счетлар 4710 «Устав капитал (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» ёзуви билан акс эттирилади. Қурувчи томонидан қурилиш майдончасига олиб келинган монтаж талаб

қиладиган ускуналарни пудратчи балансдан ташқари 005 «Монтаж учун қабул қилинган ускуна» счетига олиб боради. Ушбу ускуна ёки унинг қисмлари монтажга топширилганда пудратчи унинг қийматини балансдан ташқари 005 «Монтаж учун қабул қилинган ускуна» счетидан чиқаради. Пудратчига берилган, доимий фойдаланиш жойида монтаж ва ўрнатилиши амалда бошланмаган ускуна қиймати қурувчи ҳисобидан чиқарилмайди. Ўрнатиладиган ускуналар ҳисоби счетлари аналитик ҳисоби ускуналарнинг турлари ва сақлаш жойлари бўйича олиб борилади.

(07) Ўрнатиладиган ускуналар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Монтаж талаб қиладиган ускуна кирим қилинди	0710-0720	6010-6020	Таъминот шартномаси, ТТН, счет-фактура
2	Келган монтаж талаб қиладиган ускуна кирим қилинди (1510 счетидан фойдаланиб)	0710-0720	1510	Таъминот шартномаси, ТТН, счет-фактура
3	Монтаж талаб қиладиган ускуна қийматига ёрдамчи ишлаб чиқариш кўрсатган турли хизматлар: транспорт, эҳтиёт қисмлар тайёрлаш, штамплар ва шу кабилар, қўшилди	0710-0720	2310	Таъминот шартномаси, ТТН, счет-фактура, транспорт ташкилоти ҳисоби
4	Қабул қилинган ускуна ёки уни харид қилиш ва олиб келиш ҳаражатлари банкдаги махсус счетлардан тўланди (мисол, чек билан)	0710-0720 (6010	6010 5510-5530)	Таъминот шартномаси, ТТН, счет-фактура, транспорт ташкилоти ҳисоби
5	Номоддий актив амортизацияси (ускунани сотиб олишда фойдаланадиган номоддий актив) келиб тушган монтаж талаб қиладиган ускуна қийматига қўшилди	0710-0720	0510-0590	Номоддий актив эскириш ҳисоби
6	Хусусийлаштирилган корхона мол-мулки таркибида олинган ускуна акс эттирилди	0710-0720	8511-8513	Олди-сотди шартномаси, кириш баланси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
7	Монтаж қилишни талаб қиладиган ускунани олиб келиш ва сақлаш ишлари учун меҳнат ҳақи ҳисобланди	0710-0720	6710	Иш вақти ҳисоби табели, ишбай иш наряди
8	Монтаж қилишни талаб қиладиган ускунани олиб келиш ва сақлаш ишлари учун ҳисобланган меҳнат ҳақидан ижтимоий суғурта органига ажратма қилинди	0710-0720	6510-6520	ТТН, ижтимоий суғурта органига ажратма ҳисоби
9	Монтаж қилишни талаб қиладиган ускунани сотиб олиш, олиб келиш ва сақлашда ҳисобдор шахслар қилган турли ҳаражатлар тўланди	0710-0720	6870 4420-4490	Аванс ҳисоботи
10	Акция тўлови ҳисобидан, монтаж қилишни талаб қиладиган ускуна қабул қилинди	0710-0720	4710	Акцияга обуна, ускунани қабул қилиш-топшириш далолатномаси
11	Ўз бўлинмаларидан монтаж қилишни талаб қиладиган ускуна қабул қилинди	0710-0720	6110 ёки 7110	Бериш тўғрисида қарор, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
12	Турли шахслардан монтаж қилишни талаб қиладиган ускуна олинди	0710-0720	6890	Олди-сотди шартномаси, счет-фактура, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
13	Ўрнатиладиган ускунани сотиб олиш, олиб келиш ва сақлаш билан боғлиқ ҳисобдор шахслар қилган харажатларга	0710-0720	6870 4420-4490	Аванс ҳисоботи
14	Ускуналарни инвентаризация қилганда қурувчининг харажатларига олиб борилган камомадга нисбатан аниқланган унинг ортиқча қиймати ёки инвентаризацияда ошиқча чиққан ускуна акс эттирилди	0710-0720	9390	Инвентаризация далолатномаси, таққослаш қайднома
15	Монтаж талаб қиладиган ускуна ҳукуматнинг қайта баҳолаш қарори натижасида қўшимча баҳоланди	0710-0720	8531	Ҳукумат қарори, қайта баҳолаш ҳисоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
16	Корхонанинг банкдан олган қисқа ва узоқ муддатли кредитлари ҳисобидан банк тўлаган монтаж талаб қиладиган ускуна кирим қилинди	0710-0720	6910 7510	Кредит шартномаси, счет-фактура, ускунани кабул қилиш-топшириш далолатномаси
17	Қисқа ва узоқ муддатли қаздорнинг ўз қарзи ҳисобидан тўлаган монтаж қилишни талаб қиладиган ускуна кирим қилинди	0710-0720	6920-6930 7610-7620	Кредит шартномаси, счет-фактура, ускунани кабул қилиш-топшириш далолатномаси
18	Шуъба корхонага мулк шаклида монтаж талаб қиладиган ускуна берилиб, инвестиция қилинди	9210 (0620	0710-0720 9210)	Муассислар шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
19	Қўшма корхонага мулк шаклида монтаж талаб қиладиган ускуна берилиб, инвестиция қилинди	9210 (0630	0710-0720 9210)	Муассислар шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
20	Монтаж талаб қиладиган ускуна уюшган корхонага унинг мулки қилиб берилиб, инвестиция қилинди	9210 (0640	0710-0720 9210)	Муассислар шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
21	Монтаж талаб қиладиган ускуна қарам жамиятга унинг мулки қилиб берилиб, инвестиция қилинди	9210 (0650	0710-0720 9210)	Муассислар шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
22	Монтаж талаб қиладиган ускунани бошқа корхонага мулк қилиб берилиб, қисқа муддатли инвестиция қилинди	9210 (5810-5890	0710-0720 9210)	Қисқа муддатга инвестиция шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
23	Монтаж қилиш учун берилган ускуна қиймати ҳисобдан чиқарилди	0810	0710-0720	Монтажга бериш накладнойи
24	Монтаж талаб қиладиган ускуна нархи камайтирилди	9439	0710-0720	Нархини тушириш тўғрисида қарор, нархни тушириш ҳисоби
25	Нокапитал ишлар учун монтаж талаб қиладиган ускуна берилди	2710-2790	0710-0720	Бериш тўғрисида накладной

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
26	Илгари ўрнатиш учун мўлжалланган ускуна сотиб юборилди	9210	0710-0720	Олди-сотди шартномаси, счет-фактура, ТТН
27	Монтаж талаб қиладиган ускуна кам чиққанлиги сабабли таъминотчи ёки транспорт ташкилотларига эътироз (даъво) билдирилди	4210	0710-0720	Камомад тўғрисида далолатнома, даъво ҳужжатлари
28	Ишларни пудрат усулида олиб бораётган қурувчида инвентаризация натижасида аниқланган ускуна камомади акс эттирилди	9210	0710-0720	Инвентаризация далолатномаси, таққослама қайднома, инвентаризация комиссияси қарори баёни
29	Табиий офатдан кейин бўлган инвентаризацияда аниқланган ускуна камомади акс эттирилди	9210	0710-0720	Инвентаризация далолатномаси, таққослама қайднома, инвентаризация комиссияси қарори баёни, табиий офат бўйича экспертиза далолатномаси

08 — Капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари

Корхонанинг асосий восита ва номоддий активлар, ҳамда маҳсулдор асосий пода ва ишчи ҳайвонларни (қийматидан қатъий назар, корхона айланма маблағларига кирувчи қушлар, мўйнали ҳайвонлар, қуёнлар, асаларилар, чопувчи ва қоровул итлар, тажрибадаги ҳайвонлардан ташқари) тузиш харажатларига қилган инвестициялари тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

0810 «Тугалланмаган қурилиш»;

0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»;

0830 «Номоддий активларни сотиб олиш»;

0840 «Асосий подани шакллантириш»;

0890 «Бошқа капитал қўйилмалар».

0810 «Тугалланмаган қурилиш» счетида капитал қурилиш

смета, смета-молиявий ҳисобларда ва титул рўйхатида кўрсатилган бино ва иншоотларни тиклаш, ускуналарни сотиб олиш, жиҳозлар, инвентарлар ва бошқа нарсалар учун қилинган харажатлар (қурилиш пудрат ёки хўжалик усулида олиб борилишидан қатъи назар) олиб борилади.

0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» счетида асосий воситаларни сотиб олиш, ўрнатиш ва монтаж қилиш бўйича барча харажатлар ҳисобга олиб борилади.

0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» счетида номоддий активларни сотиб олиш ёки ўзида тайёрлаш бўйича барча харажатлар ҳисобга олиб борилади.

0840 «Асосий подани шакллантириш» счетида хўжаликда асосий подага ўтказиладиган маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар болаларини ўстириш, асосий пода учун олинган ишчи ва катта ҳайвонлар қиймати, ҳамда уларни олиб келиш бўйича харажатлар, бошқа корхоналар бепул берган катта (йирик) ҳайвонларни хўжаликка олиб келиш харажатлари билан ҳисобга олиб борилади.

Асосий подага ўтказиладиган ёш ҳайвон ҳақиқий таннархда баҳоланади. Асосий подага ўтказиладиган барча ёш маҳсулдор ва ишчи қорамоллар, йил давомида 1110 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар» счетидан 0840 «Асосий подани шакллантириш» счетининг дебетига йил бошида балансга олинган қиймати ва йил бошидан ҳайвонларни асосий подага ўтказилгунча қўшилган ёки орттирган оғирлигининг режа таннархини қўшиш билан олиб борилади. Бир вақтда ёш қорамолларни асосий подага ўтказганда 0170 «Ишчи ҳайвонлар» ва 0171 «Маҳсулдор ҳайвонлар» счети дебетланиб, 0840 «Асосий подани шакллантириш» счети кредитланади. Йил охирида ҳисобот калькуляцияси тузилгандан кейин, жорий йил давомида ўтказилган ёш қорамолларнинг кўрсатилган қиймати билан унинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ 0110 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар» счетидан 0840 «Асосий подани шакллантириш» счетига қўшимча ёзув билан ўтказилади ёки сторно қилинади, бир вақтда тегишли равишда 0170 «Ишчи ҳайвонлар» ва 0171 «Маҳсулдор ҳайвонлар» счетларидаги қорамоллар баҳоси ҳам аниқланади.

Четдан сотиб олинган катта ҳайвонлар 0840 «Асосий подани шакллантириш» счети дебетига, уларни олиб келиш

харажатлари қўшилган ҳолдаги ҳақиқий таннархида кирим қилинади.

Асосий подани шакллантиришга оид тугалланган операциялар харажатлари 0840 «Асосий подани шакллантириш» счетидан 0170 «Ишчи ҳайвонлар» ва 0171 «Маҳсулдор ҳайвонлар» счетлари дебетига ўтказилади.

Капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари дебет томонида қурувчининг асосий восита объекти дастлабки қийматига белгиланган тартибда олиб бориладиган барча харажатлари, ҳамда корхонанинг асосий воситаларни, номоддий активларни, асосий подани шакллантиришга ва бошқа капитал қўйилмаларга харажатлари олиб борилади.

Асосий воситаларни қуриш ва сотиб олиш билан боғлиқ, лекин белгиланган тартибга асосан асосий воситалар объекти дастлабки қийматига қўшилмайдиган харажатлар капитал қўйилмалар ҳисоби счетларидан 9439 «Бошқа операцион харажатлар» ёки 7710 «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» счетларининг дебетига олиб борилади.

Капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари сальдоси (қолдиғи) корхонанинг тугалланмаган қурилишга, асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олишга, ҳамда асосий подани шакллантиришга доир тугалланмаган капитал қўйилма харажатлари суммасини билдиради.

Капитал қўйилмалар ҳисоби счетларининг аналитик ҳисоби капитал қўйилмалар ҳар бир йўналиши бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисоб тузилиши қуйидаги харажатлар тўғрисида маълумотлар олишга имконият яратиши лозим:

қурилиш ишлари ва реконструкцияга; бурғулаш ишларига; ускуналар монтажига; монтаж талаб қиладиган ускуналарни сотиб олишга; монтаж талаб қилмайдиган ускуналарни, ҳамда капитал маблағ сарфлаш сметаларида кўрсатилган асбоблар ва инвентарларни харид қилишга; лойиҳа-қидирув ишларига; капитал қўйилмалар бўйича бошқа харажатлар;

асосий воситаларни ва номоддий активларни сотиб олиш капитал қўйилмалари асосий воситалар ва номоддий активлар номлари ва турлари бўйича;

асосий подани шакллантириш билан боғлиқ капитал қўйилма сарфлари бўйича — ҳайвонлар турлари (йирик қора моллар, чўчқалар, қўйлар, отлар ва шу кабилар) бўйича.

(08) Капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари корреспонденциялари

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Объектларни қуришда фойдаланилган асосий воситалар эскириши капитал қўйилмалар харажатларига олиб борилади	0810	0211-0290	Асосий воситалар эскириш ҳисоблари
2	Объектларни қуришда фойдаланилган номоддий активлар амортизацияси харажатларга олиб борилади	0810	0510-0590	Номоддий активлар эскириш ҳисоби
3	Ўрнатиладиган ускуна монтаж қилишга топширилди (монтажга тайёрлаш бошланиш пайтидан)	0810	0710-0720	Ускунани топшириш накладнойи
4	Сарфланган қурилиш ва бошқа материаллар қиймати капитал қўйилмалар харажатларига олиб борилди	0810	1010-1090	Моддий ҳисобот
5	Ёш ҳайвоннинг асосий подага ўтказилиши акс эттирилди	0840	1110	Ёш молни асосий подага ўтказиш далолатномаси
6	Асосий воситалар объектини қуришда ишлатилган кам баҳо ва тез эскирувчи буюмлар эскириш суммаси ҳисобланди	0810	1310	Кам баҳо ва тез эскирувчи буюмлар эскириш ҳисоби
7	Тугалланмаган қурилишни қўшимча баҳолаш амалга оширилди	0810	8531	Тугалланмаган қурилиш инвентаризацияси
8	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг капитал қўйилмалар учун хизматлари ҳисобдан чиқарилди	0810	2310	Ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматлари таннархи ҳисоби (калькуляцияси)
9	Келгуси давр харажатларининг тегишли қисми капитал қўйилмалар харажатига олиб борилди	0810	3110-3190	Жорий харажатга олиб бориш ҳисобот
10	Капитал қўйилмаларда фойдаланилган банк кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича фоиз тўланди	0810 (6820	6820 5110)	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси (талабномаси) банк кўчирмаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
11	Таъминотчилар ва пудратчилар капитал қурилиш учун бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари (шу жумладан монтаж талаб қилмайдиган ускуналарга ҳам) учун тўлов ҳужжати (счети) акцептланган	0810	7010-7020	Бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси (2, 3-шакл) счет-фактура, ТТН
12	Капитал қўйилмалар билан боғлиқ қондирилмаган даъволар суммаси ҳисобдан чиқарилди	0810	4210	Хўжалик суди қарори
13	Капитал қўйилма билан боғлиқ мол-мулк суғуртаси қарзлари акс эттирилди	0810-0890	6510	Суғурта шартномаси, лойиҳа-смета ҳужжатлари
14	Қурилиш-монтаж ишлари таннархига қўшиладиган турли бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзлар акс эттирилди	0810-0890	6530	Бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар ҳисоби, лойиҳа-смета ҳужжатлари
15	Хусусийлаштирилган корхонанинг мулки таркибида олинган тугалланмаган капитал қўйилмалар ҳисобда акс эттирилди	0810-0890	8511-8513	Олди-сотди шартномаси, кириш баланси
16	Автотранспорт воситаларини сотиб олгандаги (инвентар қийматда) солиқ	0810-0890	6530	Счет-фактура, тўлов топшириқномаси
17	Капитал қўйилмалар билан боғлиқ ва бюджетга тўланадиган қарз суммалари (мол-мулк солиғи, ер солиғи ва шу кабилар) акс эттирилди	0810-0890	6410	Солиқлар ва турли тўловлар ҳисоби
18	Капитал қўйилмаларда банд бўлган ходимларнинг ижтимоий суғуртаси, пенсия таъминоти, тиббий суғуртаси бўйича қарзлари акс эттирилган	0810-0890	6510 6520	Ижтимоий суғурта ажратма ҳисоби
19	Капитал қўйилмаларни ўзлаштиришда банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича турли суммалар ҳисобланди	0810-0890	6710	Иш вақти табели, қурилиш ишлари нарядлари, тўлов-ҳисоблаш қайдномалари

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
20	Капитал қўйилмалар бўйича ҳисобдор шахсларнинг қилган харажатлари ҳисобдан чиқарилди	0810-0890	6870	Аванс ҳисоботи, квитанциялар тўлов ҳужжатлари (счетлар)
21	Муассисларнинг корхона устав капиталига улуш сифатида қўшган тугалланмаган асосий восита объектлари (ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектлари қўшилган ҳолда), ҳамда монтаж қилишни талаб қилмайдиган ускуналари қабул қилинди	0810	4710	Низом (устав) муассислар шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
22	Асосий воситаларни қуриш ва сотиб олиш жараёнида пайдо бўлган турли кредиторларга қарзлар, (транспорт учун ва шу кабиларга) шу жумладан мавоза асосидаги, акс эттирилди	0810, 0820	6890	ТТН, счет-фактура, квитанция
23	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларга уларнинг капитал қўйилмалар бўйича кўрсатган хизматлари бўйича қарз акс эттирилди	0810-0820	6110	Счет, хабарнома, (авизо), кўрсатилган хизмат таннархи ҳисоби
24	Етишмайдиган ва бузилган бойликлар қиймати, айбдор шахслардан ундириб олиш рад қилинганлиги сабабли капитал қўйилмалар харажатига олиб борилди	0810-0820	4630	Хўжалик суди қарори, инвентаризация далолатномаси, инвентаризация комиссия баёни
25	Монтажни талаб қилмайдиган ускуна бепул (текинга) олинди	0810-0820	8523	Бепул бериш тўғрисида қарор, буйруқ, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
26	Капитал қўйилмаларнинг (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги) қўшимча баҳоланиши акс эттирилди	0810	8531	Қўшимча баҳолаш тўғрисида қарор, нархини кўтариш ҳисоби
27	Қуриш ёки сотиб олиш (фойдаланишга топшириш) натижасида олинган асосий восита объектларнинг дастлабки қиймати акс эттирилди	0110-0190	0810	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, лойиҳа-смета ҳужжатлари

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
28	Тугалланмаган капитал қўйилмаларда (шу жумладан, монтаж талаб қилинмайдиган ускуналар) бўлган турли моддий бойликлар нархи пасайтирилди	9439	0810	Нархни пасайтириш бўйича қарор, капитал қўйилмалар инвентаризацияси
29	Асосий воситани қуриш ва сотиб олиш жараёнида вужудга келган, лекин объектлар қийматига қўшилмайдиган (киритилмайдиган) зарарлар ва турли йўқотишлар ҳисобдан чиқарилди	9439	0810-0820	Капитал қўйилмалар инвентаризацияси, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, таққослама қайднома
30	Асосий воситани қуриш ва сотиб олиш билан боғлиқ, лекин объектнинг дастлабки қийматига киритилмайдиган харажатлар корхона ҳисобидан чиқарилди	9439	0810-0820	Капитал қўйилмалар инвентаризацияси, АВ ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, таққослама қайднома
31	Инвентаризация пайтида аниқланган тугалланмаган қурилишдаги камомад суммалари акс эттирилди	4630	0810-0820	Капитал қўйилмалар инвентаризацияси, таққослама қайднома
32	Таъминотчилар ва пудратчиларнинг капитал қурилиш учун бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари (шу жумладан машиналар, транспорт воситалари, монтаж талаб қилмайдиган ускуналар учун) учун тўлов ҳужжатлари қабул қилинди	0810	6010-6020	Счет-фактура, ТТН, ускунани қабул қилиш-топшириш далолатномаси

09 — Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби счетлари

Ҳисоб-китоблар ҳолати бўйича маълумотларни умумлаштирилади:

— олинган векселлар бўйича харидор ва буюртмачилар билан;

— лизинг олувчи билан молиявий лизинг шартномаси асосида олинган асосий восита бўйича. Бу счетни лизинг берувчи корхона ишлатади;

— давлат бюджети органлари билан — вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи;

— таъминотчилар, пудратчилар ва бошқа корхоналар билан бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун берилган аванслар (бўнаклар) бўйича (келгуси давр харажатлари — муддати узайтирилган харажатлар);

— таъминотчиларга берилган аванслар (бўнаклар) бўйича товар-моддий бойликлар ва бошқа активларни етказиб бериш учун;

— харидорлар ва буюртмачилар билан товар, тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича олинадиган счетлар бўйича;

— бўлинмалар билан товарлар, тайёр маҳсулотлар, ҳар хил ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун олинадиган счетлар бўйича;

— харидорлар ва буюртмачилар билан — кредитга сотилган товарлар бўйича;

— корхона ва ташкилотлар билан — берилган қарзлар бўйича;

— моддий жавобгар шахслар ва корхона ходимлари билан — моддий зарарни қоплаш бўйича;

— бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан корхонанинг юқорида кўрсатилмаган турли хил қарзлари, қуйидаги счетларда юритилади:

0910 «Олинган векселлар — узоқ муддатли қисми»;

0920 «Олинадиган лизинг»;

0930 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи»;

0940 «Бошқа узоқ муддатли муддати узайтирилган харажатлар (келгуси давр харажатлари)»;

0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар».

0910 «Олинган векселлар — узоқ муддатли қисми» счетида харидор ва буюртмачилардан олган товар — моддий бойликлари ва бошқа активлар, уларга бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун тўлов ҳужжати сифатида берган векселлари учун олинадиган сумма ҳисобга олиб борилади. Бун-

дай ҳисоблашишлар вужудга келганда, олинадиган счетлар узоқ муддатли қисмига дебет счет 0910 «Олинган векселлар — узоқ муддатли қисми» ва кредит счетлар 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар», 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими», 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» ёзуви бўлади.

0920 «Олинадиган лизинг» счети лизинг берувчи корхонада мулкни лизинг шартномаси бўйича бериш операцияларини ҳисобга олиб боради. Молиявий лизинг бўйича ижарага берилувчи асосий воситалар объектига, лизинг шартномаси (ёки ижарага берувчи ва ижарачининг қўшимча битими) ижара муддати тугаши билан ёки у тугагунча ижарага шартномада келишилган сотиб олиш баҳосининг ҳаммаси тўланганда, агарда лизинг шартномасида бошқача кўрсатилмаган бўлса, лизинг олувчи мулкига ўтадиган объектлар киради.

Асосий воситалар объектлари молиявий лизинг шартномаси бўйича берилганда лизинг берувчи бу объектлар қийматини умумий тартибда ҳисобдан чиқаради (9210 «Асосий воситалар сотилиши ва турли чиқими» счети кредитига). Бунда молиявий лизинг бўйича берилган асосий воситалар объектларининг қиймати, лизинг олувчи ва лизинг берувчи келишган нархда (баҳода) узоқ муддатли қисми 0920 «Олинадиган лизинг», қисқа муддатли қисми — 4810 «Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счетлари дебетига ва дебитор қарзнинг ҳамма суммасига 9210 «Асосий воситалар сотилиши ва турли чиқими» счети кредитига олиб борилиши лозим.

9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» кредит сальдоси (лизинг олувчи ва лизинг берувчи келишган ижарага олинган асосий восита объектини баҳолаш қиймати билан бу объектнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ) 7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» узоқ муддатли қисмига, муддати узайтирилган даромад тарзида ва жорий қисми 6210 «Муддати узайтирилган даромад» счетларига олиб борилади.

Молиявий лизинг шартномасининг узоқ муддатли қисми

бўйича ҳисобланган фоиз суммалари 0920 «Олинадиган лизинг» счетининг дебети ва 9550 «Мулкни лизинг шартномаси бўйича ижарага беришдан олинган даромадлар» счети билан корреспонденцияланади.

Лизинг олувчи ва лизинг берувчи келишган баҳоларда ижарага берилган асосий восита объектлари қиймати билан ижара ҳақи келиб тушган пайтдаги бу объектнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқнинг тегишли қисми 7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» счетидан 9550 «Мулкни лизинг шартномаси бўйича ижарага беришдан олинган даромадлар» счети кредитига ўтказилади.

Лизинг берувчи ҳар йил бошида жорий йилда келиб тушадиган суммани 0920 «Олинадиган лизинг» счети кредитидан 4820 «Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» дебетига ўтказади.

Ижара муддати тугайдиган пайтда лизинг олувчи билан асосий воситаларнинг аниқ объекти юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича 0920 «Олинадиган лизинг», 4810 «Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» ва 6210 «Муддати узайтирилган даромад» счетларида қолдиқлар бўлмаслиги лозим.

Агар асосий воситалар объекти ижара муддати тугагунга қадар ижарачининг мулкига ўтадиган бўлса, унда сотиб олиш нархи тўланган ижара ҳақи чиқариб ташланган ҳолда сотиб олиш пайтидаги тартибда, ижара ҳақининг келиб тушишидек акс эттирилади.

0920 «Олинадиган лизинг» счетининг аналитик ҳисоби ҳар бир ижара шартномаси бўйича олиб борилади.

0930 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи» счетида солиқнинг узоқ муддатли қисми, қайсики «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» бўйича 2-илова асосида ҳисобот даврида тўлайди.

Вақтинчалик фарқларга борадиган харажатларга солиқлар ҳисобланганда 0930 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи» счети дебети ва 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети кредитига акс эттирилади. Кейинчалик, бу харажатларнинг фойдали ҳаракат муддати давомида ёки 10 йил ичида, қайси муддат қисқа

бўлишига қараб (вақтдаги фарқлар), солиқнинг тегишли қисми узоқ муддатлидан жорийга, дебет 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи» — жорий қисми» ва кредит 0930 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи» ёзуви билан ўтказилади. Бу сумма тегишли давр учун тўланадиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда ҳисобга олинади.

Харажатлар тегишли суммасига солиқларнинг камайиши давомида вақти келган даврда, солиқ суммасига дебет счет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ва кредит 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисми» ёзуви тузилади. Шундай қилиб, 0930 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи» счетининг дебет сальдоси (қолдиғи), келажак даврларда бюджетга тўланадиган солиқнинг умумий суммасини камайтириш лозим бўлган солиқнинг узоқ муддатли қисмини билдиради.

0940 «Бошқа узоқ муддатли муддати узайтирилган харажатлар (келгуси давр харажатлари) счетида таъминотчиларга, пудратчиларга ва товар-моддий бойликлар (ТМБ), бошқа активларни етказиб берувчи бошқа шахсларга, бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизматлар учун берилган бўнакларнинг (аванснинг) узоқ муддатли қисми ҳисобга олиб борилади. Бунда, берилган бўнакларнинг узоқ муддатли қисми дебет счет 0940 «Бошқа узоқ муддатли муддати узайтирилган харажатлар (келгуси давр харажатлари)», жорий қисми — дебет счет 3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи», 3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи» ва 3190 «Бошқа бўнак харажатлар» ва пул маблағларини ҳисобга олувчи: 5110 «Ҳисобкитоб счети», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счети», 5220 «Хориждаги валюта счетлари», 5510 «Аккредитивлар», 5520 «Чек дафтарчалари», 5530 «Бошқа махсус счетлар» кредит бўлади.

0940 «Бошқа узоқ муддатли муддати узайтирилган харажатлар (келгуси давр харажатлари)» счетининг аналитик ҳисоби ҳар бир таъминотчи ёки пудратчига берилган ҳар бир бўнаклар бўйича олиб борилади.

0940 «Бошқа узоқ муддатли муддати узайтирилган

харажатлар (келгуси давр харажатлари) счети йил давомида нотекис амалга ошириладиган асосий воситаларни таъмирлаш (корхона тегишли захира ёки жамғарма ташкил этмаган ҳолларда), кейинги даврлар учун ижара ёки обуна ҳақи ва бошқа шу каби харажатларни ҳисобга олиб бориш учун мўлжалланган. Бу харажатларнинг ишлаб чиқариш сарфлари ва давр харажатларига олиб бориш (ҳисобдан чиқариш) муддатлари, қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

0940 «Бошқа узоқ муддатли муддати узайтирилган харажатлар (келгуси давр харажатлари) 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2320 «Бошқа ишлаб чиқариш», 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари», 9411-9414 «Сотиш харажатлари», 9424 «Умум маъмурий асосий воситаларнинг ижараси бўйича харажатлар» счети 3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи», 3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи», 3190 «Бошқа бўнак харажатлар» ва 4530 счетлари дебетига ҳисобдан чиқарилади.

0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар» счетида жўнатилган маҳсулот (товарлар), бажарилган ишлар ва хизматлар бўйича банк қабул қилган тўловларнинг харидор ва буюртмачилардан олинадиган узоқ муддатли қисми ҳисобга олиб борилади.

Юқорида келтирилган счетлар аналитик ҳисоби харидор, буюртмачилар ва ўз бўлинмалари тақдим қилган тўлов ҳужжатлари бўйича олиб борилади.

Аналитик ҳисоб тузилиши харидор, буюртмачилар ва ўз бўлинмалари: пул маблағлари келиб тушиши муддати келмаган векселлар; банкларда дисконтланган (ҳисобланган) векселлар; пул маблағлари муддатида келиб тушмаган векселлар ҳисобланишлари бўйича қарзлар тўғрисида маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар» счетида корхона ходимлари билан кредитга сотилган товарлар, берилган қарзлар бўйича қарздорлик, моддий зарарларни қоплаш ва бошқа ҳисоблашишлар акс эттирилади.

Товарни кредитга олган ходим ишлайдиган корхона, банк кредити билан савдо ташкилоти берган кредитни тўлиқ қоплаши мумкин. Бунда банк савдо корхонасига кредити ҳисоби-

дан тегишли ҳисоб ҳужжатларини тўлайди. Бу операция корхонада дебет счет 0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар» ва кредит 7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари» ёзуви билан қайд қилинади. Кредитга сотилган товар қарзининг узоқ муддатли қисми, қисқа муддатли қарз таркибига ўтказилиши билан дебет счет 4610 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари» ва кредит счет 0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар» ёзуви қилинади.

0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар» счети корхонанинг ходимларига берилган қарзлар (мисол, индивидуал ва кооператив уй-жой қурилиш; боғ уйларини сотиб олиш ёки қуриш ва боғ участкаларини ободонлаштириш, уй хўжалигини ташкил қилиш ва бошқалар) бўйича ҳисоблашишларида ишлатилади. 0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар» счети дебетида ходимга берилган қарз суммаси пул маблағлари ҳисоби счетлари билан корреспонденцияда акс эттирилади. Кредитга берилган қарзларнинг узоқ муддатли қисмининг жорий қарзга ўтказилгани билан дебет счет 4620 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари» ва кредит счет 0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари» ёзуви қилинади.

0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар» счетида ходимнинг пул маблағлари, товар-моддий бойликлар камомади ва ўғирланиши, брак натижасида корхонага етказган моддий зарарини, ҳамда зарарнинг бошқа турларини қоплашга доир ҳисоблашишларининг узоқ муддатли қисми ҳисобга олиб борилади. Гуноҳкор шахсдан ундириладиган сумма дебет счет 0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар» кредит счетлар:

2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак»;

5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»;

5020 «Хорижий валютадаги пул маблағлари»;

5610 «Пул эквивалентлари»;

9210 «Асосий воситалар сотилиши ва турли чиқими»;

9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» акс эттирилади.

0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар» счетининг аналитик ҳисоби корхонанинг ходимлари бўйича олиб борилади

(09) Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Молиявий лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи билан келишилган нархда асосий воситани бериш: —узоқ муддатли қисмига —жорий қисмига	 0920 4810	 9210 9210	Молиявий лизинг шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
2	Молиявий лизинг шартномаси бўйича берилган асосий воситаларнинг лизинг олувчи билан келишилган қиймати ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобдан чиқарилганда	9210	7290	Молиявий лизинг шартномаси
3	Молиявий лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилди	4810	9550	Молиявий лизинг шартномаси, молиявий лизинг бўйича фоизлар ҳисоби
4	Молиявий лизинг бўйича берилган асосий воситалардан олинган даромад акс эттирилди	7290	9550	Молиявий лизинг шартномаси, тўлов ҳисоблари
5	Ҳар ойда молиявий лизинг узоқ муддатли қисмининг олинадиган жорий қисмига тегишли суммаси ўтказилди	4810	0920	Молиявий лизинг шартномаси, тўлов ҳисоби
6	Лизинг тўлови (ижара ҳақи) келиб тушди	5110 5210-5220	4810	Тўлов топшириқномаси (талабномаси) банк кўчирмаси
7	ТМБ юбориш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, бошқа активларни юбориш бўйича берилган бўнакларнинг узоқ муддатли қисми акс эттирилди	0910	5110 5210-5220 5510-5530	Тўлов топшириқномаси (талабномаси) банкдан кўчирма
8	ТМБ юбориш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, бошқа активларни юбориш учун берилган узоқ муддатли	4310 3110 3120 3190	0940	Тўлов топшириқномаси (талабномаси) банк кўчирмаси, ўтказиш

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
	бўнакларнинг ҳар йили йил бошида жорий қисмига тегишли суммасини ўтказиш			ҳисоби
9	Банк томонидан тўлови кафилланган, жўнатилган товарлар, тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа активлар учун харидор ва буюртмачилардан олинган векселларнинг узоқ муддатли қисми акс эттирилди	0910	4010	Счет-фактура, тўлов талабномаси, ТТН
10	Товар ва тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар, бошқа активлар учун олинган векселларнинг узоқ муддатли қисмидан ҳар ойда жорий қисмига ўтказилган суммага	4020	0910	Счет-фактура, тўлов талабномаси, ТТН, узоқ муддатлидан жорийга ўтказиш ҳисоби
11	Ўз бўлинмаларидан олинадиган тўловларнинг узоқ муддатли қисми акс эттирилди	0990	Активларни ҳар хил счетлари	Счет-фактура, тўлов талабномаси, ТТН
12	Ҳар ойда бўлинмалардан олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг бир қисмини жорий тўловларга ўтказиш	4110	0990	Счет-фактура, тўлов талабномаси, ТТН, узоқ муддатдан жорий тўловга ўтказиш ҳисоби
13	Кейинги даврлар учун ижара ҳақи акс эттирилди	0940	5110	Молиявий лизинг шартномаси, тўлов топшириқномаси
14	Кейинги даврлар учун тўланган абонент тўлови акс эттирилди	0940	5110	Адабиёт, телефон хизмати ва бошқалар, обуна шартномаси, тўлов топшириқномаси
15	Ҳар ойда узоқ муддатли узайтирилган харажатларнинг жорий қисмини ўтказиш	3110 3120 3190	0940	Ўтказиш ҳисоби, бажарилган хизмат квитанцияси
16	Келгуси давр харажатларининг тегишли қисми	2010 2310	0940 3110	Ўтказиш ҳисоби, бажарилган

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
	жорий давр харажатларига ўтказилди	2510 9421-9429	3120 3190	хизмат квитанцияси
17	Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи акс эттирилди	0930	6410	Солиқ ҳисоби
18	Ҳар ойда узоқ муддатли муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғининг тегишли суммасини жорийга ўтказиш	3210	0930	Солиқ ҳисоби, ўтказиш ҳисоби
19	Кредитга сотилган товар қарзнинг узоқ муддатли қисми акс эттирилди	0990	9010 9020	Кредит шартномаси
20	Ҳар ойда кредитга сотилган товар бўйича узоқ муддатли қарзнинг тегишли суммаси жорийга ўтказилганда	4610	0990	Кредит шартномаси, ўтказиш ҳисоби
21	Берилган қарзнинг узоқ муддатли қисми акс эттирилди	0990	5100	Қарз шартномаси, банк кўчирмаси
22	Ҳар ойда берилган узоқ муддатли қарзнинг тегишли қисми жорийга ўтказилганда	4620	0990	Қарз шартномаси, ўтказиш ҳисоби
23	Моддий зарарни қоплаш бўйича қарзларнинг узоқ муддатли қисми акс эттирилди	0990	2610 5010-5020 5510 9390	Инвентаризация рўйхати, таққослама қайднома, инвентаризация комиссияси баёни
24	Ҳар ойда моддий зарарларни қоплаш бўйича қарзларнинг узоқ муддатли қисмининг тегишли суммаси жорийга ўтказилди	4630	0990	Инвентаризация рўйхати, таққослама қайднома, инвентаризация комиссияси баён, ўтказиш ҳисоби
25	Ҳар ойда бошқа шахсларнинг узоқ муддатли қарзларининг тегишли суммаси жорийга ўтказилди	4890	0990	Хизмат кўрсатиш шартномаси, счет-фактура, ўтказиш ҳисоби
26	Олинган кредитлар ҳисобидан бўнакларнинг ўтказилиши	0940	7510	Счет-фактура, ТТН, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси

II қисм. ЖОРИЙ АКТИВЛАР

2-бўлим. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР

Ушбу бўлимдаги счетлар қуйидагиларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган:

— ишлаб чиқариш жараёнида ёки иш бажариш ва хизмат кўрсатишда фойдаланиш учун мўлжалланган хом ашё, материаллар, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идишлар, эҳтиёт қисмлар, бошқа материаллар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар;

— тугалланмаган ишлаб чиқариш, бажариладиган ишлар ва хизматлар;

— хўжалик юритувчи субъектлар оддий фаолияти бўйича сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот, товарларни.

Масъулият сақлаш учун қабул қилинган моддий бойликлар балансдан ташқари 002 «Масъул сақлашга олинган товар-моддий бойликлари» счетида ҳисобга олиб борилади, чунки улар корхона мулки ҳисобланмайди. Қайта ишлаш учун олинган, лекин ҳақи тўланмаган буюртмачилар хом ашё ва материаллари (берилган хом ашё) балансдан ташқари 003 «Қайта ишлаш учун олинган материаллар» счетида ҳисобга олиб борилади.

Ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишни ташкил қилганда уларнинг таркиби, ҳолати, ҳаракати, миқдори, сотиб олиниши, қайта баҳолаш тартиби ва шу кабиларга эътибор бериш лозим. Ҳисобда маҳсулот таннархини камайтириш захираларини топиш, моддий бойликлардан фойдаланишни рационаллаш, сарфлар меъёрларини камайтириш, уларнинг бутлиги ва керакли даражада сақланишини таъминловчи маълумотлар бўлиши лозим.

Ушбу бўлимда қуйидаги ҳисоб счетларининг ҳисоб юритиш тартиблари ёритилган:

10 — Материаллар ҳисоби счетлари;

11 — Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар ҳисоби счетлари;

12 — Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлари ҳисоби счетлари;

13 — Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши ҳисоби счетлари;

15 — Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш ҳисоби счетлари;

16 — Материаллар қийматидаги фарқлар ҳисоби счетлари;

20 — Асосий ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари;

21 — Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар ҳисоби счетлари;

23 — Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари;

25 — Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счетлари;

26 — Ишлаб чиқаришдаги брак ҳисоби счетлари;

27 — Нокапитал ишлар ҳисоби счетлари;

28 — Тайёр маҳсулотлар ҳисоби счетлари;

29 — Товарлар ҳисоби счетлари.

Бойликларнинг товар-моддий захираларига олиб бориш тартиби ҳамда ҳисоб тартиби БҲМС 4-сон «Товар-моддий захиралар»* бўйича тартибга солинади.

10 — Материаллар ҳисоби счетлари

Корхонага тегишли хом ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, конструкциялар, деталлар, идиш материаллар ва шу каби бойликлар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

1010 «Хом ашё ва материаллар»;

1020 «Сотиб олинган ярим тайёр материаллар ва бутловчи қисмлар»;

1030 «Ёқилғи»;

1040 «Эҳтиёт қисмлар»;

1050 «Қурилиш материаллари»;

1060 «Ем-хашаклар ва тўшамалар»;

1070 «Идиш ва идиш материаллари»;

1080 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар»;

1090 «Бошқа материаллар».

Материаллар ҳисоби счетларида материаллар уларни сотиб олиш (тайёрлаш)даги ҳақиқий таннархда ёки ҳисобга олиш нархларида ҳисобга олиб борилади.

Товар-моддий захираларининг ҳақиқий таннархи товар-моддий захираларини сотиб олиш, уларни жойланиш жойларига олиб келиш бўйича транспорт — тайёрлов харажатлари ва керакли ҳолатга келтириш бўйича барча харажатларни ўз ичига олади.

Материаллар ҳисобга олиш нархлари билан ҳисобланганда, уларни сотиб олиш (тайёрлаш) ҳақиқий таннархи ва ҳисобга олиш нархлари ўртасидаги фарқ 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счетида акс эттирилади.

1010 «Хом-ашё ва материаллар» счетида қуйидагилар мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади:

— ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таркибига кириб, унинг негизини ташкил қиладиган ёки уни тайёрлашда (чиқаришда) зарур компонент ҳисобланадиган хом ашё ва материаллар (шу жумладан, қурилиш ташкилотларидаги қурилиш материаллари ҳам);

— маҳсулотни ишлаб чиқаришда қатнашадиган ёки хўжалик эҳтиёжлари, техник мақсадлар ва ишлаб чиқариш жараёнига ёрдамлашишга истеъмол қилинадиган ёрдамчи материаллар;

— қайта ишлаш учун тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва шу кабилар.

1020 «Сотиб олинган ярим тайёр материаллар ва бутловчи қисмлар» счетида ишлаб чиқариладиган маҳсулотни (қурилишни) бутлаш (комплектлаш) учун ишлаб чиқариш кооперацияси тартибида сотиб олинадиган, уларни ишлов бериш ва йиғиш учун харажатлар талаб қиладиган харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр бутловчи буюмлар, қурилиш деталлари ва конструкциялар мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади.

Илмий-тадқиқотчилик ва конструкторлик ташкилотлари муайян илмий-тадқиқотчилик ва конструкторлик мавзуси бўйича илмий ва экспериментал ишларни ўтказиш учун четдан сотиб олган бутловчи буюмлар, махсус ускуналар, асбоблар ва мосламаларни ва шу кабиларни ҳам 1020 «Сотиб олинган ярим тайёр материаллар ва бутловчи қисмлар» счетида ҳисобга олиб боради. Умумий фойдаланишдаги ускуна ва асбоблар материаллар ҳисоби счетларида ҳисобга олинмасдан, асосий воситалар ёки кам баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар таркибида ҳисобга олиб борилади.

1030 «Ёқилғи» счетида нефть маҳсулотлари, ёқилғи-мойлаш материаллари (нефть, бензин, керосин, дизель ёқилғиси, мой ва ш.к.), қаттиқ ёқилғи (кўмир, ёғоч ва ш.к.) ва газсимон ёқилғилар (газ ва газолин) мавжуллиги ва ҳаракa-

ти ҳисобга олиб борилади. Ёқилғи-мойлаш материаллари (ЕММ) учун талонлардан фойдаланилганда, улар ҳам 1030 «Ёқилғи» счетида ҳисобга олиб борилади.

1040 «Эҳтиёт қисмлар» счетида асосий фаолият эҳтиёт учун сотиб олинган ёки тайёрланган, таъмирлаш ишлари, машиналарнинг эскирган қисмларини, ускуналарни, транспорт воситаларини ва шу кабиларни алмаштириш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар, ҳамда захирадаги ва айланишдаги автомобил шиналарининг мавжудлиги ва ҳаракатини ҳисобга олиб боради. Корхоналарнинг таъмирлаш бўлинмаларида, техник сервис пунктларида ва таъмирлаш заводларида тайёрланган тўлиқ комплектли машиналар, ускуналар, двигателлар, қисмлар, агрегатларнинг алмаштириш фонди ҳаракати ҳам шу ерда ҳисобга олинади.

Автомобил ғилдирагидаги ва захира ғилдиракдаги автомобил шиналар (покришка, камера ва айлана лента) ва асбоблар ҳамда қўшимча ускуналар тўлдирилган идишлар асосий воситалар таркибида ҳисобга олиб борилади.

1050 «Қурилиш материаллари» счетида қурилиш зарурияти: қурилиш ва монтаж ишлари, қурилиш қисмларини тайёрлаш, бинолар ва иншоотларнинг қисм, конструкцияларини тиклаш ва ишлов бериш, қурилиш конструкциялари ва деталлари, ҳамда қурилишнинг бошқа зарурияти учун ишлатиладиган четдан сотиб олинган ва ўзида тайёрланган қурилиш материаллари мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади.

1060 «Ем-хашак ва тўшамалар» счетида ем-хашак ва тўшамаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади. Четдан сотиб олинган ем-хашак ва тўшамалар сарфлари харид қилиш ҳақиқий таннархида (ташиб келтириш, ортиш ва тушириш харажатлари қўшилган ҳолда), ўзи ишлаб чиқарганлари эса йил давомида режа таннархда ҳисобланиб, йил охирида ҳақиқий таннархга тузатилади.

1070 «Идиш ва идиш материаллар» счетида тараларнинг ҳамма турлари (хўжалик инвентари сифатида фойдаланадиганлардан ташқари) ҳамда тарани тайёрлаш ва таъмирлаш учун мўлжалланган материаллар ва деталлар (қутиларни йиғиш учун деталлар, бочка тахталари, темир гардишлар ва бошқалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади. Юклаб

жўнатиладиган маҳсулотлар сақланишини таъминлаш мақсадида вагонлар, биржалар, самолетлар, кемаларни қўшимча жиҳозлаш учун мўлжалланган предметлар 1010 «Хом ашё ва материаллар» счетида ҳисобга олиб борилади.

Таъминот ва савдо корхоналари товарлар солинган ва бўш идишларни 2950 «Товар билан банд ва бўш идишлар» счетида ҳисобга олиб боради.

1080 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счетида четга қайта ишлашга бериш учун мўлжалланган материаллар қолдиғи ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади. Уларга асосан ўрмон ва ўрмон материаллари, деҳқончилик (ўсимлик) ва чорвачилик маҳсулотлари киради. Бунда материалларни қайта ишлаш билан боғлиқ четдаги корхонага тўланган харажатлар бевосита қайта ишлашдан олинган буюмларни ҳисобга олувчи счет дебетига ёзилади.

1090 «Бошқа материаллар» счетида юқорида келтирилган счетларда ҳисобга олинмайдиган (кўрсатилмайдиган) материаллар ҳисобга олиб борилади. Бу ерда ишлаб чиқариш чиқитлари (ғўлалар, қирқимлар, қиринди ва ш.к.), тузатилмайдиган брак, асосий воситаларни тугатишда олинган материаллар, қайси-ки, материал сифатида ишлатиб бўладиган, ушбу корхонадаги ёқилғи ва эҳтиёт қисмлар (металлом, эски хом ашёлар, эскирган шиналар, камералар, айланалар, эски резиналар, ишланган ёғлар,нитроллар ва ш.к.) ҳисобга олиб борилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари материаллари ҳисоби счетларида уруғликлар, экиладиган материалларни, компостларни (сотиб олинган ва ўзи ишлаб чиқарган), минерал ўғитларни, биологик препаратларни, заҳарли химикатларни, дориларни, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига (деҳқончиликда, чорвачиликда ва ёрдамчи хўжаликда) қарши курашда ишлатиладиган химикатларни ва бошқаларни ҳисобга олиб бориш учун алоҳида субсчетлар очиши мумкин.

Корхонада қабул қилинган ҳисоб юритиш сиёсатига асосан материалларни қабул қилиш: 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш», 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счетларидан фойдаланиб акс эттирилиши мумкин.

Бу счетлардан фойдаланганда таъминотчилардан келиб тушган товар-моддий бойликлар (ТМБ) ҳисоблашиш ҳуж-

жатларига асосан дебет счет 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» ва кредит счетлар 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар», 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310-2320 «Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришлар», 4430 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар» ва ш.к., у ва бу бойликларнинг қаердан келиб тушишига, ҳамда корхонага материалларнинг тайёрлаш ва ташиб келтириш харажатлари тавсифига қараб ёзув бўлади.

Бунда дебет счет 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» ва кредит счет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» ёзуви корхонага материаллар таъмнотчиларнинг ТМБ бўйича ҳисоблашиш ҳужжатларини олмасдан ёки олгандан кейин келиб тушганлигидан қатъий назар ёзилади.

Корхонага ҳақиқатдан келиб тушган материаллар дебет материаллар ҳисоби счетлари ва кредит 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» ёзуви билан акс эттирилади. 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счетида аниқланган фарқ 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счети дебетига ўтказилади.

Ой охирида 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счетидаги қолдиқ — ой охиридаги йўлдаги ёки мол етказиб берувчилар омборидан олиб келинмаган (бу бойликларни омборга кирим қилмасдан) материаллар қийматини акс эттиради.

Материалларнинг ишлаб чиқаришга ёки бошқа хўжалик мақсадларига ҳақиқий сарфлари материаллар ҳисоби счетлари кредити ва харажатлар ҳисоби счетлари билан корреспонденцияланади.

Материалларнинг четга сотилиши материаллар ҳисоби счетлари кредити ва дебет счет 9229 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»; маблағнинг қабул қилиниши эса дебет счетлар 5110 «Ҳисоб-китоб счети», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетлари» ва ш.к. кредит эса 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» ёзуви билан ўтказилади.

Материаллар ҳисоби счетлари аналитик ҳисоби материалларнинг сақланиш жойлари ва уларнинг алоҳида номлари (турлари, навлари, ўлчовлари ва ш.к.) бўйича олиб борилади.

(10) Материаллар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ўз эҳтиёжлари учун тайёр маҳсулотлар омборга материаллар сифатида кирим қилинди	1010	2810	Материаллар кирими накладнойи
2	Сотиб олинган материаллар учун мол етказиб берувчиларнинг тўлов ҳужжатлари (счетлари) акцептланди	1010	6010	Счет-фактура, накладнойи
3	Асосий воситаларни тугатишдан олинган материаллар қиймати акс эттирилди	1090	9210	АВ ни тугатиш далолатномаси, материалларни қабул қилиш накладнойи
4	Товар алмашиш операциялари бўйича олинган эҳтиёт қисм кирим қилинди	1040	4010	Товар алмашиш контракти
5	Муассислардан уларнинг қўшган улуши сифатида олинган турли материаллари кирим қилинди	1010	4710	Муассислар шартномаси ва накладнойи
6	Шуъба корхоналаридан бутловчи буюмлар олинди	1020	4110	Счет-фактура, накладнойи
7	Бошқа бўлинмалардан олинган қурилиш материаллари ички ҳаракати	1050	6110 7110	Накладнойи
8	Мулк таркибида сотиб олинган ёқилғи ҳисобга олинди	1030	6010	Олди-сотди шартномаси, накладнойи
9	Бошқа шахслардан текинга (бепул) олинган материаллар кирими	1060	8523	Накладной ва молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома
10	Материаллар камомадига мол етказиб берувчиларга даъво билдирилди	4210	1010	Коммерция далолатномаси
11	Материаллар қийматига транспорт-тайерлов харажатлари қўшилди	1010	1510	Бухгалтерия ҳисоб маълумоти
12	Брак қилинган буюмлардан қолган материаллар кирим қилинди	1090	2610	Бракни тузатиш далолатномаси, накладнойи

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
13	Қурилиш материаллари ҳақиқий таннархда (15 счетни қўллаганда) қабул қилинди	1050	1510	Материалларни қабул қилиш накладнойи
14	Ўзи ишлаб чиқарган материаллар кирим қилинди	1010	2310	Материалларни кирим қилиш накладнойи
15	Вақтинчалик иншоотни бузгандан олинган материаллар кирим қилинди	1090	2710	Тугатиш далолатномаси ва накладнойи
16	Тоғ-тайёрлаш ишлари тугагандан сўнг қайта-рилган материаллар акс эттирилди	1090	3190	Материални кирим қилиш накладнойи
17	Тўланиши рад этилган, аввал тақдим қилинган даъво суммаси ҳисобдан чиқарилди	1010	4210	Рад асоси ва коммерция далолатномаси
18	Материалларга қиммат-баҳо қоғозлар алмашти-рилди	0610	1010	Олди-сотди шартномаси, накладной
19	Асосий ишлаб чиқариш-га сарфланган материал-лар ҳисобдан чиқарилди	2010	1010	Лимит-забор картаси, материаллар бериш накладной талабнома
20	Умумхўжалик ишларига қурилиш материаллари берилди	9429	1050	Материаллар бериш накладной, талабнома
21	Бракни тўғрилаш учун материаллар сарфланди	2610	1010	Талабнома, накладной
22	Нокапитал ишларга материаллар сарфланди	2710	1010	Талабнома, накладной
23	Маҳсулотларни сотиш учун идишлар сарфланди	9413	1070	Талабнома, накладной
24	Мавоза (бартер) бўйича берилган материаллар-нинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	4010	1010	Олди-сотди шартномаси ва накладной
25	Эҳтиёт қисмлар алоҳида балансга ажратилган ич-ки бўлинмага берилди	4110	1040	Материаллар бериш накладной талабнома
26	Материаллар бошқа шахсларга текинга берилди	9220	1010	АЖ қарори, буйруқ накладной

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
27	Табиий офатларда йўқотилган материаллар ҳисобдан чиқарилди	9720	1010	Материалларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси
28	Инвентаризацияда аниқланган ёқилғи камомади акс эттирилди	4630	1030	Инвентаризация рўйхати, материалларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси
29	Тоғ-тайёрлаш ишларида ишлатилган қурилиш материаллари ҳисобдан чиқарилди	9220	1050	Талабнома ва материалларни бериш накладнойи
30	Кирим қилинган конструкцияда нуқсонлар аниқланганлиги сабабли таъминотчига қайтарилди	4210	1020	Коммерция далолатнмоаси, счет-фактура

11 — Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар ҳисоби счетлари

Корхонага тегишли ёш ҳайвонлар: бўрдоқидаги ва яйловдаги катта ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар; қуёнлар; асаларилар оилалари; сотиш учун асосий подадан брак қилинган катта қорамоллар (бўрдоқига қўйилмасдан); сотиш учун аҳолидан қабул қилинган қорамолларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетда умумлаштирилади:

1110 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар»

Кўрсатилган ҳайвонларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш бўйича харажатлар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ёки 9450 «Ёрдамчи хўжаликлар» счетларида ҳисобга олиб борилади.

Ҳайвонларнинг бошқа корхоналар ва шахслардан сотиб олиниши дебет счет 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» (мол етказиб берувчилар ҳужжатлаштирган суммага) ва бошқа тегишли счетлар (олиб келиш харажатлари суммасига) ва бошқалар.

Асосий подадан брак қилинган ҳайвонлар 1110 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар» счетига кредит счет 9210 «Асосий воситалар сотилиши ва турли чиқими» (маҳсулдор ҳайвонлар дастлабки қиймати бўйича; ишчи ҳайвон — со-

тишдан ва брак қилинишидан олинган ҳақиқий суммага) бўйича ҳисобга олинади.

Туғилган ёш ҳайвонлар 1110 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар» счети дебети ва бола туққан ҳайвонларни сақлашга доир харажатларни ҳисобга олувчи счетлар кредитига ёзилади.

Йирик шохли ҳайвонларга тегишли ёки ҳайвонлар, бўрдоқи (боқув)даги ҳайвонлар ва чўчқалар қўшилган вазни қиймати, ҳамда ёш ҳайвонлар (тойлар ва бошқалар) ўсиш қиймати ҳар ойда.

1110 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар» счети дебетига ушбу ҳайвонларни ўстириш режа таннархида харажатларни ҳисобга олиб борувчи счетлар кредитида ёзилади.

Йил охирида ушбу счетлар бўйича йил давомида режадаги таннархда қилинган ҳайвонларнинг қўшилган вазн ёки ўсиш қиймати, боқувнинг ҳакиқий таннархига тузатувчи ёзув (сторно ёки қўшимча) билан ўтказилади.

Асосий подага ўтказиладиган ёш ҳайвонлар 1110 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар» счетидан 0840 «Асосий подани шакллантириш» счети дебетига ўтказилади. Ёш ҳайвонларни асосий подага ўтказиш пайти бир вақтда 0170 «Ишчи ҳайвонлар» ёки 0171 «Маҳсулдор ҳайвонлар» счетлари дебетланиб, 0840 «Асосий подани шакллантириш» счети кредитланиши лозим. 1110 счетда ҳисобда турган ҳайвонларнинг четга ҳисобдан чиқарилиши, шу жумладан асосий подадан брак қилинган ҳайвонларни тайёрлаш корхоналарига берилиши, 1110 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар» счети кредитидан 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» дебетига ўтказилади, бир вақтда кредит счет 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» корхонага бу ҳайвонлар учун харидорлардан олинадиган суммага 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети дебети корреспонденцияси акс эттирилади.

Эпизоотия ва табиий офатлар туфайли ўлган ҳайвонлардан бошқа ўлган ва мажбурий сўйилган ҳайвонлар қиймати бойликларнинг бузилиши сифатида 1110 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар» счети кредитидан, 4630 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» дебетига ўтказилади. Ўлган ва мажбурий тартибда сўйилган ҳайвонлардан олинган

терилар, шохлар, туёқлар, техник ёғлар ва ш.к. фойдаланиши ёки сотилиши мумкин бўлган нархларда, ҳайвонларни ўстиришга оид харажатларни ҳисобга олувчи счетлардан кредити бўйича қўшимча маҳсулот сифатида кирим қилинади. Эпизоотия ва табиий офатлар туфайли ўлган ёки сўйилган ҳайвонлар қиймати 1110 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар» счети кредитидан тўғридан-тўғри 9720 «Фавқулотдаги зарар» счети дебетига ҳисобдан чиқарилади.

1110 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар» счетининг аналитик ҳисоби ҳайвонларни сақлаш жойлари, турлари, ёш гуруҳлари ва ш.к. ҳайвонларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш харажатларини ҳисобга олиш учун белгиланган кўрсаткичлар бўйича олиб борилади.

(11) Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ёш ҳайвонларни бир гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтказилиши акс эттирилди	1110	1110	Ҳайвонни гуруҳдан гуруҳга ўтказиш далолатномаси
2	Бошқа шахслар ва аҳолидан сотиб олинган ҳайвонлар кирим қилинди (15-счет қўлланилганда)	1510	6890	Счет-фактура, ҳайвонни қабул қилиш далолатномаси, олди-сотди шартномаси
3	Бошқа шахслар ва аҳолидан сотиб олинган ҳайвонлар кирим қилинди (15-счетсиз)	1110	6890	Счет-фактура, ҳайвонни қабул қилиш далолатномаси, олди-сотди шартномаси
4	Ҳайвонларнинг қўшилган вазни ва ўсиш қиймати кирим қилинди	1110	2010	Ҳайвонларни тортиш қайдномаси, далолатнома
5	Олинган ёш ҳайвонлар учун мол етказиб берувчиларнинг тўлов ҳужжати акцептланди	1110	6010	Счет-фактура, накладной
6	Илгари акс эттирилган, лекин ундирилмаслиги аниқланган даъво суммаси ҳисобдан чиқарилди	1110	4210	Коммерция далолатномаси, рад этилгани тўғрисида билдиришнома

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
7	Корхонанинг мол-мулки таркибида сотиб олинган ёш ҳайвонлар акс эттирилди	1110	8511-8513	Олди-сотди шартномаси ва қабул қилиш далолатномаси
8	Корхонага подани ҳайдаб келувчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	1110	6710	Иш вақтини ҳисобга олиш табели ва ҳисоблаш-тўлаш қайдномаси
9	Ҳисобдор шахсларнинг ҳайвонларни олиб келиш бўйича харажатлари акс эттирилди	1110	6870	Аванс ҳисоботи ва унга илова тасдиқловчи ҳужжатлар
10	Муассислардан устав сармоясига бадал сифатида олинган ёш ҳайвонлар кирим қилинди	1110	4710	Ҳайвонларни қабул қилиш далолатномаси, накладной
11	Катта шохли молнинг боласи кирим қилинди	1110	2010	Болани кирим қилиш далолатномаси
12	Ишчи отларнинг боласи (тойлар) кирим қилинди	1110	2310	Болани кирим қилиш далолатномаси
13	Бошқа шахслардан текинга олинган ёш ҳайвонлар кирим қилинди	1110	8523	Қабул қилиш далолатнмоаси
14	Ёш ҳайвонни асосий подага ўтказиш акс эттирилди	0840	1110	Ҳайвонни асосий подага ўтказиш далолатномаси
15	Ёш ҳайвонларнинг четга сотилиши акс эттирилди	9110	1110	Гуруҳ қайдномаси, бериш накладной
16	Ёш ҳайвонларни бериш қисқа муддатли молиявий қўйилма сифатида акс эттирилган	9220 5810-5890	1110 9220	Молиялаштириш шартномаси, накладной
17	Ёш ҳайвонларни шуъба корхоналарга бериш акс эттирилган	9220	1110	Ҳайвоннинг чиқиши далолатномаси, накладной
18	Ёш ҳайвонларни алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга берилиши акс эттирилди	9220	1110	Ҳайвоннинг чиқиши далолатномаси, накладной
19	Инвентаризация пайтида аниқланган ёш ҳайвонлар камомади акс эттирилди	9220	1110	Инвентаризация рўйхати, инвентаризация далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
20	Эпизоотия сабабли ўлган ёш ҳайвонлар ҳисобдан чиқарилди	9720	1110	Ҳайвонни ўлими далолатномаси ветврач хулосаси
21	Мавоза (бартер) асосида чиқиб кетган ёш ҳайвон ҳисобдан чиқарилди	9220	1110	Ҳайвонлар чиқиши тўғрисида далолатномаси, олди-сотди шартномаси

12 — Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлари ҳисоби счетлари

Корхонага тегишли арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар, хўжалик инвентари, умумий ва махсус фойдаланишдаги асбоб ва мосламалар, ҳамда ўрнатилган тартибга асосан айланма маблағлар таркибига киритиладиган бошқа меҳнат воситаларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

1210 «Омбордаги арзон баҳо ва тез эскирувчи буюмлар (АТБ);

1220 «Фойдаланишдаги АТБ»;

1230 «Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар».

АТБ — бу хўжалик инвентарлари, меҳнат буюмлари ва воситалари бўлиб, бир йилдан кам хизмат қилади. АТБга олиб бориш ва улар ҳисоби тартиби БҲМС 4-сон «Товар-моддий захиралар»* билан белгиланади.

АТБлар арзон ва тез эскирувчи буюмлари ҳисоби счетларида уларни сотиб олиш (тайёрлаш) ҳақиқий таннархларида ёки ҳисоб нархларида ҳисобга олиб борилади. Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар мослама ва қурилмалар уларни барпо этишдаги ҳақиқий таннархида ҳисобга олиб борилади. АТБни тайёрлаш ва корхонага олиб келиш харажатлари таркибига киритиладиган харажатлар рўйхати тегишли меъёрий ҳужжатлар орқали тартибга солинади. АТБлар ҳисоби ҳисобга олиш нархларида юритилганда (сотиб олиш (тайёрлаш) режа таннархи, ўртача харид нархи ва бошқалар); бойликларнинг шу нархдаги қиймати билан бойликларни сотиб олиш

ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счетида акс эттирилади. АТБлар ҳаракати ҳисоби материаллар операцияларини ҳисобга олиш тартибига ўхшаш тарзда олиб борилади.

Қурилиши тугалланган вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар қиймати 1230 «Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар» счетининг дебетига, 2720 «Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларни қуриш» (қурилиш корхоналарида) ёки 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» (геология қидирув ишларини олиб борадиган корхоналарда) счетлари кредитидан ўтказилади.

(12) Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби счетлари

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	АТБнинг омбордан фойдаланишга берилиши	1220	1210	Накладной ва талабнома
2	Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида қабул қилинган АТБнинг эскириши суммасига	1220	1310	Олди-сотди шартномаси, АТБни қабул қилиш далолатномаси
3	Мол етказиб берувчилардан келиб тушган АТБ кирим қилинди (15 счет ишлатилганда)	1210	1510	Счет-фактура ва накладной
4	Мол етказиб берувчилардан келиб тушган АТБ кирим қилинди (15 счет қўлланмасдан)	1210	6010	Счет-фактура ва накладной
5	АТБнинг баҳосини ошириш бўлганда	1210	9370	ЎзР ВМ қарори АТБни қайта баҳолаш далолатномаси
6	Инвентаризация пайтида аниқланган АТБнинг ортиқчаси кирим қилинди	1210	9390	Инвентаризация рўйхати ва инвентаризация далолатномаси
7	Қурилиши тугалланган, вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар кирим қилинди	1230	2720	Қабул қилиш-топшириш далолатнмоаси
8	Асосий воситаларни тугатишдан олинган АТБлар кирим қилинди	1210	9210	АВ ни тугатиш далолатномаси ва накладной

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
9	Сотиб олинган АТБ учун мол етказиб берувчилар тўлов ҳужжати акцептланди	1210	6010	Кирим ордери, счет-фактура
10	Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида олинган АТБ қиймати (эскириш чиқариб ташланиб) акс эттирилди	1210	6010	Шартнома ва кирим ордери
11	Ҳисобдор шахслар орқали АТБ сотиб олинди	1210	6870	Аванс ҳисоботи ва кирим ордери
12	Муассислардан уларнинг устав сармоясига бадаллари сифатида топширган АТБлари акс эттирилди	1210	4710	Муассислар шартномаси ва кирим ордери
13	Шуъба корхоналаридан олинган АТБ кирим қилинди	1210	6890	Накладной ва кирим ордери
14	Текинга олинган АТБ кирим қилинди	1210	8523	Кирим ордери
15	АТБнинг нархи пасайтирилди	9439	1210	Ҳукумат қарори ва комиссия қарори
16	Табиий офатларни тугатиш натижасида қолган АТБ кирим қилинди	1210	9710	АВ ни тугатиш акти ва кирим ордери
17	АТБни шуъба корхонага узоқ муддатли молиявий қўйилма сифатида бериш	0620	1210	Шартнома ва накладной
18	Чиқиб кетган (тугатилган) вақтинчалик титулсиз иншоотларнинг қолдиқ қиймати ҳисобдан чиқарилди (олинган материал қийматидан ташқари)	1310	1230	Ҳисобдан чиқариш далолатномаси, бухгалтерия ҳисоби
19	Асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун берилган АТБ ҳисобдан чиқарилди	2010	1220	Лимит-забор картаси ва ҳисобот
20	Ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун АТБ ҳисобдан чиқарилди	2310	1220	Накладной ва ҳисобот
21	Умум ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун АТБ ҳисобдан чиқарилди	2510	1220	Накладной
22	Маҳсулотни сотишда ишлатилган АТБ ҳисобдан чиқарилди	9419	1220	Накладной

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
23	Вақтинчалик титулсиз иншоотларни қуришда ишлатилган АТБ ҳисобдан чиқарилди	2720	1220	Лимит-забор картаси, далолатнома
24	Қисқа муддатли инвестиция ҳисобига АТБ берилди	9220 5810-5890	1210 9220	АТБни бериш накладной ва шартнома
25	Табиий офат сабабли АТБ ҳисобдан чиқарилди	9720	1210	Ҳисобдан чиқариш далолатномаси
26	Шуъба корхоналарга АТБ берилди	9220	1210	Накладной, билдиришнома
27	Ходимларнинг берилган махсус кийимлар буйича қарзи акс эттирилди	4690	1210	Накладной ва АТБни тарқатиш қайдномаси
28	АТБ кирим қилингандан кейин мол етказиб берувчиларга даъво билдирилди	4210	1210	Коммерция далолатномаси ва тўлов ҳужжати

13 — Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши ҳисоби счетлари

Фойдаланишда бўлган, арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби счетларида ҳисобга олиб бориладиган АТБлар эскириши тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

1310 «Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши». Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар эскиришини ҳисоблаш тартиби қонуний ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек БҲМС 4-сон «Товар-моддий захиралар»* билан тартибга солинади. Унга асосан АТБ фойдаланишга берилганда 100%да қиймати ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига олиб боришга рухсат берилган.

Эскириш ҳисобланганда 1310 «Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар эскириши» счети кредити харажатларни ҳисобга олиб борувчи счетлар билан корреспонденцияланади.

1310 «Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар эскириши» счети дебетига ёзув арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби счетлари кредити билан фойдаланишдан чи-

қарилган (меъёр эскирганлиги сабабли ёки ўзининг ишлаб чиқариш аҳамиятини йўқотганлиги учун) буюмларнинг дастлабки қийматидан, бу буюмлар ёки қайтарилган чиқитлар (лом, эҳтиёт қисмлар, ўтин ва ш.к.)нинг фойдаланиши мумкин бўлган нархини чиқариб ташлаб акс эттирилади. Фойдаланишдан чиқиб кетган, лекин бошқа мақсадларда ишлатишга яроқли буюмлар ёки қайтариладиган чиқитлар фойдаланиши мумкин бўлган нархларда 1220 «Фойдаланишдаги арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар» счетидан 1090 «Бошқа материаллар» счети дебетига ўтказилади.

1310 «Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар эскириши» счети аналитик ҳисоби арзон баҳо ва тез эскирувчи буюмлар алоҳида гуруҳлари бўйича зарур маълумотларни олишни таъминлаши лозим.

(13) «Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар эскириши» ҳисоби счетларининг корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Капитал қўйилмаларни амалга оширишда ишлатилган АТБларга эскириш ҳисобланди	0810	1310	Эскириш ҳисоблаш қайдномаси
2	Баҳоси оширилган АТБлар эскириш суммаси акс эттирилган	9370	1310	АТБни қайта баҳолаш далолатномаси
3	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларда ишлатилган АТБларга эскириш ҳисобланди	2010 2310	1310	Эскириш ҳисоблаш қайдномаси
4	Вақтинчалик (титулсиз) иншоотни қуришда ишлатилган АТБларга эскириш ҳисобланди	2720	1310	Эскириш ҳисоблаш қайдномаси
5	Ерни рекультивация қилишда ишлатилган АТБларга эскириш ҳисобланди	3190	1310	Эскириш ҳисоблаш қайдномаси
6	Умум хўжалик эҳтиёжларида ишлатилган АТБларга эскириш ҳисобланди	9429	1310	Эскириш ҳисоблаш қайдномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
7	Мақсадли молиялаштириш маблағи ҳисобидан амалга оширилган тадбирда ишлатилган АТБ эскириши ҳисобланди	7710	1310	Эскириш ҳисоблаш қайдномаси
8	Ҳисобдан чиқарилган АТБлар эскириш суммаси (қиймати)	1310	1220	АТБни ҳисобдан чиқариш далолатномаси
9	Четга сотилган АТБга тегишли эскириш суммаси ҳисобдан чиқарилди	1310	9220	Олди-сотди шартномаси, эскириш ҳисоби

15 — Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш ҳисоби счетлари

Айланма маблағларга кирадиган моддий бойликлар (арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқалар қўшилиб) тайёрланиши ва харид қилиниши бўйича ахборотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш».

1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счети дебетига корхонага мол етказиб берувчилардан олинган моддий бойликлар сотиб олиш қийматида олиб борилади. Бунда у ёки бу бойликларнинг қаердан келиб тушганлигига, материалларни тайёрлаш ва корхонага олиб келиш харажатлари тавсифига қараб ёзув 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрадчиларга тўланадиган счетлари», 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310-2320 «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар», «Бошқа ишлаб чиқариш» ва шу каби счетлар билан корреспонденцияда бўлади.

1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счети кредит корхонага олиб келинган ва кирим қилинган моддий бойликлар ҳақиқий қийматда материалларни ҳисобга олувчи счетлар билан корреспонденцияда ёзилади. Сотиб олинган моддий бойликларнинг харид қилиш (тайёрлаш) ҳақиқий таннархи ва ҳисобга олиш нархидаги фарқ суммаси 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счетидан 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счетига ўтказилади.

(15) Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ҳақиқий таннарх ва ҳисобга олиш нархлари ўртасидаги фарқ ҳисобдан чиқарилди	1510	1610	Бухгалтерия ҳисоби
2	Товар-моддий бойликларни тайёрлаш ва олиб келиш жараёнида ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш кўрсатган хизматлар ҳисобдан чиқарилди	1510	2310-2320	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоботи
3	Сотиб олинган материаллар бўйича мол етказиб берувчиларнинг тўлов ҳужжатлари акцептланди	1510	6010	Счет-фактура ва накладной
4	Тўланмаган даъво суммалари материаллар таннархига қўшилди	1510	4210	Даъвони рад қилиниши, хабарнома
5	Ҳисобдор шахс томонидан тўланган товар-моддий бойликларни тайёрлаш ва олиб келиш харажатлари акс эттирилди	1510	6870	Аванс ҳисоботи
6	Материалларни сотиб олишда турли ташкилотлар хизмат ҳақи акс эттирилди	1510	6890	ТТН ва тўлов ҳужжати
7	Материалларнинг келиб тушиши: — шуъба корхоналардан — ички бўлинмалардан	 1510 1510	 6890 6110	Накладной ва хабарнома
8	Материаллар камомади суммасига мол етказиб берувчиларга даъво билдирилди	4210	1510	Коммерция далолатномаси ва тўлов ҳужжати
9	Ўрнатиладиган ускуна кирим қилинди	0710	1510	Кирим ордери, накладной
10	Омборга келиб тушган моддий бойликлар кирим қилинди	1010-1070 1090	1510	Кирим ордери ва накладной
11	Ўстиришга ва бўрдоқига олинган ҳайвон кирим қилинди	1110	1510	Кирим ордери ва накладной

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
12	Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар кирим қилинди	1210	1510	Кирим ордери ва накладной
13	Келиб тушган материалларнинг ҳақиқий таннархи ва ҳисоб нархи ўртасидаги фарқ суммалар ҳисобдан чиқарилди	1610	1510	Бухгалтериянинг ҳисоб маълумотномаси

16 — Материаллар қийматидаги фарқлар ҳисоби счетлари

Моддий бойликларнинг сотиб олиш (тайёрлаш) ҳақиқий таннархи билан ҳисобга олиш нархларидаги қиймати ўртасидаги фарқ тўғрисидаги ахборот қуйидаги счетда умумлаштирилади:

1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар».

Бу счет материалларни ҳисобга олувчи счетларда, арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни 12 «Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар» счетида ҳисобга олиш нархларида ҳисобга олиб борадиган корхоналарда қўлланади.

Сотиб олинган моддий бойликларнинг харид қилиш (тайёрлаш) ҳақиқий таннархдаги қиймати ва ҳисобга олиш нархларидаги қиймати ўртасидаги фарқлар 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счетидан, 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счетининг дебет ёки кредитига ҳисобдан чиқарилади.

1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счетида йиғилган, олинган моддий бойликлар харид қилиш (тайёрлаш) ҳақиқий таннарх ва ҳисобга олиш нархларидаги қиймат ўртасидаги фарқлар ишлаб чиқариш харажатлари (муомала харажатлари) ёки бошқа тегишли счетлар дебетига ишлаб чиқаришга сарфланган материалларнинг ҳисоб нархлари қийматига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилади.

1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счети аналитик ҳисоб, бундай фарқлар даражаси қарийб бир хил бўлган моддий бойликлар гуруҳлари бўйича олиб борилади.

(16) Материаллар қийматидаги фарқлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Сотиб олинган материаллар ҳақиқий таннархи ва ҳисобга олиш нархларидаги фарқ (ортиқча харажат) ҳисобдан чиқарилди	1610	1510	Бухгалтерия ҳисоби
2	Алоҳида балансга ажратилган бўлинмадан олинган материаллар фарқлар суммаси акс эттирилди	1610	4110	Бухгалтерия ҳисоби
3	Сотиб олинган материаллар ҳақиқий таннархи ва ҳисобга олиш нархларидаги фарқ (иқтисод) ҳисобдан чиқарилди	1510	1610	Бухгалтерия ҳисоби
4	Материаллар қийматидаги фарқлар (ҳисобланган ҳиссада) тегишли счетларга (ортиқча харажатлар) ҳисобдан чиқарилди	2010 2310 2510	1610	Бухгалтерия ҳисоби
5	Материаллар қийматидаги фарқлар суммаси ҳиссаси хизмат кўрсатувчи хўжаликларга (ортиқча харажатлар) олиб борилди	9450	1610	Бухгалтерия ҳисоби
6	Фарқларнинг тегишли ҳиссаси нокапитал ишлар қийматига киритилди	2710	1610	Бухгалтерия ҳисоби-маълумотномаси
7	Материаллар қийматидаги фарқларнинг бир қисми ички бўлинмаларга берилган материаллар бўйича уларнинг счетига ўтказилди (ортиқча харажатлар)	4110	1610	Бухгалтерия ҳисоби-маълумотномаси

20 — Асосий ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари

Асосий ишлаб чиқариш, яъни шу корхонани ташкил этишда мақсад қилиб қўйган маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариладиган харажатлар тўғрисидаги ахборот қуйидаги счетда умумлаштирилади:

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счети.

Корхонанинг харажатлари тўлов вақтидан: олдиндан тўловни (ижара ҳақи, обуна тўлови ва ш.к.) ёки кейинчалик тўловни (ҳисобдор шахснинг ортиқча қилган харажатига тўлов ва ш.к.) қатъий назар уларга тегишли бўлган даврдаги маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига киритилиши лозим. Қандай калькуляция даврига тегишли эканлигини аниқлаб бўлмайдиган харажатлар, ҳамда мавсумий тармоқлардаги харажатларнинг айрим турлари маҳсулот (иш, хизмат) таннархига смета харажатлари асосида қўшилади.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счети қуйидаги харажатларни ҳисобга олиб бориш учун ишлатилади:

— саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича;

— пудратчи, геология ва лойиҳа-қидирув корхоналарининг қурилиш-монтаж, геология-қидирув ва лойиҳа-қидирув ишлари;

— транспорт ва алоқа корхоналарининг хизмат кўрсатишга доир;

— илмий-тадқиқот корхоналарининг илмий-тадқиқотчилик ва конструкторлик ишлари бўйича;

— умумий овқатланиш корхоналарининг ўз маҳсулотларини чиқаришга оид;

— йўл хўжаликларининг автомобил йўлларининг сақланиш ва таъмирланишига оид харажатлари.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счети дебетида маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бевосита харажатлар, ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат қилиш билан боғлиқ билвосита харажатлар, бракдан кўрилган зарарлар ҳисобга олиб борилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишни бажариш ва хизмат кўрсатиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бевосита харажат-

лар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетига, ишлаб чиқариш захиралари, ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисобкитоблар ҳисоби счетлари ва бошқа счетлар кредитидан ўтказилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетига 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320 «Бошқа ишлаб чиқариш» счетлари кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат қилиш билан боғлиқ билвосита харажатлар 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари» счетидан 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетига ҳисобдан чиқарилади. Бракдан кўрилган йўқотишлар 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счети кредитидан 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетига ўтказилади.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетининг кредити бўйича ишлаб чиқарилиш тугалланган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва хизматлар ҳақиқий таннарх суммасида акс эттирилади. Бу суммалар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетидан, 2810 «Тайёр маҳсулотлар», 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи», 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» счетларининг дебети ҳисобидан чиқарилиши мумкин.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счети бўйича ой охирига қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархини (ой охирида қолган) кўрсатади. Аналитик ҳисоб харажат турлари ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш, хизмат) турлари бўйича юритилади. Харажатларнинг вужудга келиш жойлари ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши, шунингдек калькуляцияли ҳисоб алоҳида счетлар тизимида амалга оширилиши мумкин, у ҳолда унинг таркиби ва қўлланиш услуби корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти, таркиби, бошқаришни ташкил этиш хусусиятларидан келиб чиқади. Агарда харажатларнинг вужудга келиш жойлари ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши, шунингдек калькуляцияли ҳисоб олиш счетларининг алоҳида тизимида амалга оширилмаса, унда 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счети бўйича аналитик ҳисоб корхона бўлинмалари бўйича олиб борилади.

(20) Асосий ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Махсулотларни тайёрлашда (ишларни бажариш, хизмат кўрсатишда) бевосита қатнашган асосий воситаларнинг эскириши акс эттирилди	2010	0211-0299	АВ нинг эскириш ҳисоби
2	Маҳсулотларни тайёрлаш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишга тегишли номоддий активлар амортизациясига	2010	0510-0590	Номоддий активлар эскириши ҳисоби
3	Маҳсулотларни тайёрлаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишга бевосита сарфланган материаллар ҳисобдан чиқарилди	2010	1010-1090	Накладной, ҳисобдан чиқариш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси
4	Чорвачилик маҳсулотини олиш учун ҳайвонларнинг сўйилиши акс эттирилди (ҳайвонлар қиймати)	2010	1110	Сўйиш далолатномаси
5	Бирлиги белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган АТБ асосий ишлаб чиқариш учун фойдаланишга беришда ҳисобдан чиқарилди	2010	1210	Накладной, ҳисобдан чиқариш далолатномаси, бухгалтерия ҳисоби
6	Махсулотларни тайёрлаш ва хизматлар кўрсатишда бевосита қатнашган АТБ (махсус асбоблар, махсус жиҳозлар ва ш.к.)ларнинг, прокат буюмларининг эскириши акс эттирилди	2010	1310	Бухгалтерия ҳисоби
7	Материаллар қийматидаги фарқлар тегишли ҳиссада асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилди (сторно ёки қўшимча ёзув билан)	2010	1610	Бухгалтерия ҳисоби
8	Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар асосий ишлаб чиқариш цехига қайта ишлашга берилди	2010	2110	Накладной, ҳисобдан чиқариш далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
9	Ёрдамчи цехларнинг харажатлари асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматлар таннархига қўшилди	2010	2310	Таннарх ҳисоби
10	Умум ишлаб чиқариш харажатлари асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматлари таннархига қўшилди: билвосита харажатлар (ишлаб чиқариш харажатлари)	2010	2510	Таннарх ҳисоби
11	Брақдан кўрилган зарарлар асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматлари таннархига қўшилди. Брак қилинган маҳсулотнинг қайтарилиши	2010	2610	Брак тўғрисида далолатнома, бухгалтерия ҳисоби
12	Илгари келгуси давр харажатлари тарзида акс эттирилган сарфларнинг тегишли ҳиссаси маҳсулот таннархига қўшилди	2010	3110-3190	Бухгалтерия ҳисоби
13	Асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланган тайёр маҳсулот: кирим қилинган тайёр маҳсулотнинг омбордан цехга қайтарилиши (қўшимча ишлашга ва ҳоказо)	2010	2810	Накладной, ҳисобдан чиқариш далолатномаси
14	Харид қилинган ва бутловчи буюмлар асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжига берилди: товарлар қайта ишлашга берилди	2010	2910	Накладной
15	Бевосита маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига қўшиладиган турли харажатларга нақд пул тўланган	2010	5010-5020	Чек, квитанция нақд сарфни тўлаган шахс ҳисоботи
16	Асосий ишлаб чиқариш харажатларига қўшилган, ҳисоб-китоб ёки валюта счети, ҳамда банкдаги махсус счетдан тўланган турли бевосита харажатлар	2010	5110 5210-5220 5510-5530	Банк счетларидан кўчирма, бухгалтерия ҳисоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
17	Цехга ишлаб чиқариш учун мол стказиб берувчилардан келган моддий бойликлар ва кўрсатилган хизматлар тўлов ҳужжатлари акцептланган	2010	6010	Шартнома, счет-фактура, накладной
18	Қондирилмаган даъво суммаси асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари таннархига киритилган	2010	4210	
19	Мажбурий мулкий ва шахсий суғурта харажатлари суммаси асосий ишлаб чиқариш харажатларига қўшилди (суғурта ташкилотларига қарз)	2010	6510	Бухгалтерия ҳисоби
20	Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари, ишлар ва хизматлар таннархига киритиладиган харажатлар акс эттирилди	2010	6530	Бухгалтерия ҳисоби
21	Асосий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнат ҳақидан ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар ҳисобланди	2010	6520	Бухгалтерия ҳисоби
22	Асосий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатига ҳақ (иш ҳақи) ҳисобланди	2010	6710	Бухгалтерия ҳисоби
23	Асосий ишлаб чиқаришга қилинган ҳисобдор шахслар харажатлари акс эттирилди	2010	6870	Ҳисобдор шахслар ҳисоботи, бухгалтерия ҳисоби
24	Асосий ишлаб чиқариш цехларига (маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқалар бўйича) кўрсатган хизматлари учун турли корхоналарга қарзлар акс эттирилди	2010	6890	Шартномалар, бажарилган ишлар далолатномаси
25	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларнинг асосий ишлаб чиқаришга қилган харажатлари акс эттирилди	2010	6110	Накладной, ҳисобдан чиқариш далолатномаси, бухгалтерия ҳисоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
26	Асосий цехларда тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг аниқланган ортиқча миқдорлари (камомадларга нисбатан ортиқча бўлган суммалар) кирим қилинди	2010	9390	Инвентаризация далолатномаси
27	Етмаган моддий бойликлар қиймати (шу жумладан табиий камайиш) қонунлар асосида асосий ишлаб чиқариш харажатларига киритилди	2010	4630	Инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия ҳисоби
28	Тугалланмаган маҳсулот (ярим тайёр маҳсулот)-ларнинг бир қисми, ҳамда асосий цехлар кўрсатган хизматлар бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий қўйилма (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматини қоплаш ҳисобига) тартибида берилган	9110	2010 2110	Шартнома накладной, счет-фактура
29	Асосий ишлаб чиқаришдан (асосий цехдан) материалларнинг қайтарилиши акс эттирилган, ўзи ишлаб чиқарган материаллар, ҳамда қайтарилган чиқитлар кирим қилинган	1010-1050	2010	Накладной, қабул қилиш далолатномаси
30	Ҳайвонларни ўстириш ва бўрдоқига боқишга доир харажатлар ҳайвонлар таннархига (қўшилган вазнга, ўсишга киритилган ҳайвоннинг болалаши акс эттирилган)	1110	2010	Бухгалтерия ҳисоби
31	Бирлиги белгиланган лимит қийматга эга бўлган АТБнинг қайтарилиши (аввал асосий ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилган) акс эттирилди, ўзи ишлаб чиқарган АТБ кирим қилинди	1210	2010	Накладной
32	Тугалланмаган ишлаб чиқариш (асосий цехларда) суммалари камайтириш томонига (арзонлаштириш) қайта баҳоланди	9439	2010	Корхона раҳбари қарори, бухгалтерия ҳисоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
33	Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар операцияларо омборларга кирим қилинди (ярим тайёр маҳсулот варианти)	2110	2010	Накладной
34	Асосий ишлаб чиқаришда аниқланган маҳсулотнинг тузалмайдиган бракидан кўрилган зарарлар ҳисобдан чиқарилди	2610	2010	Брак бўйича далолатнома, бухгалтерия ҳисоби
35	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи ва хўжаликларга, ўз қурилишига берилган асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматлари қиймати тушум сифатида акс эттирилди	9110-9130 0810 2320	2010 9010-9030	Накладной
36	Махсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳақиқий таннархда акс эттирилди	2810	2010	Накладной, бухгалтерия ҳисоби
37	Савдо ва таъминот ташкилотлари ва корхоналарида ўзи ишлаб чиқарган товарлари кирим қилинди (қайта ишланганда ва ҳоказо)	2910	2010	Накладной
38	Асосий цехлар бажарган ишлар ва кўрсатган хизматлар сотилиши акс эттирилган. Тугалланган ва буюртмачи босқичлари бўйича қабул қилган ишлар харажатлари суммаси ҳисобдан чиқарилди	9110-9130	2010	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
39	Асосий ишлаб чиқариш цехларидан турли бойликлар (деталлар ва ш.к.) текинга берилди	9110-9130	2010	Бериш тўғрисида қарор, накладной, счет-фактура
40	Тугалланмаган маҳсулот (ярим тайёр маҳсулот) нинг бир қисми бошқа корхонага қисқа муддатли молиявий қўйилма сифатида берилган (қимматли қоғозлар қиймати қопланди)	9110-9130 5810	2010 2110 9010-9030	Шартнома, накладной, счет-фактура

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
41	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларга қилинган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи ҳисобдан чиқарилди (ярим тайёр маҳсулотсиз варианти)	9110-9130 4110	2010 9010-9030	Бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
42	Бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича харажатлар, маҳсулот бермаган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобдан чиқарилди	9439	2010	Қарор, бухгалтерия ҳисоби
43	Табиий офатлар, ёнғинлар ва ш.к. туфайли тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар ҳисобдан чиқарилди	9720	2010	Йўқотишлар тўғрисида далолатнома, бухгалтерия ҳисоби
44	Асосий ишлаб чиқаришда аниқланган моддий бойликлар камомади акс эттирилди	4630	2010	Инвентаризация далолатномаси

21 — Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар ҳисоби счетлари

Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларнинг алоҳида ҳисобини юритувчи корхоналарда уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетда умумлаштирилади:

2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар».

Жумладан, ушбу счетда корхона тайёрлаган шундай ярим тайёр маҳсулотлар (ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклида): қора металлургияда қайта ишланувчи чўян; резина саноатида хом резина ва елим; химия саноатида азотли-ўғит комбинатидаги сульфат кислота; тўқимачилик комбинатида йигирилган ип, хом сурп ва ҳ.к. Бошқа корхоналарда кўрсатилган бойликлар тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобланиб, яъни 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетида ҳисобга олиб борилади.

2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счетининг дебетида, 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счети билан корреспонденцияда ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. 2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счети

кредитида қайта ишлаш учун берилган (2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счети билан кореспонденцияда) ва бошқа корхоналарга сотилган (9119 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счети билан корреспонденцияда) ярим тайёр маҳсулотнинг таннархи акс эттирилади.

2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счетининг аналитик ҳисоби ярим тайёр маҳсулотлар сақлаш жойлари ва алоҳида номлари (турлари, навлари, ўлчовлари ва ш.к.) бўйича олиб борилади.

(21) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар қўшимча баҳоланди	2110	9370 2110	Раҳбарлар қарори, бухгалтерия ҳисоби
2	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларда чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар омборга қабул қилинди	2110	2010 2310-2320 2510	Накладной
3	Ортиқча чиққан ярим тайёр маҳсулотлар кирим қилинди	2110	9390	Инвентаризация рўйхати
4	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан олинган ярим тайёр маҳсулотлар кирим қилинди	2110	6110	Накладной
5	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар арзонлаштирилди	9439	2110	Раҳбарлар қарори, бухгалтерия ҳисоби
6	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ҳамда умум ишлаб чиқариш ва умум маъмурий эҳтиёжлари учун берилган	2010 2310-2320 2510 9429	2110	Накладной
7	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар бракни тузатиш учун сарфланган: ярим тайёр маҳсулотлар бракидан кўрилган зарарлар акс эттирилган	2610	2110	Брак тўғрисида далолатнома, накладной

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
8	Сотиш учун мўлжалланган ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар тайёр маҳсулот сифатида акс эттирилди	2810	2110	Накладной, бажарилган иш далолатномаси
9	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар харидорларга жўнатилди	9110	2110	Накладной, счет-фактура
10	Бошқа корхоналарга текинга берилган ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар	9439	2110	Бериш тўғрисида қарор, накладной, счет-фактура
11	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар алоҳида балансга ажратилган бўлинмага берилди	4110	2110	Накладной
12	Табиий офатлар сабабли ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлардан кўрилган зарарлар ҳисобдан чиқарилди	9720	2110	Йўқотишлар тўғрисида далолатнома, бухгалтерия ҳисоби
13	Ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфлар маҳсулот бермаганлиги сабабли ҳисобдан чиқарилди	9439	2110	Рапорт, бухгалтерия ҳисоби
14	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар камомади аниқланди	4630	2110	Инвентаризация далолатномаси

23 — Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари

Асосий ишлаб чиқаришга ёки корхонанинг асосий фаолиятига ёрдамчи (қўшимча) ва хизмат кўрсатувчи бўлган ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги ахборот қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»;

2320 «Бошқа ишлаб чиқариш».

Жумладан, бу счет қуйидагиларни таъминлайдиган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун қўлланилади:

— энергиянинг ҳар хил турлари (электр энергияси, буғ, газ ва бошқалар) билан хизмат кўрсатиш;

— транспорт хизматини кўрсатиш;

— асосий воситаларни таъмирлаш;

— асбоблар, штамплар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш деталлари, конструкциялар ёки қурилиш материалларини бойитиш (асосан, қурилиш корхоналарида);

— тош, шағал, қум ва бошқа рудамас материаллар;

— ёғоч тайёрлаш ва тахта (ёғоч) тилиш;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тузлаш, қуритиш ва консерва қилиш (асосан, савдо корхоналарида);

— махсус кийим ва махсус пойафзал ва бошқаларни тикиш ва тузатиш.

Бундан ташқари, бу счетларда корхона балансида бўлган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик бўлинмаларининг харажатлари ҳам акс эттирилиши мумкин.

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320 «Бошқа ишлаб чиқариш» счетларининг дебетига бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тўғри харажатлар, ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқаришларни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ билвосита (эгри) харажатлар ва брақдан йўқотишлар акс эттирилади. Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ тўғри харажатлар 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счетига ишлаб чиқариш захиралари, ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар, асосий воситаларга, номоддий активларга, арзон баҳо ва тез эскирувчи бюмларга амортизация ҳисоблаш ва бошқа счетлар кредитидан ўтказилади.

Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ билвосита (эгри) харажатлар 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320 «Бошқа ишлаб чиқариш» счетларига 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари» счетидан ўтказилади. Мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришга оид хизмат кўрсатиш харажатлари бевосита (тўғридан-тўғри) 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320 «Бошқа ишлаб чиқариш» счетларида (2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари» счетида олдиндан тўпламасдан) ҳисобга олиб борилиши мумкин.

Брақдан йўқотишлар 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320 «Бошқа ишлаб чиқариш» счетларига 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счетидан ўтказилади.

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320 «Бошқа ишлаб чиқариш» счетлари кредити бўйича ишлаб чиқарилиши тугалланган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархидаги суммаси акс эттирилади. Бу суммалар 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320 «Бошқа ишлаб чиқариш» счетларидан қуйидаги счетлар дебетига ҳисобдан чиқарилади:

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» — маҳсулот (иш, хизмат) асосий ишлаб чиқаришга ёки асосий фаолият турига берилганда;

2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари» — маҳсулот (иш, хизмат) умум ишлаб чиқариш мақсадлари учун берилганда;

2810 «Тайёр маҳсулот» — ёрдамчи ва бошқалар ишлаб чиқаришнинг тайёр маҳсулотларини корхона омборига кирим қилинганда;

9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» — чет ташкилотларнинг ишлари ва хизматлари бажарилганда;

9429 «Бошқа маъмурий харажатлар» — маҳсулот (иш, хизмат)лар умум маъмурий мақсадлар учун берилганда.

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320 «Бошқа ишлаб чиқариш» счетларининг аналитик ҳисоби харажатлар элементлари ва моддалари ҳамда ишлаб чиқариш турлари бўйича олиб борилади.

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320 «Бошқа ишлаб чиқариш» счетларининг ой охиридаги қолдиқлари тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини кўрсатади.

(23) Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш цехларида ишлатилган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди	2310-2320	0211-0290	Асосий воситалар эскириш ҳисоби
2	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларига тегишли номоддий активлар амортизация ҳисобланди	2310-2320	0510-0590	Номоддий активлар амортизация ҳисоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
3	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар сарфланган	2310-2320	1010-1070 1090	Накладной
4	Маҳсулот олиш учун ҳайвонларнинг сўйилиши акс эттирилган	2310-2320	1110	
5	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун АТБ ҳисобдан чиқарилди	2310-2320	1210	Накладной
6	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш цехларида фойдаланилган АТБ эскириши акс эттирилди	2310-2320	1310	АТБ эскириш ҳисоблаши
7	Ёрдамчи ва бошқа хизмат кўрсатиш цехлари тугалланмаган ишлаб чиқаришлар суммаси кўпайтириш томонига қайта баҳоланган (баҳоси оширган)	2310-2320	9370	Корхона раҳбари қарори, бухгалтерия ҳисоблаши
8	Материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобланган ҳиссада ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш счетларига олиб борилди (ижобий сон ёки сторно билан)	2310-2320	1610	Бухгалтерия ҳисоблаши
9	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш эҳитёжларига сарфланди	2310-2320	2110	Накладной
10	Умум ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли ҳиссаси ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш маҳсулотлари, ишлари, хизматлари таннархига киритилди	2310-2320	2510	Бухгалтерия ҳисоблаши
11	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш маҳсулотлари таннархига уларни тайёрлашда бракдан кўрилган йўқотишлар (зарарлар) киритилган	2310-2320	2610	Брак тўғрисида далолатнома, бухгалтерия ҳисоблаши
12	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш маҳсулотлари, ишлари, хизматлари таннархига келгуси давр харажатларининг тегишли ҳиссаси қўшилди	2310-2320	3110-3190	Бухгалтерия ҳисоблаши

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
13	Асосий цех маҳсулотларининг бир қисми ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланилган	2310-2320	2810	Накладной
14	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришнинг турли харажатлари нақд пул билан тўланган	2310-2320	5010	Харажатлар учун масъул шахс ҳисоботи
15	Ёрдамчи ва бошқа цехларга қабул қилинган моддий бойликлар ва хизматлар (сув, буғ, энергия, алоқа ва ш.к.) учун мол етказиб берувчилар тўлов ҳужжатлари акцептланди	2310-2320	6010 6890	Шартнома, счет-фактура
16	Ёрдамчи цехларга тегишли қондирилмаган даъволар суммаси, уларнинг маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари таннархига ҳисобдан чиқарилди	2310-2320	4210	Суд қарори, корхона раҳбари қарори, бухгалтерия ҳисоблаши
17	Ёрдамчи ва бошқа цехлар ходимларининг мажбурий мулкий ва шахсий суғуртасига харажатлар (суғурта ташкилотларига қарзлар) акс эттирилди	2310-2320	6510	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
18	Ёрдамчи цех ходимлари меҳнат ҳақидан ижтимоий суғурта ва таъминот ажратмаси акс эттирилди	2310-2320	6520	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
19	Бюджетдан ташқари жамғармаларга ўтказилиши лозим бўлган суммалар (ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари бўйича) ҳисобланди	2310-2320	6530	Бухгалтерия ҳисоблаши
20	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига меҳнат ҳақи суммаси ҳисобланди	2310-2320	6710	Бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисобга олиш табели, бухгалтерия ҳисоблаши
21	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш цехларига кўрсатган хизматлари учун турли корхоналарга қарз акс эттирилди	2310-2320	6890	Шартнома, бажарилган иш, хизмат далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
22	Олинган суммаларидан ортиқча харажатлари бўйича ҳисобдор шахсларга қарз акс эттирилди	2310-2320	6870	Накладной, ҳисобдор шахс ҳисоботи, бухгалтерия ҳисоблаши
23	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларнинг ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш цехларига кўрсатган хизматлари акс эттирилди	2310-2320	6110	Шартнома, накладной, счет-фактура
24	Ёрдамчи ва бошқа цехлардаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқчаси (камомаддан ортиқча бўлган суммада) кирим қилинди	2310-2320	9390	Инвентаризация рўйхати, бухгалтерия ҳисоботи
25	Етишмаган моддий бойликлар қиймати ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари таннархига олиб борилди	2310-2320	4630	Инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия ҳисоби
26	Ёрдамчи цехлар ишлари ва хизматларининг бир қисми бошқа корхоналарга узоқ муддатли қўйилма тартибида (сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматини қоплаш бўйича) кўрсатилган	9110 0610	2310-2320 9010-9030	Шартнома, накладной, счет-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси
27	Ўрнатиш учун олинган ускунани сотиб олишда ёрдамчи ишлаб чиқариш қилган харажатлар (шу жумладан транспорт хизматлари) ускуна қийматига қўшилди	0710-0720	2310-2320	Транспорт ташкилотлари счетлари, рапорт, бажарилган ишлар далолатномаси, бухгалтерия ҳисоби
28	Ёрдамчи ва бошқа цехларнинг капитал қўйилмалар амалга оширишдаги харажатлари ва хизматлари ҳисобдан чиқарилди	0810-0890	2310-2320	Накладной, бажарилган ишлар далолатномаси
29	Илгари ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига олиб борилган материалларнинг қайтарилиши акс эттирилди, ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришда тайёрланган	1010-1070 1090	2310-2320	Доклалной ёзуви, бухгалтерия ҳисоб-китоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
	эҳтиёт қисм кирим қилинди, қайтарилган чиқитлар қиймати ва бошқалар			
30	Ёрдамчи ва бошқа цехлар харажатлари ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар таннархига қўшилди	1110	2310-2320	Таннарх ҳисоби
31	Илгари ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган АТБнинг қайтарилиши акс эттирилган: ёрдамчи ва бошқа цехларда ишлаб чиқарилган АТБ кирим қилинди	1220	2310-2320	Докладной ёзуви, бухгалтерия ҳисоби
32	Ёрдамчи цехлардаги тугалланмаган ишлаб чиқариш суммалари камайтириш томонга қайта баҳоланган (арзонлаштирилган)	9439	2310-2320	Корхона раҳбари қарори, бухгалтерия ҳисоблаши
33	Ёрдамчи цехларнинг материалларни тайёрлаш ва харид қилишдаги харажат ва хизматлари ушбу материаллар таннархига киритилди	1510	2310-2320	Накладной, бажарилган ишлар далолатномаси, бухгалтерия ҳисоблаши
34	Ижарага олинган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисобдан чиқарилди (ижарачи ҳисобидан)	6890	2310-2320	Бажарилган иш, хизмат далолатномаси, бухгалтерия ҳисоблаши
35	Ёрдамчи цех харажат ва хизматлари ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар таннархига киритилди	2110	2310-2320	Накладной, бажарилган иш, хизмат далолатномаси, бухгалтерия ҳисоблаши
36	Асосий цехнинг бракдан кўрган зарарига бракни тузатиш бўйича ёрдамчи ва бошқа цехларнинг харажатлари қўшилган	2610	2310-2320	Брак тўғрисида далолатнома, бухгалтерия ҳисоблаши
37	Ёрдамчи цех харажатлари тақсимланганда уларнинг ҳиссалари хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатларига олиб борилди	2320 9450	2310 2310	Бухгалтерия ҳисоблаши

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
38	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматлари келгуси давр харажатлари таркибига олиб борилди (мавсумий тармоқларда)	3110-3190	2310-2320	Бухгалтерия ҳисоблаши
39	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришнинг тайёр маҳсулоти кирим қилинди	2810	2310-2320	Накладной қабул қилиш топшириш далолатномаси
40	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш маҳсулотлари товар сифатида кирим қилинди (бу счетдан савдо, қайта ишлаш корхоналари ва ш.к. фойдаланганда)	2910	2310-2320	Накладной, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
41	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришнинг маҳсулотларни жўнатиш ва сотишда кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилди	9410	2310-2320	Бажарилган иш, хизматлар далолатномаси, бухгалтерия ҳисоблаши
42	Ёрдамчи ва бошқа цехларнинг четга маҳсулот чиқариши ва буюртмачиларга кўрсатган иш ва хизматлари ҳақиқий таннархда акс эттирилди	9110-9130	2310-2320	Шартнома, счет-фактура
43	Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларининг четга сотган маҳсулотлари ва кўрсатган хизматлари акс эттирилди	9110-9130	2310-2320	Шартнома, счет-фактура
44	Ёрдамчи ва бошқа цехларнинг асосий воситаларнинг, номоддий активларнинг сотилиши ва турли чиқимидаги харажатлари ҳисобдан чиқарилди	9210 9220	2310-2320 2310-2320	Докладной ёзуви, бухгалтерия ҳисоблаши
45	Ёрдамчи ва бошқа цехларнинг бошқа корхоналарга маҳсулотлари ва кўрсатган хизматлари қисқа муддатли қўйилма сифатида берилди	9110-9130 5810	2310-2320 9010-9020	Шартнома, счет-фактура накладной
46	Ёрдамчи ва бошқа цехларнинг ходимларга кўрсатган хизматининг қиймати ушлаб қолинди	6710	2310-2320	Шартнома, хизмат қиймати ҳисоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
47	Жавобгар шахс қоплайдиган моддий зарар суммасига қонун асосида ёрдамчи цех харажатлари ҳиссаси қўшилди	4630	2310-2320	Зарар тўғрисида далолатнома, бухгалтерия ҳисоблаши
48	Ёрдамчи ва бошқа цехларнинг шуъба корхоналарга кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилди	4890	2310-2320	Шартнома, счет-фактура, накладной
49	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришнинг алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларига берган маҳсулотлари ёки қилган харажатлари ҳисобдан чиқарилди	4110	2310-2320	Шартнома, счет-фактура, накладной
50	Ёрдамчи ва бошқа цехларнинг маҳсулот бермаган, бекор қилинган буюртмалар бўйича харажатлари ҳисобдан чиқарилди	9239	2310-2320	Корхона раҳбари қарори, бухгалтерия ҳисоби
51	Ёрдамчи ва бошқа цехларнинг табиий офат, ёнғин ва шу кабилардан йўқотишлари ҳисобдан чиқарилди	9720	2310-2320	Зарарлар тўғрисида далолатнома
52	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш цехларида аниқланган моддий бойликларнинг бузилиш ва камомади акс эттирилди	4530	2310-2320	Инвентаризация далолатномаси
53	Ижарага олинган асосий воситаларни капитал таъмирлаш харажатлари ижарачи ҳисобига акс эттирилди	4890	2310-2320	Шартнома, бажарилган иш, хизмат далолатномаси
54	Қайтариладиган ва кўп марта айланадиган идишлар бўйича харажат ва йўқотишлар акс эттирилди	9439	2310-2320	Доклад ёзуви

25 — Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счетлари

Корхонанинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларга хизмат кўрсатишга доир харажатлари ҳисоби тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетда умумлаштирилади:

2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари».

Жумладан, бу счетда қуйидаги харажатлар акс эттирилиши мумкин:

машина ва ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш бўйича;

ишлаб чиқаришга мўлжалланган асосий воситаларни қайта тиклаш бўйича ҳисобланган амортизация ва таъмирлаш учун харажатлар;

ишлаб чиқаришга оид мол-мулкни суғурта қилиш харажатлари;

ишлаб чиқариш хоналарини иситиш, ёритиш ва сақлаш бўйича харажатлар;

ишлаб чиқариш хоналари, машина ва ускуналар ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган бошқа ижарага олинган воситалар учун ижара ҳақи;

ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;

ва бошқа шунга ўхшаш мақсаддаги харажатлар.

Корхоналарда умум ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга асосан харажатлар элементлари бўйича субсчетлар очиши мумкин.

Умум ишлаб чиқариш харажатлари умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счетлари дебети бўйича, ишлаб чиқариш захиралари ҳисоби счетлари, ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа счетлар кредити билан акс эттирилади. Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счетларидаги харажатлар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320 «Бошқа ишлаб чиқариш» счетлари дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Умум ишлаб чиқариш харажатларини алоҳида ҳисобга олиш объектлари ўртасида тақсимлаш тартиби тегишли меъёрий ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счетлари бўйича аналитик ҳисоб корхонанинг алоҳида бўлинмалари ва харажат моддалари бўйича олиб борилади.

(25) Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ишлаб чиқариш, ускуналар ва ишлаб чиқариш хоналарига хизмат кўрсатишда қатнашадиган асосий воситалар эскириш ҳисобланди	2510	0220-0260 0290 0299	АВнинг эскириш ҳисоби
2	Ишлаб чиқаришга, ускуналарга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш хоналари ва шу кабиларни сақлаш бўйича харажатларга тегишли номоддий активларга амортизация ҳисобланди	2510	0510 0530 0550 0590	Номоддий активлар амортизация ҳисоби
3	Ишлаб чиқаришга, ускуналарга, хоналарга ва шу кабиларга хизмат кўрсатиш мақсадида материаллар сарфланган	2510	1010-1050 1090	Накладной
4	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган АТБ бирлиги белгиланган лимит қийматигача бўлганлиги сабабли фойдаланишга берилишда ҳисобдан чиқарилди	2510	1210 1230	Накладной, бухгалтерия ҳисоблаши
5	Цехларга хизмат кўрсатишда ишлатиладиган АТБларнинг эскириши ҳисобланди	2510	1310	Эскириш ҳисоби
6	Цехларга хизмат кўрсатиш мақсадларида ишлатилган материалларнинг қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилди (ижобий сон ёки сторно)	2510	1610	Бухгалтерия ҳисоблаши
7	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар цехларга хизмат кўрсатиш мақсадлар учун берилган (синовлар, тажрибалар ўтказиш учун)	2510	2110	Накладной, талабнома
8	Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг хизматлари цехларга хизмат кўрсатишга доир харажатларга ҳисобдан чиқарилди (шу жумладан ижарага олин-	2510	2310	Накладной бажарилган иш, хизмат тўғрисида далолатнома, доклад ёзуви

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
	ган асосий воситаларни ижараси ҳисобидан капитал таъмирлаш)			
9	Носаноат ишлаб чиқаришлари хизматлари умум ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилди	2510	2320	Доклад ёзуви, бажарилган иш, хизмат далолатномаси
10	Келгуси давр харажатларининг тегишли қисми умум ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилди (навбатдаги ҳисобот даври келиши билан)	2510	3110-3190	Бухгалтерия ҳисоблаши
11	Тайёр маҳсулотларнинг бир қисми ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш учун ўз эҳтиёжларига ишлатилди	2510	2810	Накладной
12	Айрим умум ишлаб чиқариш харажатлари кассадан нақд пул билан тўланган	2510	5010	Рапорт, доклад ёзуви
13	Ҳисоб-китоб ёки валюта счетидан цехларга хизмат кўрсатиш учун (умум ишлаб чиқариш харажатлари) қилинган харажатлар тўланган	2510	5110 5210	Шартнома, счет-фактура, бажарилган иш, хизматлар далолатномаси
14	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишга оид хизматлар учун мол етказиб берувчилар тўлов ҳужжатлари акцептланди (энергия, сув, газ, алоқа ва ш.к.)	2510	6010	Шартнома, счет-фактура
15	Илгари билдирилган даъво суммаси қондирилмаганлиги сабабли умум ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилди	2510	4210	Суд қарори, корхона раҳбари қарори, бухгалтерия ҳисоблаши
16	Ишлаб чиқаришга оид мол-мулк мажбурий суғуртаси ҳамда ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимларнинг шахсий суғуртасига доир қарзлар акс эттирилди	2510	6510 6520	Суғурта шартномаси, бухгалтерия ҳисоблаши

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
17	Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланиши лозим бўлган суммалар умум ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилди	2510	6530	Бухгалтерия ҳисоблаши
18	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимлар меҳнат ҳақи суммаларидан ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар ҳисобланди	2510	6520	Бухгалтерия ҳисоблаши
19	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳак ҳисобланди	2510	6710	Иш вақти табели ҳисоби, бухгалтерия ҳисоблаши
21	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалар амалга оширган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишга доир харажатлар акс эттирилди (умум ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун)	2510	6110	Шартнома, бажарилган иш, хизматлар далолатномаси
22	Хизмат кўрсатишга мўлжалланган моддий бойликларнинг етмайдиган қиймати (таннарх ҳисобида) акс эттирилди (шу жумладан, қонун асосидаги табиий камайишлар)	2510	1010 2810 2910	Инвентаризация далолатномаси, докладной ёзуви, бухгалтерия ҳисоблаши
23	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш учун илгари берилган материалларнинг ортиқча ва қайтарилган миқдорлари, ўзида ишлаб чиқарилган материаллар қийматига умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳиссаси ҳисобдан чиқарилди	1010	2510	Инвентаризация далолатномаси, рапорт, докладной ёзуви
24	Илгари умум ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган, бирлиги белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган АТБ нинг қайтарилиши акс эттирилган, АТБ нинг ортиқча миқдорлари кирим қилинган	1210	2510	Рапорт, докладной ёзуви

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
25	Умум ишлаб чиқариш харажатлари, билвосита ўзгарувчан харажатлар, маҳсулот таннархига қўшилди (ишлаб чиқаришга оид қўшимча харажатлар)	2010	2510	Таннарх ҳисоби
26	Умум ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли ҳиссаси ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар таннархига киритилди, цехлардаги ярим тайёр маҳсулотларнинг ортиқча миқдорлари кирим қилинди	2110	2510	Таннарх ҳисоби
27	Ёрдамчи цехларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар улар ишлари ва хизматлари таннархига олиб борилди	2310	2510	Таннарх ҳисоби
28	Умум ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми бракни тузатиш харажатларига олиб борилди	2610	2510	Брак бўйича далолатнома
29	Илгари цехлар харажатларига олиб борилган ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар (бекор туришлар ва ш.к.)нинг бир қисми қонунга биноан айбдорлар иш ҳақидан ушлаб қолинди, ходимларга кўрсатилган хизматлар қиймати ушлаб қолинди	6710	2510	Йўқотишлар бўйича далолатнома шартномаси, бухгалтерия ҳисоблаши
30	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишнинг тегишли харажатлари келгуси давр харажатлари таркибига олиб борилган	3110-3190	2510	Бухгалтерия ҳисоблаши
31	Умум ишлаб чиқариш харажатларининг ҳиссаси айбдор шахсларга олиб борилди (бекор туришлар ва ш.к.)	4630	2510	Докладной ёзуви, меҳнат шартномаси, бухгалтерия ҳисоблаши
32	Умум ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми зарарларга (табиий офатлардан, ёнғинлардан ва ш.к.) ҳисобдан чиқарилди	9720	2510	Табиий офатлар бўйича йўқотишлар далолатномаси

26 — Ишлаб чиқаришдаги брак ҳисоби счетлари

Ишлаб чиқаришдаги брак сабабли йўқотишлар тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги ҳисоб счетларида умумлаштирилади:

2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак».

2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счетининг дебетида аниқланган ички ва ташқи брак харажатлари (тузатиб бўлмайдиган, яъни бутунлай браклар қиймати, бракни тузатишга оид харажатлар ва ш.к.), шунингдек кафолатли таъмирлаш учун меъёрдан ортиқ ҳажмдаги харажатлар тўпланади.

2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счетининг кредити бўйича бракдан кўрилган йўқотишларни камайтиришга тегишли суммалар (брак қилинган маҳсулотнинг фойдаланиш мумкин бўлган нарх бўйича қиймати; бракнинг айбдоридан ушлаб қолиниши лозим бўлган суммалар; фойдаланганлиги сабабли бракка йўл қўйилган, сифатсиз материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб берганлиги учун мол етказиб берувчилардан ундирилиши лозим бўлган суммалар ва ҳоказо), шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларига бракдан йўқотишлар бўйича олиб борилган суммалар акс эттирилади.

Ишлаб чиқаришдаги брак ҳисоби счетлари аналитик ҳисоби корхонанинг алоҳида цехлари, маҳсулот турлари, харажат моддалари, бракнинг сабаблари ва айбдорлари бўйича юритилади.

(26) Ишлаб чиқаришдаги брак ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Бракни тузатиш учун материаллар сарфланди	2610	1010-1050 1090	Брак тўғрисида далолатнома, накладной
2	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларда аниқланган тузатиб бўлмайдиган бракдан кўрилган зарарлар ҳисобдан чиқарилди	2610	2010 2310	Брак тўғрисида далолатнома
3	Ўзида ишлаб чиқарилган брак ярим тайёр маҳсулотлар аниқланган ва ҳисобдан чиқарилган	2610	2110	Инвентаризация далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
4	Умум ишлаб чиқариш харажатларининг ҳиссаси тузатиладиган ва тузатилмайдиган брак таннархига киритилган	2610	2510	Бухгалтерия ҳисоблаши
5	Харидорга брак қилинган маҳсулотлар ўрнига жўнатилган маҳсулот таннархи акс эттирилди	2610	2810	Брак тўғрисида далолатнома, накладной
6	Брак билан боғлиқ турли харажатларга ҳисоб-китоб, валюта ёки банкдаги махсус счетлардан тўланган (брак қилинган маҳсулотни алмаштириш пайтида транспортировка қилиш, қайтариш ва ш.к.)	2610	5110 5210 5410	Шартнома, брак бўйича далолатнома
7	Мол етказиб берувчиларнинг бракни тузатишда ва кафолатли таъмирлашдаги хизматлари учун тўлов ҳужжатлари акцептланган	2610	6010	Шартнома, счет-фактура, бажарилган иш, хизматлар далолатномаси
8	Брак қилинган маҳсулотга боғлиқ бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратилиши лозим бўлган суммалар бракдан кўрилган зарарларга олиб борилади	2610	6530	Бухгалтерия ҳисоблаши
9	Бракни тузатиш учун ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари бўйича ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар қилинди	2610	6520	Бухгалтерия ҳисоблаши
10	Бракни тузатиш бўйича меҳнат ҳақи суммаси ҳисобланди	2610	6710	Рапорт, иш вақти ҳисоби табели, бухгалтерия ҳисоблаши
11	Брак қилинган маҳсулотни қайтариш, ташиш ва шу кабилар билан боғлиқ суммалар ҳисобдор шахслар ҳисобидан чиқарилди	2610	4420 4490	Ҳисобдор шахслар ҳисоботи
12	Харидорларнинг улар олган брак маҳсулотни тузатиш харажатлари қарз сифатида ҳисобга олинди	2610	6890	Брак тўғрисида далолатнома, харидорларнинг тўлов ҳужжатлари

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
13	Бракни тузатишда ва бу тунлай бракни ҳисобдан чиқаришда қолган материаллар (фойдаланиш мумкин бўлган нархларда) кирим қилинди	1010	2610	Докладной ёзуви, рапорт, ҳисобдан чиқариш далолатномаси
14	Брақдан қолган, АТБ сифатида ишлатилиши мумкин бўлган моддий бойликлар кирим қилинган, бракни тузатишда ишлатилган, бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган АТБ қайтарилиши	1210	2610	Рапорт, докладной ёзуви
15	Брақдан кўрилган зарарлар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари таннархига киритилди: қайтарилган брак маҳсулотлар таннархи ҳисобдан чиқарилди	2010 2310	2610	Брак тўғрисида далолатнома, бухгалтерия ҳисоблаши
16	Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришларда (аниқланган) брақдан кўрилган йўқотишлар улар маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари таннархига олиб борилган	2320	2610	Брак тўғрисида далолатнома, бухгалтерия ҳисоблаши
17	Брақдан кўрилган зарарлар айбдор бўлган ходимлар меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш ҳисобига камайтирилди (жорий ой учун)	6710	2610	Меҳнат шартномаси, брак тўғрисида далолатнома, рапорт, бухгалтерия ҳисоблаши
18	Брақдан кўрилган йўқотишлар моддий зарар етказган айбдорлар ҳисобига ҳисобдан чиқарилди (ижро варақалари ва бошқалар)	4630	2610	Суд қарори, бухгалтерия ҳисоблаши
19	Ўтган йилларнинг брақдан кўрилган ўрни қопланмайдиган йўқотишлари (шу жумладан, ташқи брақдан) зарарга ҳисобдан чиқарилди	9439	2610	Бухгалтерия ҳисоблаши

27 — Нокапитал ишлар ҳисоби счетлари

Нокапитал ишларнинг бажарилиши (вақтинчалик титулли ва титулсиз иншоотлар ва шу кабиларнинг барпо этилиши) билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги ахборот қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

2710 «Вақтинчалик (титулли) иншоотларнинг барпо этилиши»;

2720 «Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларнинг барпо этилиши»;

2790 «Бошқа нокапитал ишлар» ва бошқалар.

Қурилиш майдончасини ободонлаштириш, материаллар, конструкциялар ва иншоотлар қисмларини (шу жумладан, титулсиз) ва шу кабиларни синаш билан боғлиқ харажатлар нокапитал ишлар ҳисоби счетларида ҳисобга олинмайди, улар 23 «Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш», 94 «Давр харажатлари» ва бошқа тегишли счетларда ҳисобга олиб борилади.

2710 «Вақтинчалик (титулли) иншоотларнинг барпо этилиши» счетида вақтинчалик титулли бино ва иншоотлар қурилиши, ҳамда қурилишга хизмат кўрсатиш учун бошқа бинолар ва иншоотларни қайта жиҳозлаш ва мослаштиришга доир ишларнинг бажарилиши билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олиб борилади.

Бунда кўрсатилган харажатлар қурилиш корхонасинпнг қурувчи билан ҳисоб-китоблари вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотларнинг қурилишига доир қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати ва объект қийматларига кирадиган харажатлар ҳисобга олингани ҳолда умуман тугалланган мажмуа (тайёр қурилиш маҳсулоти) учун олиб бориладиган тақдирда 2710 «Вақтинчалик (титулли) иншоотларнинг барпо этилиши» счетида акс эттирилади.

Агарда вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотлар қурилишига доир харажатлар қурилиш-монтаж ишларининг смета қийматига ва объект сметаларига киритилмаган, улар бўйича ҳисоб-китоблар алоҳида тарзда амалга ошириладиган бўлса, унда қурилиш корхоналари бундай объектлар бўйича харажатларнинг ҳисобга олиниши умумий тартибда, қурилишнинг алоҳида объектлари бўйича 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетида олиб борилади. Бу объектлар қабул қилингандан сўнг қурувчининг балансида акс эттирилади ва у томонидан қурилиш корхонасига ижарага берилиши мумкин.

2720 «Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларнинг барпо этилиши» счетида вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар (объект қошидаги омборлар, иш юритувчилар идораси, бостирмалар, буғ, ҳаво ва электр иш зонасидаги тақсимловчи қурилмалар ва ш.к.) қуриш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.

2790 «Бошқа нокапитал ишлар» счетида бошқа нокапитал ишларни бажариш билан (қурилиш тўхтатилган объектларни бузиш ва демонтаж қилиш ва бошқалар) боғлиқ харажатлар ҳисобга олиб борилади.

Нокапитал ишлар ҳисоби счетлари дебетида вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмаларнинг барпо этилиши билан боғлиқ, фақат бевосита харажатлар ҳисобга олиб борилади (устама харажатлар ҳисобланмасдан), бошқа нокапитал ишлар бўйича эса бевосита харажатлар ва объектлар ўртасида бевосита харажатларга мутаносиб равишда тақсимланадиган устама харажатлар ҳисобга олинади.

Нокапитал ишларнинг тугалланиши (вақтинчалик титулли ва титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмаларнинг фойдаланишга топширилиши)га қараб уларни қуриш харажатлари қуйидагича ҳисобдан чиқарилади:

асосий воситаларга киритиладиган вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотлар бўйича — асосий воситалар ҳисоби тегишли счетлари дебетига. Айни бир вақтда ушбу бинолар ва иншоотлар бўйича эскириш ҳам ҳисобланади, у асосий воситалар эскириши ҳисобининг тегишли счетлари кредити бўйича акс эттирилади;

ноинвентар тусдаги объектлар ва асосий воситаларга кирмайдиган вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотлар бўйича — арзон баҳо ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби тегишли счетлари дебетига. Бир вақтда ушбу иншоотлар бўйича эскириш ҳисобланади, у 13 «Арзон баҳо ва тез эскирувчи буюмлар эскириши» счети кредити ва дебет давр харажатлари ҳисобининг тегишли счетлари;

вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар бўйича — дебет 1210 «Омбордаги арзон баҳо ва тез эскирувчи буюмлар» счети қурилиши тўхтатилган объектларни бузиш ва демонтаж қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича;

пудрат корхоналари — дебет 4010 «Харидор ва бюртмачилардан олинадиган счетлар», қурилишни хўжалик усули би-

лан амалга оширадиган қурувчи-корхоналар — капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари дебетига.

(27) Нокапитал ишлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Вақтинчалик титулли ва титулсиз бинолар, иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар қуриш учун ускуналар берилди	2710-2790	0710 0720	Накладной
2	Вақтинчалик титулли ва титулсиз бинолар иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар ва бошқа нокапитал ишларни қуриш учун материаллар берилди	2710-2790	1010-1050 1090	Накладной
3	Ҳар бири белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган АТБ нокапитал ишларга ҳисобдан чиқарилди (уларнинг фойдаланишга берилишига қараб)	2710-2790	1210	Накладной, бухгалтерия ҳисоблаши
4	Нокапитал ишларнинг бажарилишига сарфланган материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилди (ижобий ёки сторно)	2710-2790	1610	Бухгалтерия ҳисоблаши
5	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг нокапитал ишларни амалга оширишдаги кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилди	2710-2790	2310	Докладной ёзуви, рапорт
6	Нокапитал ишлар таннархига навбати келган келгуси давр харажатлари ҳиссаси олиб борилди	2710-2790	3110-3190	Бухгалтерия ҳисоблаши
7	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг нокапитал ишларни амалга оширишдаги кўрсатган хизматлари учун тўлов ҳужжатлари акцептланди	2710-2790	6010	Шартнома, счет-фактура, бажарилган иш, хизматлар далолатномаси
8	Мажбурий мулкий ва шахсий суғурта бўйича харажатлар акс эттирилди (нокапитал ишларнинг амалга оширилишида ҳисобланган бадаллар бўйича қарз)	2710-2790	6510	Бухгалтерия ҳисоблаши

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
9	Нокапитал ишларда банд бўлган ходимлар ижтимоий суғурта ва таъминотига ажратмалар қилинган	2710-2790	6520	Бухгалтерия ҳисоблаши
10	Нокапитал ишларни бажаришда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	2710-2790	6710	Рапорт, иш вақти ҳисоби табели, бухгалтерия ҳисоблаши
11	Нокапитал ишларни бажаришда кўрсатган хизматлари учун бошқа ташкилотлар ва корхоналарга қарз акс эттирилди	2710-2790	6890	Шартнома, счет-фактура, бажарилган иш, хизматлар далолатномаси
12	Нокапитал ишларнинг тугалланишига қараб, асосий воситаларга тегишли вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотларнинг қурилишига оид ҳаражатлар акс эттирилди (харажатлар суммасига)	0112	2710-2790	Рапорт, бажарилган иш, ҳизматлар далолатномаси
13	Вақтинчалик иншоотларни бузиш ва тугатишдан сўнг қолган материаллар кирим қилинди	1010	2710-2790	Рапорт, бухгалтерия ҳисоблаши
14	Вақтинчалик иншоотлар тугатилгандан сўнг қолган ва нокапитал ишлар тугалланган кейин қайтарилган, АТБ сифатида фойдаланиш мумкин бўлган моддий бойликлар кирим қилинди	1210	2710-2790	Рапорт, бухгалтерия ҳисоблаши
15	Асосий фаолият учун бажарилган нокапитал ишлар давр харажатларига олиб борилди	9430	2710-2790	Бухгалтерия ҳисоблаши
16	Харидорлар ва буюртмачилар учун нокапитал ишлар бажарилган (уларга тўлов ҳужжатлари тақдим этилди)	4010	2710-2790	Шартнома, счет-фактура, бажарилган иш, хизмат далолатномаси
17	Қурилиши тўхтатилган объектларнинг бузилиши ва демонтаж қилиниши билан боғлиқ ва қурувчи бажарадиган ишлар бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	9430	2710-2790	

28 — Тайёр маҳсулотлар ҳисоби счетлари

Тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»;

2820 «Кўргазмадаги тайёр маҳсулот».

Бутлаш учун сотиб олинган (қиймати корхона маҳсулотининг таннархига киритилмайдиганлари) ёки сотиладиган товарлар сифатидаги тайёр буюмлар, товарлар ҳисоби счетларида ҳисобга олиб борилади.

Четга бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати тайёр маҳсулотлар ҳисоби счетларида ҳисобланмайди. Уларнинг ҳақиқий харажатлари ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счетлардан тўғридан-тўғри 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар, товарлар (иш, хизматлар) таннархи» счетига ўтказилади. Буюртмачиларга ўз жойида топшириши лозим бўлган ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилмаган маҳсулотлар тугалламаган ишлаб чиқариш таркибида қолади ва тайёр маҳсулотлар ҳисоби счетларида ҳисобга олинмайди.

2810 «Тайёр маҳсулот» счетида тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида ҳисобга олиб борилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари ҳаракатини ва хом ашёнинг қайта ишлашини йил давомида режадаги таннарх, бизнес-режа асосида ҳисобга олади. Тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи билан режадаги нархи ўртасидаги йил охирида аниқланган фарқ, кўрсатилган маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиғига тегишли ҳиссада маҳсулот счетига ёзиб қўйилади.

Сотиш учун тайёрланган (олинган) тайёр маҳсулотнинг, шу жумладан қисман корхонанинг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотларнинг кирим қилиниши 2810 «Тайёр маҳсулот» счети дебети ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби счетлари билан корреспонденцияда акс эттирилади. Агар тайёр маҳсулот тўлиқ корхонанинг ўзида фойдаланиш учун йўналтириладиган бўлса, унда у 2810 «Тайёр маҳсулотлар» счетига кирим қилинмасдан, ушбу маҳсулотнинг мақсадига қараб, материаллар ҳисоби счетлари ва бошқа шунга ўхшаш тегишли счетларда ҳисобга олиб борилиши мумкин.

Жўнатилган ёки жойида харидорларга (буюртмачиларга)

топширилган, тўлов ҳужжатлари ушбу харидорларга (буюртмачиларга) тақдим этилган тайёр маҳсулотлар сотиш тартибида2810 «Тайёр маҳсулотлар» счети кредитидан 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счети дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра жўнатилган маҳсулотга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, унинг тасодифан нобуд бўлиши таваккалчилиги корхонадан харидорга (буюртмачига) ўтиш пайти юқорида кўрсатилганидан (масалан, маҳсулот экспортидан) бошқача шартлашилган бўлса, унда бундай пайтгача бу маҳсулотлар 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счетида ҳисобда туради.

Бошқа корхоналарга комиссион ва бошқа ушбу асосларда сотиш учун берилган тайёр маҳсулотлар 2810 «Тайёр маҳсулотлар» счетидан 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счети дебетига ўтказилади.

Тайёр маҳсулотларнинг 2810 «Тайёр маҳсулотлар» счетида ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида ҳисобга олинганда, аналитик ҳисобда уларнинг ҳаракати айрим номлари бўйича ҳисоб нархида (режа таннарх, бериш нархи ва ш.к.), буюмларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи билан уларнинг ҳисобга олиш нархлари қиймати ўртасидаги фарқларни ажратиб кўрсатган ҳолда, кўрсатилиши мумкин. Бундай фарқлар тайёр маҳсулотларнинг корхона томонидан айрим буюмларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи ва уларнинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати ўртасидаги фарқ даражасидан келиб чиқиб шакллантириладиган бир хилдаги гуруҳлари бўйича ҳисобга олинади.

Тайёр маҳсулотлар 2810 «Тайёр маҳсулотлар» счетидан ҳисобдан чиқарилганда ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи ва ҳисоб нархи қийматидаги фарқ, ҳисобот даври бошидаги тайёр маҳсулот қолдиғи ва ҳисобот даври давомида омборга келиб тушган маҳсулот бўйича фарқ суммаларининг, бу маҳсулотларнинг ҳисоб нархидаги қийматига нисбати бўйича ҳисобланган фоиз асосида ҳисобланади. Жўнатилган ва сотилган маҳсулотга тегишли тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи билан уларнинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати ўртасидаги фарқлар 2810 «Тайёр маҳ-

сулотлар» счети кредитидан, тегишли счетлар дебетига, уларнинг ортиқча ёки иқтисод эканлигига қараб, қўшимча ёки сторно ёзуви билан акс эттирилади.

2810 «Тайёр маҳсулотлар» счетининг аналитик ҳисоби, тайёр маҳсулотлар бутлигига (сақланишга) жавоб берувчи, моддий жавобгар шахслар бўйича олиб борилади.

2820 «Кўргазмадаги тайёр маҳсулот» счетида кўргазма, ярмарка, реклама ва кўрсатиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида ҳисобга олиб борилади. Бунда 2820 «Кўргазмадаги тайёр маҳсулот» счети дебети 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» кредити ёзуви бўлади. Бу ерда тайёр маҳсулотга моддий жавобгарлик вақтинча бир моддий жавобгар шахсдан бошқасига ўтади. Агарда кўргазмага, ярмарка ва ш. к. қўйилган тайёр маҳсулот сотилса, унда худди 2810 «Тайёр маҳсулот» счетидагидек бухгалтерия ёзувлари бўлади (ёзилади).

Ташқи савдо фаолияти билан шуғулланувчи ва «мени» операциясини амалга оширувчи корхоналар, экспорт-импорт битимлари бўйича тайёр маҳсулотлар ҳаракатини ҳисобга олиб бориш учун учинчи тартибли субсчет очишлари мумкин.

Барча мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар аналитик ҳисобни юритиш учун ҳам учинчи тартибли субсчет очишлари мумкин.

Тайёр маҳсулотлар ҳисоби кирим ва чиқим накладнойлар, счет-фактуралар, калькуляция варақлари ва бошқалар асосида тузилган моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари асосида юритилади.

(28) Тайёр маҳсулотлар ҳисоби счетлари

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Асосий ва ёрдамчи цехлардан тайёр маҳсулотлар ҳақиқий таннархда кирим қилинди	2810	2010 2310	Счет-фактура, ТТН
2	Тайёр маҳсулотни полуфабрикат ҳисоби усулида кирим қилиш	2810	2110	Счет-фактура, ТТН
3	Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот қабул қилинди	2810	2310	Счет-фактура, ТТН қайта ишлаш тўғрисида далолатнома

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
4	Тайёр маҳсулот кўргазмадан омборга қабул қилинди	2810	2820	Кирим ва чиқим накладнойлари
5	Тайёр маҳсулот мулкдорлардан устав сармояси бадали сифатида	2810	4710	Ўзаро хўжалик суди қарори
6	Тайёр маҳсулот қайта баҳоланган (қўшимча) — суммадаги фарқи	2810	9470	Қайта баҳолаш далолатномаси таққослама қайднома
7	Текинга олинган тайёр маҳсулот кирим қилинди	2810	9380	
8	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча тайёр маҳсулотлар корхона фойдасини кўпайтиришга кирим қилинди	2810	9390	Инвентаризация далолатномаси, таққослама, қайднома
9	Тайёр маҳсулотлар бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий қўйилма тартибида ёки қимматли қоғозлар қийматини қоплашга берилган	9110 (0610	2810 9010)	Шартнома, қимматбаҳо қоғозлар сертификати, счет-фактура, ТТН
10	Ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар материаллар таркибига кирим қилинди	1010	2810	Кирим ва чиқим накладной, талабнома
11	Тайёр маҳсулотлар асосий ва ёрдамчи цехларнинг ички эҳтиёжлари учун ишлатилди; тайёр маҳсулотларнинг омбордан цехларга қайта ишлаш учун қайтарилиши	2010 2310	2810	Кирим ва чиқим накладной, талабнома
12	Маҳсулотнинг тайёр маҳсулот омборидан бракни тузатиш учун берилиши	2610	2810	Далолатномалар, накладной
13	Тайёр маҳсулот арзонлаштирилди	9439	2810	Арзонлаштириш далолатномаси, таққослама қайднома
14	Инвентаризацияда жавобгар шахс белгиланмаган камомад аниқланди	9433	2810	Таққослама, қайднома, суд ва текширув органлари қарори

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
15	Тайёр маҳсулот умум ишлаб чиқариш ва умумхўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилди	2510 9429	2810	Кирим ва чиқим накладнойлари, талабнома
16	Тайёр маҳсулотлар келгуси давр ҳаражатлари таркибига кирувчи сарфларга ишлатилди	3190	2810	Кирим ва чиқим накладной, талабнома
17	Тайёр маҳсулот кўргазмага берилди	2820	2810	Кирим ва чиқим накладной
18	Тайёр маҳсулот сотилди, бошқа корхоналарга қайта ишлашга берилди, бартерга берилди	9110-9130 0990 4890	2810 9010	Счет-фактура, ТТН, далолатномалар
19	Тайёр маҳсулотлар қисқа муддатли молиявий қўйилмалар тарзида берилди (шу жумладан, қимматли қоғозларга)	9110 (5810-5890	2810 9010)	Шартномалар, қимматбаҳо қоғозлар сертификати, счет-фактура, ТТН
20	Тайёр маҳсулотлар харидорларга сотиш қийматида жўнатилди	9110	2810	Счет-фактура, ТТН
21	Тайёр маҳсулотларнинг йўлдаги камомади ишлаб чиқариш таннархида ҳисобдан чиқарилди	9110 (4210	2810 9010)	Счет-фактура, ТТН
22	Инвентаризация пайтида аниқланган моддий жавобгар шахс айби сабабли бўлган камомад	4630	2810	Инвентаризация далолатномаси, таққослама, қайднома
23	Муассислар, муассислар бадали ҳисобига тайёр маҳсулот топширди	2810-2830	4710	Муассислар ҳужжатлари, счет-фактура, ТНН
24	Алоҳида балансга ажратилган ўз бўлинмасидан тайёр маҳсулот келиб тушди	2810	4110	Счет-фактура, ТТН
25	Алоҳида балансга ажратилган ўз бўлинмасига тайёр маҳсулот берилди	4110	2810-2830	Счет-фактура, ТТН
26	Тайёр маҳсулотлар текинга (бепул) берилди	9110-9130 (9320	2810 9110-9130)	Счет-фактура, ТТН

29 — Товарлар ҳисоби счетлари

Товарлар сифатида сотиб олинган товар-моддий бойликлар ва прокат буюмлари мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

2910 «Омбордаги товарлар»;

2920 «Чакана савдодаги товарлар»;

2930 «Кўргазмадаги товарлар»;

2940 «Прокатдаги буюмлар»;

2950 «Товар билан банд ва бўш идишлар»;

2990 «Бошқа товарлар».

Бу счетлар асосан савдо-воситачилик фаолияти ва умумий овқатланиш билан шуғулланувчи корхоналарда ишлатилади. Саноат ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида товарлар ҳисоби счетлари қайси-бир буюмлар, материаллар, маҳсулотлар махсус сотиш учун сотиб олинган ёки саноат корхоналарида бутлаш (комплектлаш) учун сотиб олинган тайёр буюмлар қиймати ишлаб чиқариш таннархига киритилмасдан харидорлар томонидан алоҳида тарзда қопланадиган бўлса қўлланади.

Таъминот, сотиш (чиқариш) ва савдо корхоналари товарлар ҳисоби счетларида ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган, асосий воситалар ва арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар ҳисоби счетларида ҳисобга олиб бориладиган инвентарлардан ташқари, сотиб олинган идиш ва ўзи ишлаб чиқарган идишларни ҳам ҳисобга олиб боради.

Масъул сақлашга қабул қилинган товарлар, балансдан ташқари 002 «Масъул сақлашга олинган товар-моддий бойликлар» номли счетда ҳисобга олиб борилади.

Комиссияга қабул қилинган товарлар, 004 «Комиссияга олинган товарлар» номли балансдан ташқари счетда ҳисобга олиб борилади.

Таъминот, сотиш ва савдо корхоналарида товарлар ҳисоби счетларида харид (сотиб олиш) нархларида ҳисобга олиб борилади. Товарларни тайёрлаш ва келтириш бўйича харажатлар давр харажатлари ҳисобининг тегишли счетларида ҳисобга олиб борилади.

2910 «Омбордаги товарлар» счетида улгуржи ва тақсимловчи базаларда, умумий овқатланиш омборларида, савзавот сақловчи омборлар, музхона (совутгич)ларда ва шу кабиларда сақланаётган товар захираларининг мавжудлиги ва ҳаракати сотиб олиш қийматларида ҳисобга олиб борилади.

2920 «Чакана савдодаги товарлар» счетида чакана савдо корхоналарида (дўконлар, чодирлар, дўкончалар, киосклар ва ш.к.) ва умумий овқатланиш корхоналари буфетларидаги товарлар мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади. Чакана савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари буфетларида бўлган шиша идишлар (шишалар, банкалар ва ҳоказо)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳам ушбу счетда ҳисобга олиб борилади.

2930 «Кўргазмадаги товарлар» счетида кўргазма, ярмарка, реклама ва кўрсатиш учун мўлжалланган товарлар сотиб олиш қийматида ҳисобга олиб борилади. Бунда 2930 «Кўргазмадаги товарлар» счети дебет ва 2910 «Омбордаги товарлар» ёки 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счетлари кредити ёзуви ёзилади. Товарлар учун жавобгарлик бир моддий жавобгар шахсдан вақтинча бошқасига ўтади. Агарда кўргазмага, ярмарка ва ш. к. қўйилган товарлар сотилса, унда худди 2910 «Омбордаги товарлар» ёки 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счетларидагидек бухгалтерия ёзувлари ёзилади.

2940 «Прокатдаги буюмлар» счетида прокат буюмлар мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади. Прокат буюмлар эскириш и 1310 «АТБлар эскириши» счетида ҳисобга олиб борилади.

2950 «Товар билан банд ва бўш идишлар» счетида товарлар билан банд бўлган ва бўш идишлар (чакана савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари буфетларидаги шиша идишлардан ташқари) мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади. Савдо корхоналари товар билан банд ва бўш идишларнинг ҳаракатини идишлар гуруҳлари (турлари) таркиби ва уларнинг нархига нисбатан белгиланган ўртача ҳисобга олиш нархлари бўйича ҳисобга олиши мумкин. Бунда идишларни харид қилиш нархлари билан ўртача

ҳисобга олиш нархлари ўртасидаги фарқлар 9390 «Бошқа операцион даромадлар» (идишлар операциялари натижаси) счетига ўтказилади.

2990 «Бошқа товарлар» счетида 2910-2950 счетларида акс эттирилмаган бошқа операциялар ҳисобга олиб борилади.

Омборга келиб тушган товар ва идишлар 2910 «Товарлар» счетининг дебетига акс эттирилади. Транспорт (ташиб келиш) ва бошқа харажатлар 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» кредитидан 9410 «Сотиш харажатлари» (савдо ташкилотларида — муомала харажатлари) счетининг дебетига ўтказилади.

Товар ва идишлар келиб тушишини ҳисобда 1510 «Материалларни тайёрлаш ва остиб олиш» счетидан фойдаланган ҳолда, материаллар билан тегишли операцияларни ҳисобга олиш тартибига ўхшаш тартибда акс эттириш мумкин.

Берилган ёки жўнатилган, ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидорлар (буюртмачилар)га тақдим этилган ёки улар томонидан тўланган товарлар — сотиш таркибида 2910 «Омбордаги товарлар» счетидан 9120 «Сотилган товарлар таннархи» счетининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Агар товарни бериш шартномасига кўра берилган (жўнатилган) товарларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ва унинг корхонадан буюртмачига ўтишда тасодифан нобуд бўлиш таваккалчилиги юқорида кўрсатилганидан бошқача шартлашилган бўлса, унда бундай пайтгача бу товарлар 9120 «Сотилган товарлар таннархи» счетида ҳисобда туради. Бошқа ўзининг бўлинмаларига қайта ишлаш учун берилган товарлар — алоҳида ҳисобга олиб борилади, лекин товарлар ҳисоби счетларидан ҳисобдан чиқарилмайди.

Товарлар ҳисоби счетларининг аналитик ҳисоби жавобгар (масъул) шахслар, товарларнинг номлари (навлари, партиялари, тўплари) зарур ҳолларда эса товарларнинг сақланиш жойлари бўйича юритилади.

Товарларнинг ҳисоби моддий жавобгар шахсларнинг кирим ва чиқим накладнойлар, счет-фактура, касса ордерлари, кузатиш варақлари ва бошқалар маълумотлари бўйича тузилган ҳисоботлари асосида олиб борилади.

(29) Товарлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Савдо корхонасининг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда қайта ишлаш жараёнидан олинган товарлар кирим қилинди	2910-2920	2010 2310	Счет-фактура, ТТН, қайта ишлаш далолатномаси
2	Олинган товарлар ва прокат буюмлар ҳақи тўланди	2910-2930	5110 5210 5410	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
3	Тақдим этилган даъво қондирилмаганлиги сабабли товарлар ва прокат буюмлар қийматига қўшилди	2910 2940	4210	Хўжалик суди қарори, ўзаро текшириш далолатномаси
4	Ҳисобдор шахслар олган товарлар кирим қилинди	2910 2940	6870	Счет-фактура, ТТН, топшириш далолатномаси
5	Мол етказиб берувчилардан ёки мавоза (бартер) асосида олинган товарлар	2910-2940	6010 7010	Счет-фактура, ТТН
6	Мол етказиб берувчилардан товарлар, идишлар, прокат буюмлари сотиб олиш нархида кирим қилинди	2910-2950	6010 7010	Счет-фактура, ТТН
7	Олинган ва кирим қилинган товарга вексел билан тўланди	2910-2940	6020 7020	Счет-фактура, ТТН
8	Алоҳида балансга ажратилган ўз бўлинмасидан товар, прокат буюмлар олинди	2910-2940	6110 7110	Счет-фактура, ТТН
9	Мулкдорлардан устав капиталга улуш сифатида топширилган товарлар кирим қилинди	2910-2930	4710	Муассислар ҳужжати, корхона устави, счет-фактура
10	Товарлар ва прокат буюмлари қўшимча баҳоланди (нархи оширилди)	2910-2940	9370	Счет-фактура, ТТН
11	Текинга олинган товарлар кирим қилинди	2910-2920	8533	Счет-фактура, ТТН
12	Инвентаризация натижалари бўйича аниқланган товар ва идишларнинг ортиқчаси корхона фойдасини кўпайтиришга олиб борилди	2910-2950	9390	Инвентаризация далолатномаси, таққослама, қайднома

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
13	Илгари товарларга кирим қилинган моддий бойликлар материаллар таркибига ўтказилди ёки товарлар ўз эҳтиёжи учун материаллар тарзида кирим қилинди	1010	2910	Кирим ва чиқим накладной, талабнома
14	Эскиришда яроқсиз ҳолга келган прокат буюмлари ҳисобдан чиқарилди	1310	2940	Ҳисобдан чиқариш далолатномаси
15	Товарлар қайта ишлашга берилди	2010	2910	Кирим ва чиқим накладнойлари, талабнома, далолатнома
16	Тайёр маҳсулотни в ш.к. сотишда товар ва идишлар ишлатилди	9410	2910-2930, 2950-2990	Кирим ва чиқим накладнойлари, далолатномалар
17	Товар ва идишлар арзонлаштирилди	9439	2910-2990	Арзонлаштириш далолатномаси, таққослама, қайднома
18	Инвентаризацияда аниқланган камомад, гуноҳкор шахс аниқланмаганда	9433	2910-2990	Таққослама, қайднома, текширув ва суд органларининг қарори
19	Товарлар қисқа муддатли молиявий қўйилмалар сифатида берилганда (шу жумладан қимматли қоғозлар тўлови ҳисобидан)	9120 (5810	2910 9020)	Шартнома, қимматбаҳо қоғозлар сертификати, счет-фактура, ТТН
20	Харидорларга кредитга, мавоза ва бошқаларга сотилганда	9120 (0910-0990	2910 9020)	Шартнома, счет-фактура, ТТН
21	Товарни узоқ муддатли молиявий қўйилма сифатида ёки қимматбаҳо қоғозлар қийматини қоплашга берилганда	9120 (0610	2910 9020)	Шартномалар, қимматбаҳо қоғозлар сертификати, счет-фактура, ТТН
22	Харидорларга товарлар сотиб олиш қийматида жўнатилди.	9120	2910-2990	Счет-фактура, ТТН
23	Товарларнинг йўлдаги камомади харид қилиш қийматида	4210	2910 2920 2950	Счет-фактура, ТТН, инвентаризация далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
24	Инвентаризация пайтида моддий жавобгар шахс айбдорлигидан камомад	4630	2910-2990	Инвентаризация далолатномаси, таққослама, қайднома
25	Ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар материаллар таркибига ўтказилди	1010	2910	Кирим ва чиқим накладной, талабнома
26	Алоҳида балансга ажратилган ўз бўлинмасидан товар келиб тушди	2910	4110	Счет-фактура, ТТН
27	Алоҳида балансга ажратилган ўз бўлинмаларига товарлар берилди	4110	2910	Счет-фактура, ТТН
28	Идиш операциялари бўйича даромад олинди	2950	93390	Счет-фактура, ТТН

3-бўлим. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР — ЖОРИЙ ҚИСМИ

31 — Келгуси давр харажатлари ҳисоби счетлари

Ушбу ҳисобот даврида бўлган, лекин келгуси ҳисобот даврларига тегишли (таалуқли) бўлган харажатлар жорий қисми ҳақидаги ахборотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи»;

3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи»;

3190 «Бошқа бўнак харажатлар».

Жумладан бу счетларда қуйидагилар билан боғлиқ харажатлар акс эттирилиши мумкин:

даврий матбуот нашрлари учун йиллик обуна суммасини олдиндан тўлаш;

кейинги даврлар учун ижара ҳақини бериш ва бошқа шу каби харажатлар, қайсиким фақат келгусида таннархга олиб борилиши мумкин.

Келгуси давр харажатлари ҳисоби счетларида ҳисобга олиб борилган харажатлар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришлар», 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари», тегишли давр харажатлари ҳисо-

би счетлари дебетига ҳисобдан чиқарилади. Келгуси давр харажатларининг жорий харажатларига ҳисобдан чиқарилиши, уларнинг қопланиши (узилиши) учун белгиланган муддат давомида тенг равишда ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади.

3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи» счетида ҳисобот даврида тўланган, лекин келгуси ҳисобот даврларига тегишли бўлган ижара ҳақи ҳисобга олиб борилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъект йил бошида олдиндан йиллик ижара ҳақини тўлади.

3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи» счетида ушбу ҳисобот даврида, келгуси ҳисобот даврига тааллуқли бўлган хизмат ҳақини олдиндан тўлаш ҳисобга олиб борилади. Шу жумладан, бу счетда обуна, корхона ходимларига йўл чипталарини сотиб олиш каби харажатлар акс эттирилади.

3190 «Бошқа бўнак харажатлар» счетида юқоридаги счетларда ҳисобга олиб борилмайдиган бошқа бўнак харажатлар ҳисобга олиб борилади.

Келгуси давр харажатлари ҳисоби счетлари аналитик ҳисоби харажат объектлари (йўналишлари) ва харажат моддалари бўйича юритилади.

(31) Келгуси давр харажатлари (КДХ) ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	КДХга киритиладиган ишларнинг бажарилишида қатнашган асосий воситалар, номоддий активлар ва АТБларга эскириш ҳисобланди	3190	0211-0290 0510-0590 1310	Амортизация ажратмаларини ҳисоблаш
2	КДХда ҳисобга олинадиган ишларнинг бажарилиши учун материаллар, АТБлар, тайёр маҳсулотлар берилди	3190	1010-1090 1210-1230 2810	Счет-фактура, накладной, талабнома
3	КДХга киритиладиган ишларнинг бажарилишида ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг кўрсатган хизматлари акс эттирилди	3190	2310	Счет-фактура, накладной талабнома

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
4	Умум ишлаб чиқариш харажатларининг КДХга тегишли ҳиссаси ҳисобдан чиқарилди	3190	2510	Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш ҳисоби, калькуляция карточкаси
5	Келгуси йил обунаси учун харажатлар қилинди	3120	5110	Обуна шартномаси, тўлов топшириқномаси
6	Корхона ходимлари учун узоқ даврга йўл юриш карточкалари, чипталари сотиб олинди	3120	5110	Йўл юриш чипталарини сотиб олиш шартномаси, корхона бўйича буйруқ, йўлкира чипталари сонини аниқлаш ҳисоби тўлов топшириқномаси
7	Мол етказиб берувчилар ёки пудратчиларга КДХга киритиладиган моддий бойликлар ёки ишлар учун қарз акс эттирилди	3190	6010 7010	Счет-фактура, ТТН
8	КДХ таркибига кирувчи бошқа тўлов ҳужжатлари акс эттирилган	3190	6110 6410 6510 6711 6850-6890 7110 7310	Счет-фактура, накладнойлар, ТТН, иш ҳақи ва ундан ушланмаларнинг ҳисоби, бажарилган ишлар далолатномаси
9	КДХнинг капитал қўйилмаларга тўғри келадиган ҳиссаси ҳисобдан чиқарилди	0810-0890	3190	КДХни тақсимлаш ҳисоби, счет-фактура, накладной, ТТН, бажарилган ишлар далолатномаси
10	КДХнинг ҳиссаси навбатдаги ҳисобот даври келганида ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли счетларига олиб борилди	2110 2310 2510 9410-9430	3110-3190	КДХни тақсимлаш ҳисоби, счет-фактура, накладной, ТТН, бажарилган ишлар далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
11	КДХ ҳиссаси нокапитал ишлар қийматига олиб борилди	2710-2790	3190	КДХни тақсимлаш ҳисоби, счет-фактура, накладной, ТТН, бажарилган ишлар далолатномаси
14	Обуна харажатларининг ҳисобот даврига тегишли қисмини ҳар ойда қўшиш	9410-9439	3120	Обуна шартномаси, тўлов топшириқномаси, давр харажатларини тақсимлаш ҳисоби
15	Корхона ходимлари учун узоқ муддатга олинган йўл юриш карточкалари, чипталари ҳақини ҳар ойда ҳисобот даврига тегишли қисмини қўшиш	9439	3120	Йўл юриш чипталарини сотиб олиш шартномаси, корхона буйруғи, давр харажатларини тақсимлаш ҳисоби
16	КДХ натижа бермаган ишларга ёки табиий офат сабабли ва олдиндан кутилмаган ҳолатлар натижасида зарарга ҳисобдан чиқарилди	9410-9439 9720	3190	КДХни тақсимлаш ҳисоби, ҳисобдан чиқариш далолатномаси

32 — Муддати узайтирилган харажатлар — жорий қисми ҳисоби счетлари

Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи жорий қисми ва бошқа муддати узайтирилган харажатларнинг жорий қисми тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисми»;

3290 «Бошқа муддати узайтирилган харажатлар — жорий қисми».

Муддати узайтирилган солиқларнинг узоқ муддатли ва жорий қисми 2-илова ҳисобланади ва «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларининг шаклланиши тўғрисидаги

Низом» асосида ҳозирги ҳисобот даврида ҳисобланади ва тўланади, кейинчалик ушбу харажатларнинг фойдалилик муддати давомида ёки 10 йил давомида, бу муддатларнинг қайси бири қисқа бўлишига қараб, фойдага қайтадан қўшилади.

Вақтинчалик фарқлар — бу ҳисобот давридаги солиқ солинадиган ва ҳисоб даромадлари ўртасидаги фарқдан иборат, қайсиким ҳисобот даврида солиқ солинадиган даромад суммасига қўшиладиган даромад ва харажат моддаларининг айримлари ҳисоб даромадига киритиладиган ҳисобот даврига тўғри келмайди. Вақтинчалик фарқлар кейинги даврларда йўқ қилинади (аннулировать қилинади).

Бошқа муддати узайтирилган харажатларнинг жорий қисмига узоқ муддатли қисмлари 0940 «Бошқа узоқ муддатли муддати узайтирилган харажатлар (келгуси давр харажатлари)» счетида ҳисобга олиб бориладиган ва 31 «Келгуси давр харажатлари» счетида ҳисобга олиш кўзда тутилмаган харажатлар киради.

Мисол, саноатнинг мавсумли тармоқларида ишлаб чиқариш ишларига тайёргарлик харажатлари, ерни рекультивациялаш ва ш.к.

Вақтинчалик фарқ харажатлари бўйича солиқни ҳисоблаш умумий суммада кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети ва дебет счетлар: узоқ муддатли қисмига 0930 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи», жорий қисми — 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисми» акс эттирилади.

Муддати узайтирилган солиқнинг тегишли қисмини узоқ муддатлидан жорийга ўтказиш 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисми» счетининг дебетига 0930 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи» счетининг кредитидан ўтказилади.

Вақтнинг пайти келганида муддати узайтирилган харажатларнинг тегишли суммасига солиқлар камайтирилганда солиқ суммаси 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счетининг дебети ва 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисми» счети кредити билан акс эттирилади.

Шундай қилиб, 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисми» счетининг дебет қолдиғи (сальдоси) ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган солиқнинг умумий суммасидан камайтириш лозим бўлган солиқ суммасининг жорий қисмини кўрсатади.

3290 «Бошқа муддати узайтирилган харажатлар» счетининг дебетида; 0940 «Бошқа узоқ муддатли муддати узайтирилган харажатлар (келгуси давр харажатлари)» счети билан муддати узайтирилган харажатлар бўйича корреспонденцияда бўлади. Вақти келиб, бундай харажатлар жорий сарфларга ўтказилганда, улар 3290 «Бошқа муддати узайтирилган харажатлар жорий қисми» счетининг кредитидан бундай харажатларни ҳисобга олиб борувчи: 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари» ва бошқалар счетларининг дебетига ўтказилади.

3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисми» ва 3290 «Бошқа муддати узайтирилган харажатлар» счетларининг аналитик ҳисоби муддати узайтирилган солиқ ва харажатларнинг ҳар бир турлари ҳисобдан чиқаришнинг ҳар бир даври ва муддатлари бўйича олиб борилади.

(32) Муддати узайтирилгшан харажатлар — жорий қисми ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Вақтинчалик фарқларга тегишли харажатларга солиқ ҳисобланади: — узоқ муддатли қисмига — жорий қисмига	 0930 3210	 6410 6410	Бухгалтерия ҳисоблаши
2	Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган узоқ муддатли солиқни жорийга ўтказиш	3210	0930	Бухгалтерия ҳисоблаши
3	Жорий ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган солиқ ўтган ҳисобот даврида муддати узайтирилган тегишли солиқ суммасига камайтирилди	6410	3210	Бухгалтерия ҳисоблаши

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
4	Жорий даврда бошқа муддати узайтирилган харажатлар акс эттирилди: — узоқ муддатли қисмига — жорий қисмига	 0940 3290	6010 6110 6510-6530 6710 7010 7110	Бухгалтерия ҳисоблаши
5	Бошқа муддати узайтирилган харажатларнинг узоқ муддатли қисми жорийга ўтказилди	3290	0940	Бухгалтерия ҳисоблаши
6	Муддати узайтирилган харажатларнинг тегишли қисми жорий сарфлар таркибига ўтказилди	2010 2310 2510 2710-2790 9410-9430	3290	Бухгалтерия ҳисоблаши

4-бўлим. ОЛИНАДИГАН СЧЕТЛАР

Бу бўлим счетлари харидор ва буюртмачилар, олинган векселлар, турли хуқуқий ва жисмоний шахсларга берилган бўнаклар ва дебитор қарзлар бўйича олинадиган счетлар, ҳамда алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан, ходимлар, муассислар ва турли дебиторлар қарзлари бўйича олинадиган счетлар ахборотларини умумлаштириш учун мўлжалланган.

Амалдаги қонунлар асосида олиб бориладиган ҳисоб-китоблар, шу жумладан, валюта операциялари бўйича бу бўлим счетларида сўмларда ҳисобга олиб борилади. Улар чет эл валютасини ҳисоб — пул ҳужжатлари тузилган санага амалдаги курс бўйича қайта ҳисобланиб аниқланади. Бир вақтда бу операциялар ҳисоб ва тўловда чет эл валютасида акс эттирилади. Чет эл валютаси операциялари курс фарқлари, шу жумладан бухгалтерия баланси тузилган санага қарзни қайта ҳисоблашдан бўлган фарқ 9540 «Курс фарқлари (ижобий)-дан олинган даромадлар» ёки 9620 «Курс фарқларидан зарарлар» счетларига олиб борилади.

Бу бўлимда қуйидаги ҳисоб счетлари бўйича ҳисобни юритиш тартиби ёритилади:

40 — Олинадиган счетлар ҳисоби счетлари;

41 — Бўлинмалардан олинадиган счетлар ҳисоби счетлари;

42 — Даъволар бўйича олинадиган счетлар ҳисоби счетлари;
43 — Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари;
44 — Ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари;
45 — Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлар ҳисоби счетлари;
46 — Ходимларнинг турли операциялар бўйича қарзлари ҳисоби счетлари;
47 — Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари ҳисоби счетлари;
48 — Турли дебиторларнинг қарзлари ҳисоби счетлари;
49 — Шубҳали қарзлар бўйича заҳира ҳисоби счетлари.

40 — Олинадиган счетлар ҳисоби счетлари

Харидор ва буюртмачилар билан товарлар, тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар бўйича дебитор қарзлар ҳисоб-китоби ахборотлари қуйидаги счетларда умумлаштирилади:
4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счетлар»;
4020 «Олинган векселлар — жорий қисми».
4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счетларида харидор ва буюртмачиларга жўнатилган маҳсулотлар (товарлар), бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тақдим этилган ва банк тўлаш учун қабул қилган тўлов ҳужжатлари бўйича дебитор қарзлар ҳисоби олиб борилади.
4020 «Олинган векселлар — жорий қисми» счетида харидор ва буюртмачилардан олинган векселлар билан таъминланган дебитор қарзлар ҳисоб-китоби ҳисобга олинади. Бунда оддий ва ўтказмали векселлардан фойдаланиш мумкин.
Оддий вексель — бир томоннинг (вексел берувчи) маълум бир суммани муддати келгандан кейин бошқа томонга (вексел эгасига) савдо битими ёки бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун тўлаш тўғрисида ёзма қарз мажбуриятдир.
Ўтказма вексель (тратта) кредитор томонидан ёзилиб (трассант), дебиторга (трассат) векселда кўрсатилган суммани учинчи шахсга (ремитент) ёки тақдим этувчига тўлаш тўғрисида буйруқдир.

(40) Олинадиган счетлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Харидор ва буюртмачиларга тақдим этилган тўлов ҳужжатлари бўйича маҳсулот, иш ва хизматлар сотилганлиги акс эттирилди	4010	9010 9020 9030	Накладной, счет-фактура, қабул қилиш, топшириш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси
2	Асосий воситалар сотилганлиги сабабли харидорларнинг қарз суммаси акс эттирилди	4010	9210	Пв ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
4	Харидор ва буюртмачиларнинг уларга бошқа активлар сотилиш сабабли қарз суммалари акс эттирилди	4010	9220	Қабул қилиш, топшириш далолатномаси, накладной
5	Мол етказиб берувчилар (пудратчилар) ва харидорлар қарзларининг ўзаро ҳисобга олиниши акс эттирилди	7010 7020	4010	Мавоза келишуви, контракти
6	Харидор ва буюртмачилардан кассага пул кирим қилинди	5010	4010	Кирим касса ордери
7	Харидор ва буюртмачилардан уларга сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар тўлови келиб тушди	5110 5210 5220	4010	Ҳисоб-китоб ва валюта счетидан кўчирма
8	Харидорга жўнатилган маҳсулот иш ва хизматлар бўйича даъво билдирилди	4210	4010	Жўнатиш бўйича шартнома, накладной ва далолатнома
9	Берилган буюмлар ва бажарилган ишлар бўйича харидорларга тақдим қилинган тўлов ҳужжатлари олинган бўнаклар ҳисобига акс эттирилди	7310	4010	Контракт ва бухгалтерия маълумотномаси
10	Харидор ва буюртмачиларнинг қопланмайдиган қарзлари зарарга ҳисобдан чиқарилди	9439	4010	Бухгалтерия маълумотномаси
11	Харидор ва буюртмачилар қарзлари шубҳали қарзлар бўйича тузилган захиралар (резервлар) ҳисобидан чиқарилди ҳисобдан	4910	4010	Бухгалтерия маълумотномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
12	Қоплаш давомида фоиз кўзда тутилган, олинган векселлар бўйича қарзлар қопланди	5110 5210 5220	4020	Банкдан кўчирма
13	Қиска муддатли ва узоқ муддатли қарз ўрнига қарз берувчидан вексел олинди	4020	8290 8320	Шартнома
14	Товарлар ва тайёр маҳсулотлар учун олинган векселларни ҳар ойда узоқ муддатли қисмини жорийга ўтказиш	4020	0910	Счет-фактура, ТТН

41 — Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счетлар ҳисоби счетлари

4110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счетлар» — алоҳида балансга ажратилган бўлинмалар (филиал, ваколатхоналар, бўлим ва бошқа алоҳида бўлинмалари)дан олинадиган счетлар бўйича ахборотларни умумлаштиришга мўлжалланган. Бу счетда ажратилган мулк ва бошқа жорий операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олиб борилади.

Ҳисоб-китоблар олиб бориш учун асосий ҳужжат бўлиб, муассислар шартномаси, аҳдлашув шартномаси ва бошқа, ушбу бўлинмаларни ташкил этиш тўғрисида муассислар қарори мулкни бериш тўғрисида қарор ва бошқалар ҳисобланади.

Айтилган бўлинмаларга мулк берилганда корхонанинг (01) асосий воситалар, (04) номоддий активлар, (07) ўрнатиладиган ускуналар, (10) материаллар ва бошқалар счетларидан 4110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счетлар» счетининг дебетига олиб борилади. 4110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счетлар» счетинингг аналитик ҳисоби ҳар бир бўлинма бўйича олиб борилади.

(41) Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счетлар ҳисоби счетларининг корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Корхона филиалидан дебитор қарзни қоплаш ҳисобига ускуналар, материаллар, ҳайвонлар, АТБ ва ш.к. олинди	0710 1010-1090 1110 1210	4110	Накладнойлар
2	Корхона филиали ва бошқа бўлинмаларига мол-мулк (асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар) ажратилди	4110	0110-0199 0410-0490 1010-1090	Бойликларни қабул қилиш, топшириш далолатномалари, накладнойлар, авизо
3	Филиал ва бошқа бўлинмалари ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш учун пул маблағлари ажратилди	4110	5010 5110	Банк кўчирмаси чиқим касса ордери
4	Филиалдан асосий воситалар қайтарилди	0110-0199	4110	АВни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
5	Корхона филиалидан дебитор қарзни қоплаш учун кассага нақд пул қабул қилинди	5010	4110	Кирим касса ордери
6	Корхона филиалидан дебитор қарзни қоплаш учун банкдаги ҳисоб-китоб счетига пул маблағи келиб тушди	5110 5210 5220 5590	4110	Банк кўчирмаси
7	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан дебитор қарзни қоплаш учун ярим тайёр маҳсулотлар олинди	2110	4110	Накладной
8	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар ички бўлинмаларига берилди	4110	2110	Накладной
9	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчилар томонидан берилган материаллар бўйича тўлов ҳужжатлари акцептланди	4110	7010	Счет-фактура, накладной

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
10	Ички бўлинмаларга берилган асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши акс эттирилди	0220-0299 0510-0590	4110	Эскириш ҳисоблаш қайдномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
11	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан олинадиган фойда суммаси ҳисобга олинди	4110	8710	Ички бўлинмалар фойда ҳисоби
12	Филиаллар ва ваколатхоналар билан ҳисоб-китоблар бўйича курсдаги фарқ даромади	4110	9540	Курс фарқи ҳисоблаши
13	Моддий бойликлар ушбу бўлинмаларнинг кирим қилиши учун берилган (15 счет қўлланилганда)	4110	1510	Накладной
14	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларга берилган материалларга тегишли материалларнинг қийматидаги фарқлар ҳисобидан чиқарилди (16 счет қўлланилганда)	4110	1610	Накладной ва фарқларни тақсимлаш ҳисоблашуви

42 — Даъволар бўйича олинадиган счетлар ҳисоби счетлари

4210 «Даъволар бўйича олинадиган счетлар» счети мол етказиб берувчилар, пудратчилар, транспорт ва бошқа ташкилотларга тақдим этилган, ҳамда уларга тақдим этилган ва тан олинган (ёки зиммасига юклатилган) жарималар, пенялар ва бурдсизлик тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

4210 «Даъволар бўйича олинадиган счетлар» счети дебетида қуйидаги даъволар бўйича ҳисоб-китоблар акс эттирилади:

— мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва транспорт ташкилотларига уларнинг тўлов ҳужжатлари текширилганда (акцепт қилингандан сўнг) шартномаларда келишилган ёки прейскурантларда назарда тутилган нархлар ва тарифларга мувофиқ келмаслиги бўйича, ҳамда арифметик хатолар аниқланганида — мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўла-

надиган счетлар ҳисоби счетлари ёки мол етказиб берувчилар ва пудратчилар тақдим этган тўлов ҳужжатларида нархларнинг оширилганлиги ёки арифметик хатолар товар-моддий бойликларни ёки харажатларни ҳисобга олиш счетлари бўйича ёзувлар бўлгандан кейин аниқланган бўлса, ишлаб чиқариш захиралари, товарлар ва тегишли харажатларни ҳисобга олиш счетлари билан корреспонденцияда бўлади (мол етказиб берувчилар ва пудратчилар фактурада кўрсатилган нархлар ва ҳисоблашлар асосида);

— юкнинг йўлда табиий камайиш меъёрларидан ортиқ даражада камайганлиги учун мол етказиб берувчилар, транспорт ва бошқа ташкилотларга — мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар билан корреспонденцияда;

— мол етказиб берувчилар ва пудратчилар айби билан бўлган тўхтаб қолишлар ва браклар бўйича тўловчилар эътироф этган ёки арбитраж ҳукм қилган суммаларга — ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счетлари билан корреспонденцияда;

— банк муассасалари билан корхонанинг счетидан хато билан ҳисобдан чиқарилган (ўтказилган) суммалар бўйича — пул маблағлари, банк кредитлари ҳисоби счетлари билан корреспонденцияда;

— мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқалардан шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганлиги сабабли ундириладиган жарималар, пенялар, бурдсизлик тўловлари — тўловчилар эътироф этган ёки арбитраж ҳукм чиқарган миқдорларда (тақдим этилган, лекин тўловчилар эътироф этмаган суммалар ҳисобга олинмайди) — 0390 «Бошқа операцион даромадлар» счети билан корреспонденцияланади.

4210 «Даъволар бўйича олинадиган счетлар» счети кредити келиб тушган тўловлар бўйича пул маблағлари ҳисоби счетлари билан корреспонденцияланади.

Кейинчалик ундирилмаслиги аниқланган суммалар одатда улар қайси счетлардан 4210 «Даъволар бўйича олинадиган счетлар» дебетига ўтказилган бўлса, ўша счетларга олиб борилади.

4210 «Даъволар бўйича олинадиган счетлар» счетининг аналитик ҳисоби ҳар бир дебитор ва алоҳида даъво суммалари бўйича ҳисобга олиб борилади.

(42) Даъволар бўйича олинадиган счетлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ўрнатиладиган ускуна тўлов ҳужжати акцепт-лангандан кейин аниқ-ланган нархлар, тариф-ларнинг мувофиқ кел-маслиги, тўлов ҳужжат-ларидаги хатолар бўйича даъво билдирилди	4210	0710	Шартнома, даъво
2	Тайёр маҳсулотларнинг йўлдаги камомади сотиб олиш қийматида акс эттирилди	4210	2810	Шартнома, даъво
3	Илгари капитал қурилиш учун ҳақи тўланган (ак-цепт қилингандан сўнг) тўлов ҳужжатларидаги ҳажмларнинг ошириб кўрсатилиши, нархлар-даги номувофиқликлар ва хатолар бўйича даъво билдирилди	4210	0810	Шартнома, даъво
4	Материаллар учун тўлов ҳужжатларидаги нархлар-даги номувофиқликлар ва арифметик хатолар, табиий камайиш меъёр-ларидан ортиқ даражада-ги камомад учун даъво-лар билдирилди	4210	1010	Шартнома, даъво
5	Ҳайвонлар бўйича нарх-лардаги номувофиқлар учун акцепт қилинган ва тўлангандан кейин) даъво билдирилди	4210	1110	Шартнома, даъво
6	АТБлар бўйича камомад-лар, тўлов ҳужжатлари-даги нархлардаги ному-вофиқлар ва арифметик хатолар бўйича даъво билдирилди (кирим қилингандан кейин)	4210	1210	Шартнома, даъво
7	Камомадлар, сифат ҳуж-жатларидаги хатолар, йўлдаги камайишлар-нинг меъёрдан ортиқли-ги учун даъво билдирил-ди (15 счет қўлланил-ганда)	4210	1510	Шартнома, даъво

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
8	Товарларни етказиб берувчиларга суммадаги хато ва товар сифати бўйича даъво билдирилди	4210	4010 4110	Шартнома, даъво
9	Банкларга корхонанинг счетидан хатолик билан ҳисобдан чиқарилган суммага даъво билдирилди	4210	5110 5210 5590	Шартнома, банк кўчирмаси
10	Мол етказиб берувчиларга шартнома шартларини бузганлик учун даъво билдирилди	4210	6210	Шартнома, даъво
11	Бошқа корхоналарга шартнома мажбуриятларига риоя этмаганликлари учун тақдим этилган жарима, пеня ва бурдсизлик тўловлари суммаси акс эттирилди	4210	9330	Шартнома, даъво
12	Қондирилмаган даъво суммалари бошқа операцион харажатларга олиб борилди	9439	4210	Шартнома, келишмовчилик баёни, хўжалик суди қарори
13	Ундирилмайдиган даъво суммалари муомала харажатларига (савдо корхоналарида) олиб борилди	9419	4210	Хўжалик суди қарори, бухгалтерия маълумотномаси

43 — Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари

Товар моддий бойликларнинг ва бошқа активларнинг етказиб берилиши, ишларнинг бажарилиши учун берилган бўнаклар ҳамда буюртмачилардан қисман тайёрлиги бўйича қабул қилинган маҳсулот ва ишларга ҳақ тўлашга доир ҳисобкитоблар тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

4310 «ТМЗлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар»;

4320 «Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган бўнаклар».

Берилган бўнаклар суммаси, ҳамда қисман тайёр маҳсулот ва ишлар учун тўланган суммалар 4310 «Мол етказиб

берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» счетининг дебети ва 5110 «Ҳисоб-китоб счети»нинг кредитида ҳисобга олиб борилади.

5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетлари» счетлари билан корреспонденцияланади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўнаклар мол етказиб берувчи ва корхона ўртасида тузилган шартнома ёки контракт асосида берилади. Айрим ҳолларда қисман тайёрланган (бажарилган) ишлар далолатномаси ҳам бўлиши мумкин. Чет эл ҳамкори билан асосий ҳужжат бўлиб, Республика Ташқи Алоқалар вазирлигида ва вакил банкда қайд қилинган контракт ҳисобланади.

4310 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» счетининг аналитик ҳисоби ҳар бир дебитор бўйича олиб борилади.

(43) Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашга бўнак нақд пул билан берилди	4310	5010	Чиқим касса ордери, контракт
2	Ҳисоб-китоб счетидан бўнак тўланди (маҳсулот етказиб бериш, қисман тайёр ишларни бажариш ва ш.к.)	4310	5110	Банк кўчирмаси ва контракт, счет-фактура
3	Импорт контракти ва халқаро ҳисоблар асосида валюта счетидан (етказиб бериш учун олдиндан тўлаш) бўнак ўтказилди	4310	5210	Валюта счетидан кўчирма ва контракт
4	Банкдаги махсус счетлардан бўнаклар ўтказилди, қисман тайёр буюртмалар бўйича оралиқ тўлов ҳужжатлари тўланди	4310	5510-5530	Махсус счетлар кўчирмалари ва контрактлар
5	Банкдан олинган кредитлар ҳисобидан бўнаклар ўтказилгани акс эттирилди	4310	6910 7510	Ссуда счетидан кўчирма ва контракт
6	Бошқа корхоналар (банкдан ташқари) маблағи ҳисобидан бўнак тўланди	4310	6930 7620	Қарзлар счетидан кўчирма, кредит шартномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
7	Контрактни бекор қилиш сабабли илгари берилган бўнаклар кассага қайтарилди	5010	4310	Кирим касса ордери
8	Илгари берилган бўнакларнинг ҳисоб-китоб ёки валюта счетига қайтарилиши	5110 5210	4310	Ҳисоб-китоб ёки валюта счетидан кўчирма
9	Илгари берилган бўнакларнинг мол етказиб берувчилар ёки пудратчилар қарзларини узиш (қоплаш) ҳисобига ўтказилди	6010 7010 7020	4310	Контракт ва иш, хизмат далолатномаси
10	Корхона илгари шубҳали деб эътироф этган, талаб қилиб олинмаган қарзлар бўнак ҳисобига ҳисобдан чиқарилди	4910	4310	Қарзни ҳисобдан чиқариш далолатномаси
11	Мол етказиб берувчилар берилган, лекин дебиторнинг тўловга қобилиятсизлиги сабабли қайтарилмаган, лекин муддати ўтиб кетган бўнаклар белгиланган тартибда (ҳисобот даврида бундай қарзларга резерв тузилмаган бўлса) ҳисобдан чиқарилди	9439	4310	Хўжалик суди қарори
12	Ишларни бажариш учун берилган узоқ муддатли бўнакнинг ҳар ой бошида тегишли қисмини жорийга ўтказиш	4310	0990	Ҳисоблаш асосида
13	Мол етказиб берувчилардан бўнак суммасида номоддий активлар, материаллар ва бошқа активлар кирим қилинди	0710 0810 1010-1090 1210	4310	Накладной

44 — Ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари

Корхона ходимларига берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

4410 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар»;

4420 «Хизмат сафари учун берилган бўнаклар»;

4430 «Умум хўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»;

4490 «Ходимларга берилган бошқа бўнаклар».

Бу счетларда корхонанинг ходимларга меҳнат ҳақи, маъмурий-хўжалик ва операцион харажатлар учун ҳисобдор шахсларга берилган ва хизмат сафари учун берилган бўнаклар ҳисоби олиб борилади. Корхона ходимларига нақд пул бериш касса операцияларини юритиш қоидалари билан тартибга солинади.

Ходимларга берилган бўнак — ҳисобини бериш суммасига, ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари (44) дебетланиб, пул маблағларини, жумладан 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5020 «Хорижий валютадаги пул маблағлари» счетлари кредитланади.

Ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари кредитда харажатлар, бойликларни сотиб олиш, бўлган сарфларнинг тавсифига қараб бошқа счетлар билан корреспонденцияда бўлиши мумкин.

Тўлиқ ишлатилмаган бўнаклар (мисол, хизмат сафари) корхона кассасига уч кун давомида қайтарилиши лозим ва бунда ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари кредит ва дебет счет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ва 5020 «Хорижий валютадаги пул маблағлари» счетлари дебети бўйича ёзилади.

Хизмат сафарига бўнаклар сафар тўғрисидаги буйруқ, бўнак суммаси эса чипта қиймати, суткалик ва тунаш ва бошқа харажатлари ҳисобланиб берилади.

Ўз муддатида ходимлар томонидан қайтарилмаган ҳисобдаги суммалар, ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари кредитидан 4690 «Ходимларнинг бошқа қарзлари», агарда ходим иш жойидан кетган тақдирда 9439 «Бошқа операцион харажатлар» ёки 4910 «Шубҳали қарзлар бўйича захира» счетлари дебетига ўтказилади.

4410 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар» счетида корхона ходимларига меҳнат ҳақи бўйича берилган барча турдаги бўнаклар ҳисоб-китоби ҳисобга олиб борилади. Бу суммалар ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари

дебети ва 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счети кредитида акс эттирилади. Иш ҳақи бўйича бўнаклар ходимнинг сабаби кўрсатилган аризасига биноан берилади. Бундан ташқари, бу счетда иш ҳақи бўйича ҳар ойда бериладиган бўнаклар ҳисобга олиб борилади, кейинчалик ҳар ой охирида дебет 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счети ва кредит 4410 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар» проводкаси тузилади. 4420 «Хизмат сафари учун берилган бўнаклар» счетида хизмат сафарига бораётган корхона ходимига берилган бўнаклар ҳисобга олиб борилади. Чет элга хизмат сафарига юборилган ходимга Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлари асосида хорижий валютада бўнак берилади. Бу валюта бўнак берилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича сўмга ўтказилади ва сўмларда ҳисобга олиб борилади. Хизмат сафари учун берилган ва сарфланган хорижий валюта алоҳида ҳисобга олиб борилади. Хорижий валютани олишда ва ишлатилмаган суммасини қайтаришда курсдаги фарқлар бўлиши мумкин. Ижобий курс фарқлари — дебет 4420 «Хизмат сафари учун берилган бўнаклар» ва кредит 9540 «Курс фарқлари (ижобий)дан олинган даромадлар»; салбий курс фарқлари — кредит 4420 «Хизмат сафари учун берилган бўнаклар» ва дебет 9620 «Курс фарқларидан зарарлар» счетларига ёзувлар акс эттирилади.

4430 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар» счетида умумхўжалик эҳтиёжи учун зарур бўлган майда инвентар ва жиҳозларни нақд пулга сотиш учун берилган бўнаклар ҳисобга олиб борилади. Моддий бойликларни баҳолаш ва кирим қилиш тайёрлаш (сотиб олиш) далолатномаси асосида амалга оширилади.

4490 «Ходимларга берилган бошқа бўнаклар» счетида корхона ходимларига аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳайвонлар ва бошқаларни сотиб олиш учун берилган бошқа бўнаклар ҳисобга олиб борилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир берилган аванс бўйича олиб борилади.

(44) Ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Меҳнат ҳақи ҳисобидан бўнак берилди	4410	5010	Ҳисоб-тўлов хужжатлари
2	Хизмат сафари учун ҳисобдор шахсларга бўнак берилди	4420	5010 5020	Сафар тўғрисида буйруқ, бўнакни ҳисоблаш, чиқим касса ордери
3	Ҳисобдор шахсларга банкдаги счетлардан бўнак берилган	4420 4430	5110 5210 5220 5590	Сафар тўғрисида буйруқ, бўнакни ҳисоблаш, банк кўчирмаси
4	Ҳисобдор шахсга кассадан пул ҳужжатлари берилди (ҳар хил маркалар ва ш.к.)	4410 4420 4430	5610	Кассир ҳисоботи, чиқим касса ордери
5	Ҳисобдор шахс олинган бўнакнинг ишлатилмаган қисмини кассага қайтарди	5010 5020	4410 4420 4430	Кирим касса ордери
6	Фойдаланилмаган ҳисобга берилган суммани ходим корхонанинг банк муассасидаги счетига қайтарди	5110 5210 5220 5590	4420 4430	Банк кўчирмаси
7	Ходимга келгуси иш ҳақи ҳисобидан берилган бўнак ушланиб қолинди	6710	4410	Ҳисоб-тўлов ҳужжатлари
8	Ҳисобдор шахсга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва молларни сотиб олиш учун бўнак берилди	4490	5010	Бўнак ҳисоби
9	Ҳисобдор шахслар турли ташкилотлардан шартномага асосан сумма олдилар	4490	4890	Ишончнома асосида
10	Ҳисобдор шахслар ҳисобга пул ҳужжатларини олдилар	4490	5510	Ишончнома асосида
11	Ноқонуний сарфланган суммалар ижро варақасига биноан ҳисобдор шахслар ёки бошқа айбдорлар ҳисобига олиб борилди	4630	4420 4430	Ижро варақаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
12	Ҳисобдор шахслар сотиб олинган турли пул ҳужжатларига (маркалар, йўлланмалар ва ш.к.) ҳақ тўлаган	5510	4490	Аванс ҳисоботи
13	Фойдаланилмаган пул ҳужжати қайтарилган	5510	4490	Махсус счетдан кўчирма
14	Ҳисобдор шахслар капитал қўйилмаларга боғлиқ, ускуналар, материаллар, ҳайвонлар, АТБларни сотиб олиш, олиб келиш, тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар қилган (15 счет қўлланилмайди), уларнинг қиймати тўланган	0710 0810 1010-1090 1110 1210	4420 4490	Аванс ҳисоботи
15	Ҳисобдор шахслар маҳсулот браки билан боғлиқ турли хил харажатларни тўлади	2610	4430 4490	Аванс ҳисоботи
16	Ҳисобдор шахслар асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, ҳамда умумхўжалик харажатлари қилинди	2010 2310 2320 2510	4430 4490	Аванс ҳисоботи
17	Ҳисобдор шахслар давр харажатларига киритувчи турли харажатлар ҳақ тўлади	9410 9420 9430	4430 4490	Аванс ҳисоботи
18	Ҳисобдор шахслар келгуси давр харажатлари ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларга тегишли турли харажатларга ҳақ тўлади	3190 9450	4490	Аванс ҳисоботи
19	Ҳисобдор шахслар айрим товарларни сотиб олди	2910 2990	4490	Аванс ҳисоботи

45 — Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлар ҳисоби счетлари

Корхоналарнинг солиқлар ва мажбурий тўловлари бўйича тўланган бўнаклари тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда мумулаштирилади:

4510 «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар»;

4550 «Мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлар».

4510 «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар» счетида бўнак тўланган солиқ суммалари, жумладан хом ашё, материал, ярим тайёр маҳсулот ва бошқа ишлаб чиқариш захираларини сотиб олишда тўлов ҳужжатларида ажратиб кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олиб борилади.

4510 «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар» счетида тўпланган солиқ суммаларини ҳисобдан чиқариш тартиби қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Бухгалтерия ҳисобида бу операциялар 4510 «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар» кредитидан, қоида бўйича 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» (турлари бўйича) счети билан корреспонденция қилинади.

4550 «Мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлар» счетида корхона мажбурий тўловлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосидаги бошқа тўловлар, жумладан ижтимоий суғурта, мулк суғуртаси, шахсий суғурта, пенсия, йўл ва бошқа жамғармаларга бўнак тарзида тўлаган суммалари ҳисобга олиб борилади.

Бўнак ва бошқа тўловларда солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари ҳисоби счетлари дебетланиб, пул мабалағлари ҳисоби счетлари кредитланади. Солиқлар ва мажбурий тўловлар узил-кесил ҳисоблашда дебет счетлар 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (солиқ турлари бўйича), 6520 «Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар», 6530 «Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар» ва кредит эса солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари ҳисоби счетлари проводкаси тузилади.

(45) Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Сотиб олинган материал ресурслар, ишлар ва хизматларга тегишли ҚҚС акс эттирилди	4510	6010	Накладной, тўлов ҳужжатлари

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
2	Жорий тўловлар маълумотномаси асосида бюджетга солиқлар бўйича бўнак ўтказилди	4510 4550	5110	Тўлов топшириқномаси, инкасса топшириқномаси
3	Ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилган ёки сарфланган (ишлар ва хизматларга ҳам) материал ресурсларга тегишли ҚҚС акс эттирилди	6410	4510	ҚҚС ҳисоби ва таннарх калькуляцияси
4	Бошқа корхоналар устав капиталига молиявий қўйилма тарзида, ҳамда текинга берилган материал ресурсларига тегишли ҚҚС акс эттирилди	9220	4510	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси
5	Солиқ ва бошқа тўловларнинг узил-кесил ҳисоблаши акс эттирилди	6410 6530	4510 4550	Солиқ ва бошқа тўловларнинг ҳисобланиши

46 — Ходимларнинг турли операциялар бўйича қарзлари ҳисоби счетлари

Корхона ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш, ҳисобдор шахслар ва депонентлар билан ҳисоб-китоблардан ташқари, ҳамма ҳисоб-китоблари (ҳисоблашишлари) тўғрисидаги ахборотларни қуйидаги счетлар умумлаштиради:

4610 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари»;

4620 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари»;

4630 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари»;

4690 «Ходимларнинг бошқа қарзлари».

4610 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари» счетида корхона ходимлари билан уларга кредитга берилган товарлар учун бўлган ҳисоб-китобларни ҳисобга олиб борилади. Товарларни кредитга сотиб олган ходимлар ишлайдиган корхоналар савдо ташкилотларига уларнинг ходимларига кредитга берган суммани банкнинг кредитидан тўлиқ қоплайдилар. Банклар тегишли ҳисоб ҳужжатларини тўлаганда 4610 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг

қарзлари» счети дебет, 6910 «Қиска муддатли банк кредитлари» ва 7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счетлари билан корреспонденцияда бўлади. Ходимлардан навбати келган тўловлар ушлаб қолинишига қараб корхона бухгалтериясида 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счети дебетланиб, 4610 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари» счети кредити билан корреспонденцияланади, шундан сўнг ушлаб қолинган суммалар банкдан олинган кредитни узиш учун 5110 «Ҳисоб-китоб» счети кредитидан, 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счетлари дебетига ўтказилади.

Ходимларнинг кредитга сотиб олган товарлари қарзини узиш учун банк кредитларидан фойдаланмайдиган корхоналар, бу ходимлар берган топшириқ-мажбуриятлар асосида 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счетини дебетлаб навбатдаги тўловларни иш ҳақидан ушлаб қолади, кредит эса турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар счетларига (савдо ташкилотларининг шахсий счетлари бўйича) ёзилади. Ушлаб қолинган суммаларнинг савдо ташкилотига ўтказилишига қараб, ҳар хил кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар ҳисоби счетлари дебети пул маблағлари ҳисоби счетлари билан корреспонденцияланади.

4620 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари» счетида корхона ходимлари билан уларга берилган қарзлар (масалан, якка тартибда ва ширкатдаги уй-жой қурилишга, боғ ҳовли уйларини сотиб олиш ёки қуришга ва бошқалар) бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олиб борилади.

4620 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари» счети дебетида ходимга берилган қарз суммаси ёзилиб, 5010 «Касса» ёки 5110 «Хисоб-китоб счети» счетлари билан корреспонденцияда бўлади.

Агарда ходимга берилган қарз маблағ бевосита банк томонидан корхонага берилган кредит ҳисобидан бўлиб, (бу маблағларни корхона ҳисоб-китоб счетига ўтказмасдан) 4620 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари» счети дебетига, 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари» корреспонденциясида ёзувлар бўлади.

Қарздор ходимдан қабул қилинган тўловлар суммасига 4620 «Берилган қарзлар бўйича ходимлар қарзлари» счети кредитланиб, дебет 5010 «Касса», 5110 «Ҳисоб-китоб счети», 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» (тўловларнинг келиб тушиш тартибига биноан) корреспонденция ёзувлари бўлади.

Банк кредитларининг қайтарилиши барча ҳолларда 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счетлари дебети банкка тўланиши лозим бўлган суммаларни тўлаган пул маблағларини ҳисобга олиб борувчи счетлари кредити бўйича акс эттирилади.

4630 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» счетида ходимларнинг пуллар ва товар-моддий бойликларнинг камомади, талон-тарожи (ўғирланиши), брак натижасида корхонага етказилган зарарлар, ҳамда зарарларнинг бошқа турларини қоплаши бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

4630 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» счетининг дебетига айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган суммалар 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак», материаллар, товарлар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счетлар кредитида ёзилади.

4630 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» кредити бўйича ёзувлар: тўланган тўловлар бўйича — пул маблағлари ҳисоби счетлари моддий зарарни иш ҳақидан ушлаб қолинган суммаларга 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счетлари билан корреспонденцияда бўлади.

4690 «Ходимларнинг бошқа қарзлари» счетининг ҳисоби корхонанинг ҳар бир қарздор ходими бўйича олиб борилади.

(46) Ходимларнинг турли операциялар бўйича қарзлари ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ходимларнинг айрим тоифаларига ҳақини кейинчалик тўлаш шарти билан кийим ва пойафзал берилди	4610	1210	Накладной тарқатиш қайдномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
2	Брақдан кўрилган зарарлар моддий зарар етказган айбдор ходим ҳисобидан ҳисобдан чиқарилди	4630	2610	Брак тўғрисида далолатнома
3	Ходимларга берилган (нақд пул билан) қарз суммаси акс эттирилди	4620	5010	Чиқим касса ордери
4	Ходимларга берилган қарз акс эттирилди: савдо ташкилотларига кредитга сотилган товар суммаси ўтказилди	4610	5110 5210	Банк кўчирмаси
5	Ходимларга пул ҳужжатлари берилди (йўлланма ва ш.к.)	4690	5510	Касса ҳисоботи
6	Материаллар, қимматбаҳо қоғозлар камомади учун айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган суммалар акс эттирилди	4630	0610 1010 5810	Инвентаризация далолатномаси
7	Асосий воситалар ва бошқа активлар камомади учун айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган суммалар акс эттирилди	4630	9210 9220	АВни ҳисобдан чиқариш далолатномаси
8	Ходимларнинг кредитга олган товарлари бўйича қарзи учун банклардан кредит олинган	4610	6910 7510	Банк кўчирмаси
9	Кредитга олган товарлари бўйича қарз бўлган ходимлардан навбатдаги тўловлар суммалари кассага нақд шаклида олинганлиги акс эттирилди	5010	4610	Кирим касса ордери
10	Кредитга сотиб олинган товарлар учун навбатдаги тўловлар ходимлар иш ҳақидан ушлаб қолинганлиги акс эттирилди	6710	4610	Ҳисоб маълумотномаси
11	Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи, суд томонидан ундириш бекор (рад) қилинганлиги учун, зарарларга ҳисобдан чиқарилди	9439	4690	Хўжалик суди қарори

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
12	Корхона ходимларининг банкларнинг кредитлари бўйича қарзини қисман узиши	6910 7510	4610	Банк кўчирмаси
13	Товарларнинг камомади учун айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган сумма акс эттирилди	4630	2910-2990	Инвентаризация далолатномаси
14	Акцияларга обуна иштирокчиларига қарзининг камайиши ҳисобланган	6710	4690	Акцияга обуна қайдномаси
15	Товар-моддий бойликлар қабул қилиш ва киримида аниқланган табиий камайиш меъёридан ортиқ камомад акс эттирилди ва ходим иш ҳақидан ушлаб қолинди	4630	6710	Накладной материалларини қабул қилиш далолатномаси
16	Тугалланмаган ишлаб чиқариш камомади акс эттирилди (асосий, ёрдамчи ва ишлаб чиқаришга ва хўжаликка хизмат кўрсатувчи)	4630	2010 2310 2320 9450	Инвентаризация далолатномаси
17	Инвентаризация пайтида кассада пул маблағлари камомади аниқланди	4630	5010 5020	Инвентаризация далолатномаси
18	Пул ҳужжатларининг камомади акс эттирилди	4630	5510	Инвентаризация далолатномаси
19	Бошқа корхона ва ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ҳисобдор шахсларга лимитланган чек дафтарчалари берилди	4490	4690	Чек дафтарчаларини беркитиш тўғрисида буйруқ
20	Лимитланган чек дафтарчаларининг фойдаданилмаган қисми қайтарилди	4690	4490	Аванс ҳисоботи
21	Камомад ва бузилган бойликлар суммаси жавобгар шахслардан ундириш рад этилганлиги сабабли, капитал қўйилма харажатларига олиб борилди	0810	4630	Хўжалик суди қарори

47 — Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари ҳисоби счетлари

Корхона устав капиталига улушлар бўйича корхона муассислари акционер жамиятлари акциядорлари, қўшма корхона муассислари, тўлиқ ўртоқлик жамияти қатнашчилари ва ш.к. билан ҳисоб-китобларнинг барча турлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштиради.

Акционерлик жамияти ташкил этилганда 4710 «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счети дебети устав капитали ҳисоби счетлари билан корреспонденцияда акцияларга обуна бўлган шахсларнинг қарз суммалари ҳисобга олинади.

Муассисларнинг улушлари амалда пул маблағлари тарзида келиб тушганда 4710 «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассислар қарзлари» счети кредитланиб, пул маблағлари ҳисоби счетлари билан корреспонденцияланади. Улушларнинг моддий ва бошқача бойликлар (пул маблағларидан ташқари) билан бадали 4710 «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассислар қарзлари» счети кредити, асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар ва бошқалар ҳисоби счетлари билан корреспонденцияланади.

Акция тўлови ҳисобига корхона мулкига берилган натурал шаклдаги мол-мулк муассислар келишган баҳоларда кирим қилинади. Бошқача ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналарнинг муассислари (иштирокчилари) билан устав капитали улушлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳам бухгалтерия ҳисобида шундай тартибда акс эттирилади. Бунда 4710 «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассислар қарзлари» счети дебети ва устав капитали ҳисоби счет кредити бўйича ёзувлар устав капиталининг муассислар ҳужжатларида эълон қилинган барча миқдорига (суммасига) ёзилади. Муассислар ҳужжатлари бўлиб, устав, муассислар шартномаси ва бошқалар ҳисобланади.

4710 «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассислар қарзлари» счетининг аналитик ҳисоби акциядорлик жамиятларидаги тақдим этувчига акциялар эгалари билан ҳисоб-китоблардан ташқари, ҳар бир муассис бўйича ҳам ҳисоб юритилади.

(47) Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Муассислар акцияларга обуна бўлиш ҳақини номоддий активларни (корхона устав капитали уларнинг бадали ҳисобига), жумладан ер участкаларидан, табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқлари билан бирга, тақдим этди	0410-0430 0450-0490	4710	Номоддий активларни қабул қилиш далолатномаси
2	Муассисларнинг акцияларга обуна бўлиш учун ҳақ тўлашга тақдим этган узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалари (уларнинг корхона устав капиталига улуши ҳисобига қимматбаҳо қоғозлар қиймати) акс эттирилди	0610 5810	4710	Акция пакетини қабул қилиш далолатномаси
3	Муассислар корхонага мулк қилиб бинолар, ускуналар, капитал қўйилма тугалланмаган объектларини, материаллар захирасини, ҳайвонларни, АТБларни беришди	0120 0710 0810 1010 1110 1210	4710	АВни, АТБни материалларни қабул қилиш далолатномаси
4	Муассислар муассислар бадали ҳисобига корхонага мулк қилиб тайёр маҳсулот ва товарлар топширдилар	2810 2810 2910	4710	Накладной
5	Акцияларга илгари обуна бўлган (устав рўйхатдан ўтгандан кейин) муассислар бадали ҳисобига ҳақиқатан келиб тушган пул маблағлари акс эттирилди	5010 5110 5210	4710	Банк кўчирмаси, кирим касса ордери
6	Корхона муассислари бадали қайтарилганлиги акс эттирилди, акциянинг номинал қиймати камайтирилди	8511 8512	4710	Муассислар қарори
7	Дивидендлар тўланди	4710	8710	Бухгалтерия маълумотномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
8	Муассислар қарорига асосан қабул қилинган асосий воситалар муассислар шартномасига мувофиқ келмагани учун бадалчиларга қайтарилди	4710	0110-0180	Муассислар қарори, бухгалтерия маълумотномаси
9	Муассиснинг иш ҳақидан корхона устав капиталига бадал ушланди	6710	4710	Ҳисоб-тўлов ҳужжатлари
10	Устав капитал миқдори (корхона рўйхатдан ўтгандан кейин) муассислар бадали суммасида (акцияга обунасуммасида) акс эттирилди	4710	8511 8512 8513	Муассислар ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоблаши

48 — Турли дебиторларнинг қарзлари ҳисоби счетлари

Юқорида кўрсатилган дебиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби счетлари тушунтиришларида, дебиторлар билан ҳар хил операциялар бўйича ҳисоб-китоблар, жумладан, олинадиган дивидендлар ва фоизлар, лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар, бошқа шахслар қарзлари, роялти ва гонорарлар бўйича олинадиган счетлар ва бошқалар бўйича ахборотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

4810 «Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар»;

4820 «Олинадиган фоизлар»;

4830 «Олинадиган дивидендлар»;

4840 «Роялти ва гонорарлар бўйича олинадиган счетлар»;

4890 «Бошқа шахслар қарзлари — жорий қисми».

4810 «Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счетида ижара шартномаси асосида олинадиган ижара ҳақи ҳисобга олиб борилади. Ижара ҳақи ҳисобланганда даромадлар счетлари кредитланиб, 4810 «Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счети дебетланади. Ижара ҳақи келиб тушганда 4810 «Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счети кредитланиб, пул маблағи ҳисоби счетлари билан корреспонденцияланади.

4820 «Олинадиган фоизлар» счетида фоизларни ҳисоблаш ва уларни олиш ҳисоби олиб борилади. Фоизларни ҳисоблаш учун асос кредит шартномаси ҳисобланади. Муддати ўтган

фоизлар алоҳида ҳисобга олиб борилади ва улар бўйича пеня ҳисобланади.

4830 «Олинадиган дивидендлар» счетида қимматбаҳо қоғозлар бўйича ҳисобланган дивидендлар ҳисоби олиб борилади. Хорижий субъектлар дивидендлари чет элга ўтказишда хорижий валютага конвертация қилинади. Конвертация билан боғлиқ харажатлар дивиденд ҳисобидан қопланади.

4840 «Роялти ва гонорарлар бўйича олинадиган счетлар» счетида роялти ва гонорарларни олиш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олиб борилади. Роялти — бу лицензия келишуви буюмини фойдаланганлик ҳуқуқи учун сотувчига (лицензияларга) вақти-вақти билан қилинган ажратмадир. Амалиётда роялти қатъий ставкада белгиланиб, лицензиатга, лицензия келишуви муддати давомида келишилган вақт оралиғидан сўнг тўланади. Роялти ставкаси лицензия маҳсулотининг соф сотиш қийматига, унинг таннархига, ялпи даромадига фоизларда ёки чиқарилаётган маҳсулот бирлигига ҳисоблаб аниқланади. Гонорар — бу бажарилган иш, хизмат ва бошқалар учун мукофот ёки тақдирлашдир.

4890 «Бошқа шахслар қарзлари — жорий қисми» счетида юқорида номи қайд этилган счетларда ҳисобга олиб борилмайдиган ҳисоб-китоблар ҳисобга олиб борилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича алоҳида ташкил қилинади.

(48) Турли дебиторларнинг қарзлари ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ижарачилардан ижара шартномаси асосида лизинг қарзи қопланиши ҳисобига олинган сумма кирим қилинди	5110	4810	Лизинг шартномаси, лизинг тўлови ҳисоби, счет-фактура
2	Ҳисоб-китоб счетига фоизлар ва дивидендлар келиб тушди	5110	4820 4830	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
3	Валюта счетига олинадиган фоизлар ва олинадиган дивидендлар келиб тушди	5210	4820 4830	Валюта счетидан кўчирма

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
4	Бошқа ташкилотлардан роялти ва гонорарлар келиб тушди	5010 5110 5210	4850	Кирим касса ордери ва банк кўчирмаси
5	Мижозлардан олинадиган фоизлар дивидендлар роялтилар акс эттирилди	 4820 4830 4840	 9530 9520 9510	Корхона шартномаси
6	Лизинг бўйича олинадиган ижара ҳақининг навбатдаги суммасига (ижара берувчида) қарз акс эттирилди	4810	0920	Лизинг шартномаси ижара ҳақи ҳисоби
7	Асосий воситалар лизинг шартномаси асосида лизинг олувчи билан келишилган нархда берилди	0920 4810	9210	Лизинг шартномаси
8	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалар ҳар хил ташкилот ва корхоналарга хизмат кўрсатишди	4890	6110	Кўрсатилган хизмат тўлов ҳужжати, қабул қилиш далолатномаси
9	Ходимларга бошқа корхоналар, учинчи шахслар ва ш.к. ҳисобидан тегишли суммалар акс эттирилди	4840	6710	Накладной ва бажарилган ишлар далолатномаси
10	Лизингга берилган объект учун лизинг тўловидаги қўшилган қиймат солиғи акс эттирилди	4810	6410	Лизинг шартномаси
11	Олинган векселларга фоизлар ҳисобланди	4820	9530	Векселни қабул қилиш-топшириш далолатномаси

49 — Шубҳали қарзлар бўйича захира ҳисоби счетлари

Бухгалтерия ҳисоби айрим объектларининг баҳосини аниқлаш учун корхона фойдаси ҳисобидан ташкил этган захира тўғрисидаги ахборотларни умумлаштиради.

Шубҳали қарзлар бўйича захиралар рўйхати ва ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

4910 «Шубҳали қарзлар бўйича захиралар» счетида шубҳали қарзлар захираси ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади.

Корхонанинг бошқа корхона ва ташкилотлар, ҳамда алоҳида шахслар билан шубҳали қарзлар бўйича ҳисоблари захираланиш лозим ва 9434 «Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар» счетига олиб борилади. Шубҳали қарзларга корхонанинг белгиланган муддатида (агарда у белгиланмаган бўлса — бунга керак бўладиган меъёрий вақт давомида) тўланмаган (қайтарилмаган) ва тегишли кафолатлар билан таъминланмаган дебитор қарзлари киритилади. Шубҳали қарзлар захираси корхона дебитор қарзларини йил охиридаги инвентаризация натижаларига асосан ташкил этилади.

Захира миқдори қарздорнинг молиявий ҳолатига (тўлов қобилияти) боғлиқ ҳолда ҳар бир шубҳали қарз ва унинг қарз суммасини тўлиқ ёки қисман қайтариш (тўлаш эҳтимолини баҳолаш асосида аниқланади.

Агарда шубҳали қарз ташкил этилган йилдан кейинги йил охиригача, бу захиранинг қандайдир қисми фойдаланилмаган бўлса, ўша фойдаланилмаган сумма тегишли йил фойдасига қўшилади. Ташкил этиладиган захира суммасига дебет счет 9434 «Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар» ва кредит счет 4910 «Шубҳали қарзлар бўйича захира» ёзуви ёзилади.

Корхона илгари шубҳали ҳисоблаган талаб қилинмаган қарзлар балансдан чиқарилганда, дебет счет 4910 «Шубҳали қарзлар бўйича захира» дебиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби тегишли счетлари билан корреспонденцияланади. Шубҳали қарзлар бўйича захираларнинг сарфланмаган суммаларини, улар ташкил этилган йилдан кейинги йил фойдасига қўшганда, дебет счет 4910 «Шубҳали қарзлар бўйича захира», кредит счет эса 9390 «Бошқа операцион даромадлар» ёзуви бўлади.

Ҳисоб учун бухгалтерия маълумотномалари, дебитор қарзларни ўзаро текшириш далолатномалари, накладнойлар ва бошқалар ҳисобланади.

4910 «Шубҳали қарзлар бўйича захира» счетининг аналитик ҳисоби ҳар бир шубҳали қарз ва захира ташкил этилган муддат бўйича олиб борилади.

(49) Шубҳали қарзлар бўйича захира ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Шубҳали қарзлар бўйича захиралар ташкил этилди (декабрдаги якунловчи ёзувлар билан)	9434	4910	Бухгалтерия маълумотномаси ва ўзаро текшириш далолатномаси
2	Ўтган йилги фойда ҳисобидан шубҳали қарзлар захираси ташкил этилди	8710	4910	Бухгалтерия маълумотномаси
3	Берилган бўнаклар бўйича униши умидсиз бўлган қарз ҳисобдан чиқарилди	4910	4310	Хўжалик суди қарори, ўзаро текшириш далолатномаси
4	Харидор ва буюртмачиларнинг қарзлари шубҳали қарзлар захираси ҳисобидан ҳисобдан чиқарилди	4910	4010 4020	Солиштириш далолатнома
5	Корхона илгари шубҳали ҳисобланган талаб қилиб олинмаган қарзлар ҳисобдан чиқарилди	4910	4810-4890	Бухгалтерия маълумотномаси
6	Шубҳали қарзлар бўйича захираларнинг сарфланмаган суммалари улар ташкил этилган йилдан кейинги йил фойдасига қўшилди	4910	9390	Бухгалтерия маълумотномаси

5-бўлим. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР

Бу бўлимнинг счетлари ташкилотларга тегишли кассадаги, республика ҳудуди ва хориждаги банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа махсус счетлардаги миллий ва чет эл валюталаридаги пул маблағларининг ҳамда қимматбаҳо қоғозларга қисқа муддатли қўйилмалар, тўлов ва пул ҳужжатларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Чет эл валютасидаги пул маблағлари ва улар билан боғлиқ операциялар миллий валютада — сўмда, банкдан олинган кўчирма кунига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан эълон қилинган

курс бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан ушбу бўлимнинг счетларида ҳисобга олиб борилади. Бир вақтнинг ўзида бу маблағлар ва жараёнлар валюта ҳисоб-китоблари ва тўловларида акс эттирилади. Чет эл валютасини қайта баҳолаш жараёнидаги курс фарқлари, шу жумладан бухгалтерия баланси тузилган даврда мавжуд валюта маблағларининг қайта баҳолаш натижасида содир бўлган курс фарқлари 9540 «Курс фарқлари бўйича даромадлар (ижобий)» ва 9620 «Курс фарқлари бўйича зарарлар» счетига олиб борилади.

Ушбу бўлимда қуйидаги ҳисоб счетларида ҳисоб олиб бориш тартиби ёритилган:

50 — «Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счет»;

51 — «Ҳисоб-китоб счетидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счет»;

52 — «Валюта счетларини ҳисобга олувчи счет»;

55 — «Банклардаги махсус счетларни ҳисобга олувчи счетлар»;

56 — «Пул эквиваленти ва йўлдаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар»;

57 — «Йўлдаги ўтказилган пулларни ҳисобга олувчи счетлар»;

58 — «Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счетлар»;

59 — «Бошқа жорий активларни ҳисобга олувчи счетлар».

50 — Кассадаги пул маблағларининг ҳисоби счетлари

Кассадаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»;

5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари».

Касса операцияларини амалга ошириш ва ҳужжатлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилади ва назорат қилинади.

Корхоналарнинг ўзига хос хусусиятини инобатга олиб (транспорт, алоқа) «Корхона кассаси» ва «Жорий касса» счетлари очилиши мумкин.

Бу счетлар балансга нисбатан актив счет бўлиб, дебет томонида ташкилот кассасига кирим қилинган пул маблағлари ҳисобга олинади. Кредит томонида кассадан берилган пул маблағлари ва банкка топширилган лимитдан ортиқча пуллар ҳисобга олиб борилади.

(50) Касса пул маблағлари ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Кредитга сотилган товарлар учун нақд пул ифодасида олинган фоизлар (савдо ташкилотларида)	5010	9530	Кирим касса ордери
2	Маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг нақд пулга сотилиши акс эттирилиши	5010	9010-9030	Кирим касса ордери
3	Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши натижасида кирим қилинган материалларнинг сотилишидан нақд пул тушумига	5010	9210	Сотиб олиш тўғрисида ариза ва кирим касса ордери
4	Бошқа активлар сотилишидан нақд пуллар тушуми	5010	9220	Кирим касса ордери
5	Бошқа активлар сотилишидан нақд пуллар (иш ҳақи, нафақа, мукофот ва ҳ.к.) тушумига	5010	5110	Банкдан кўчирма, кирим касса ордери, касса китоби, пул чеки квитанцияси
6	Йўлда ҳисобда бўлган пул маблағлари келиб тушди	5010	5620	Келиб тушганлиги тўғрисида хабарнома
7	ТМБ етказиб бериш шарти билан мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга аввал берилган бўнакнинг қайтарилиши	5010	4310	Қайтариш тўғрисида хабарнома ва кирим касса ордери
8	Товарлар учун харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар нақд пулда	5010	7310	Шартнома ва кирим касса ордери
9	Ортиқча тўланган иш ҳақи суммасининг нақд пулда қайтарилиши	5010	4690	Бухгалтериянинг қайта ҳисоблаш қайдномаси, кирим касса ордери
10	Ҳисобдор шахсларнинг олдин олинган бўнакдан ишлатилмаган қисмининг қайтарилиши	5010	4430	Бўнак ҳисоботи, кирим касса ордери

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
11	Акцияларнинг нақд пулга номинал қийматидан юқори нархда сотилиши натижасида олинган эмиссион фойданинг акс эттирилиши	5010	8521	Сотилганлиги тўғрисида далолатнома, кирим касса ордери
12	Корхона устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг нақд пул маблағлари ҳисобида тўланиши	5010	4710	Таъсис ҳужжатлари
13	Ижарага турувчилардан қарз суммаси тушуми	5010	4890	Кирим касса ордери
14	Шуъба корхоналардан нақд пуллар тушуми	5010	4890	Келиб тушганлиги тўғрисида хабарнома, кирим касса ордери
15	Коммунал хизматлар, алоқа хизматлари ва бошқа хизматлар учун ҳар хил тушумлар	5010	4890	Кирим касса ордери
16	Қимматбаҳо қоғозлар учун дивидендлар, векселлар учун фоизлар, бошқа корхоналарда қатнашувидан даромадлар тушуми	5010	9520 9530	Кирим касса ордери
17	Якка тартибда уй-жой қуриш учун ходимларга бериладиган қарз учун, банк кредит суммаси тушуми	5010	7510	Пул чеки, кирим касса ордери
18	Кассага маблағ тушганлиги сабабли мақсадли молиялаштириш ташкил этилиши	5010	7710	Кирим касса ордери
19	Кассадан нақд пул тўлаш йўли билан программалаштирилган материаллар сотиб олиниши ва кирим қилиниши	0430	5010	Сотиб олинганлиги тўғрисида далолатнома ва кирим касса ордери
20	Ҳайвонларни сотиб олиш билан боғлиқ турли харажатларнинг тўланиши	1110	5010	Ҳайвонларни кирим қилинганлиги тўғрисида далолатнома, чиқим касса ордери
21	Олинган товарларнинг нақд тўланиши	2910	5010	Дўкон чеки, чиқим касса ордери

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
22	Маҳсулотларни юклаш ва сотиш бўйича ҳаражатларнинг нақд тўланишига	9411 9419	5010	Юк ташувчи ҳисоботи, чиқим касса ордери
23	Пул маблағлари кассадан топширилиб, ҳисоб-китоб счетига кирим қилинди	5110	5010	Топширилганлиги тўғрисида хабарнома, банк кўчирмаси
24	Акционерлардан уларга тегишли оддий акцияларнинг сотиб олиниши	8610	5010	Чиқим касса ордери
25	Қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиниши билан боғлиқ харажатлар (консультант, брокер хизматлари тўловлари) тўланиши	9690	5010	Шартнома, чиқим касса ордери
26	Иш ҳақи ва бошқа (мукофот) ҳисобланган суммаларнинг берилиши	6710	5010	Тўлов ведомости, чиқим касса ордери
27	Умум хўжалик харажатлари учун ҳисобот бериш шарти билан сумма берилиши	4430	5010	Ариза ва чиқим касса ордери
28	Ходимга берилган қарз (нақд) суммаси акс эттирилиши	4620	5010	Ариза ва чиқим касса ордери
29	Ҳар хил суммалар берилиши (ижро варақалари ва ш.к.)	6840	5010	Чиқим касса ордери
30	Корхона тармоқлари ҳисобидан нақд пул тўланиши акс эттирилиши	4110	5010	Чиқим касса ордери ва хабарнома
31	Ёнғин, табиий офат ва шунга ўхшаш қопланмайдиган ҳар хил харажатлар тўланиши	9720	5010	Чиқим касса ордери ва далолатнома
32	Пул маблағлари камомади акс эттирилиши (инвентаризация даврида)	4630	5010	Инвентаризация далолатномаси
33	Сотиб олинган акциялар сақланиши учун депозитарий харажатлари тўланиши	9630	5010	Чиқим касса ордери
34	Бир марталик ёрдам пули тўланиши	9439	5010	Чиқим касса ордери, ариза, раҳбар буйруғи
35	Кассадан харажат қилинган мақсадли маблағлар суммасининг чиқим қилиниши	7710	5010	Чиқим касса ордери

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
36	Ижарага берувчига асосий воситаларнинг узоқ муддатли ижарасидан тегишли тўлов ва фоизларнинг тўланиши	6810	5010	Чиқим касса ордери, ижара ва мажбуриятлар тўғрисида шартнома

51 — Ҳисоб-китоб счетидаги пул маблағлари ҳисоби счетлари

Корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счетидаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумот умумлашуви 5110 «Ҳисоб-китоб счети»да амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб счетида хўжалик жараёнларини (операцияларини) амалга ошириш тартиби ва расмийлаштирилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

5110 «Ҳисоб-китоб счети» дебетида корхонанинг ҳисоб-китоб счетига келиб тушган пул маблағлари акс эттирилади. 5110 «Ҳисоб-китоб счети»нинг кредит томонида корхонанинг ҳисоб-китоб счетидан чиқим қилинган пул маблағлари акс эттирилади. Банкдан олинган кўчирмани текшириш натижасида аниқланган, корхона ҳисоб-китоб счетининг дебет ёки кредит томонига нотўғри олиб борилган пул маблағлари 4210 «Даъволар бўйича олинадиган счетлар» ёки 6860 «Даъволар бўйича тўланадиган счетлар» счетларида акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоб-китоб счетидаги жараён (операция)лар банкдан олинган кўчирмалар ва уларга илова қилинган пул ва ҳисоб ҳужжатларига асосан акс эттирилади.

(51) Ҳисоб-китоб счетидаги пул маблағлари ҳисоби счети корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Узоқ муддатли қарзларнинг қарз олувчи корхоналар томонидан қайтарилиши	5110	7610	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
2	Узоқ муддатли лизинг шартномасига асосан берилган асосий воситалар учун лизинг олувчидан ижара тўловлари кирими акс эттирилди	5110	4810	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
3	Кредитга сотилган товарлар учун пул келиб тушиши акс эттирилиши	5110	4610	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
4	Маҳсулотлар иш ва хизматлар сотилишидан тушуми акс эттирилиши	5110	4010	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
5	Асосий воситаларнинг сотилишидан банкка келиб тушган пулнинг акс эттирилиши	5110	4010	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
6	Бошқа активларнинг сотилишидан ҳисоб-китоб счетига савдо пули тушиши	5110	4010	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
7	Кассадан пул маблағлари ҳисоб-китоб счетига топширилди (депонентланган сумма, сотишдан нақд пул тушуми ва бошқалар)	5110	5010	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма ва пул топширилганлиги тўғрисида эълоннома
8	Чет эл валютаси сотиб олинди. (кирим қилиш пайтида ЎзР МБ курси бўйича)	5210	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
9	Ишлатилмай қолган банкка қайтарилган чек ва аккредитивлар учун ҳисоб-китоб счетига ўтказилган пуллар	5110	5510 5520	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
10	Йўлда ҳисобланган пул маблағларининг ҳисоб-китоб счетига кирим қилиниши	5110	5620	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
11	Қисқа муддатли инвестиция сифатида аввал берилган қарзнинг қайтарилиши	5110	5830	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
12	ТМЗ учун аввал берилган бўнак қайтарилиши	5110	4310	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
13	Харидорлар ва буюртмачилардан пул маблағларининг тушуми (жўнатилган маҳсулотлар учун тўловлар)	5110	4010	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
14	Қаноатлантирилган даъволар (олдин тақдим этилган) учун пул тушумига	5110	4210	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
15	Қисман тайёр маҳсулотлар учун олинган пул маблағлари ва бўнак суммаси акс эттирилиши	5110	6310	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
16	Аввал акцияларга ёзилган таъсисчилар улушидан ҳақиқий пул тушуми	5110	4710	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
17	Шуъба корхоналар улушининг нақд пулсиз тушумига	5110	4710	Хабарнома ва ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
18	Акцияларнинг номинал нархидан ортиқ сотилишидан олинган эмиссион даромад тушуми	5110	8521	Хабарнома ва ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
19	Сотиб олиш ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқдан фойда олиш мақсадида узоқ муддатли векселлар сотиб олиниши	0610	5110	Хабарнома ва ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
20	Капитал қўйилмалар бўйича турли харажатларнинг нақд пулсиз тўланиши	0810-0890	5110	Хабарнома ва ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
21	Банкдан кассага нақд пул маблағларининг тушуми (иш ҳақи, нафақа, мукофот тўловлар учун)	5010	5110	Хабарнома, ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, пул чеки
22	Акционер (қатнашчи)дан унга тегишли акциялар сотиб олинишининг акс эттирилиши	8610	5110	Хабарнома, ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
23	Бажарилган ишлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз тўланганда	6010	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма ва тўлов топшириқномаси
24	Тайинланиши бўйича ҳисобга киритилмаган пул маблағларининг ҳисоб-китоб счетидан ўтказилиши	5610	5110	Тўлов топшириқномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
25	Материал бойликлари етказиш шарти билан берилган бўнак суммаси акс эттирилиши	4310	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
26	Товарлар учун олдин олинган бўнаклар бўйича қарзлар тўланиши	6310 7310	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
27	Бюджетга ажратма ва тўловлар бўйича қарз суммаси ўтказилиши (йил давомида ва қўшимча)	6410	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси, инкассо
28	Ижтимоий суғурта бўлимларига ажратмалар бўйича қарзлар тўланиши	6520	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси, инкассо
29	Таъсисчиларга ташкилотда иштироки учун ҳисобланган фойда (дивиденд) суммасининг тўланиши акс эттирилиши	6610	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
30	Алоҳида балансга ажратилган бўлимларга қарз суммаларининг тўланиши	6610	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
31	Банкнинг қисқа муддатли қарзларининг (кредит) тўланиши акс эттирилиши	6910	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
32	Узоқ муддатли банк кредитларини тўланиши акс эттирилиши	7510	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
33	Бир бирига қарз берувчилардан олдин олинган қисқа муддатли кредитларнинг қайтарилиши (банклардан ташқари)	6940	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
34	Молиявий лизинг шартномаси бўйича ижарачи томонидан ижара берувчига тегишли тўловнинг тўланиши	6810	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси

52 — Валюта счетлари ҳисобининг счетлари

Республика ҳудуди ва хориж банкларидаги чет эл валюта счетларида мавжуд бўлган пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетлари»;

5220 «Хориждаги валюта счетлари».

Валюта счетларида операцияларни амалга ошириш ва ҳужжатлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Корхона валюта маблағи ҳисоби счетининг дебетида, корхона валюта счетига пул маблағлари тушуми, кредитида эса — пул маблағларининг чиқими акс эттирилади. Банкдан олинган кўчирмани текшириш натижасида аниқланган корхона валюта счетининг дебет ёки кредит томонига нотўғри олиб борилган пул маблағлари 4210 «Даъволар бўйича олинадиган счетлар» счетида акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобида валюта счетида операциялар банкдан олинган кўчирма ва уларга тақдим этилган пул — ҳисоб ҳужжатларига асосан акс эттирилади.

Валюта маблағлари ҳисоби бўйича аналитик ҳисоб ташкилотларда чет эл валютасидаги пул маблағларини сақлаш учун банк тизимида очилган ҳар бир счет бўйича алоҳида ҳисобга олиб борилади.

(52) Валюта счетида пул маблағлари ҳисоби счети корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Узоқ муддатли қарзларнинг корхона томонидан қайтарилиши	5210-5220	7610	Валюта счетидан кўчирма
2	Узоқ муддатли шартномага асосан берилган асосий воситалар учун ижара тўловлари кирими акс эттирилди	5210	6810	Валюта счетидан кўчирма
3	Кредитга сотилган товарлар учун фоизлар тушуми акс эттирилиши	5210	4610	Валюта счетидан кўчирма

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
4	Маҳсулотлар иш ва хизматлар сотилишидан валюта тушуми акс эттирилиши	5210	4010	Валюта счетидан кўчирма
5	Асосий воситаларнинг сотилишидан банкга келиб тушган пулнинг акс эттирилиши	5210	4010	Валюта счетидан кўчирма
6	Бошқа активларнинг сотилишидан валюта счетига савдо пули тушиши	5210	4010	Валюта счетидан кўчирма
7	Кассадан валюта счетига валюта маблағлари топширилди (сотишдан тушум ва бошқалар)	5210	5020	Валюта счетидан кўчирма, эълоннома
8	Чеклардаги ишлатилмаган пул маблағлари валюта счетига ўтказилиши	5210	5520	Валюта счетидан кўчирма
9	Йўлда ҳисобланган валюта маблағлари валюта счетига кирим қилиниши	5210	5620	Валюта счетидан кўчирма
10	Қисқа муддатли инвестиция сифатида аввал берилган қарзнинг қайтарилиши	5210	5830	Валюта счетидан кўчирма
11	ТМЗ етказиш шарти билан аввал берилган қарзнинг қайтарилиши	5210	4310	Валюта счетидан кўчирма
12	Харидорлар ва буюртмачилардан пул маблағларининг тушуми (жўнатилган маҳсулотлар учун тўловлар)	5210	4010	Валюта счетидан кўчирма
13	Қаноатлантирилган даъволар (олдин тақдим этилган) учун пул тушумига	5210	4210	Валюта счетидан кўчирма
14	Қисман тайёр маҳсулотлар учун олинган пул маблағлари ва бўнак суммаси акс эттирилиши	5210	7310	Валюта счетидан кўчирма
15	Аввал акцияларга ёзилган таъсисчилар улушидан ҳақиқий пул тушуми	5210	4710	Валюта счетидан кўчирма
16	Шуъба корхоналар улушининг нақд пулсиз тушумига	5210	4710	Валюта счетидан кўчирма, хабарнома

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
17	Акцияларнинг номинал нархидан ортиқ сотилишидан олинган эмиссион даромад тушуми	5210	8521	Валюта счетидан кўчирма, хабарнома
18	Сотиб олиш ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқдан фойда олиш мақсадида узоқ муддатли векселлар сотиб олиниши	0610	5210	Валюта счетидан кўчирма
19	Капитал қўйилмалар бўйича турли ҳаражатларнинг нақд пулсиз тўланиши	0810-0890	5210	Валюта счетидан кўчирма
20	Банкдан кассага валюта маблағларининг кирими	5020	5210	Валюта счетидан кўчирма
21	Акционер (қатнашчи)дан унга тегишли акциялар сотиб олинишининг акс эттирилиши	8610	5210	Валюта счетидан кўчирма
22	Таъминланиши бўйича ҳисобга киритилмаган пул маблағларининг валюта счетидан ўтказилиши	5610	5210	Валюта счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
23	ТМЗ тушуми бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзларнинг тўланиши	6010	5210	Валюта счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
24	Берилган бўнак қийматининг акс эттирилиши (материал қийматликлар етказиш шарти билан)	4310	5210	Валюта счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
25	Маҳсулот етказиш шарти билан аввал олинган бўнак бўйича қарзлар тўланиши	6310 7310	5210	Валюта счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
26	Корхонада иштироки учун таъсисчиларга ҳисобланган даромад (дивиденд) суммаси тўланиши акс эттирилиши	6610	5210	Валюта счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
27	Ҳар хил кредиторлар олдидаги фоизлар бўйича қарзларнинг тўланиши	6820	5210	Валюта счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
28	Банкнинг қисқа муддатли кредиторлари қайта рилишининг акс эттирилиши	6910	5210	Валюта счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
29	Банкнинг узоқ муддатли кредиторлари қайтарилишининг акс эттирилиши	7510	5210	Валюта счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
30	Ўзаро қарз берувчилардан олдин олинган қисқа муддатли қарзларнинг қайтарилиши	6990	5210	Валюта счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси
31	Ижарага олувчи томонидан молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган мулкдан фойдаланганлиги учун ижарага берувчига тегишли тўлов тўланиши	6810	5210	Валюта счетидан кўчирма, тўлов топшириқномаси

55 — Банкдаги махсус счетлар ҳисоби счетлари

Республика ҳудуди ва хориждаги жорий, бошқа махсус счетлардаги аккредитивлардаги, чек дафтарлари ва бошқа тўлов ҳужжатлардаги (векселдан ташқари) миллий ва чет эл валютасидаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракатини ҳамда мақсадли молиялаштириш (киримлар) маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счетларда амалга оширилади:

5510 «Аккредитивлар»;

5520 «Чек дафтарчалари»;

5530 «Бошқа махсус счетлар».

5510 «Аккредитивлар» счетида аккредитивда бўлган пул маблағлари ҳисобга олинади.

Аккредитивлар фаолиятидаги ҳисобланишларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Аккредитивга ўтказилган пул маблағи 5510 «Аккредитивлар» счетининг дебетида, 5110 «Ҳисоб китоб счети», 5210-5220 «Валюта счети», 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва бошқа счетлар кредитида акс эттирилади.

5510 «Аккредитивлар» счетида ҳисобга олинган аккредитивдаги маблағлар ишлатилиши меъёрига кўра (банк кўчирмасига асосланиб) 6010 «Мол етказиб берувчилар ва

пудратчиларга тўланадиган счетлар» счети дебетига чиқим қилинади. Аккредитив маблағларнинг ишлатилмаган қисми банк томонидан қайси счетдан ўтказилган бўлса, ўша счетга қайтарилиши 5510 «Аккредитивлар» счети кредитида акс эттирилади ва 5110 «Ҳисоб-китоб счети» ёки 5210-5220 «Валюта счети» счетлари билан корреспонденцияланади. 5510 «Аккредитивлар» счетининг аналитик ҳисоби корхона томонидан тақдим этилган ҳар бир аккредитив учун алоҳида юритилади.

5520 «Чек дафтарчалари» счетида чек дафтарчаларида мавжуд бўлган пул маблағлари ҳаракати ҳисобга олиб борилади. Чеклар билан ҳисоблашувлар тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йўриқномаларига асосан амалга оширилади. 5520 «Чек дафтарчалари» счети дебетида, 5110 «Ҳисоб-китоб счети», 5210-5220 «Валюта счети», 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари» счетлари ва бошқа тегишли счетлар кредитида акс эттирилади.

Банкдан олинган чек дафтарчасидаги пул маблағлари корхоналарга берилган чекларнинг тўланиш меъёри бўйича, яъни банк томонидан тақдим этилган чек суммаларининг (банклар кўчирмасига асосан) тугалланиши 5520 «Чек дафтарчалари счети кредитида, ҳисоблашувлар ҳисоби счетларининг дебетида (турли кредитор қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар счети) акс эттирилади. Берилган чеклар банклар томонидан тўланмаган пул маблағлари 5520 «Чек дафтарчалари» счетида қолади. 5520 «Чек дафтарчаси» счетидаги қолдиқ банкдан олинган кўчирма қолдиғи билан мувофиқ келиши лозим. Банкларга қайтарилган чеклардаги (ишлатилмай қолганлари) пул маблағлари 5520 «Чек дафтарчаси» счети кредитида 5110 «Ҳисоб-китоб счети» ёки 5210-5220 «Валюта счетлари» корреспонденциялашувида акс эттирилади.

Кредитор корхоналарда ҳисоблашишлар учун ҳисобот бериш шарти билан корхона ходимига берилган чек дафтарчасидаги пул маблағлари ҳаракати устидан оператив назорат юритилади. 5520 «Чек дафтарчалари» счетининг аналитик ҳисоби ҳар бир олинган чек дафтарчалари учун алоҳида юритилади.

(55) Банкдаги махсус счетлар ҳисоби счети корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Аккредитивга пул маблағи ўтказилиши	5510	5110 5210-5220	Махсус счетдан банк кўчирмаси
2	Қаноатлантирилган даъволар суммаси махсус счетларга тушуми	5510	4210	Махсус счетдан банк кўчирмаси
3	Акциялар обуначилардан бўнак иштирокчиларнинг депозити сифатида олинган	5530	6320	Махсус счетдан банк кўчирмаси
4	Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисобидан аккредитивга пул маблағларининг кирим қилиниши	5510	6910	Махсус счетдан банк кўчирмаси ва корхона аризаси
5	Мақсадли тайинланган маблағларнинг банкка келиб тушиши акс эттирилиши (ота-оналар бадаллари)	5530	4690	Махсус счетдан банк кўчирмаси
6	Аккредитивдан тўлаш йўли билан номоддий активлар, савдо маркалари сотиб олиниши	0420	5510	Махсус счетдан банк кўчирмаси ва олди-сотди шартномаси
7	Материал қиймати чек орқали тўлаш йўли билан сотиб олиниши	6010 (1010	5520 6010)	Юк хати ва чек
8	Ёш ҳайвон қиймати чек орқали тўлаш йўли билан сотиб олиниши	6010 (1010	5520 6010)	Ҳайвонни кирим қилиш далолатномаси ва чек корешоги
9	Аккредитивдан тўлаш йўли билан КТБ сотиб олиниши	1210	5510	Махсус счетдан банк кўчирмаси, юк хати, счет-фактура
10	Чек орқали турли тижорат харажатлари тўланиши амалга оширилиши	9410	5520	Махсус счетдан банк кўчирмаси, чек корешоги
11	Муддат сўнгида фойдаланилмаган маблағларнинг қайтарилиши — аккредитивда — чек дафтарчасида	 5110 5110	 5510 5520	Махсус счетдан банк кўчирмаси, қайтариш тўғрисида ариза
12	ТМБ учун мол етказиб берувчилардан қарзларнинг аккредитив ҳисобидан тўланиши	6010	5510	Махсус счетдан банк кўчирмаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
13	Бажарилган буюртма учун аккредитивдан бўнак берилиши	6120	5510	Махсус счетдан банк кўчирмаси ва ишни бажариш ҳақида шартнома
14	ТМБ учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга олдин ҳисобланган қарзларнинг аккредитивдан тўланиши	6010	5510	Махсус счетдан банк кўчирмаси ва счет-фактура
15	Тара учун бўнак қарз суммаси аккредитив ҳисобидан тўланиши	6010	5510	Махсус счетдан банк кўчирмаси
16	Мажбурий мулк суғуртаси бўйича қарз аккредитив маблағи ҳисобидан тўланиши	6510	5510	Махсус счетдан банк кўчирмаси
17	Аккредитив счетидан фоизлар тўланиши акс эттирилиши	6820	5510	Махсус счетдан банк кўчирмаси ва бухгалтерия ҳисоботи
18	Транспорт хизмати учун транспорт ташкилотлари тақдим этган чекларнинг тўланиш меъёрий бўйича чиқими акс эттирилиши	6890	5520	Махсус счетдан банк кўчирмаси
19	Шуъба корхоналарга қарзлар махсус счетдан ўтказилиши	6890	5530	Махсус счетдан банк кўчирмаси, хабарнома
20	Олинган йўлланма учун махсус счетдан пул тўланиши акс эттирилиши	5910	5510	Махсус счетдан банк кўчирмаси, счет
21	Қисқа муддатли банк кредитларини тўлаш учун чек дафтарчасидаги ишлатилмаган маблағларнинг қайтарилиши	6910	5520	Махсус счетдан банк кўчирмаси, қайтариш тўғрисида ариза
22	Узоқ муддатли банк кредитларини ишлатилмаган аккредитив маблағларидан қайтарилиши	7510	5510	Махсус счетдан банк кўчирмаси, қайтариш тўғрисида ариза
23	Мақсадли молиялаштириш маблағлари ҳисобидан чек дафтарчалари билан ҳисоблашув амалга оширилиши	7710	5530	Махсус счетдан банк кўчирмаси, чек
24	Банкдаги махсус счетдан ижара тўлови тўланган	6810	5530	Махсус счетдан банк кўчирмаси, ижара шартномаси

56 — Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағлари ҳисоби счетлари

Корхона кассасида мавжуд бўлган пул эквивалентлари (почта маркалари, давлат пошлинаси маркаси ва бошқалар) ва йўлда бўлган пул маблағларининг (маҳсулот сотишдан нақд тушум ва ўтказилган пуллар) мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетларда акс эттирилади:

5610 «Пул эквивалентлари (турлари бўйича)»;

5620 «Йўлдаги пул маблағлари (турлари бўйича)».

5610 «Пул эквивалентлари (турлари бўйича)» счетида маркалар, чипталар ва бошқа пул эквивалентлари номинал қийматда ҳисобга олинади.

5620 «Йўлдаги пул маблағлари (турлари бўйича)» счетида сақланиш жойидан чиқарилган, лекин ҳали тайинланган жойига (ҳисобрақами, валюта счети ва ҳ.к.) келиб тушмаган пул маблағлари (инкассаторларга топширилган маҳсулот сотилишидан тушум, пул жўнатмалари) ҳисобланади.

Бу счетлар транзит счетлар ҳисобланади ва маблағлар ҳаракати устидан узлуксиз назорат ўрнатишда боғловчи звено вазифасини бажаради.

Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағлари ҳисоби счетлари дебетида инкассаторларга топширилган пуллар кассадаги пул маблағлари ҳисоби счетлари корреспонденциялашувида акс эттирилади. Кирим қилингандан сўнг «Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағлари»»счети кредитланади. Ҳамда 5110 «Ҳисоб-китоб» счети дебети билан корреспонденцияланади.

Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлари тўланиши «Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағлари» счети кредити, 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари», 6940 «Қисқа муддатли банкдан ташқари қарзлар» ва 7690 «Бошқа узоқ муддатли тўланадиган счетлар» счетлари дебетида акс эттирилади.

Бу счет бош корхоналар ўз тизимида бўлган корхоналарга, ҳисобот даврида ушбу счетга ўтказилмаган пул маблағларини ўтказишда фойдаланилади.

Бу йўл билан корхоналар бош корхонадан олиши лозим бўлган суммада (банкдан олинган хабарномага асосан) бу

сумма ҳисоб-китоб счети ёки шунга ўхшаш счетларга ҳали кирим қилинмаган пул маблағларини акс эттиради.

Бу гуруҳ счетларида маблағларни акс эттириш учун асос бўлувчи ҳужжатлар:

— пул топшириши пайтида — банк, алоқа бўлими квитанциялари, банк инкассаторларига топширилган савдо пулини кузатиш қайдномаси (ведомост) нусхаси.

— бош корхона тақдим этган суммага.

«Пул эквиваленти ва йўлдаги пул маблағлари ҳисоби счети» бўйича аналитик ҳисоб уларнинг турлари бўйича олиб борилади.

(56) Пул эквиваленти ва йўлдаги пул маблағлари ҳисоби счети корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Пул эквивалентларининг нақд пулга сотиб олиниши	5610	5010 5020	Счет, чек ва чиқим касса ордери
2	Ҳисоб-китоб счетидан пул ўтказиш йўли билан пул эквивалентлари сотиб олиниши	5610	5110	Счет-фактура, юк хати, банк кўчирмаси
3	Ҳисобдор шахслар орқали пул эквивалентлари сотиб олиниши	5610	6870	Бўнак ҳисоботи
4	Турли шахслардан пул эквивалентларининг сотиб олиниши	5610	6890	Счет-фактура, юк хати
5	Иш ҳақи ҳисобига пул эквивалентларининг берилиши	6710	5610	Ҳисоб-тўлов ҳужжати
6	Сотишдан тушган пулнинг топширилиши, банкдаги счетга хали кирим қилинмаган	5620	9010	Квитанция, чиқим касса ордери
7	Банкдаги ҳисоб китоб счетига кирим қилиш учун кассадан инкассаторларга берилган нақд пул	5620	5010	Банкка топшириқнома ва счетдан кўчирма
8	Корхона топшириғига биноан банкдаги валюта счетига топширилиши лозим бўлган чет эл валюта қиймати акс эттирилиши	5610	5210	Банкка топшириқнома, счетдан кўчирма

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
9	Банкдаги счетдан бошқа шахсларга пул маблағи ўтказилишининг бажарилиши	5620	5110	Пул ўтказиш ҳақида топшириқ ва кўчирма
10	Пул ўтказиш йўли билан харидорларнинг қарзлари тўланиши	5620	4010	Счетдан кўчирма, хабарнома
11	Ҳозирча банкка келиб тушмаган пул маблағлари ўтказмаси воситасида бўнак олиниши	5620	7310	Счетдан кўчирма, хабарнома
13	Турли дебиторлардан ўтказма келиб тушиши	5620	4890	Счетдан банк кўчирмаси
14	Алоҳида балансга эга бўлган бўлинмалардан пул жўнатмаларининг тушиши	5620	4110	Хабарнома ва счетдан кўчирма
15	Йўлдаги пул маблағларининг кассага тушиши	5010-5020	5620	Счетдан кўчирма ва кирим касса ордери
16	Йўлдаги пул маблағларининг ҳисоб-китоб счетига тушиши	5110	5620	Счетдан кўчирма
17	Бўнак бўйича қарз пул маблағларини ўтказиш йўли билан тўлаш	6310-6390	5620	Тўлов топшириқномаси ва счетдан кўчирма
18	Йўлда ҳисобланган пул маблағлари айрим ходимлар ҳисобидан ўтказмалар бажарилиши	4690	5620	Хабарнома ва счетдан кўчирма
18	Мақсадли молиялаштириш маблағлари ҳисобидан ўтказмалар акс эттирилиши	7710	5620	Счетдан кўчирма

58 — Қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби счетлари

Корхоналарнинг бошқа корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларига, давлат ва маҳаллий фоизли облигация қарзларига қисқа муддатли (бир йилдан кўп бўлмаган муддатга) қўйилмалар (инвестициялар) ҳамда бошқа корхонага тақдим этилган қарзлари мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счетларда амалга оширилади:

5810 «Қимматбаҳо қоғозлар»;

5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар»;

5890 «Бошқа жорий инвестициялар».

Фоизли облигацияларга, қимматбаҳо қоғозларга, бошқа корхонага берилган қарзлар, уларнинг тўлаш (қайтариш) муддати бир йилдан кўп бўлмаган тақдирда, қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби счетларида ҳисобга олиб борилади. Тўлаш (қайта сотиб олиш) муддати белгиланмаган бошқа қимматбаҳо қоғозларга қўйилмалар бир йилдан кўп бўлган даврда фойда олиш мақсади бўлмаган тақдирда, қисқа муддатли қўйилмалар ҳисоби счетларида ҳисобга олинади.

Облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш қийматида 5810 «Қимматбаҳо қоғозлар» счетига кирим қилинади. Акцияларга, давлат ва маҳаллий фоизли облигацияларга, ҳамда бошқа қимматбаҳо қоғозларга қисқа муддатли қўйилмалар мавжудлиги ва ҳаракати 5810 «Қимматбаҳо қоғозлар» счетида ҳисобланади.

Корхоналар томонидан акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиниши 5810 «Қимматбаҳо қоғозлар» счетининг дебетида, 5110 «Ҳисоб-китоб счети», 5210-5220 «Валюта счетлари ҳисоби» счетлари ва бошқа материал ва бойликларни ҳисобга олувчи счетлар (қимматбаҳо қоғозлар қиймати материал ва бошқа қийматликлар (пул маблағларидан ташқари) доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун корхона сотувига тақдим этилиши билан тўланган бўлса) кредитида акс эттирилади.

Корхона томонидан қисқа муддатли инвестициялар ўтказилган, лекин ҳисобот даврида корхонага бундай ҳуқуқ берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат олинмаган. Бу жараён қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби счетида алоҳида акс эттирилади. Корхона томонидан облигациялар ва шунга ўхшаш бошқа қимматбаҳо қоғозларнинг сотиб олиш нархи уларнинг номинал қийматидан фарқ қилса, у ҳолда сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ чиқим қилиниши ёки шундай кўтарилиш лозимки, қимматбахо қоғозларнинг қайтарилиши пайтидаги баҳоланиши 5810 «Қимматбаҳо қоғозлар счети»даги ҳисобда бўлган номинал қиймати билан тўғри келиши лозим.

Облигацияларни ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш 5810 «Қимматбаҳо қоғозлар» счетида ҳисобга олинади, дебет томондан сотиш нархидаги пул маблағларида ва 5810 «Қимматбаҳо қоғозлар счети» кредит томонида баланс қийматида акс эттирилади.

Қимматбаҳо қоғозларни сотишдан молиявий натижа 9590 «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар» ёки 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счетларида акс эттирилади.

5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар» счетида корхона томонидан бошқа корхонага берилган қисқа муддатли пул ва бошқа қарзлар ҳаракати ҳисобга олинади.

Берилган қарзлар 5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар» счети дебетида, 5110 «Ҳисоб-китоб счети» ёки тегишли счетлар корреспонденциялашувида акс эттирилади. Қарзларнинг қайтарилиши 5110 «Ҳисоб-китоб счети» ёки тегишли счетлар дебетида, 5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар» счети кредитида акс эттирилади.

5890 «Бошқа жорий инвестициялар» счетида корхона томонидан сўмда ва чет эл валютасидаги банкдаги ва бошқа жамғармалардаги маблағлари ҳисобга олинади. Корхонанинг жамғармага ўтказилган пул маблағлари 5890 «Бошқа жорий инвестициялар» счетининг дебетида, 5110 «Ҳисоб-китоб счети» ёки 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетлари» ва 5220 «Хориждаги валюта счетлари» счетлари корреспонденциялашувида акс эттирилади. Банк томонидан жамғарма суммаси қайтарилиши жараёнига корхона бухгалтериясида тескари ёзув амалга оширилади.

Қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби счети аналитик ҳисоби қўйилмалар амалга оширилган ҳар бир объект бўйича ва қисқа муддатли инвестициялар тўри бўйича амалга оширилади. Шу билан аналитик ҳисоб шундай ташкиллантирилиши лозимки, мамлакат ҳудуди ва хориждаги қисқа муддатли қўйилмалар тўғрисида маълумот олиш имконини бериш керак.

(58) Қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Асосий воситалар тақдим этиш йўли билан 1 йил муддатга қимматбаҳо қоғозлар олинди	5810	9210	Шартнома, асосий воситаларни чиқариш далолатномаси ва юк хати

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
2	Номоддий активларни тақдим этиш йўли билан қимматбаҳо қоғозлар олиниши	5810	9220	Юк хати, олди-сотди шартномаси
3	Узоқ муддатли инвестицияларнинг реструктуризация қилиниши	5830	0610	Шартнома
4	Материаллар тақдим этиш йўли билан қимматбаҳо қоғозлар олиниши	5810	9220	Юк хати ва олди-сотди шартномаси
5	Ёш ҳайвонларни бериш йўли билан (қайтариш шарти билан) қисқа муддатли инвестиция амалга оширилди	5830	9220	Ҳайвоннинг чиқарилиши далолатномаси, шартнома, йиллик ведомость
6	Қисқа муддатли қарзларнинг материаллар кўринишида берилиши	5830	9220	Қарз бериши тўғрисида шартнома ва юк хати
7	Қисқа муддатли қарзларнинг тайёр маҳсулот кўринишида берилиши	5830	9010	Қарз бериш тўғрисида шартнома, юк хати
8	Қисқа муддатли қарзларнинг товар кўринишида берилиши	5830	9020	Қарз бериш тўғрисида шартнома, юк хати
9	Нақд пулга қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиниши	5810	5010	Олди-сотди шартномаси, чиқим касса ордери
10	Қимматбаҳо қоғозларнинг қиймати ҳисоб китоб счети ёки валюта счетидан тўлаб сотиб олиниши	5810	5110 5210-5220	Олди-сотди шартномаси, банк кўчирмаси
11	Қимматбаҳо қоғозлар қиймати чеклар орқали тўлаш йўли билан сотиб олиниши	5810	5520	Олди-сотди шартномаси, чек корешоги
12	Муассисларга уларнинг ҳиссалари бадали учун қарз берилди	5830	4710	Қарз бериш тўғрисида шартнома
13	Харидорларга пул ссудасини вексел ўрнига берган	5810	5110 5210-5220	Ҳисоб-китоб ва валюта счетидан кўчирма ва шартнома

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
14	Акциялар учун тўланган қимматбаҳо қоғозлар кирими	5810	4710	Хабарнома ва банк кўчирмаси
15	Қимматбаҳо қоғозлар сотилиши	5110	5830	Юк хати
16	Бошқа корхоналардан қисқа муддатли қарзларнинг қайтарилиши	5110	5830	Банк кўчирмаси
17	Корхонага қарзнинг қимматбаҳо қоғозлар билан қайтарилиши	6890	5810	Шартнома ва юк хати
18	Мажбуриятлар ҳисобига акцияларни гаровга берилиши	6010	5810	Гаровга берилиши тўғрисида далолатнома
19	Векселнинг дисконти тўғрисидаги хабарнома олиниши	6930 7620	5810	Банк хабарномаси, банк кўчирмаси
20	Вексел суммасига харидорга даъво тақдим этилиши	4210	5810	Тижорат далолатномаси
21	Вексел бўйича қарз ундирилиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли зарарга чиқим қилинишига	9690	5810	Қарзнинг солиштирма далолатномаси
22	Инвентаризация натижасида қимматбаҳо қоғозлар камомади акс эттирилишига	4630	5810	Инвентаризация далолатномаси

59 — Бошқа жорий активлар ҳисоби счетлари

5910 «Бошқа жорий активлар ҳисоби счетлари» юқоридаги бўлимлар счетларида кўрсатилмаган, аммо корхона мулки бўлган жорий активлар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бошқа жорий активларга дам олиш уйларига, санаторияларга, болалар ва туристлар лагерларига йўлланмалар, турли кўнгил очар тадбирлари абонементлари киради.

Бошқа жорий активлар аналитик ҳисоби уларнинг турлари бўйича олиб борилади.

(59) Бошқа жорий активлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Дам олиш уйларига, санаторияларга ва ш.к. нақд пулга турли йўлланмалар олинди	5910	5010	Чиқим касса ордери
2	Дам олиш уйларига, санаторияларга ва ш.к. пул ўтказиш билан турли йўлланмалар олинди	5910	5110	Банк кўчирмаси счет-фактура
3	Дам олиш уйларига, санаторияларга ва ш.к. ҳисобдор шахс орқали турли йўлланмалар олинди	5910	6870	Аванс ҳисоботи
4	Дам олиш уйларига, санаторияларга ва ш.к. қисқа муддатли кредит маблағи ҳисобидан турли йўлланмалар олинди	5910	6910	Банк кўчирмаси
5	Нақд пулга хизмат талонлари ва йўл юриш чипталари олинди	5910	5010	Чиқим касса ордери
6	Талонлар ва йўл юриш чипталар сақлаш учун кассага топширилди	5010	5910	Жорий активларни қабул қилиш топшириш далолатномаси
7	Умум маъмурий мақсадлар учун почта маркалари чиқим қилинди	9429	5910	Кассир ҳисоботи накладной
8	Кассадан нақд пулга йўлланма, абонементлар берилди (қиймати қисман тўланди)	5010	5910	Кирим касса ордери
9	Кассадан меҳнат ҳақи ҳисобига талонлар ва йўл юриш чипталари берилди	6710	5910	Талон ва чипталар бериш қайдномаси

III қисм. МАЖБУРИЯТЛАР

6-бўлим. ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР

Бу бўлимнинг счетлари корхоналарнинг юридик ва жисмоний шахслардан турли хил мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Мажбуриятлар — бу ҳисобот ёки ўтган даврларда ҳосил бўлган кредитор ва бошқа қарзлар. Бу мажбуриятларнинг тўланиши иқтисодий фойданинг камайишига, яъни ҳақиқий (реал) активларнинг камайишига олиб келади. Мажбуриятлар корхоналарнинг турли хил операцияларни амалга ошириши натижасида ҳосил бўлади ва келажакда товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар тўлови учун юридик асос ҳисобланади.

БҲМС 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»га* асосан мажбуриятларни баҳолаш асоси бўлиб, активлар, хизматлар ва ишларнинг таннархи ёки сотиб олиш нархи ҳисобланади.

Мажбуриятлар қисқа муддатли (жорий) ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Жорий мажбуриятлар кредитор талаби билан бир йил мобайнида тўловга тааллуқли бўлган мажбуриятлардир. Узоқ муддатли мажбуриятларга тўлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлган мажбуриятлар киради. Ҳаракатда бўлган қонунларга асосан ҳосил бўлган чет эл валютасидаги мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкдан ҳисоб пул ҳужжатларидан кўчирма олган кунга ўрнатилган курс бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан ушбу бўлим счетларида сўмда ҳисобга олинади. Бир вақтнинг ўзида бу ҳисоблаш валюта ҳисоби ва тўловларида ҳам акс эттирилади. Чет эл валютаси операцияларидаги қарзларни тўлаш пайтидаги курс фарқлари 9540 «Курс фарқлари (ижобий)дан олинган даромадлар», 9620 «Курс фарқларидан зарарлар» счетларига олиб борилади.

Ушбу бўлимда қуйидаги ҳисоб счетларида ҳисоб олиб бориш тартиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

60 — «Мол етказиб берувчилар ва буюртмачиларга тўланадиган счетлар»;

61 — «Бўлинмаларга тўланадиган счетлар ҳисоби счетлари»;

62 — «Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг жорий қисми ҳисоби счетлари»;

63 — «Олинган жорий бўнаклар ҳисоби счетлари»;

64 — «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счетлари» (тўлов турлари бўйича);

65 — «Суғурта бўйича ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счетлари»;

66 — «Таъсисчиларга қарзлар ҳисоби счетлари»;

67 — «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби счетлари»;

68 — «Турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар ҳисоби счетлари»;

69 — «Қисқа муддатли банк кредитлари ва банкдан ташқари қарзлар ҳисоби счетлари».

60 — «Мол етказиб берувчилар ва буюртмачиларга тўланадиган счетлар»

Мол етказиб берувчилар ва буюртмачиларнинг мажбуриятлари қуйидаги маълумотларда умумлаштирилади:

— корхонага тақдим этилган активлар, хизматлар ёки бажарилган ишлар;

— режали тўлов тартибида амалга ошириладиган товар-моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар;

— қабул қилиш пайтида аниқланган ортиқча товар моддий бойликлари;

— ташиш бўйича олинган хизматлар, шу жумладан тарифдан;

— кам қуйидаги счетларда акс эттирилади:

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар»;

6020 «Берилган векселлар».

Пудратчилик қурилиш ва монтаж, илмий-текшириш ва бошқа шунга ўхшаш корхоналар, қачонки улар бош пудратчи (бош корхона) бўлса, ўзларининг субпудратчилари билан мажбуриятларини ҳам шу счетда акс эттиради.

Сотиб олинган товар-моддий бойликлари ёки фойдаланилган хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича мажбуриятларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ барча операциялар тақдим этилган счетнинг тўланган вақтидан қатъий назар ушбу счетлардан ўтказилади.

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счетида корхонанинг турли мол етказиб берувчи ва пудрадчилардан олинган товар моддий бойликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа активлар учун жорий қарзлар акс эттирилади.

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счети кредитида товар моддий бойликларнинг, қабул қилинган ишлар ва фойдаланилган хизматларнинг келиб тушган ҳақиқий нархида, ушбу бойликларни ва тегишли харажатларни ҳисобга олиб борувчи счетлар корреспонденциясида акс эттирилади.

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счети аналитик ҳисоби ҳар бир тақдим этилган счетлар ва мажбуриятларнинг режали тўлов тартиби бўйича — ҳар бир мол етказиб берувчилар ва пудратчилар бўйича алоҳида юритилади. Шу билан бирга аналитик ҳисоб тузилиши (ташкиллаштирилиши) қуйидаги зарур маълумотларни олиш имкониятини яратиши лозим. Мол етказиб берувчилардан тўлаш муддати тугамаган, акцептланган ва бошқа ҳисоб ҳужжатлари бўйича мол етказиб берувчиларга, ҳали тўлаш муддати тугалланмаган, берилган векселлар бўйича, мол етказиб берувчилардан векселлар бўйича, мол етказиб берувчилардан олинган тижорат кредитлари бўйича.

6010 счети мол етказиб берувчиларнинг акцепт суммаси доирасида тақдим этилган ҳисоб ҳужжатларига асосан кредитланади. Агар мол етказиб берувчиларнинг ҳисоб ҳужжатлари олдиндан тўланган бўлса, лекин омборга келиб тушган моддий бойликлар шартномада келишилган сифатига, миқдорига ҳамда нархига тўғри келмаса 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счети маълум суммага 4210 «Даъволар бўйича счетлар» счети билан кредитланади.

6020 «Берилган векселлар» счетида товар моддий бойликлари ва бошқа активларини сотиб олиш учун, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун корхона томонидан берилган векселлар акс эттирилади. Тўлов вексели фоизли ва фоизсиз бўлиши мумкин. Фоизли векселда векселнинг асосий суммаси — номинал қиймати ва ўрнатилган фоиз ставкаси аниқ кўрсатилади. Фоизсиз векселлар, аслида фоизлар тўланишини кўрсатади, чунки бундай векселларнинг номинал

қиймати ўзида қарз суммаси ва шу қарзлар бўйича фоизларни ўзида мужжассамлаштириб, қарзни муддатида тўлаш умумий суммасини ташкил этади. Бу счетнинг кредитида олинган товар моддий бойликлари, бошқа активлар ва хизматлар учун вексел томонидан таъминланган, жорий қарзлар ҳисобга олинади ва тўлиқ ҳисоблашишгунча ҳисобда туради.

Векселлар бўйича қарзларнинг тўланиш меъёри бўйича пул маблағлари ҳисоби счетлари кредитига чиқим қилинади. 6020 «Берилган векселлар» ва 6820 «Ҳисобланган фоизлар» счетлари дебетланади.

6020 «Берилган векселлар» счети аналитик ҳисоби ҳар бир берилган векселлар тури бўйича алоҳида олиб борилади, тўлов муддати ўтган векселлар алоҳида акс эттирилади.

(60) Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Мол етказиб берувчилардан келиб тушган ва кирим қилинган ўрнатиладиган жиҳозлар (ш.ж. транспорт ва шу каби хизматлар) счет фактураси акцептлантирилиши	0710 0720	6010 6020	Счет-фактура, ТТН
2	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг бажарилган ишлар, капитал қурилишга кўрсатилган хизматлар шу жумладан монтаж талаб қилинадиган машиналар, жиҳозлар счети тўловга қабул қилиниши	0810 0820 0830 0890	6010 6020	Счет-фактура, ТТН
3	Мол етказиб берувчиларнинг келиб тушган ва кирим қилинган материаллар (1510 счетидан фойдаланмасдан) (транспорт хизматлари, ортиш-тушириш) счет фактуралари акцептланиши	1010-1090	6010 6020	Счет-фактура, ТТН
4	Мол етказиб берувчилардан боқувга ва ўстиришга олинган ҳайвонлар учун счет фактураси тўловга қабул қилиниши	1110	6010 6020	Счет-фактура, ТТН

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
5	Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар келиб тушиши счет фактураси акцептланиши	1210 1220 1230	6010 6020	Счет-фактура, ТТН
6	Маҳсулот етказиб берувчилардан олинган турли хил товар моддий захиралари учун (1510 счетни қўллаб); турли хил харажатлар учун қўйилган счет фактура тўловга қабул қилиниши	1510	6010 6020	Счет-фактура, ТТН
7	Олинган хом ашё, материаллар, жиҳозлар, номоддий активлар учун ҚҚС суммаси ҳисобланди	4510	6010 6020	Счет-фактура
8	Мол етказиб берувчиларнинг улар томонидан бажарилган ишлари, кўрсатган хизматлари шу жумладан: асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари, умум ишлаб чиқариш ва умум хўжалик эҳтиёжлари учун берилган газ, энергия ва сув алоқа хизмати, буғ ва ш.к. счетлари акцептланиши	2010 2310 2510 9410 9420 9430 9450	6010	Счет-фактура
9	Маҳсулот етказиб берувчиларнинг аниқланган ташқи брак сабабли турли хизматларни кўрсатишга оид операциялар акс эттирилган, уни тузатишдаги ва кафолатли таъмирлаш бўйича хизматлар учун	2610	6010 6020	Счет-фактура, квитанция
10	Мол етказиб берувчиларнинг улар томонидан бажарилган ишлари ва кўрсатилган хизматлари, шу жумладан ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун электроэнергия, газ ва шу кабилар учун тақдим этилган счетлар акцептланиши	2320 9450	6010	Счет-фактура, квитанция

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
11	Ишлаб чиқаришга мол етказиб берувчилар ва пудратчилар томонидан кўрсатилган хизматлари счети акцептланиши	2710 2720 2790	6010 6020	Счет-фактура, смета
12	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг келгуси давр харажатларига олиб бориладиган ишлар ишлаб чиқариши қошидаги кўрсатилган хизматлари счетлари тўловга қабул қилиниши	3110 3120 3190	6010 6020	Счет-фактура
13	Сотиб олинган товарлар учун мол етказиб берувчиларнинг счетлари тўловга қабул қилиниши	2910 2990	6010 6020	Счет-фактура, юк хати
14	Маҳсулот олиш пайтида, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар томонидан кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар счети тўловга қабул қилиниши	9411 9419	6010 6020	Счет-фактура, ТТН, квитанция
15	Савдо корхоналарида мол етказиб берувчиларнинг кўрсатилган хизматлари ва бажарилган ишлари учун счет акцептланиши	9411 9419	6010 6020	Счет-фактура, ТТН, квитанция
16	Савдодаги ҳисоб-китобларда қатнашган ҳолда транзит сотиш билан боғлиқ операциялар акс эттирилган, маҳсулот етказиб берувчилар сотишда кўрсатган хизматлар, харидорлар ҳисобига ёзиб қўйилган (транспорт ва бошқа)	2990	6010	Счет-фактура
17	Табиий офатларнинг олдини олиш ёки бартараф этишда кўрсатган хизматлари учун мол етказиб берувчилар ва пудратчилар счети тўловга қабул қилиниши	9720	6010	Счет-фактура, сертификат
18	Турли товар моддий захиралари кирим қилинишида (кирим қилинишдан олдин) табиий камайиши нормаси меъё-	9433	6010	Маҳсулотларга счет, материал қийматликларнинг транспортировка пайти-

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
	рида ёки корхона ва унинг ходимлари айби билан камомад аниқланди			даги чиқим ҳисоби жадвали, даъво ҳужжатлари
19	Ҳисоб китоб рақамидан ёки валюта счетидан шу жумладан таъминланган берилган векселлар билан мол етказиб берувчилар ёки пудратчилар счети тўланиши	6010 6020	5110 5220	Тўлов топшириқномаси, банкдан кўчирма, далолатнома, ишонч қоғози
20	Банкдаги махсус счетдан (аккредитивлар, чек дафтарчаси ва бошқалар) мол етказиб берувчи ёки пудратчи счети тўланиши	6010 6020	5510 5520 5530	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
21	Мол етказиб берувчиларга кредитор қарзларни тўлаш ҳисобига оддий вексел берилиши	6010	6020	Олди-сотди далолатномаси
22	Счет фактурани тўлаш пайтида, олдиндан берилган бўнак ҳисобга олиниши ва мол етказиб берувчилар ва пудратчилар счети тўланиши	6010	4310	Юк хати, бажарилган ишлар далолатномаси
23	Даъво муддати тугаганлиги сабаб кредитор қарз суммаси чиқим қилинишининг акс эттирилиши	6010	9360	Инвентаризацион комиссия қарори, корхона бошлиғи буйруғи
24	Харидорларнинг қарз суммалари, мол етказиб берувчилар олдидаги қарзларни қоплаш учун ўтказилди	6010	4010	Солиштирма далолатнома
25	Сотиб олинган мулк, ҳамда берилган вексел пайтидаги валюта курси ижобий фарқ акс эттирилиши	6010 6020	9540	Банкдан кўчирма
26	Банкдан олинган узоқ муддатли ёки қисқа муддатли кредитлар билан мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзларнинг тўланиши	6010 6020	6910 7510	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банкдан кўчирма

61 — Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счетлар ҳисоби счетлари

6110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счетлар ҳисоби» счетлари филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар ва корхонанинг бошқа бўлинмалари билан барча турли хил қарзлар тўғрисида маълумотлар умумлаштирилиши учун мўлжалланган. Жумладан берилган мулк бўйича қарзлар, ўзаро материал бойликларни жўнатиш; маҳсулот сотилиши бўйича, умумбошқарув фаолияти харажатлари бўйича; бўлинмалар ишчиларига тўланган иш ҳақлари.

Бу счетнинг кредит томонида бўлинмалар билан турли хил операциялар билан боғлиқ мажбуриятлар, материал бойликлар, пул маблағлари ва бошқа харажатлар счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

6110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счетлар ҳисоби» счети аналитик ҳисоби, ҳар бир бўлинма ва улар билан оширилган операциялар тури бўйича юритилади.

(61) Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счетлари ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан турли хил товар-материал бойликларнинг (ускуналар, материаллар, ҳайвонлар, кам баҳоли, тез эскирувчи буюмлар, капитал қўйилма қошидаги хизматлар) олиниши	0710 0720 0810-0890	6110	Авизо ва бошқа бирламчи ҳужжатлар иловаси билан ички хўжалик ҳисоблашувлар ҳисоби ведомости
2	Худди шу 1510 счетидан фойдаланиб	1510	6110	Шунинг ўзи
3	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан олинган товар моддий бойликларининг қиймати ўзгаришларининг ҳисобга олиниши	1610	6110	Шунинг ўзи
4	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларнинг асосий ва ёрдамчи	2010 2310 2510	6110	Шунинг ўзи

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
	ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, умум ишлаб чиқариш ва умум хўжалик эҳтиёжларига, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига акс эттирилиши	9450		
5	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан ярим фабрикатларнинг кирим қилиниши	2110	6110	Шунинг ўзи
6	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларнинг, келгуси давр харажатлари таркибида ҳисобга олинадиган ишлар бўйича хизматлар кўрсатилиши	3110-3190	6110	Шунинг ўзи
7	Ички бўлинмаларга сотилган маҳсулот таннархи, ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар ва бошқа активлар таннархининг акс эттирилиши	9110-9130 9210 9220	6110	Шунинг ўзи
8	Ички бўлинмалардан кассага нақд пул (путевка учун) тушуми	5010	6110	Кирим касса ордери, касса ҳисоботлари
9	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан киримлар акс эттирилиши	5110 5210	6110	Банк кўчирмаси
10	Ички бўлинмалардан пул ҳужжатлари тушумининг акс эттирилиши	5610	6110	Банк кўчирмаси
11	Ички бўлинмалардан пул жунатмалари тушумига	5610	6110	Банк кўчирмаси
12	Филиаллар билан ҳисоблашувлар чоғида салбий курс фарқларига	9620	6110	Ички хўжалик ҳисоб-китоблар ҳисоби қайдномаси, хабарнома ва бошқа бирламчи ҳужжатлар иловаси билан, ЎзР МБ валюта курси

62 — Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг ҳисобот счетлари жорий қисм

Жорий даврда муддати узайтирилган келгусида тўланадиган жорий мажбуриятлар тўғрисида маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счетларда амалга оширилади:

6210 «Муддати узайтирилган даромадлар»;

6220 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар»;

6230 «Муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)»;

6240 «Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)»;

6290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар».

6210 «Муддати узайтирилган даромад» счети келгуси ҳисобот даврига тегишли бўлган, ҳисобот даврида бўнак сифатида олинган (ҳисобланган) даромадлар тўғрисида маълумотларни акс эттириши учун мўлжалланган, шунингдек ҳисобот даврида ўтган йиллардаги аниқланган камомадлар ва айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган суммалар фарқи ва қийматликлар камомадлари бўйича баланс қиймати тушумлари акс эттирилади. Бўнак сифатида олинган пул маблағлари БҲМС 2-сон* «Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар»га асосан мажбуриятларни ҳосил қилади ва товарлар ва хизматларнинг ҳақиқий сотилиши амалга оширилмагунча, фойда ҳисобланмайди. Бу мажбуриятлар муддати узайтирилган даромадлар дейилади.

Муддати узайтирилган даромадларга қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин. Олий ўқув юртларида ўқиш учун тўловлар, ижара тўлови, билетлар сотилиши, рўзномаларга обуналар тўлови ва бошқалар. Ҳали етказиб берилмаган товарлар ва бажарилмаган ишлар учун келиб тушган пул маблағлари 6210 «Муддати узайтирилган даромад» счети кредити, 5110 «Ҳисоб китоб счети» счетининг дебети билан корреспонденцияланади. Келгуси ҳисобот даврига тааллуқли даромадлар 6210 «Муддати узайтирилган даромадлар» счети кредитидан, 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» счетлари ёки 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счетлари дебетига чиқим қилинади ва тайёр маҳсулот, товарлар, ишлар бажарилиши ва кўрсатилган хизматлар сотилиши меъёрида даромад ҳисобланади.

6210 «Муддати узайтирилган даромадлар» счети аналитик ҳисоби ҳар бир даромад тури ва келиб тушиши муддати бўйича олиб борилади.

6220 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар» счетида ваколатли ҳукумат органлари томонидан амалдаги қонунларга асосан, тўлов муддати бир неча йилга узайтирилган, бюджет олдидаги солиқлар бўйича ва мажбурий тўловлар бўйича жорий қарзлар акс эттирилади. Бу тўловлар яъни жорий ёки кўпроқ даврларда тўланмайдиган тўловлар корхонанинг узайтирилган мажбуриятлари ҳисобланади ва келгусида тўланади. Счетнинг кредит томонида муддати узайтирилган жорий тўловлар суммаси, солиқ ва мажбуриятлар тўловлари ҳисоби счетлари корреспонденциясида олиб борилади.

6220 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар» счети аналитик ҳисоби, ҳар бир муддати узайтирилган солиқлар ва мажбурий тўловлар турлари ва тўлаш муддати бўйича юритилади.

6230 «Муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)» ва 6240 «Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)» счетларида тўлиқ давр йиллари ўртасида чиқим ёки фойдага тақсимланадиган, облигацияларга чегирмалар ва устамалар бўйича (чиқарилган акцияларга) корхонанинг узоқ муддатли мажбуриятлари акс эттирилади. Ушбу счетдан фақат облигация сотувчилари фойдаланадилар. Облигациялар мукофот ёки чегирма билан сотилган вақтда бухгалтерия ҳисоботида акс эттириладиган фоизлар тўлови бўйича харажатлар ҳақиқий тўланадиган фоизлардан фарқ қилади. Чегирма харажатларни кўпайтиради, мукофот эса харажатларни камайтиради. Чегирма билан сотиладиган облигациялар 6230 «Муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)» счети ва 5110 «Ҳисоб китоб счети» счетида олинган суммага дебетида, 7620 «Тўланадиган облигациялар» счети кредитида акс эттирилади. Облигациялар бўйича жорий фоизлар тўланса 9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар» счети дебетланади, қайсики тўланадиган фоизлар ва қопланадиган чегирмаларни ўзида мужассамлаштиради ва 6230 «Муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)» счети ёки 5110 «Ҳисоб китоб счети» счетларида кредитланади.

Мукофотли облигациялар сотилиши 6240 «Муддати узай-

тирилган мукофотлар (устамалар)» счети ва 6920 «Тўланадиган облигациялар — банкдан ташқари» ёки 7610 «Тўланадиган облигациялар» счетлари кредити ва 5110 «Ҳисоб-китоб счети» счети дебети билан корреспонденциялашувида акс эттирилади. Мукофотли облигация қарзи даври мобайнида 9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар» счетига чиқим қилинади.

6230 «Муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)», 6240 «Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)» счетлари аналитик ҳисоби облигацияларнинг ҳар бир тури ва тўлаш муддати бўйича олиб борилади.

(62) Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг жорий қисми ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Келгуси даврда бажариладиган хизматлар ёки ишлар учун бўнак суммаси келиб тушиши	5110 5120	6210	Банк кўчирмаси
2	Келгуси давр тушумлар суммаси ҳисобот даври бошланиши пайтига, ҳисобот даврига тегишли суммалар сотишга қўшилишига	6210	9010 9020 9030	Турлари ва чиқим қилиш муддати бўйича келгуси даврлар ҳисоби ведомости
3	Тегишли давр кириши билан лизинг бўйича даромад акс эттирилиши; навбатдаги муддат бўйича қўшимча даромад (асосий маблағлар лизинг олувчи томонидан лизинг муддати тугагунча сотиб олиниши)	6210	9550	Молиявий лизинг бўйича даромад, чиқим қилиш муддати ҳисоби ведомости
4	Етишмайдиган бойликлар суммаси фарқлари бўйича қарзларнинг тўланиш меъёри бўйича чиқим қилиниши	6210	9550	Инвентаризация комиссияси қарори, буйруқ, молиявий лизинг бўйича даромадлар ҳисоби ведомости
5	Муддати узайтирилган даромадларда ҳисобда турган сумма ҳисобот даври даромади деб тан олиниши	6210	9010-9030	Турлари ва чиқим қилиш муддати бўйича келгуси даврлар ҳисоби ведомости

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
6	Ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқлар бўйича муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисмининг чиқим қилиниши	7220 6220	6220 6410	Ҳукумат қарори, маълумотнома, инвентаризация комиссиясининг қарори, буйруқ
7	Ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим бўлган мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисмининг чиқим қилиниши	7220 6220	6220 6410	Ҳукумат қарори, маълумотнома, инвентаризация комиссиясининг қарори, буйруқ
8	Облигацияларнинг чегирма билан сотилиши (номинал қийматидан паст)	5110 6230	7610 6920	Сотишга шартнома-топшириқ, брокер ҳисоботи, депозитарияга қимматбаҳо қоғозларни ўтказиш тўғрисида топшириқ, банкдан кўчирма
9	Облигация жорий чегирмасининг чиқим қилиниши	9610	6230	Чегирмани чиқим қилиш ҳисоби
10	Облигацияни мукофотли сотиш (номинал қийматдан ортиқ)	5110 5120	7610 6240	Сотишга шартнома-топшириқ, брокер ҳисоботи, депозитарияга қимматбаҳо қоғозни ўтказиш тўғрисида топшириқ, банк кўчирмаси
11	Жорий облигация мукофотининг чиқим қилиниши	6240	9530	Мукофотни чиқим қилиш ҳисоби
12	Узоқ муддатли муддати узайтирилган дисконт (чегирма)нинг жорий қисмига чиқим қилиниши	6230	7230	Дисконт чиқим қилиш ҳисоби
13	Узоқ муддатли муддати узайтирилган мукофот қисмининг жорий қисмига чиқим қилиниши	7240	6240	Мукофот чиқим қилиш ҳисоби

63 — Олинган жорий бўнаклар ҳисоби счетлари

Товар моддий бойликларини етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш ва иш бажариш шарти билан ҳамда акцияларга ёзилган жисмоний шахслардан ва бошқалардан олинган бўнаклардан жорий қарзлар тўғрисида маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счетларда акс эттирилади.

6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»;

6320 «Акцияга ёзилган (жисмоний шахс)лардан олинган бўнаклар»;

6390 «Бошқа олинган бўнаклар».

Харидорлардан ва буюртмачилардан қандайдир хизмат ёки иш бажарилиши учун бўнак сифатида пул маблағлари олиш пайтида хўжалик юритувчи субъект буюртма бекор қилинганда содир бўладиган зарарларни қоплаш учун бўнак тўлови (олдиндан тўлаш)ни талаб қилиши мумкин. Бундай пайтда бўнак харидорлардан ва бюртмачилардан келгуси тўловлар тушумига ва товар моддий бойликларининг етказилишига, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатиш шартномаларининг бажарилишига кафолат бўлиб хизмат қилади.

Бундай бўнаклар пул маблағлари олган корхона учун ишлар ёки хизматлар тўлиқ бажарилмагунча мажбуриятларни содир этади. Газ учун, сув, свет ва бошқа коммунал хизматлар, ҳамда товар моддий бойликларининг етказиб берилиши учун олдиндан тўловлар олинган бўнакларга мисоллар бўлади.

Олинган бўнак суммаси, ҳамда маҳсулот ва ишларнинг (хизматларнинг) қисман тайёри учун тўловлар 6310, 6320, 6390 счетларнинг кредитида ва пул маблағлари ҳисоби счетларининг дебетида акс эттирилади. Буюртмачи ишлар ва хизмат кўрсатишни тугатиш ва топшириш, ҳамда харидорларга маҳсулотнинг жўнатилиши, олинган бўнак харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзларини камайтиради ва 6310, 6320, 6390 счетлари дебетида, 9010, 9020, 9030, 9410, 9420 ёки 4010 счетлари реализация (сотиш) ҳисоби тартибига кўра кредитида акс эттирилади.

(63) Олинган жорий бўнаклар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	ТМБ етказиш ишларини бажариш, хизмат кўрсатиш ва буюртмачилар учун маҳсулотлар ва ишлар қисман тўлови учун бўнак (нақд пулда ва банклардаги счетларга) олиниши	5010 5020 5110 5210 5220 5510 5590	6310 6320 6390	Банк кўчирмаси, шартнома, касса ордери
2	Олдин олинган бўнакларнинг, харидорларга тўлиқ ортилган (жўнатилган) ишлаб чиқарилган буюмлар ва хизматлар, асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилиши счетининг тақдим этилиши билан қайд этилиши	6310-6390	9010-9030 9210 9220	Бажарилган ишлар далолатномаси
3	Олдин олинган бўнакларнинг нақд пулда ёки банкдаги тегишли счетлар орқали қайтарилиши	6310-6390	5010 5020 5110 5210 5220 5510-5590	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси, даъво ҳужжатлари
4	Пул ўтказиш йўли билан (суммалар шунгача йўлда ҳисобда бўлган) олинган бўнакларнинг қайтарилиши	6310-6390	5610	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси, даъво ҳужжатлари
5	Банк кредити ҳисобидан олинган бўнакларнинг қайтарилиши	6310-6390	6910 7510	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси, даъво ҳужжатлари
6	Шунинг ўзи, бошқа корхоналарнинг қарз маблағлари ҳисобидан	6310-6390	6920-6940 7610 7620	Қарз олиш шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси, даъво ҳужжатлари
7	Даъво муддати даврида талаб қилинмаган бўнакларнинг ҳисобдан чиқарилиши (аванс суммаси 5 йил давомида баланс-дан ташқари счетларда ҳисобда туради)	6310-6390	9390	Банкротликни тан олиш тўғрисидаги қарор, тугатиш тўғрисидаги қарор, инвентаризация комиссияси қарори, буйруқ

64 — Бюджетга (солиқ турлари бўйича) тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счетлари

6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счетлари (солиқ турлари бўйича)» счети корхонанинг солиқлардан жорий мажбуриятлари тўғрисида маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонунчилик ва бошқа норматив далолатномалар (йўриқномалар) билан тартибга солинади. 6410 «Бюджетга (солиқ турлари бўйича) тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби» счетлари аналитик ҳисоби солиқ турлари бўйича олиб борилади.

(64) Бюджетга (солиқ турлари бўйича) тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Капитал қўйилмалар билан боғлиқ ва бюджетга тўланиши лозим бўлган қарздорлик суммасининг акс эттирилиши	0810-0890	6410	Солиқ суммасини аниқлаш ҳисоби
2	Материалларни тайёрлаш ва КТБ сотиб олиш, ҳамда иш ҳақини тўлаш (шу жумладан ўз ишлаб чиқаришда) билан боғлиқ, солиқ ва йиғимлар бўйича бюджетга қарздорликнинг акс эттирилиши	1210 1510	6410	Солиқ суммасини аниқлаш ҳисоби, ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловлардан ушланмалар ҳисоби ведомости
3	Маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш пайтида солиқ ва йиғимлар ажратмаси бўйича бюджетга қарздорлик акс эттирилиши	9439	6410	Солиқ ва йиғимлар суммасини аниқлаш ҳисоби (расчет)
4	Тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар сотилишига ҚҚС ва акциз суммаларининг ҳисобланиши	4010 4020 4110	6410	Счет-фактура, юк хати
5	Асосий воситалар ва бошқа активлар сотилиши ва ҳисобдан чиқарилишига ҚҚС ва акциз суммаларининг ҳисобланиши	9210 9220	6410	Солиқ ва йиғимлар суммасини аниқлаш бўйича ҳисоб жадвали

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
6	Бюджетдан маблағларнинг кайтарилиши (қайта ҳисоблаш тугагандан кейин)	5110 5210	6410	ДСИ хати, банк кўчирмаси
7	Ҳисобланган дивидендлардан бюджетга тўланиши лозим бўлган даромад солиғи суммасининг акс эттирилиши	6610 6710	6410	Ҳисобланган дивидендлардан ушланмалар ҳисоби ведомости
8	Меҳнат ҳақи суммасидан ушланган даромад солиғи суммасининг акс эттирилиши	6710	6410	Иш ҳақи ҳисоблаш ва ушланмалар ҳисоби ведомости
9	Йил давомида фойдадан бюджетга ҳисобланган тўловлар суммасининг акс эттирилиши (солиқлар, иқтисодий санкциялар ва ҳ.к.)	9810 9820 9890	6410	Солиқ суммасини аниқлайдиган ҳисоб жадвали
10	Йил давомида бюджетга ўтказилган ҳақиқий тўловлар; қўшимча ўтказилган тўловлар	6410	5010 5110 5210	Тўлов топшириқномаси банк кўчирмаси
11	Ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар)га меъёри билан чиқим қилинган материалларга тегишли ККС суммасининг акс эттирилиши — қабул қилинган солиққа тортиш тизимига биноан	6410	4510	Жорий ойга ККС ҳисоблаш ведомости
12	Чет эл валютасида солиқ тўлаш бўйича ижобий курс фарқининг акс эттирилиши (салбий курс фарқи)	6410	9540	Банк кўчирмаси, ЎзР МБнинг ўрнатилган валюта курси
13	Бюджетдан қарзларни банкдан ссуда олиш йўли билан тўланиши	9620 6410	6410 6910	Кредит шартномаси, банк кўчирмаси
14	Шунинг ўзи, корхоналардан (банклардан ташқари) ссуда олиш йўли билан тўланиши	6410	6920 6930	Шартнома, банк кўчирмаси

65 — Суғурта бўйича ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счетлари

Корхона ходимлари ва мулки суғуртаси бўйича қарзлар, ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига, нафақа таъминотига,

корхона ходимларининг тиббий суғуртасига, авария, ёнғин, табиий офатлар, экологик ва бошқа фавқулодда ходисаларнинг олдини олиш ва бартараф этиш харажатларини молиялаштириш учун суғурта фондларини ташкил этиш харажатлари, шунингдек корхона мулкини ишчилар ҳаётини суғурталаш учун учинчи шахсларга мулкий киритилган зарари учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида маълумотларнинг умумлаштирилиши қуйидаги счетларда амалга оширилади:

6510 «Мулкий ва шахсий суғурта бўйича тўловлар»;

6520 «Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар»;

6530 «Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар».

Ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар ҳисобининг тартиби тегишли қонунчилик ва норматив далолатномалар билан тартибга солинади.

6510 «Мулкий ва шахсий суғурта бўйича тўловлар» счети корхона мулкий ва ходимлар (ижтимоий ва тиббий суғурта ҳисобидан ташқари) суғурта бўйича ҳисоблар тўғрисида маълумотлар умумлаштириш учун мўлжалланган.

6520 «Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» счетида давлат ижтимоий суғуртаси, нафақа таъминоти ва корхона ходимларининг тиббий суғуртасига, шунингдек бандлик фондига ажратмалар бўйича қарзлар тўғрисида маълумотлар умумлаштириш учун мўлжалланган.

6530 «Бюджетдан ташқари тўловлар» счети корхонанинг турли бюджетдан ташқари фондлар (6510, 6520 счетлардан ташқари)га тўланадиган, давлат органларига тўловлари тури бўйича қарзлар тўғрисида маълумотлар умумлаштириш учун мўлжалланган.

Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бадали ва ҳисоблашлар тартиби қонунчилик ва бошқа далолатномалар билан тартибга солинади.

Суғурта тўловлари бўйича қарз суммалари 6510, 6520, 6530 счетларнинг кредитида, ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ҳисоблари счетлари ёки бошқа суғурта тўловлари маблағлари счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

Суғурта тўлови бўйича қарз суммалари 5010, 5020, 5110, 5510, 5520 ва 5390 пул маблағлари ҳисоби счетлари кредитидан, 6510, 6520, 6530 счетлар дебетига чиқим қилинади.

65 «Суғурта бўйича ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счети» счети аналитик

ҳисоби суғуртачилар ва алоҳида суғурта шартномаси бўйича ҳамда корхона тўловчи бўлган ҳар бир бюджетдан ташқари фондлар бўйича алоҳида олиб борилади.

(65) Суғурта бўйича ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Капитал қурилишига суғурта тўловлари бўйича қарздорлик суммасининг акс эттирилиши	0810-0890	6510	Суғурта тўловларининг харажатлар жойи бўйича ҳисоби, суғурта тури, суғурта шартномаси
2	Мулк ва ходимлар суғуртаси бўйича мажбурий тўловлар ҳисобланиши (асосий ва ёрдамчи цехлар, умум хўжалик бўлинмалари)	2010 2310 2510 9420 9429	6510	Харажатлар жойи, суғурта тури, суғурта шартномаси бўйича суғурта тўлови ҳисоби (расчет)
3	Мулкка, ишлаб чиқаришга ва хўжаликка хизмат кўрсатувчи ходимларга суғурта бўйича қарздорлик ҳисобланиши	2320 9450	6510	Шунинг ўзи
4	Мулк ва нокапитал ишлар билан банд ходимлар суғуртаси учун қарздорлик ҳисобланиши	2710-2790	6510	Шунинг ўзи
5	Суғурта шартномасига биноан корхона ишчисига тегишли бўлган суғурта қопланиши суммаси акс эттирилиши	6510	6710	Банкдаги счетдан кўчирма, суғурта тўлови суммаси кўрсатилган хабарнома
6	Мулкка ва тижорат фаолияти ёки савдо корхоналаридаги ходимларга тегишли суғурта тўловлари бўйича қарзнинг акс эттирилиши	9419	6510	Харажат жойи, суғурта тури, суғурта шартномаси бўйича суғурта тўлови ҳисоблаш жадвали
7	Суғурта компаниялардан ҳисоб-китоб ёки валюта счетига банкдаги махсус счетларга қоплама суммасининг келиб тушиши	5110 5210 5220 5510-5590	6510	Банк счетларидан кўчирма, тўланадиган суғурта суммаси кўрсатилган хабарнома

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
8	Суғурта бўйича йўқотишлар, тегишли счетларга чиқим қилиниши (захираларнинг, ҳайвонларнинг, тайёр маҳсулотларнинг, товарларнинг ва ш.к. бузилиши ва йўқ қилиниши)	6510	1010-1090 1100 1210-1230 2810 2820 2910-2990	Харажатлар жойи, суғурта тури бўйича суғурта тўловлари ҳисоби, суғурта шартномаси, инвентаризация комиссиясининг қарори
9	Мулкий ва шахсий суғурта бўйича ҳисобланган суғурта тўловлари банкдаги счетлардан тўланиши	6510	5110 5210 5220 5510-5530	Банкдан кўчирма, тўлов талабномаси
10	Корхоналарнинг суғурта тўловларини тўлаш операциялари бўйича валюта курсининг ижобий фарқининг акс эттирилиши (салбий курс фарқи)	6510	9540	Банкдан кўчирма УзР МБ томонидан ўрнатилган валюта курси
11	Ижтимоий суғурта бўлимларининг жиҳозлар сотиб олиш ва сақлаш пайтида ҳисобланган меҳнат ҳақи бўйича қарзининг акс эттирилиши	9620 0710 0720	6510 6520	Иш ҳақи бўйича ҳисоблаш ведомости
12	Капитал қурилишда банд бўлган ходимларга тиббий суғурта, нафақа таъминоти ижтимоий суғурта бўйича қарздорлик ҳисобланиши	0810-0890	6520	Иш ҳақи буйича ҳисоблаш ведомости
13	Социал суғурта ва таъминот бўлимларига материалларни тайёрлаш, ҳайвонларни ва КТБни сотиб олиш ҳамда ўз ишлаб чиқариши билан боғлиқ қарзларнинг акс эттирилиши	1010-1090 1110 1210-1290	6520	Харажатлар жойи, суғурта турлари бўйича суғурта тўловлари ҳисоби, суғурта шартномаси
14	Моддий бойликларни тайёрлаш ва етказиш учун тўланган меҳнат тўлови бўйича ижтимоий суғурта бўйича қарздорлик	1510	6520	Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб қайдномаси
15	Асосий ва ёрдамчи цех ишчиларининг меҳнат ҳақи суммасидан ижтимоий суғурта бўлимларига ажратманинг амалга оширилиши	2010 2310	6520	Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб қайдномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
16	Иш ҳақи суммасидан умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига олиб бориладиган, ижтимоий суғурта ва таъминот бўлимларига ажратмаларнинг амалга оширилиши	2510	6520	Харажат жойи, суғурта тури бўйича суғурта тўлови ҳисоби, суғурта шартномаси, иш ҳақи бўйича ҳисоб қайдномаси
17	Яроқсизни тўғрилаш билан боғлиқ меҳнат ҳақи бўйича ижтимоий суғурта бўлимларидан қарздорликни акс эттириш	2610	6520	Шунинг ўзи
18	Худди шундай қарздорлик фақат ишлаб чиқариш ва хўжаликка хизмат қилувчи ходимларнинг меҳнат ҳақи бўйича	2320 9450	6520	Шунинг ўзи
19	Худди шундай қарздорлик, фақат нокапитал ишлар билан банд ходимларнинг иш ҳақи бўйича	2710-2790	6520	Шунинг ўзи
20	Худди шундай қарздорлик, фақат келгуси даврларга олиб бориладиган, ишлаб чиқариш ишларида банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи тўлови бўйича	3190	6520	Шунинг ўзи
21	Худди шундай қарздорлик, фақат маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш билан банд ходимларнинг меҳнат ҳақи тўлови бўйича	9414	6520	Шунинг ўзи
22	Савдо корхоналарида банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи тўлови бўйича ҳисоблашнинг амалга оширилиши	9415	6520	Шунинг ўзи
23	Асосий воситалар чиқаришлишида ҳисобланган иш ҳақи суммаси бўйича ҳисоблашнинг амалга оширилиши	9210	6520	Шунинг ўзи
24	Банкдаги счетларга суғурта бўлимларидан ҳисобланган ортиқча тегишли харажатларнинг келиб тушишини акс эттириш	5110 5210	6520	Банк кўчирмаси, солиштирма далолатнома ҳисоблар

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
25	Корхона ходимлари ҳисобидан ижтимоий суғурта ажратмаси ҳисобланишининг амалга оширилиши	6710	6520	Ижтимоий суғурта ажратма ҳисоби, иш ҳақи ҳисоби қайдномаси
26	Келгуси давр ҳаражатлари ва тўловлари (мавсумий тармоқлар, таъмирлаш ишларида ва ҳ.к.) ҳисобига олиб борилган иш ҳақи суммасидан қарздорликнинг акс эттирилиши	8910	6520	Ушланма қайдномаси, иш ҳақи ҳисоблаш қайдномаси
27	Ижтимоий суғурта бўлимлари фойдасига ижтимоий суғурта бўйича ажратмаларнинг ҳақиқий ўтказилиши (банкдаги счетлардан), ушбу бўлимлар ҳисобидан ишчиларга нақд пул тўланиши. (нафақа, болага қараш нафақаси ва ҳ.к.)	6520	5110 5010	Банкдан кўчирма, тўлов топшириқномаси чек дафтарчаси, чиқим касса ордери
28	Ижтимоий суғурта бўйича ходимларга берилган суммалар акс эттирилиши	6520	5010	Чиқим касса ордери
29	Ҳисоб китоб счети ёки валюта счетига бюджетдан ташқари фондлардан тушумларнинг ҳисобга олиниши	5110 5210	6530	Банкдан кўчирма
30	Маҳсулот таннархига олиб бориладиган бюджетдан ташқари фондларга ҳисобланган бадаллар, солиқлар, тўловлар суммасининг акс эттирилиши	2010 9419	6530	Харажатлар жойи, фонд турлари бўйича бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ҳисоби
31	Муомала харажатларига (савдода) ҳамда тижорат харажатлари ҳисобига олиб бориладиган бюджетдан ташқари фондларга ҳисобланган бадаллар суммасининг акс эттирилиши	9419	6530	Шунинг ўзи
32	Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик маҳсулоти, ишлар ва хизматлар харажатлари, ҳамда келгуси давр хара-	2320 9450 3190	6530	Фонд турлари, харажат жойлари бўйича бюджетдан ташқари фонд-

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
	жатлари таркибига олиб бориладиган бюджетдан ташқари фондларга ҳисобланган бадаллар суммасининг акс эттирилиши			ларга ажратмалар ҳисоби, жорий ой учун ички баланс ҳисоби қайдномаси
33	Олдин ҳисобланган суммаларнинг бюджетдан ташқари фондларга ўтказилиши (кассадан, ҳамда банкдаги счетлардан)	6530	5010 5110 5210 5510-5590	Касса китоби, чиқим касса ордери, банк кўчирмаси, тўлов топшириқномаси

66 — Таъсисчиларга қарзлар ҳисоби счетлари

Корхоналарнинг таъсисчилар олдидаги дивидендлар бўйича жорий мажбуриятлар ва чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари тўғрисида маълумотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

6610 «Тўланадиган дивидендлар»;

6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар».

Корхона раҳбарияти томонидан дивидендлар тўланиши эълон қилингандан сўнг дивидендлар, агар келгуси йилда ёки операцион цикл давомида тўланиши лозим бўлса, жорий мажбуриятлар сифатида акс эттирилиши керак. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ва бошқа дивидендлар, корхона раҳбарияти томонидан дивиденд тўлови эълон қилинмаган бўлса, мажбуриятлар сифатида тан олинмайди. Коммуникатив имтиёзли акциялар бўйича қарзлар молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида очиб берилиши лозим. Дивидендлар Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқи ҳимояси ва дивидендлар ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги қонунга асосан тақсимланади.

6610 «Тўланадиган дивидендлар» счети ҳисобланган дивидендлар суммасига кредитланади, 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счети корреспонденциясида.

6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари

бўйича қарзлар» счетида чиқиб кетаётган таъсисчилар улуши бўйича мажбуриятлар акс эттирилади, кредити бўйича ҳисобланган қарздорлик суммаси 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

6610 «Тўланадиган дивидендлар» 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» счети аналитик ҳисоби ҳар бир таъсисчилар бўйича, акционерлар бўйича қарзлардан ташқари — акциядорлик жамияти акцияларини тақдим этувчи акция эгалари бўйича олиб борилади.

(66) Таъсисчиларга қарзлар ҳисоби счети корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Акционерларга дивидендларнинг ҳисобланиши	8710	6610	Бошқарув йиғилишидан кўчирма ва корхона бўйича фармойиш, дивиденд ҳисоби
2	Ҳисобланган дивидендларнинг тўланиши	6610	5010 5110	Касса ҳисоботи, банк кўчирмаси
3	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзларнинг ҳисобланиши	8620	6620	Таъсисчилар мажлис баённомасидан кўчирма, корхона раҳбари фармойиши
4	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзларнинг тўланиши	6620	5010 5110	Касса ҳисоботи, банк кўчирмаси

67 — Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби счетлари

Корхона рўйхати таркибида турувчи ва турмайдиган ходимлардан меҳнат ҳақи бўйича (иш ҳақининг барча турлари, мукофот, нафақа, ишловчи пенсионерларга пенсия ва бошқа тўловлар) бўйича жорий қарзлар, ҳамда корхона акциялари ва қимматбаҳо қоғозлари бўйича даромадлар тўлови

тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетларда умумлаштириши амалга оширилади:

6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар»;

6720 «Депонентлик меҳнат ҳақи».

6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счети кредитида иш ҳақи бўйича ҳисобланмалар, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, пенсия ва бошқа шу каби суммалар, ҳамда корхонадаги улуши бўйича даромадлар акс эттирилади. Счетнинг дебетида ҳисобланган иш ҳақи ва даромаддан ушланмалар акс эттирилади.

Ҳар йилги ва қўшимча меҳнат таътили суммасини ҳисоблашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим: яъни таътилнинг ҳисобот ойига тўғри келадиган кунларига ҳисобланган сумма ҳисобот ойи иш ҳақи фондига киритилади. Таътил кунлари кейинги ойларга тўғри келган ҳолларда ходимларга берилган таътил суммалари ҳисобот ойида берилган бўнак сифатида акс эттирилади (дебет 6710 ва кредит счетлар 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари»). Келгуси ойда бу сумма иш ҳақи фонди таркибига қўшилади ва 6710 счети кредитида акс эттирилади.

Депонент билан ҳисоблашув ҳисоби депонентлик меҳнат ҳақи ҳисоби китобида олиб борилади. Бу китобга маълумотлар берилмаган иш ҳақлари реестридан тўлдирилади.

6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ва 6720 «Депонентлик меҳнат ҳақи» счетларининг аналитик ҳисоби корхонанинг ҳар бир ходими бўйича олиб борилади.

(67) Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ўрнатиладиган ускуналарни сотиб олиш ва сақлаш жараёнлари билан боғлиқ меҳнат ҳақининг ҳисобланиши	0710 0720	6710	Норматив вақтларни тақсимлаш қайдномаси, ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича иш ҳақи
2	Шунинг ўзи, фақат капитал қўйилмалар, ш.ж. ускуналар сотиб олиш билан банд ходимларга	0810-0890	6710	Шунинг ўзи

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
3	Шунинг ўзи, фақат материаллар, ҳайвонлар КТБ тайёрлаш ва сотиб олиш жараёнлари бўйича (1510 счетидан фойдаланилмаган тақдирда)	1010-1090 1110 1210-1230	6710	Шунинг ўзи
4	Шунинг ўзи, фақат олдинги жараён 1510 счетидан фойдаланишида акс эттирилиши	1510	6710	Шунинг ўзи
5	Асосий ва ёрдамчи цех ишчиларига меҳнат ҳақи суммаси ҳисобланиши	2010 2310	6710	Шунинг ўзи
6	Шунинг ўзи, фақат умум ишлаб чиқариш ва умум хўжалик ходимларига, ҳамда хизмат кўрсатувчи ва хўжалик ходимларига	2510 9421 2320 9450	6710	Шунинг ўзи
7	Бракни тўғрилаш билан боғлиқ иш ҳақи ҳисобланиши	2610	6710	Шунинг ўзи
8	Нокапитал ишларнинг бажарилиши учун меҳнат ҳақи ҳисобланиши	2710-2790	6710	Шунинг ўзи
9	Шунинг ўзи, фақат келгуси давр харажатларига олиб бориладиган, амалга оширилган жараёнлар, ишлар учун	3190	6710	Шунинг ўзи
10	Шунинг ўзи, фақат маҳсулотлар тайёрлаш ва сотиш билан банд ишчиларга, шунинг ўзи, фақат савдо ишчиларига (савдо корхоналарида)	9414	6710	Шунинг ўзи
11	Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши билан боғлиқ жараёнлар бўйича иш ҳақи ҳисобланиши	9210	6710	Иш ҳақи ҳисоби қайдномаси
12	Кассага ортиқча тўланган сумманинг қайтарилиши (иш ҳақи ва шунга ўхшаш)	5010	6710	Касса ҳисоботи
13	Ёнғинлар, табиий офатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқ ходимларга меҳнат ҳақининг ҳисобланиши	9720	6710	Иш ҳақи ҳисоблаш қайдномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
14	Ишчи — акциядорларнинг даромади (дивиденди), ходимларга мукофотларнинг акс эттирилиши	8710 9439	6710	Махсус манба маблағларидан тўланадиган, мукофотлар ҳисоблаш қайдномаси
15	Мақсадли молиялаштириш счети ҳисобидан амалга ошириладиган, ишчиларга меҳнат ҳақининг ҳисобланиши	7710	6710	Шунинг ўзи
16	Ёрдамчи цехлар томонидан ишчиларга кўрсатилган хизматлар қийматининг ушланиши	6710	9390	Норматив вақт тақсимоти қайдномаси, харажат модда-лари бўйича меҳнат ҳақлари
17	Ишлаб чиқаришдаги йўқотишларнинг олдин умум ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган қисми, бу йўқотишлар айбдорлари бўлган — ишчилар ҳисобига акс эттирилиши; ишчиларга кўрсатилган хизматлар қиймати ушланиши	6710	2510	Даъво ҳужжатлари, буйруқ, иш ҳақидан ушлаш қайдномаси
18	Йўқотишнинг бир қисми ишчилардан — шу йўқотиш айбдорларидан ушланиши	6710	2610	Даъво ҳужжатлари, буйруқ, иш ҳақидан ушланма қайдномаси
19	Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликдан ишчиларга берилган маҳсулот ёки ишлар қийматининг ушланиши	6710	9450	Норматив вақт тақсимоти қайдномаси ва иш ҳақи харажатлари модда-лари
20	Кассадан, ишчиларга ҳисобланган (иш ҳақи, мукофот, улуши бўйича даромад) сумманинг тўланиши	6710	5010	Касса ҳисоботи
21	Ҳисобдор шахсларнинг қайтармаган бўнакнинг ушланиши	6710	4420-4490	Иш ҳақидан ушланма ҳисоби қайдномаси
22	Акцияларга ёзилиш бўйича мажбуриятларнинг тўланиши	6710	4710	Иш ҳақидан ушланма ҳисоби қайдномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
23	Кредитга олинган товарлар учун тўловлар бўйича ишчидан навбадаги ушланишнинг акс эттирилиши	6710	4610	Иш ҳақидан ушланма ҳисоби қайдномаси
24	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан меҳнат тўловининг амалга оширилиши	6710	6110	Бўлинмалар бўйича иш ҳақидан ушланмалар ҳисоби қайдномаси
25	Камомадлар ёки материал бойликлар бузилиши бўйича айбдор бўлган — ишчилар меҳнат ҳақи суммасидан ушланманинг акс эттирилиши	6710	4630	Даъво ҳужжатлари иш ҳақидан ушланмалар ҳисоби қайдномаси
26	Ишчиларга корхонадан қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарз берилиши	6710	6990 7690	Иш ҳақидан ушланмалар ҳисоби қайдномаси

68 — Турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар ҳисоби счетлари

Корхонанинг турли кредиторлардан қарзлари ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилиши қуйидаги счетларда амалга оширилади:

6810 «Тўланадиган лизинг»;

6820 «Ҳисобланган фоизлар»;

6830 «Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар»;

6840 «Кафолатлар бўйича қарзлар»;

6850 «Тўланадиган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми;

6860 «Даъволар бўйича тўланадиган счетлар»;

6870 «Ҳисобдор шахслардан қарзлар»;

6890 «Бошқа мажбуриятлар».

6810 «Тўланадиган лизинг — жорий қисми» счетида, асосий қарз тўланишини қуйидаги молиявий лизинг бўйича лизинг олувчининг жорий мажбуриятлари акс эттирилади. Лизинг тўловларининг жорий минимал қиймати ҳисоби БҲМС 6-сон «Лизинг ҳисоби»га* асосан амалга оширилади. Счетнинг кредитида ҳисобланган жорий тўловлар суммаси, дебетида — тўланадиган лизинг суммалари акс эттирилади. 6810

«Тўланадиган лизинг — жорий қисми» счетининг аналитик ҳисоби ҳар бир лизинг шартномаси бўйича олиб борилади.

6820 «Ҳисобланган фоизлар» счетида кредиторларга тегишли, берилган қарзлари, кредитлари, ҳамда лизинг учун ҳисобланган фоизлар акс эттирилади. Счетнинг кредитида ҳисобланган фоиз суммалари дебети бўйича фоизлар бўйича қарзларнинг тўланиши акс эттирилади.

6820 «Ҳисобланган фоизлар» счетининг аналитик ҳисоби мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича олиб борилади.

6830 «Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар» счети БҲМС 2-сонга* асосан роялти ва гонорарлар тўлови бўйича, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг активларидан фойдаланиш учун олиниши натижасида содир бўлган корхона мажбуриятлари акс эттирилади. Счетнинг кредитида роялти ва гонорарлар бўйича ҳисобланган қарзлар, тегишли харажатлар счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

6830 «Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар» счети аналитик ҳисоби ҳар бир қарздорлик бўйича олиб борилади.

6840 «Кафолатлар бўйича қарзлар» счетида корхонанинг харидорлар олдидаги сотилган товарларга кафолатли хизматлари бўйича мажбуриятлари акс эттирилади. Агар компания ўзининг маҳсулотини сотиш пайтида кафолат берса, унда мажбуриятлар бутун кафолат муддати давомида амалда бўлади. Кафолат суммаси БҲМС 2-сонга* асосан маҳсулот сотилган даврда харажатлар счетлари дебетида акс эттирилади, чунки кафолат маҳсулотларни, иш хизматларни сотиб олиш учун асосий сабаблардан бири, маҳсулотлар (иш, хизматлар)нинг сифати тавсифномаси ҳисобланади.

Олдиндан келиб чиққан ҳолда, келгуси даврларга тақдим этиладиган кафолатлар корхонага қанчага тушишини ҳисоблаб чиқиш мумкин, яъни товар ёки хизмат бирлигига хизмат кўрсатиш ўртача қийматини ва бу сумма 6840 счети кредити ва тегишли харажатлар дебети бўйича акс эттирилади.

6840 «Кафолатлар бўйича қарзлар» счети аналитик ҳисоби кафолатли сотилган ҳар бир товар, хизматлар ва ишлар бўйича олиб борилади.

6850 «Тўланадиган узоқ муддатли қарз мажбуриятлари — жорий қисми» счетида узоқ қарз мажбуриятларини шу ҳисобот даврида тўланадиган жорий қисми акс эттирилади. Узоқ

муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми ўтказилган пайтда тегишли (тўланиши лозим) суммага 6850 счети кредитланади, қарз мажбуриятларининг узоқ муддатли қисми дебетланади, узоқ муддатли қарз суммасининг бошланғич қолдиғини камайтирган ҳолда.

6850 «Тўланадиган узоқ муддатли қарз мажбуриятлари — жорий қисми» счети аналитик ҳисоби қарз мажбуриятлари турлари, эмитент, тўлаш муддати, Ўзбекистон ҳудуди ва ундан ташқаридаги қарз мажбуриятларига бўлиниши бўйича олиб борилади.

6860 «Даъволар бўйича тўланадиган счетлар» корхонанинг мол етказиб берувчиларнинг, пудратчиларнинг, транспорт ва бошқа корхоналарнинг тақдим этилган даъволари бўйича қарзлар, ҳамда тақдим этилган ва тан олинган жарималар, пенялар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Даъволар асосан шартнома ва мажбуриятлар шартларини бажармасликдан келиб чиқади. 6860 счети кредитида тан олинган ва ҳисобланган даъволар бўйича мажбуриятлар харажат ҳисоби счетлари корреспонденциясида акс эттирилади. 6860 «Даъволар бўйича тўланадиган счетлар» счети аналитик ҳисоби ҳар бир кредитор ва ҳар бир даъво бўйича олиб борилади.

6870 «Ҳисобдор шахслардан қарзлар» счети корхона ходимларига маъмурий-хўжалик ва операцион харажатлар, иш хизмат сафарига ҳисоб бериш шарти билан берилган ва ҳақиқий ишлатилган нақд пул фарқлари бўйича ходимларнинг қарзлари тўғрисидаги маълумотлар умумлаштириш учун мўлжалланган. Ҳисобдор шахслардан қарзлар, ҳисобдор шахсларнинг бўнак пули олмасдан, пул маблағларини харажат қилиш орқали вужудга келади.

Корхона ходимларига ҳисобот шарти билан пул маблағлари бериш тартиби касса операцияларини юритиш қоидалари бўйича тартибга солинади (назорат қилинади). Ҳисобдор шахсларга белгиланган муддатда бирламчи (исботловчи) ҳужжатлар иловаси билан ҳақиқий қилинган харажатлари тўғрисида ҳисобот тақдим этиш лозим. Агар харажат қилинган сумма ҳисобот бериш шарти билан берилган суммадан кўп бўлса, унда корхонанинг ҳисобдор шахслардан қарзи вужудга келади ва 6870 счети шу орадаги фарқ суммасига кредитланади.

6870 «Ҳисобдор шахслардан қарзлар» счети аналитик ҳисоби ҳар бир бўнак тўлови бўйича олиб борилади.

6890 «Бошқа мажбуриятлар» счети корхонанинг жисмоний ва юридик шахслар олдидаги турли хил нотижорат операциялари (ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва ш.к.), транспорт (темир йўл ва сув) ташкилотларига хизматлари учун чек билан тўланадиган корхона ходимларининг иш ҳақидан турли ташкилотларга ва алоҳида шахслар фойдасига, ижро ҳужжати ёки суд органлари қарорларига асосан бажарилган ушланмалар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Счет бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир бошқа мажбуриятлар бўйича олиб борилади.

(68) Турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Молиявий лизингнинг узоқ муддатли қисмидан чиқим қилинадиган, молиявий лизинг бўйича жорий қарз ҳисобланиши	7630	6810	Молиявий лизинг бўйича қарз чиқими ҳисоблаш ҳисоби
2	Молиявий лизинг (жорий) бўйича қарзнинг тўланиши	6810	5110	Банк кўчирмаси
3	Фоизлар бўйича қарз ҳисобланиши	9610	6820	Фоиз турлари бўйича ҳисоблаш ҳисоби
4	Фоизлар бўйича қарз тўланиши	6820	5110	Банк кўчирмаси
5	Роялти ва гонорарлар бўйича қарз ҳисобланиши	9439	6830	Шартнома, олувчилар ва қарз турлари бўйича ҳисобнома
6	Роялти ва гонорарнинг тўланиши	6830	5110	Банк кўчирмаси
7	Кафолатли хизмат бўйича қарз ҳисобланиши	9412	6840	Квитанция, кафолатли хизмат талони
8	Кафолатли хизмат бўйича ҳақиқий харажат чиқими	6840	1010-1090 6710 6890	Квитанция, материал қийматликлар ҳисоби қайдномаси, иш ҳақи

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
9	Узоқ муддатли қарз мажбуриятлари жорий қисми бўйича қарз ҳисобланиши	7610 7620	6850	Шартнома-топшириқ, узоқ муддатли қарз мажбуриятлари жорий қисми чиқим ҳисоби
10	Узоқ муддатли қарз мажбуриятлари жорий қисми бўйича пул тўланиши	6850	5110	Банк кўчирмаси
11	Келтирилган ўрнатиладиган ускуналарга нархларнинг, тарифларнинг тўғри келмаслиги, счет-даги хатолар (акцептдан сўнг)нинг аниқланиши бўйича даъво тақдим этилиши	0710	6860	Даъво ҳужжатлари, счет-фактура, юк хати
12	Материаллар счетларидаги нархларнинг тўғри келмаслиги ва арифметик хато, сифатида пастлиги, табиий камайиш нормасидан ортиқча камомадлари туфайли даъволар бўйича қарзларнинг акс эттирилиши	1010-1090	6860	Шунинг ўзи
13	Капитал қурилиш учун олинган счетларда (акцептдан кейин) нархларнинг тўғри келмаслиги, арифметик хатонинг акс эттирилиши	0810-0890	6860	Шунинг ўзи
14	Ҳайвонлар, ҳамда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг счетидаги нархларнинг тўғри келмаслиги ва арифметик хатолар учун тақдим этиладиган даъволар бўйича қарзлар акс эттирилиши	1110	6860	Шунинг ўзи
15	КТБ етказилишида йўлда содир бўлган камомадлари, счетлардаги нархларнинг тўғри келмаслиги ва арифметик хатолар учун даъволар бўйича қарзларнинг акс эттирилиши	1210-1230	6860	Шунинг ўзи
16	Камомад туфайли, счет-даги хатолар, сифати, нормадан ортиқча оширилиши (эскириш) ва ш.к. учун даъволар бўйича қарзлар акс эттирилиши	1510	6860	Шунинг ўзи

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
17	Нуқсондан (бракдан) йўқотишлар бўйича қарзлар акс эттирилиши	2610	6860	Брак тўғрисида хабарнома, суд қароридан кўчирма, баҳолаш қайдномаси
18	Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликнинг зарар кирими, корхонага даъво сифатида тақдим этилиши бўйича қарзнинг акс эттирилиши	2320 9450	6860	Даъво ҳужжатлари
19	Жами суммасида аниқланган хатолар, йўлдаги нормадан ортиқча табиий камайиши, сифатининг тўғри келмаслиги учун даъволар бўйича қарзнинг акс эттирилиши	2910-2990	6860	Даъво ҳужжатлари
20	Харидорлар томонидан, улар томонидан материаллар қабул қилинишида тақдим этилган даъволар бўйича қарзлар (хатолар, йўлдаги камомадлар, сифатининг тўғри келмаслиги ва ш.к.)	9433-9439	6860	Даъво ҳужжатлари, счет-фактура
21	Шартнома мажбуриятларига амал қилмаганлиги учун жарима пеня, неустойка бўйича қарздорлик суммалари (хўжалик суди томонидан тайинланиши ёки тан олинган миқдорда)	9439	6860	Тижорат далолатномаси, шартнома, суд қарори
22	Асосий ёки ёрдамчи хўжаликка тегишли ҳамда умум ишлаб чиқариш ва умум хўжалик эҳтиёжлари учун қилинган харажатлар учун ҳисобдор шахлардан қарзлар	2010 2310 2510 9439	6870	Бўнак ҳисоботи
23	Маҳсулот нуқсони билан боғлиқ турли харажатлар учун ҳисобдор шахслардан қарзлар	2610	6870	Бўнак ҳисоботи, берилган бўнаклар ҳисоби қайдномаси
24	Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликка тегишли турли харажатлар учун ҳисобдор шахслардан қарзлар	2820 9450	6870	Бўнак ҳисоботи, берилган бўнаклар ҳисоби қайдномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
25	Айрим товарни сотиб олиниши учун ҳисобдор шахслардан қарзлар	2910-2990	6870	Бўнак ҳисоби, берилган бўнаклар ҳисоби қайдномаси
26	Маҳсулотларни тайёрлаш (транспорт ва ш.к.) ва сотиш учун амалга оширилган харажатлар учун ҳисобдор шахслардан қарзлар, шунинг ўзи савдо корхоналарида (турли муомалалар)	9419	6870	Бўнак ҳисоботи, берилган бўнаклар ҳисоби қайдномаси
27	Ёнғин табиий офатларнинг олдини олиш ёки тугатиш билан боғлиқ турли харажатларнинг тўланганлиги учун ҳисобдор шахслардан қарзлар	9720	6870	Буйруқ, ивентаризация комиссиясининг қарори, бўнак ҳисоботи
28	Мақсадли молиялаштириш ва мақсадли тушумлар ҳисобидан амалга оширилган турли харажатлар ва олинмалар учун ҳисобдор шахслардан қарзларнинг акс эттирилиши	7710	6870	Касса ҳисоботи, банк кўчирмаси, бўнак ҳисоботи
29	Турли корхона ва ташкилотларнинг капитал қурилишида ва асосий воситалар сотиб олишда кўрсатган хизматлари (транспорт хизматлари ва бошқалар)	0810-0890	6890	Счет-фактура, ТТН
30	Ҳар хил корхоналардан ва шахслардан ТМБ сотиб олиниши ва улар томонидан турли хизматлар кўрсатилиши (транспорт ва бошқалар)	1510	6890	Счет-фактура, ТТН
31	Асосий ёрдамчи цехларга ва умум ишлаб чиқариш ва умум хўжалик аҳамиятидаги цехларга турли корхона ва ташкилотлар томонидан турли хил хизматлар кўрсатилиши	2010 2310 9439	6890	Счет-фактура ТТН
32	Маҳсулот нуқсонини бартараф этиш харажатлари учун харидорларга қарзларнинг акс эттирилиши	2610	6890	Счет-фактура, нуқсон ҳақида хабарнома, суд қарори

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
33	Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликларга кўрсатилган хизматлари учун турли корхоналарга, ташкилотларга ва шахсларга қарздорлик	2320 9450	6890	Счет-фактура
34	Шунинг ўзи, фақат нокапитал ишлаб чиқаришдаги хизматлар учун	2710-2790	6890	Счет-фактура
35	Шунинг ўзи, фақат келгуси давр харажатлари ҳисобига олиб бориладиган ишлаб чиқариш қошидаги хизматлар учун	3110-3190	6890	Шартнома, счет-фактура
36	Турли корхоналардан, ташкилотлардан ва шахслардан товарлар кирими	2910-2990	6870	Счет-фактура, ТТН
37	Асосий воситалар чиқими даврида кўрсатган хизматлари учун турли корхоналарга қарзлар акс эттирилиши	9210	6890	Счет-фактура, ТТН
38	Квартира, турли корхоналар ва шахслардан, ш.ж. ота-оналардан (болалар боғчалари ва ҳ.к.) ишчиларнинг ижро варақаси бўйича қарздорлик суммасининг кассага тушуми	5010	6890	Касса ҳисоботи, ижро варақаси
39	Турли шахслардан қарзларни қоплаш суммаси келиб тушиши (ижро варақаси бўйича ва бошқ.)	5110 5210	6890	Банкдан кўчирма, ижро варақаси
40	Турли корхона ва шахслардан пул ҳужжатлари тушуми	5610	6890	Банк кўчирмаси
41	Турли шахслардан жўнатма (перевод) келиб тушиши	5710	6890	Банк кўчирмаси
42	Қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиниши (номинал қийматда)	0610 5810	6890	Шартнома топшириқ
43	Квартира ва коммунал хизмат тўлови, ижро варақаси бўйича тўловлар, депонент қарзлар, кредитга олинган товарлар учун иш ҳақидан ушланган суммалар	6710	6890	Ҳисобланган иш ҳақидан ушланмалар ҳисоби қайдномаси, депонент ҳисоби китоби, ижро варақалари

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
44	Чиқим қилинган дебитор қарзлар, жарималар штрафлар ва неустойкалар	9390	6890	Инвентаризация қайдномаси, корхона раҳбари тасдиқлаган чиқим қилиш далолатномаси
45	Маданий маърифий муассасаларни, соғломлаштириш оромгоҳларини сақлаш учун турли корхоналарнинг кўрсатган хизматлари акс эттирилиши	9439	6890	Счет-фактура, юк хати
46	Сотиб олинган акцияларнинг сақланиши учун депозитария қарз ҳисобланиши	9690	6890	Шартнома
47	Олдин ҳисобланган захиралар ҳисобидан турли корхоналарга амалга оширилган харажатлари учун қарзларнинг акс эттирилиши	8910	6890	Счет-фактура
48	Турли ташкилотлар, корхоналар ва шахслар томонидан кўрсатилган хизматлари учун қарзлар акс эттирилиши, харажатлар мақсадли маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган пайтда	7710	6890	Счет-фактура

69 — Қисқа муддатли банк кредитлари ва банкдан ташқари қарзлар ҳисоби счетлари

Республика ҳудудидаги ва чет элдаги банклардан ва қарз берувчилардан сўмда ва чет эл валютасида олинган турли қисқа муддатли (муддати 12 ойгача) кредитлар ва қарзлар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счетларда амалга оширилади:

6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари»;

6920 «Тўланадиган облигациялар — банкдан ташқари»;

6930 «Тўланадиган векселлар — банкдан ташқари»;

6940 «Қисқа муддатли банкдан ташқари қарзлар»;

6990 «Бошқа кредитлар ва қарзлар».

Қарзларни беришни кредитлаш, кредитларни ва қарзларни ҳужжатлаштириш, уларни қоплаш (тўлаш) тартиби банклар қоидалари банклар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома асосида тартибга солинади.

6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари» счетида корхоналарнинг банклардан олинган турли қисқа муддатли (муддати 12 ойгача) кредитлари ҳолати тўғрисида маълумотлар ҳисобга олинади. Банклардан олинган қисқа муддатли банк кредитлари суммаси 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари» счети кредитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли счетлар дебетида акс эттирилади.

Банк кредитларининг тўланган суммасига 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари» счети дебетланиб, пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар билан корреспонденцияланади. Муддатда тўланмаган банк кредитлари алоҳида ҳисобга олиб борилади. Қисқа муддатли кредитлар аналитик ҳисоби банк томонидан тақдим этилган кредит турлари ва алоҳида кредитлар бўйича олиб борилади. 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари» счетининг алоҳида аналитик ҳисобида, қайтариш муддати бир йилдан кўп бўлмаган векселлар ва бошқа қарз мажбуриятлари ҳисоби бўйича операциялар бўйича банклар билан ҳисоб-китоб олиб борилади.

6920 «Тўланадиган облигациялар — банкдан ташқари» счетида қарз берувчиларга муддати 12 ойдан кўп бўлмаган облигацияларни бериш ҳисобига корхонага жалб қилинган маблағлар ҳисобга олинади. Агар корхонага жалб қилинган маблағ облигацияларини номинал қийматидан ортиқча нархда сотилиши йўли билан амалга оширилган бўлса, у ҳолда облигациянинг сотиш нархи ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ 6240 «Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)» счети кредити бўйича ҳисобга олинади. Даврий ажратмалар суммаси кўрсатилган фарқларнинг катта-кичиклигига ва облигация чиқарилган муддатига кўра ҳисобланади.

6930 «Тўланадиган векселлар — банкдан ташқари» счетида тўлаш муддати 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга бир бирига қарз берувчилардан олинган векселлар ҳисобга олинади. Вексел ушловчи корхонада вексел операциялари ҳисоби 6930 «Тўланадиган векселлар — банкдан ташқари» сче-

ти кредитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар дебетида акс эттирилади (ҳақиқий олинган пул маблағлари суммасига). Вексель операциялари ҳисоби банкнинг тўланганлик тўғрисидаги хабарномасига асосан 6930 «Тўланадиган векселлар — банкдан ташқари» счети кредитида ва тўланган счетлар дебетида акс эттириш йўли билан ёпилади.

Вексель ушловчи корхона томонидан қарз берувчилардан вексел ҳисоби натижасида вексель берувчи ва бошқа тўловчилардан вексел бўйича ўзларининг тўлов мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаганликлари учун олинган пул маблағларининг қайтарилиши 6930 «Тўланадиган векселлар — банкдан ташқари» счети дебетида пул маблағлари ҳисоби счетлари корреспонденциясида ёзув амалга оширилади.

Қарз берувчилар олдидаги корхона томонидан берилган векселлар билан таъминланган қарзлар 6930 «Тўланадиган векселлар — банкдан ташқари» счетидан чиқим қилинмайди, аналитик ҳисобда ҳисобга олиб борилади.

6940 «Қисқа муддатли банкдан ташқари қарзлар» счетида Республика ва чет элдаги қарз берувчилар (банкдан ташқари) билан 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга сўмда ва чет эл валютасида олинган кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар учун ҳисоблашишлар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинади.

Қарз берувчилардан (банклардан ташқари) маблағлар келиб тушиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар дебетида ва 6940 «Қисқа муддатли банкдан ташқари қарзлар» счети кредитида акс эттирилади.

Олинган қарзларни қайтаришда 6940 «Қисқа муддатли банкдан ташқари қарзлар» счети дебетига ёзувлар амалга оширилади.

6940 «Қисқа муддатли банкдан ташқари қарзлар» счети аналитик ҳисоби ҳар бир қарз берувчи ва кредитни тўлаш муддати бўйича олиб борилади.

6990 «Бошқа кредитлар ва қарзлар» счетида қисқа муддатли банк кредитлари ва банкдан ташқари қарзлар билан боғлиқ турли операциялар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинади.

(69) Қисқа муддатли банк кредитлари ва банкдан ташқари қарзлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Олинган кредит ҳисобига материаллар, товарлар кирими	1010 2910	6910	Счет-фактура, ТТН, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
2	Банкнинг узоқ муддатли кредитлари бўйича курснинг салбий фарқи акс эттирилиши	9620	6910	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
3	Кредитлаш тўғрисидаги шартномага асосан кредит учун фоизлар кредит бўйича қарзга қўшилади	9610	6820	Кредит шартномаси, банк кўчирмаси
4	Банкдан қисқа муддатли кредитлар олиниши	5110 5210	6910	Кредит шартномаси, банк кўчирмаси
5	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарзлар банкдан олинган қисқа муддатли банк кредитлари ҳисобидан тўланиши	6010 6020	6910	Счет-фактура, ТТН, тўлов топшириқномаси
6	Узоқ муддатли кредитлар, олинган қисқа муддатли кредитлар ҳисобидан тўланиши	7510	6910	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
7	Корхона қарз мажбуриятларининг (банкдан ташқари) олинган қисқа муддатли кредитлари ҳисобидан тўланиши	7610-7690	6910	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
8	Банклардан кредит ҳисобида вексел олиниши	5610	6910	Кредит шартномаси
9	Банкнинг қисқа муддатли кредити тўланиши	6910	5110 5210	Банк кўчирмаси, тўлов топшириқномаси
10	Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалар ҳисобидан банкнинг қисқа муддатли қарзлари тўланиши	6910	6110	Таъсис ҳужжатлари, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
11	Узоқ муддатли кредитлар бўйича ижобий курс фарқи акс эттирилиши	6910	9540	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
12	Қарз берувчилардан олинган қарз маблағлари ҳисобига товар моддий бойликлари кирим қилиниши	1010-1090 1210-1230 2910-2990	6940	Счет-фактура, ТТН, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
13	Қарз бериш тўғрисидаги шартномага асосан қарз учун фоизлар қарзга қўшилиши	9610	6820	Кредит шартномаси, банк кўчирмаси
14	Қарз берувчилардан (банклардан ташқари) қарз бериш шартномасига асосан қисқа муддатли қарзлар бўйича маблағ тушумига	5010 5110 5210	6940	Кредит шартномаси, банк кўчирмаси
15	Берилган вексел ҳисобига қисқа муддатли қарз олиниши	5110	6940	Кредит шартномаси, тўлов талабномаси, банк кўчирмаси
16	Қисқа муддатли қарзлар ҳисобидан счетлар тўланиши	6010	6940	Счет-фактура, ТТН, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
17	Баланс тузиш кунига салбий курс фарқи шу жумладан қарзларнинг қайта баҳоланиши акс эттирилиши	9620	6940	Кредит шартномаси, курс фарқини аниқлаш ҳисоби, банк кўчирмаси
18	Қарз берувчиларга олдин олинган кредитларнинг тўланиши	6940	5110 5210 5220	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
19	Чет эл валютасидаги узоқ муддатли қарзлар бўйича ижобий курс фарқлари, шу жумладан баланс тузиш кунига қарзларнинг қайта баҳолаш фарқи акс эттирилиши	6940	9540	Кредит шартномаси, курс фарқини аниқлаш ҳисоби, банк кўчирмаси

7-бўлим. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

Бу бўлимнинг счетлари корхонанинг турли юридик ва жисмоний шахслар олдидаги ҳамма турдаги мажбуриятлари тўғрисида маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

«Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш концептуал асослари»* номли БҲМС, корхона мажбуриятларини, шундай мажбуриятлар деб аниқланганки, операциялар ёки далиллар натижасида содир бўладиган, ўтган йилда ўтган, бунинг тўланиши активларнинг ишлатилишига ёки тўланишига, хизмат кўрсатишига ёки келгусидаги турли иқтисодий фойданинг камайишига олиб келиши мумкин. Мажбуриятлар корхоналар ўртасида амалга оширилган турли сделкалар натижасида ҳосил бўлади ва келгусида товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун тўловларни амалга оширишга юридик асос бўлади.

Узоқ муддатли мажбуриятлар — шундай мажбуриятларки, уларнинг тўлаш муддати бир йилдан кўп балансннинг ҳақиқий санаси ёки дебитор (қарз берувчи)нинг иш циклига асосан уларнинг қайси бири кўплигига боғлиқ.

Ҳаракатда бўлган қонунларга асосан ҳосил бўлган чет эл валютасидаги мажбуриятлар шу бўлим счетларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳисоб-пул ҳужжатларидан ёки ҳужжатлардан кўчирма олган кунга ўрнатилган курс бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан сўмда олиб борилади. Бир вақтнинг ўзида бу ҳисоблаш валюта ҳисоби ва тўловларида ҳам акс эттирилади. Чет эл валютасидаги операцияларда валюта моддаларини қайта ҳисоблаш натижасида содир бўладиган курс фарқлари 9540 «Курс фарқлари (ижобий)дан олинган даромадлар» счетига ва 9620 «Курс фарқлари (салбий)дан олинган зарарлар» счетига олиб борилади.

Ушбу бўлимда қуйидаги ҳисоб счетлари ҳисобининг тартиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

70 — Мол етказиб берувчилар ва пудрадчиларга тўланадиган счетлар ҳисоби счетлари;

71 — Бўлимлардан узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетлари;

72 — Муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби счетлари;

73 — Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар ҳисоби счетлари;

74 — Бошқа шахслардан узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетлари;

75 — Узоқ муддатли банк кредитлари ҳисоби счетлари;

76 — Узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетлари;

77 — Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар ҳисоби счетлари.

70 — Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар ҳисоби счетлари

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қуйидаги мажбуриятлар:

— корхонага тақдим этилган, лекин ҳали тўланмаган товар-моддий бойликлари, хизматлар ёки ускуналар;

— режали тўлов тартиби асосида ҳисоб-китоб қилинадиган товар-моддий бойликлари, хизматлар ва ишлар;

— қабул қилиш пайтида аниқланган ортиқча товар-моддий бойликлари;

— ташиш бўйича хизматлар олиниши, шу жумладан тарифдан ортиқча ва кам ҳисоблашишлар, ҳамда алоқанинг ҳамма туридаги хизматлари тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилиши қуйидаги счетларда амалга оширилади:

7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар»;

7020 «Берилган векселлар».

7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счетида турли мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан олинган товар моддий бойликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа активлар учун узоқ муддатли мажбуриятлари акс эттирилади.

7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счети ҳақиқий келиб тушган товар моддий бойликлар, қабул қилинган ишлар ва фойдаланилган хизматлар қийматига шу бойликлар ҳисоби ёки тегишли харажат счетлари корреспонденциясида кредитланади.

7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счетининг аналитик ҳисоби ҳар бир тақдим этилган счет ва мажбуриятлар бўйича режали тўлов тартибида — ҳар бир мол етказиб берувчилар ва пудратчилар бўйича олиб борилади. Аналитик ҳисобни шундай ташкиллаштириш лозимки, мол етказиб берувчилар бўйича тўлаш муддати тугамаган акцептланган ва бошқа ҳисоб ҳужжатлари бўйича, мол етказиб берувчиларга ҳужжатлаштирилмаган жўнатмалар бўйича, тўлаш муддати тугамаган, мол етказиб берувчиларга берилган векселлар бўйича, мол етказиб берувчиларга тўлов муддати кечиктирилган векселлар бўйича, мол етказиб берувчиларга олинган тижорат кредитлари бўйича зарур маълумотлар олиш имкониятини таъминлаши керак.

7020 «Берилган векселлар» счетида корхонанинг товар моддий бойликларни сотиб олиш учун бошқа активлар ва кўрсатилган хизматлар учун берилган векселлар акс эттирилади. Тўланадиган векселлар фоизли ёки фоизсиз бўлиши мумкин. Фоизли векселларда векселнинг асосий суммаси — номинал қиймати ва ўрнатилган фоиз ставкаси аниқ кўрсатилади. Фоизсиз векселлар ҳақиқатда фоизлар тўлови тушунилади, чунки векселнинг номинал қиймати ҳам, ҳамда ушбу қарз бўйича фоизлар ҳам қарз суммасига қўшилади. Бу счетнинг кредитида вексел билан таъминланган, сотиб олинган товар моддий захиралари, бошқа активлар ва хизматлар учун жорий қарзлар ҳисобга олинади ва тўлаш пайтигача ҳисобда туради. Вексел бўйича қарзларни тўлаш меъёри бўйича уни пул маблағлари ҳисоби счетлари кредитидан 7020 «Берилган векселлар» ва 6820 «Ҳисобланган фоизлар» счетлари дебетига чиқим қилинади. Чунки тўлов умумий суммаси векселлар бўйича асосий қарзлар ва векселлар бўйича фоизлардан ташкил этилади.

7020 «Берилган векселлар» счети бўйича аналитик ҳисоби берилган векселларнинг ҳар бир тури бўйича олиб борилади, тўлов муддати кечиктирилган векселлар алоҳида акс эттирилади.

(70) Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар ҳисоби счетлари бўйича корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Мол етказиб берувчиларнинг келтирилган ва кирим қилинган ўрнатиладиган ускуналар бўйича счет-фактураси акцептланиши	0710 0720	7010 7020	Шартнома, счет-фактура
2	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг бажарилган ишлар капитал қурилишига (шу жумладан монтаж талаб қилинмайдиган машина, транспорт воситалари, ускуналар) кўрсатилган хизматлар счети тўлаш учун қабул қилиниши	0810 0820 0830 0890	7010 7020	Счет-фактура, шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси
3	Мол етказиб берувчиларнинг келтирилган ва кирим қилинган материаллари (1510 счетидан фойдаланмасдан) транспорт хизмати учун, юклаш-тушириш, ҳужжатлаштирилмаган жўнатмалар бўйича, қабул қилишдаги ортиқчалар (ҳужжатга нисбатан) учун счет фактураларнинг акцептланиши	1010-1090	7010 7020	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
4	Мол етказиб берувчиларнинг боқиш ва бўрдоқига қўйишга олинган ҳайвонлар учун счет фактураси тўловга қабул қилиниши	1110	7010 7020	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
5	Олинган КТБ счет фактурасининг акцептланиши	1210 1220 1230	7010 7020	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
6	Турли харажатларга олинган турли ТМЗ (1510 счетидан фойдаланганда) учун мол етказиб берувчиларнинг счет-фактураси тўловга қабул қилиниши	1510	7010 7020	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
7	Сотиб олинган моддий ускуналар, номоддий активлар бўйича ҚҚС ҳисобланиши	4510	7010 7020	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
8	Мол етказиб берувчиларнинг бажарилган ишлари ва кўрсатган хизматлари, шу жумладан асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари, умум ишлаб чиқариш ва умум хўжалик эҳтиёжлари учун энергия, газ, буғ, сув, алоқа хизматлари счетининг акцептланиши	2010 2310 2510	7010	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
9	Мол етказиб берувчиларнинг ташқи носозлик (брак) аниқланиши билан кўрсатилган турли хизматлар бўйича операцияларнинг акс эттирилиши	2610	7010	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
10	Мол етказиб берувчиларнинг бажарилган ишлари, кўрсатган хизматлари учун счети акцептланиши, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун электр энергия, газ ва бошқа шунга ўхшаш	2320 9450	7010	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
11	Мол етказиб берувчиларнинг нокапитал ишлар ишлаб чиқаришдаги кўрсатган хизматлари учун счети акцептланиши	2710 2720 2790	7010 7020	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
12	Мол етказиб берувчиларнинг келгуси давр харажатларига олиб бориладиган ишлар ишлаб чиқаришдаги кўрсатилган хизматлари учун счетининг тўловга қабул қилиниши	3110 3120 3130 3190	7010 7020	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
13	Сотиб олинган товарлар учун мол етказиб берувчиларнинг счети тўловининг қабул қилиниши	2910-2990	7010 7020	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
14	Маҳсулот тайёрлашдаги бажарган ишлари кўрсатилган хизматлар (транспорт,энергия, таъмирлаш ва ш.ў) учун мол етказиб берувчилар ва пудратчилар счетининг тўловга қабул қилиниши	9411	7010 7020	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
15	Товарларни сотиб олишда мол етказиб берувчиларнинг кўрсатган хизматлари ва бажарган ишлари (транспорт, энергия, таъмирлаш ва ш.ў.) учун счетининг акцептланиши	9411	7010 7020	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
16	Савдодаги транзит сотишда мол етказиб берувчилар кўрсатган хизматлар ҳисобда катнашиб, харидорлар ҳисобига олиб бориладиган операциянинг акс эттирилиши	2990	7010	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
17	Табиий офатларнинг олдини олиш ёки бартараф этишда, ҳамда тара топширувчи томонидан тараларни қайта топширишдаги мол етказиб берувчилар ва пудратчилар томонидан кўрсатилган хизматлар учун счетининг тўловга қабул қилиниши	9720	7010	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
19	Турли товар моддий захиралари келиб тушишида (кирим қилингунча) табиий камайиши меъёри миқдорида ёки корхона ва унинг ишчилари айби билан қабул қилиниши бўйича камомад аниқланди	9433 4630	7010	Тижорат далолатномаси
20	Алмаштириш ҳисоби жунатилган товар моддий захираларининг қиймати миқдорида қарзнинг камайтирилиши	7010	9010-9030, 9210 2220	Счет-фактура
21	Шунинг ўзи, фақат олдин юборилган товар моддий захиралари ҳисоблашда	7010	4010	Счет-фактура

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
22	Мол етказиб берувчилар ёки пудратчиларнинг счети (қарзи) ҳисоб китоб счетидан ёки валюта счетидан шу жумладан таъминланган векселлар билан тўлаш	7010 7020	5110 5220	Счет-фактура
23	Мол етказиб берувчи ёки пудратчининг счети банкдаги махсус счетлардан тўланиши	7010 7020	5510-5590	Счет-фактура
24	Кредитор қарзни тўлаш ҳисобига мол етказиб берувчиларга оддий векселларнинг берилиши	7010	7020	Счет-фактура
25	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар счетини тўлаш пайтида олдиндан берилган бўнаклар ва тўланган счетларнинг ҳисобга олиниши	7010	4310	Бухгалтерия ҳисоби
26	Харидорлар қарзи, мол етказиб берувчилар олдидаги қарзларни тўлаш учун ҳисобга олиниши	7010 7020	4010	
27	Даъво муддати тугаганлиги сабаб кредитор қарз суммасини чиқим қилинишининг акс эттирилиши	7010	9390	Қарзни чиқим қилиш далолатномаси
28	Сотиб олинган мулк ҳамда берилган векселларни тўлаш пайтидаги валюта курсининг ижобий фарқи акс эттирилиши	7010 7020	9540	Счет-фактура, бухгалтерия ҳисоби
29	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзларни банкдан олинган узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар билан тўланиши	7010 7020	6910 7510	Кредит шартномаси, банк кўчирмаси

71 — Бўлинмалардан узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетлари

Филиаллар, бўлимлар, ваколатхоналар ва бошқа корхонанинг алоҳида балансга ажратилган бўлинмалари билан ҳамма турдаги узоқ муддатли қарзлари тўғрисидаги маълумотларнинг умумлаштирилиши қуйидаги счетда амалга оширилади:

7110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетлари».

Жумладан, берилган мулк бўйича қарз, бир бирига берилган моддий бойликлар бўйича, маҳсулот сотиш бўйича, умум бошқарув фаолияти харажатлари берилиши: бўлинма ишчиларига берилган меҳнат ҳақи бўйича.

Счет кредитида бўлинмалар билан турли хилдаги операциялар бўйича мажбуриятлар, материал бойликлар, тегишли харажатлар, пул маблағлари ва ҳоказо счетлар корреспонденциясида акс эттирилади.

7110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетлари» счетининг аналитик ҳисоби ҳар бир бўлинма ва ҳар бир операция тури бўйича олиб борилади.

(71) Бўлинмалардан узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан турли хил товар-моддий бойликларининг олиниши (ускуналар, материаллар, ҳайвонлар, КТБ)	0710 0720 0810-0890	7110	Счет-фактура
2	Шунинг ўзи, лекин тегишли вақтларда кирим 1510 счетидан фойдаланиб акс эттирилади	1510	7110	Счет-фактура
3	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан олинган ТМБ қиймат ўзгариши ҳисобга олиниши	1610	7110	Счет-фактура, бухгалтерия ҳисоб-китоби
4	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларнинг, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжи, умум ишлаб чиқариш ва умум хўжалик эҳтиёжлари, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари харажатларининг акс эттирилиши	2010 2310 2320 2510 9410-9440 9450	7110	Счет-фактура

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
5	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмадан ярим фабрикатларнинг кирим қилиниши	2110	7110	Счет-фактура
6	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалар томонидан, келгуси давр харажатлари таркибида ҳисобга олиналиган ишлар бўйича хизматлар кўрсатилишининг акс эттирилиши	3110-3190	7110	Счет-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси
7	Ички бўлинмаларга сотилган маҳсулотлар таннархи, ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар қиймати ва бошқа активлар қийматлари акс эттирилиши	9110-9130 9210 9220	7110	Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиш далолатномаси, счет-фактура
8	Ички бўлинмалардан кассага нақд пул тушиши (путевка)	5010	7110	Кирим касса ордери
9	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан банкка тушумининг акс эттирилиши	5110 5210	7110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
10	Ўша бўлинмалардан пул ҳужжатлари тушумининг акс эттирилиши	5110 5210	7110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
11	Ўша бўлинмалардан пул жўнатмалари тушумининг акс эттирилиши	5610	7110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
12	Ўша бўлинмалар фойдаси ҳисобига олиб бориладиган турли зарарлар суммасига (табиий офатлар, пожар, жарима ва ш.ў.)	9720 9430	7110	Қарорлар тўғрисида далолатнома, раҳбар қарори
13	Филиалларга қарзларни тўлаш пайтидаги салбий курс фарқлари	9620	7110	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

72 — Муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби счетлари

Хўжалик-молиявий фаолияти билан боғлиқ узоқ муддат асосида узайтирилган корхонанинг узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счетларда амалга оширилади:

7210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар»;

7220 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар»;

7230 «Облигациялар бўйича муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)»;

7240 «Облигация бўйича муддати узайтирилган мукофотлар (устмалар)»;

7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар».

7210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар» счетида вақтинчалик фарқлар чиқарилиши мавжудлиги натижасида ҳосил бўладиган даромад (фойда) солиғи муддатининг узайтирилган суммаси акс эттирилади.

Вақтинчалик фарқ — бу айрим даромадлар ва харажатлар моддаларининг солиққа тортиладиган даромадга қўшилган ҳисобот даври билан даромад ҳисобга олинган ҳисобот даврининг тўғри келмаслигидан ҳосил бўладиган ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган ва ҳисобга олинадиган даромад ўртасидаги фарқ.

Даромад (фойда) солиғи бўйича харажат ҳисобга олинган даромаддан ҳисобланади, тўланадиган даромад (фойда) солиғи эса солиққа тортиладиган даромад натижасида ҳисобланади.

Ҳисоб даромадидан (фойдадан) ва солиққа тортиладиган даромад (фойда)ларни аниқлашдаги фарқ молиявий ҳисоботда ҳисобга олиниши лозим.

Бухгалтерия усули бўйича солиқ бўйича вақтинчалик фарқлар, даромад (фойда) солиғи корхонанинг даромад олишдаги қилган харажатлари каби қаралади, шунинг учун ҳам тегишли даромад ва харажатлар бўлган даврда ҳисобланади ва корхонанинг молиявий — хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Солиққа тортиладиган вақтинчалик фарқлар мавжудлиги натижасида ҳосил бўлган ва келгуси даврларда тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммаси 7210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар» счетида акс эттирилади ва баланс ҳисоботида мажбуриятлар сифатида классификацияланади. Ҳар йили солиқ бўйича муддати узайтирилган мажбуриятларнинг

тегишли қисми даромад (фойда) солиғи ҳисоби бўйича муддати узайтирилган мажбуриятларнинг жорий қисми сифатида акс эттирилади.

7220 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар» тўлови қонунчилик асосида ваколатли ҳукумат органлари қарори бўйича бир неча йилга узайтирилган бюджет олдидаги солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли қарзлар акс эттирилади. Жорий ёки кўпроқ даврда тўланмайдиган тўлов суммалари корхонанинг муддати узайтирилган мажбуриятлари сифатида тан олинади ва улар келажакда тўланади. Счетнинг кретиди бўйича узайтирилган узоқ муддатли тўловлар суммаси тегишли харажатлар ҳисоби счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

7220 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар» счети аналитик ҳисоби ҳар бир муддати узайтирилган солиқлар ва тўловлар ва уларнинг тўлаш муддати бўйича олиб борилади.

7230 «Облигациялар бўйича муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)» счети облигация бўйича чегирмалар ва устамалар бўйича корхона мажбуриятларининг узоқ муддатли қисми акс эттирилади.

Облигациялар мукофотли ёки чегирма билан сотилганда, бухгалтерия проводкасида (ёзувида) акс эттириладиган фоизларга тўланадиган харажатлар ҳақиқий тўланадиган фоизлардан фарқ қилади. Чегирма бу харажатларни кўпайтиради, мукофот эса камайтиради.

Облигацияларни чегирма билан сотишда 7230 «Облигациялар бўйича муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)» счети бир вақтнинг ўзида олинган суммага 5110 «Ҳисоб китоб» счети дебети билан, 6920 ёки 7610 «Тўланадиган облигациялар» счетлари корреспонденциясида дебетланади. Облигациялар бўйича жорий фоизларни тўлашда 9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар» счети дебетланади, у ўзида тўланаётган фоизлар суммасини ва қопланган чегирмани мужассам этади ва 7230 «Облигациялар бўйича муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)» счети ва 5110 «Ҳисоб китоб» счети тўланган суммага кредитланади.

Облигацияларни мукофотли сотишда 7240 «Облигация бўйича муддати узайтирилган мукофотлар» счети олинган

мукофот суммасига 6920 ёки 7610 «Тўланадиган облигациялар» кредити ва 5110 ҳисоб-китоб счети дебети билан корреспонденцияда кредитланади. Мукофот облигация қарзи даври мобайнида 9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар» счетига чиқим қилинади. 7230, 7240 счетлари бўйича аналитик ҳисоб облигацияларнинг ҳар бир тури ва тўлаш муддати бўйича олиб борилади.

7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» счети олдинги счетларда кўрсатилганлардан ташқари молиявий хўжалик фаолияти билан боғлиқ корхонанинг турли узоқ муддатли узайтирилган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

(72) Муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи суммаси ва ҳисобот даврининг даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисобланган қарзи акс эттирилган	9810	7210 6410	Солиқ ҳисоб-китоби
2	Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар, бюджет олдидаги жорий қарзга чиқим қилинди	7210	6410	Солиқ ҳисоб-китоби
3	Солиқ бўйича бюджетга узоқ муддатли қарзлар ҳисобланди	9810	7220	Солиқ ҳисоб-китоби
4	Мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли қарз ҳисобланди	9439	7220	Бухгалтерия ҳисоб китоби
5	Ҳукумат қарори бўйича, тўлов муддати узайтирилган, муддати узайтирилган узоқ муддатли солиқ ва мажбурий тўловларнинг жорий қисми, бюджетга тўлаш учун ҳисобот даврига чиқим қилинди	7220	6220	Бухгалтерия ҳисоб китоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
6	Облигацияларни чегирма билан сотиш (номинал қийматдан паст қийматда)	5110 5120 7230	7610	Юк хати, бир-бирига ўтказиш далолатномаси
7	Муддати узайтирилган облигация чегирмасини жорий қисмга, кейинчалик харажатларга чиқим қилиш учун чиқим қилиниши	6230 9610	7230 6230	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
8	Облигацияларни мукофотли сотиш (номинал қийматдан юқори)	5110 5120	7610 7240	Юк хати, бир-бирига ўтказиш далолатномаси
9	Муддати узайтирилган облигация мукофотини жорий қисмига кейинчалик даромадларга чиқим қилиниши билан чиқим қилинди	7240 6240	6240 9530	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

73 — Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар ҳисоби счетлари

Товар моддий бойликларни етказиб бериш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун олинган бўнаклар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетда умумлаштирилади:

7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар».

7310 счетида турли харидор ва буюртмачилардан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар учун олинган бўнак суммалари акс эттирилади.

Олинган бўнак суммаси, ҳамда маҳсулот ва ишлар (хизматлар)нинг қисман тайёри учун олинган тўловлар 7310 счети кредитида ва пул маблағлари ҳисоби счетлари дебети бўйича акс эттирилади. Ишлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг тугатилиши ва буюртмачига топшириши меъёри бўйича, ҳамда харидорларга маҳсулот жўнатилишида, олинган бўнак суммаси харидорлар ва буюртмачилар қарзларининг камайишига ҳисобга олиниб, 7310 счети дебетига ва 6310 счет кредитига олиб борилади, шу билан бирга олинган узоқ муддатли бўнак суммасининг жорий қисмини ҳисобдан чиқариб, кейинчалик маҳсулот реализацияси счети 9010, 9020, 9030, 9210, 9220 ёки 4010 счетлари кредитига ва реализацияни ҳисобга

олиш тартибига кўра 6310 «Харидорлар ва бюртмачилардан олинган бўнак» счети дебетига олиб борилади.

Счетлар бўйича аналитик ҳисоби олинган аванслариинг ҳар бир тури бўйича олиб борилади.

(73) Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	ТМЗ етказиб бериш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, буюртмачилар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва ишлар қисман тўлови учун бўнак (нақд ва банкдаги счетларга) олиниши	5010 5020 5110 5210 5220 5510-5590	7310	Банкдан кўчирма, шартнома
2	Харидорларга (буюртмачиларга) ишлаб чиқилган буюмлар ва ишлар жўнатилганлиги асосий воситалар ёки бошқа активлар сотилиши счетини тақдим этилиши боис, олдин олинган бўнак суммасининг ҳисобга олиниши	7310 6310	6310 9010-9030 9210 9220	Бажарилган ишлар далолатномаси
3	Нақд ёки банкдаги тегишли счетларга олдин олинган бўнакнинг қайтарилиши	7310	5010 5020 5110 5210 5220 5510-5590	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси, даъво ҳужжатлари
4	Пул ўтказиш йўли билан олдин олинган бўнакнинг қайтарилиши (бунгача бу сумма йўлда ҳисобда бўлган)	7310	5610	Тўлов топшириқномаси, даъво ҳужжатлари
5	Банк кредитлари ҳисобидан олинган бўнакнинг қайтарилиши	7310	6910 7510	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси, даъво ҳужжатлари
6	Шунинг ўзи, фақат бошқа корхоналардан олинган қарз маблағлари ҳисобига	7310	6920-6940 7610 7620	Қарз олиш тўғрисида шартнома, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси, даъво ҳужжатлари

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
7	Даъво муддати ўтганлиги сабабли фойдаланилмаган бўнакнинг ҳисобдан чиқарилиши	7310	9390	Банкротликни тан олиш тўғрисида қарор, тугатиш тўғрисида қарор, инвентаризация комиссиясининг қарори, буйруқ

74 — Бошқа шахслардан узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетлари

Бошқа шахслардан узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетларида корхонанинг турли жисмоний ва юридик шахслар олдидаги турли хилдаги нотижорат операциялари (ўқув муассасалари, илмий ташкилотлар ва ш.к.) бўйича, транспорт (темир йўл ва сув) корхоналарига чек билан тўланадиган хизматлари учун ижро варақаси ёки суд органларининг қарорига асосан турли хил корхона ва алоҳида шахслар фойдасига ходимларнинг иш ҳақидан ушланган суммалар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари акс эттирилади.

Қуйидаги счетда ҳисоб амалга оширилади:

7410 «Бошқа шахслардан узоқ муддатли қарзлар».

Ушбу счет кредити бўйича узоқ муддатли қарзлар, товар-моддий бойликлар, тегишли харажатлар ҳисоби счетлари дебети билан корреспонденциясида акс эттирилади.

7410 «Бошқа шахслардан узоқ муддатли қарзлар» счети аналитик ҳисоби турли қарзларнинг ҳар бир тури бўйича олиб борилади.

(74) Бошқа шахслардан узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счети корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Турли корхоналардан ва шахслардан номоддий активлар, ускуналар, материаллар, ҳайвонлар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва шунга ўхшаш, транспорт харажатлари (чеклар ва ш.ў.) олиниши ва кирим қилиниши	0410-0490 0710-0720 1010-1090 1100 1210	7410	Бир бирига ўтказиш далолатномаси, счет-фактура

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
2	Турли корхона ва ташкилотларнинг капитал қурилишда ва асосий восита сотиб олиш пайтида хизмат кўрсатиши (транспорт хизматлари, чек билан тўланадиган)	0810-0890	7410	Бажарилган ишлар далолатномаси
3	Турли корхона ва шахслардан турли ТМБ олиниши ва улар томонидан кўрсатилган турли хизматлар (транспорт ва бошқалар)	1510	7410	Счет-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси
4	Турли корхона ва ташкилотлар асосий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича умум ишлаб чиқариш ва умум хўжаликка-талуқли-ёрдамчи цехларга турли хизматларнинг кўрсатилиши	2010 2310 2510 9410-9440	7410	Счет-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси
5	Олинган брак маҳсулотларини тўғрилаш билан боғлиқ харажатлар бўйича истеъмолчиларга қарзларнинг акс эттирилиши	2610	7410	Брак тўғрисида далолатнома
6	Турли корхона, ташкилот ва шахсларга улар томонидан ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хўжаликка кўрсатган хизматлари учун қарзлар	2320 9450	7410	Бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
7	Шунинг ўзи, фақат нокапитал ишлаб чиқаришдаги хизматлари учун	2710-2790	7410	Бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
8	Шунинг ўзи, фақат келгуси давр харажатларига олиб бориладиган хизматлар	3110-3190	7410	Бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
9	Турли корхоналар, ташкилотлар ва шахслардан товарлар тушумига, шу жумладан бартер бўйича	2910-2990	7410	Счет-фактура
10	Хизматлар лимитланган чеклар билан тўланган тақдирда транспорт корхоналарига қарздорлик ҳисобланиши	9430	7410	Бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
11	Асосий воситалар ҳамда турли мулклар ҳисобдан чиқарилишида турли корхоналарга кўрсатган хизматлари учун қарздорликнинг акс эттирилиши	9210 9220	7410	Ҳисобдан чиқарилиш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси
12	Квартира ижарада турувчилардан, турли корхона ва шахслардан, шу жумладан ота-оналардан (болалар муассасалари бўйича) ходимлардан ижро варақалари бўйича қарздорлик суммасининг кассага тушуми	5010	7410	Кирим касса ордери
13	Қарзлар тўланиши (ижро варақаси ва бошқалар) учун турли шахслардан қарз суммаларининг тушуми	5110 5210	7410	Кирим касса ордери
14	Турли корхона ва шахслардан пул ҳужжатларининг тушуми	5510 5520	7410	Юк хати, квитанция
15	Турли шахслардан жўнатмалар тушуми	5610	7410	Юк хати, квитанция,
16	Қимматбаҳо қоғозларнинг (номинал қийматда) сотиб олиниши	0610 5810	7410	Юк хати, бир-бирига ўтказиш далолатномаси
17	Квартира тўлови ва коммунал хизматлар учун, ижро варақалари бўйича тўловлар, депонент қарзлар, кредитга олинган товарлар учун иш ҳақидан ушланган суммалар	6710	7410	Бухгалтерия ҳисоб китоби
18	Ҳисобдан чиқарилган дебитор қарзлар, жарима пеня ва неустойкалар	9439	7410	Бухгалтерия ҳисоб китоби
19	Маданий-маърифий муассасалар, соғломлаштириш оромгоҳи, турли корхоналарнинг кўрсатган хизматларининг акс эттирилиши	9439	7410	Счет-фактура
20	Сотиб олинган акцияларнинг сақланиши учун депазитарияга қарзнинг ҳисобланиши	9690	7410	Счет-фактура

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
21	Олдин ҳисобланган захиралари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар учун турли корхоналарга қарздорликнинг акс эттирилиши	8910	7410	Бажарилган ишлар далолатномаси
22	Мақсадли маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган, турли корхона, ташкилотлар ва шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар учун қарзларнинг акс эттирилиши	7710	7410	Бажарилган ишлар далолатномаси

75 — Узоқ муддатли банк кредитлари ҳисоби счетлари

Республика ҳудудидаги ва хориждаги банклардан корхона томонидан олинадиган сўмда ва чет эл валютасидаги турли ўрта муддатли ва узоқ муддатли (12 ойдан кўп бўлган муддатга) кредитларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг умумлаштирилиши қуйидаги счетда амалга оширилади:

7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари».

Кредитлар тартиби, кредитларни ҳужжатлаштириш ва уларни тўлаш қонунлари ва кредит шартномалари билан тартибга солинади. Олинган ўрта муддатли ва узоқ муддатли банк кредитлари суммаси 7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счети кредитида тегишли пул маблағларини ҳисобга олиб борувчи счетлар, 5110 «Ҳисоб китоб счети», 52 «Валюта счетлари ҳисоби счетлари», 55 «Банкдаги махсус счетлар ҳисоби счетлари» счетлари дебетида акс эттирилади. Банк кредитларини тўлаш суммасига 7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счети пул маблағлари ҳисоби счетлари корреспонденциясида дебетланади. Ўз муддатида тўланмаган банк кредитлари алоҳида ҳисобга олиб борилади.

Узоқ муддатли кредитларнинг аналитик ҳисоби, кредитлар тури ва муддати банклар бўйича олиб борилади.

(75) Узоқ муддатли банк кредитлари ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Узоқ муддатли банк кредитлари ҳисобидан капитал қўйилмалар орқали асосий воситалар олиниши ва кирим қилиниши	0820 ёки 0820 5110 (0110-0190	7510 5110 7510 0820)	Асосий воситаларни бир-бирига ўтказиш далолатномаси, счет-фактура, тўлов топшириқномаси
2	Тузилган кредит шартномаси ҳисобидан банк векселининг олиниши	0910 4020	7510	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
3	Олинган кредит ҳисобидан капитал қўйилманинг амалга оширилиши	0810-0890 7010 7020	7010 7020 7510	Қурилган объектлари қабул қилиш ва топшириш акти, счет-фактура, банк кўчирмаси
4	Кредитлаш шартномасига асосан кредит учун фоизларнинг кредит бўйича қарзларга қўшилиши	9610	7510	Кредит шартномаси, банк кўчирмаси
5	Узоқ муддатли банк кредитлари бўйича салбий курс фарқининг акс эттирилиши	9620	7510	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
6	Олинган узоқ муддатли кредит суммасининг акс эттирилиши	5110 5210 5510-5530	7510	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
7	Олинган банк кредитлари ҳисобидан бўнакнинг ўтказилиши	4310 4510-4520	7510	Счет-фактура, ТТН, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
8	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарзлар кредит ҳисобидан тўланиши	6010	7510	Счет-фактура, ТТН, тўлов топширикномаси, банк кўчирмаси
9	Узоқ муддатли банк кредитлари бўйича қарзларнинг тўланиши	7510	5110 5210 5220	Кредит шартномаси, тўлов топширикномаси, банк кўчирмаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
10	Узоқ муддатли кредитларнинг олинган қисқа муддатли кредитлар билан тўланиши	7510	6910	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
11	Узоқ муддатли банк кредитлари бўйича ижобий курс фарқларининг акс эттирилиши	7510	9540	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
12	Банкдан кредит ўрнига вексел олинди	5610	7510	Кредит шартномаси

76 — Узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетлари

Республика ҳудудидаги ва хориждаги қарз берувчилар (банклардан ташқари) билан сўмда ва чет эл валютасида улардан 12 ойдан ортиқ муддатга олинган кредит ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счетларда амалга оширилади:

7610 «Тўланадиган облигациялар»;

7620 «Тўланадиган векселлар»;

7630 «Тўланадиган лизинг — узоқ муддатли қисми»;

7690 «Бошқа узоқ муддатли тўланадиган счетлар».

Қарз берувчилардан (банклардан ташқари) маблағларнинг келиб тушиши пул маблағлари ёки ҳисоблашувлар счетлари дебетида ва узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетлари кредитида акс эттирилади (76).

Тўланадиган қарз суммасига узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счети, пул маблағлари ҳисоби счетлари корреспонденциясида дебетланади.

Узоқ муддатли қарзлар счетлари бўйича аналитик ҳисоби ҳар бир қарз берувчилар ва кредитларни тўлаш муддати бўйича олиб борилади.

7610 «Тўланадиган облигациялар» счетида қарз берувчиларга берилган облигациялар ҳисобига тўлаш муддати 12 ойдан кўп бўлган муддатга корхонага жалб қилинган маблағлар ҳисобга олинади. Йиллик ажратма суммаси облигациялар

чиқарилган муддатга ва кўрсатилган фарқнинг ҳажмига кўра ҳисобланади.

7620 «Тўланадиган векселлар» счетида қарз берувчилар томонидан тўлаш муддати 12 ойдан кўп бўлган муддатга берилган векселлар ҳисобга олинади.

Векселлар ҳисоби операциялари корхона — вексел эгаси томонидан қуйидагича акс эттирилади: 7620 «Тўланадиган векселлар» (векселнинг номинал қиймати бўйича) счети кредити ва 5110 «Ҳисоб китоб счети» ёки 5210 «Валюта счети» (пул маблағларининг ҳақиқий олинган суммасига) счети ва бошқа активлар ҳисоби счетлари дебетида.

Векселлар ҳисоби операциялари тўланганлиги тўғрисидаги банк хабарномасига асосан ёпилади ва вексел суммаси 7620 «Тўланадиган векселлар» счети дебетида ва тўланадиган счетлар кредитида акс эттирилади.

Вексел эгаси — корхона томонидан пул маблағлари қайтарилишида (векселларни ҳисоблаш натижасида қарз берувчилардан, вексел берувчи ёки бошқа тўловчилар белгиланган муддатда вексел тўлови бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун олинган) 7620 «Тўланадиган векселлар» счети дебети бўйича пул маблағлари ҳисоби счетлари корреспонденциясида ёзув амалга оширилади. Бунда харидорлар, буюртмачилар ва бошқа дебиторлар билан ҳисобкитоблар бўйича қарзлар, муддати узайтирилган векселлар билан таъминланган бўлса, мол етказиб берувчилар ва буюртмачиларга тўланадиган счетлар ҳисоби счетида ҳисоблаш давом эттирилаверади.

Қарз берувчи олдидаги корхона томонидан берилган векселлар билан таъминланган қарз 7620 «Тўланадиган векселлар» счетидан чиқим қилинмайди, аналитик ҳисобда алоҳида олиб борилади.

Дисконтланган векселлар бўйича аналитик ҳисоби вексел ёки бошқа қарз мажбуриятлари ҳисобини амалга оширган банклар, вексел берувчилар ва алоҳида векселлар бўйича юритилади.

7630 «Тўланадиган лизинг — узоқ муддатли қисми» счетида узоқ муддатли молиявий лизинг шарти билан берилган узоқ муддатли активлар учун ижарага берувчилар билан ҳисобкитоблар ҳисобга олинади.

Ижарага берувчи олдидаги узоқ муддатли активлар учун қарзлар, корхонага молиявий лизинг шарти билан тушуми 7630 «Тўланадиган лизинг — узоқ муддатли қисми» счети кредити бўйича 0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счети билан корреспонденцияда ҳисобга олинади.

7690 «Бошка узоқ муддатли тўланадиган счетлар» счетида қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги шартнома асосида олинган бошқа узоқ муддатли қарзлар ҳисобга олинади.

(76) Узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Қарз берувчилардан асосий воситалар номоддий активлар, товар-моддий бойликларининг тушуми (келиб тушиши)	0820 0830 0890 0110-0190 0410-0490	7610-7690 0820	Счет-фактура, ТТН, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
2	Қарз берувчилардан (банклардан ташқари) 12 ойдан кўп муддатга маблағлар тушумининг келиб тушиши	5010 5110 5210	7610-7690	Кредит шартномаси, банк кўчирмаси
3	Салбий курс фарқлари шу жумладан баланс тузилган санага қарзларнинг қайта баҳолаш фарқининг акс эттирилиши	9620	7610-7690	Кредит шартномаси, курс фарқларини аниқлаш ҳисоб-китоби, банк кўчирмаси
4	Қарз берувчилардан қарз ҳисобига вексел олиниши	5610	7620	Кредит шартномаси
5	Қарз бериш шартномасига асосан қарз бўйича фоизларнинг қарзга қўшилиши	9610	6820	Кредит шартномаси, банк кўчирмаси
6	Берилган вексел ҳисобига узоқ муддатли қарз олиниши	5110 5210	7620	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
7	Ижарага берувчи олдидаги молиявий лизинг шароитида келиб тушган асосий воситалар учун қарздорликнинг акс эттирилиши	0310	7630	Молиявий лизинг бўйича шартнома, асоссий воситани қабул қилиш далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
8	Молиявий лизинг шартномаси бўйича фоизнинг ҳисобланиши	9610	6820	Молиявий лизинг бўйича шартнома, фоиз ҳисоблаш ҳисоб-китоби
9	Берилган облигациялар ҳисобига узоқ муддатли қарзлар олиниши	5110 5210	7610	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
10	Қарз берувчилардан (банклардан ташқари) олдин олинган узоқ муддатли қарзларнинг тўланиши	7610-7690	5010 5110 5210	Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
11	Чет эл валютасидаги узоқ муддатли қарзлар бўйича ижобий курс фарқининг акс эттирилиши, шу жумладан баланс тузиш санасига бўлган қарзларни қайта баҳолашдаги фарқлари	7610-7690	9540	Курс фарқларини аниқлаш ҳисоб-китоби
12	Ижарага берувчига, асосий воситаларнинг қайтарилишида, молиявий лизинг бўйича олинган, молиявий лизинг муддати тугагунча бажарилмаган тўловлар суммаси — жорий қисми	7630	6810	Молиявий лизинг буйича шартнома, асосий воситаларни бериш далолатномаси
13	Молиявий лизинг бўйича жорий қисми тўловининг акс эттирилиши	6810	7630	Молиявий лизинг шартномаси, тўлов ҳисоб-китоби

77 — Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар ҳисоби счети

«Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар ҳисоби счетлари» счети маълум мақсадларга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш учун йўналтирилган қайтари-

ладиган пул маблағлари, ҳамда ҳукумат органларининг субсидиялари ва бошқаларнинг ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счетларда амалга оширилади:

7710 «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар».

Маълум мақсадларга мўлжалланган маблағларнинг олиниши 7710 «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» счети кредитида акс эттирилади. Мақсадли молиялаштириш кўрсатилган манбалар қандай маблағлар ҳисобидан ташкил топганлигига қараб ёзувлар пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар ёки турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар ҳисоби счетлари корреспонденциясида амалга оширилади (68).

Қайтариладиган мақсадли молиялаштиришнинг фойдаланиши пул маблағлари ҳисоби счетлари кредитида, тегишли счетлар дебетида кўрсатилади.

7710 «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» дебетига тегишли счетлар кредитидан келиб тушган мақсадли молиялаштиришни қоплаш суммаси чиқим қилинади.

7710 «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар счети» аналитик ҳисоби мақсадли маблағларнинг мўлжалланиши ва келиб тушиш манбалари бўйича олиб борилади.

(77) «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар ҳисоби счетлари» счети кореспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Олинган мақсадли йўналтирилган маблағлар акс эттирилди	5010 5110 5210 6810-6890	7710	Авизо, ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
2	Олинган мақсадли йўналтирилган маблағлар қайтарилган (тўланган)	7710	5110	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма

IV қисм. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ

8-бўлим. КАПИТАЛ, ФОЙДА ВА ЗАХИРАЛАР

Бу бўлим счетлари корхона хусусий капиталининг, қонун ҳужжатлари ва (ёки) таъсис ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган фондлар ва захираларнинг аҳволи ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Хўжалик юритувчи субъектнинг активлари ва мажбуриятлари орасидаги фарқ хусусий капитални ташкил этади. Ўз навбатида хусусий капитал икки категория (хил)га бўлинади: инвестициялаштирилган (қўйилма) капитал ва тақсимланмаган фойда.

Хусусий капитал фаолият натижасида, эгаларига амалга оширилган тўловлар ёки қўшимча инвестициялар натижасида кўпайиши ёки камайиши мумкин.

Ҳисоб қуйидаги счетларда амалга оширилади:

8510 — Устав капитали (фонди) ҳисоби счетлари;

8520 — Қўшилган капитал (фонди) ҳисоби счетлари;

8530 — Захира капитали (фонди) ҳисоби счетлари;

86 — Сотиб олиган хусусий акциялар ҳисоби счетлари;

87 — Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳисоби счетлари;

88 — Грантлар ва субсидиялар (капитал) ҳисоби счетлари;

89 — Келгуси харажатлар ва тўловлар захираси ҳисоби счетлари.

8510 — Устав капитали (фонди) ҳисоби счетлари

Устав капитали (фондли) ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги счетларда амалга оширилади:

8511 «Оддий акциялар»;

8512 «Имтиёзли акциялар»;

8513 «Пай ва улушлар».

Устав капитали — корхона мулкидаги, уни ташкил қилиш пайтидаги, унинг таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда фаолият кўрсатишини таъминлаш учун таъсисчилар (қатнашчилар)нинг корхона мол-мулкидаги пул бирлигидаги улушларининг (номинал қиймати, акциялар, улушлар) йиғиндисини ифодалайди. Устав капиталини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ташки-

лий-ҳуқуқий формасига асосан таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Ушбу счетда устав капитали рўйхатдан ўтказилган миқдори доирасида ёки акцияларнинг тўланган номинал қийматида акс эттирилади. Устав капитали миқдори устав рўйхатдан ўтказилган суммадан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Корхона устав капиталининг кўпайиши ёки камайиши таъсисчилар қарори бўйича корхона уставига ва бошқа таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Таъсисчилар улушининг ҳақиқий тушуми 4710 «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзи» счети кредитидан турли активлар дебет счетига ўтказилади. Устав капиталига улуш сифатида киритилаётган моддий бойликлар ва номоддий активлар таъсисчилар ўртасида келишув бўйича, ҳақиқий бозор нархи мўлжалида баҳоланади. Устав капиталига киритилиши лозим бўлган қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа молиявий активлар ҳам келишилган қийматда баҳоланади.

Қатнашчиларга устав капиталидаги уларнинг улуши қайтарилиши устав капитали суммасини камайтирмайди. Ҳисобда бу операция акциядорлик жамиятининг сотиб олинган ўз акциялари сифатида 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий», 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счетлари дебетига ўтказиш билан акс эттирилади.

8511 «Оддий акциялар» счети оддий акцияларни — овоз бериш ва имтиёзли акциялар бўйича қайд қилинган дивидендлар тўлангандан сўнг соф фойдани тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи акцияларни ўзида мужассам этадиган акционер капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акционерлик жамияти давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг унинг устав капитали акционерлар томонидан ўз акция улушлари тўлови учун тақдим этилган маблағлар ҳисобидан шаклланади ва проспект эмиссиясида рўйхатдан ўтган суммада 8511 «Оддий акциялар» счети кредитида 4710 «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счети билан корреспонденцияда акс эттирилади. Акциялар учун тўлов маблағларининг ҳақиқий тушуми 4710 «Устав

капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счети кредити бўйича пул маблағлари, ТМБ ва бошқа активлар ҳисоби счетлари корреспонденциясида ўтказилади. Чунки, акционер капитали ҳисобда рўйхатдан ўтказилган, лекин ҳали тугалланмаган эмиссияда акс эттирилади. Эълон қилинган (чиқаришга рухсат этилган), чиқарилган (акционерлар обунаси амалга оширилган) ва муомалада булган оддий акциялар ҳар бир эммиссияси бўйича алоҳида аналитик ҳисоб олиб бориш зарур. Номинал қийматни акционерлик жамиятининг юридик капитали аниқлайди ва акция чиқариш (эммиссия)га рухсат бериш рўйхатдан ўтказишда белгиланади. Қимматли қоғозлар эмиссиясини рўйхатдан ўтказиш тартиби, оддий ва имтиёзли акциялар чиқариш шартлари ва уларнинг эмитентларини сотиб олиш 26 апрел 1996 йилги 223-1-сонли «Акционерлик жамияти ва акционерлар ҳуқуқлари ҳимояси тўғрисида»ги Қонун ва 10 июл 1998 йилги 423-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозларни чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага асосан тартибга солинади.

Акциялар 8511 «Оддий акциялар» счетида номинал қиймат бўйича ҳисобга олинади, номинал қийматдан юқори ёки паст қийматда сотишдан олинган ҳар қандай сумма 8521 «Эмиссион даромад» счетида акс эттирилади.

Акционерлик жамиятлари янги акциялар чиқариш ёки уларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан ўз устав капиталини оширишлари мумкин.

Акционерлик жамияти устав капиталининг миқдори уларнинг номинал қиймати пасайиши натижасида, корхона томонидан акционерлардан акцияларнинг бир қисмини сотиб олиши ёки обунаси капитал обунаси тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган барча суммаларни қопламаслиги натижасида камайиши мумкин.

Акция ликвидлигини ошириш мақсадида уларни майдалаш қўлланилади, яъни чиқарилган акциялар сонини ошириш билан пропорционал уларнинг номинал қиймати камайтирилади. Акцияларни майдалаш акционер капитал миқдорига таъсир кўрсатмаганлиги, фақат номинал қийматини ва муомаладаги акциялар сонини ўзгартирганлиги учун бундай операцияларга бухгалтерия проводкалари берилмайди,

фақат бу операциялар 8511 «Оддий акциялар» счети аналитик ҳисоби регистрларида акс эттирилиши лозим.

8511 «Оддий акциялар» счети бўйича аналитик ҳисоби капиталнинг шаклланиши босқичлари ва хўжалик юритувчи субъект таъсисчилари бўйича ахборотларнинг вужудга келишини таъминлаши лозим. 8512 «Имтиёзли акциялар» счети овоз бериш ҳуқуқини таъминламайдиган, лекин акционерга қайд қилинган дивиденд келтирувчи, яъни оддий акциялар олдида фойдани тақсимлашда имкониятга эга имтиёзли акциялар кўринишида чиқарилган акционер капитали ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акция ҳисоби 8512 «Имтиёзли акциялар» счетида акциялар номинал қиймати бўйича амалга оширилади. Акцияларни номинал қийматдан ортиқча нархда сотишдан олинган ҳар қандай сумма 8512 «Эмиссион даромад» счетида акс эттирилади. Имтиёзли акция аналитик ҳисоби оддий акциялар ҳисобидай олиб борилади.

8513 «Пай ва улушлар» счети ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра мулкдорнинг (давлат ёки хусусий корхона) ёки қатнашчилар бадали (ўртоқлик, ҳамкорлик) мулкини намоён этадиган, хўжалик юритувчи субъект устав капитали (фонди) ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Давлат корхоналари устав капиталини белгиланган тартибда шакллантиради. Давлат томонидан берилган асосий ва айланма маблағлар йиғиндиси тушунилади.

Капитал улуши — хўжалик фаолияти юритиш учун қатнашчиларнинг тўланган (киритилган) бадаллари йиғиндиси.

Пай фонди — ишлаб чиқариш кооперативи аъзоларининг (бирга тижорат фаолияти юритиш учун) пай бадалларининг йиғиндиси.

Корхона рўйхатга олингандан сўнг унинг устав капитали таъсис ҳужжатларида инобатга олинган, таъсисчиларнинг пай ва бадаллари суммаси, 8513 «Пай ва улушлар» счети кредити бўйича 4710 «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счети билан корреспонденциясида акс эттирилади.

Таъсисчилардан бадалларнинг ҳақиқий тушуми 4710 «Ус-

тав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счети кредити бўйича, пул маблағлари ҳисоби ва бошқа моддий ва номоддий бойликлар ҳисоби счетлари корреспонденциясида ўтказилади.

Устав капитали счети аналитик ҳисоби хўжалик юритувчи субъект таъсисчилари бўйича олиб борилади.

(8510) Устав капитали ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Устав капитали (корхона рўйхатдан ўтгандан сўнг) иштирокчилар ҳиссаларининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган суммасида тасдиқланди (оддий ва имтиёзли акцияларга обуна суммасида):			Таъсис ҳужжатлари
	— номинал қиймати бўйича	4710	8511 8512	
	— номинал ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ	4710	8521	
	— рўйхатга олинган пай ва бадаллар суммасида	4710	8513	
2	Ҳар хил активлар устав капитали (фонди)га бадал сифатида балансга қабул қилинди	Турли мол мулк счети	4710 4890	Бир бирига топшириш далолатномаси, таъсис шартномаси
3	Фойданинг бир қисми устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилган	8710	8511 8512	Таъсисчилар қарори, бухгалтерия ҳисоб-китоби
4	Устав капитали тўланган капитал миқдорида камайтирилди	8511 8512 8513	4710	Шунинг ўзи
5	Корхона таъсисчиларининг ҳиссаларини қайтариш акс эттирилган; акциялар номинал қийматининг камайтирилиши; устав капиталининг камайтирилиши	8511 8512 8513	6620	Таъсисчилар қарори
6	Сотиб олинган ва бекор қилинган акциялар устав капитали камайишига ҳисобдан чиқарилган а) номинал қийматдан ортиқ сотиб олинган			Таъсисчилар қарори, бухгалтерия ҳисоб-китоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
	— номинал қийматга — номинал қийматдан ортиқча суммага б) номинал қийматдан камга сотиб олинган — сотиб олиш қийматига — номинал қийматдан кам суммага	8511, 8512 8521 8511, 8512 8511, 8512	8610, 8620 8610, 8620 8610, 8620 9590	
7	Меҳнат жамоаси аъзоларига корхонанинг фойдаси ҳисобидан бепул берилган акциялар қиймати	4710 8710	8511 8512 4710	Акцияларни бериш қайдномаси
8	Мақсадли молиялаштирилган маблағлар (мақсадли дастурларни маблағ билан таъминлашга олинганларидан ташқар) устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилган	8810	8511 8512 8513	Таъсисчилар қарори
9	Ким ошди савдосида (кўрикда) корхона сотиб олган мулкнинг бошланғич ва баҳоланиш қиймати ўртасидаги фарқ (баҳоланиш қиймати бошланғич қийматдан юқори) акс эттирилган	0440	8511 8512 8513	Бир бирига ўтказиш далолатномаси, бухгалтерия ҳисоб-китоби
10	Эмиссия даромади акс эттирилган (акцияларнинг сотиш харажатлари чиқариб ташланган номинал қийматдан ортиқ суммалари)	5010 5020 5110 5210 5220	8521	Кирим ордери, банк кўчирмаси, бухгалтерия ҳисоб-китоби
11	Асосий воситалар объектларининг бепул берилиши (давлат тизимидаги корхоналар учун)	8513	0110-0190	

8520 — Қўшилган капитал ҳисоби счетлари

Қўшилган капитал ҳисоби счетлари оддий ва имтиёзли акциялар учун олинган номинал қийматдан ортиқча суммалар, шунингдек бепул олинган мол-мулк мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Қўшилган капитал акцияларни номинал қийматдан ор-

тиқча нархлар бўйича бирламчи сотишдан олинган эмиссион даромадни акс эттиради.

Қўшилган капитал счетида устав капиталига бадаллар тўлаш пайтида содир бўлган курс фарқлари суммаси ҳам ҳисобга олинади.

Қўшилган капитал мавжудлиги ва ҳаракати қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

8521 «Эмиссион даромад»;

8522 «Устав капиталини шакллантиришда курс фарқлари»;

8523 «Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол мулк».

8521 «Эмиссион даромад» счети акция номинал қийматидан ортиқча олинган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Келиб тушган суммалар 8521 «Эмиссион даромад» счети кредити бўйича ўз акцияларини сотиб олишдаги нарх фарқларини қоплаш учун ишлатилиши ва сотиб олинган ўз акцияларини бекор қилиниши — ушбу счетнинг дебети бўйича ҳисобга олинади. Қўшимча тўланган капитал аналитик ҳисоби оддий ва имтиёзли акциялар бўйича алоҳида олиб борилади. 8522 «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счети устав капиталини шакллантириш жараёнида ҳосил бўлган курс фарқларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Устав капиталини шакллантиришда валюта ва валюта бойликлари устав капиталига тўлаш пайтига ҳаракатда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича баҳоланади. Валюта ва валюта бойликларини ва бошқа мол-мулкни баҳолаш уларни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги таъсис ҳужжатларида баҳолашда фарқ қилиш мумкин. Бундай пайтда содир бўлган курс фарқлари 8522 «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счетида ҳисобга олинади. Баҳолашдаги ижобий фарқлар мол-мулк, валюта бойликлари счетлари дебети бўйича ва 8522 «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счети кредитида, салбий курс фарқлари эса — тескари бухгалтерия проводкаси (ёзуви)да акс эттирилади. Нархлар ва курслардаги фарқларни чиқим қилишнинг ушбу тартиби, таъсисчиларнинг таъсис ҳужжатларида келишилган устав капиталидаги улушларининг ўзгармаслигига имконият яратади.

Устав капиталини шакллантиришда содир бўладиган курс фарқлари аналитик ҳисоби ҳар бир таъсисчи бўйича (очиқ

турдаги акционерлик жамиятлари акционерлари билан ҳисоб-китоб ҳисобидан ташқари) алоҳида олиб борилади.

8523 «Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк счети» қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулкни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк 8523 «Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк» счети кредитида, моддий ва номоддий активлар ҳисоби счетлари корреспонденциясида акс эттирилади. Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк (даромад) солиғига тортилади. Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк солиққа тортиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан тартибга солинади.

(8520) Қўшилган капитал ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Акцияларнинг номинал ва эмиссион қиймати ўртасидаги навбатдаги эмиссияда қўшимча тўланган капиталдан маблағлар тушуми	5010 5020	8521	Кирим касса ордери, банк кўчирмаси
2	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш қийматидан ортиқ қийматга иккинчи бор сотишдан маблағлар тушуми	5010 5020	8610 8620	Кирим касса ордери, банк кўчирмаси
3	Акцияларни сотиб олиш қийматидан паст қийматда қайта сотишда қўшилган капитал маблағларининг ишлатилиши	8521	8610 8620	Таъсисчилар қарори, ҳисоб-китоб счетидан кўчирма
4	Ўз акцияларини сотиб олишдаги номинал ва сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқни қоплаш, уларни бекор килишда қўшилган капитал маблағларининг ишлатилиши	8521	8610 8620	Таъсисчилар қарори
5	Устав капиталини шакллантиришда, капитални тўлаш пайтида ҳосил бўлган ижобий курс фарқлари	4710 4890	8522	Таъсис ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоб-китоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
6	Устав капиталини шакллантиришда, капитални тўлаш пайтида ҳосил бўлган салбий курс фарқлари	8522	4710 4890	Таъсис ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоб-китоби
7	Қимматли қоғозлар бепул олинди	0610 5810	8523	Бир бирига ўтказиш далолатномаси, юк хати
8	Асосий воситалар бепул тушуми	0110-0192	8523	Шунинг ўзи
9	Монтаж талаб қиладиган ускуналар бепул олинди	0710-0720	8523	Шунинг ўзи
10	Ижарага берувчининг ижарачи жорий ижара бўйича қайтарган асосий воситалар қийматини ижарачининг ижарага олган асосий воситаларга сарфлаган капитал маблағлари қийматига кўпайтириши	0110-0199	8523	Таъсисчилар қарори, бухгалтерия ҳисоб-китоби

8530 — Захира капитали ҳисоби счетлари

Захира капитали ҳисоби счетлари таъсис ҳужжатларига асосан фойда ҳисобидан, активларнинг қайта баҳоланишидан ҳосил бўладиган (пул маблағларидан ташқари) инфляция захиралари ташкил топадиган захираларнинг ҳисоби учун мўлжалланган.

Захира капитали мавжудлиги ва ҳаракати қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

8532 «Захира капитали».

Захира капитали ҳисоби счетлари аналитик ҳисоби шундай ташкиллаштириш лозимки, у маблағларнинг фойдаланиш йўналиши бўйича маълумотларнинг шаклланишини таъминлаши керак.

8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счетида активларни қайта баҳолаш натижаси бўйича аниқланадиган, уларнинг қийматининг ўсиши ҳисобга олинади. Активларни қайта баҳолаш натижасида ташкил этилган захира капиталининг ташкил топиши ва кўпайиши 8531 «Активларни қайта

баҳолаш бўйича тузатишлар» счети кредити бўйича қайта баҳолаш натижасида қийматининг ўсиши аниқланган активлар ҳисоби счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

Агар қайта баҳолаш натижасида активлар қийматининг камайиши содир бўлса, унда ҳозирча қиймат камайиши худди шу активнинг олдинги ўсиши билан қопланади, у 8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счети дебети бўйича акс эттирилади. Қиймат пасайиши суммаси шу активлар бўйича олдинги қайта баҳолашдаги ўсишдан ортиқ бўлса, у ҳолда чиқим сифатида тан олинади ва 9439 «Бошқа операцион харажатлар» счетида акс эттирилади. 8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счети қолдиғи балансда «Захира капитали» моддаси бўйича акс эттирилади. Бу счет бўйича дебет ёзуви қуйидаги ҳолларда бўлиши мумкин:

— 8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счетида ҳисобда бўлган маблағлар ҳисобидан, мол мулкни қайта баҳолаш натижасида аниқланган, унинг қийматининг пасайиши суммаси ёпилиши, қийматнинг пасайиши аниқланган мол-мулкни ҳисобга олувчи счетлар корреспонденциясида;

— 8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счетида ҳисобда бўлган маблағлар ҳисобидан, инвестициялар қийматининг пасайиши суммаси ёпилиши, қийматнинг пасайиши аниқланган инвестицияларни ҳисобга олувчи счетлар корреспонденциясида;

— корхонани тугатиш пайтида таъсисчилар ўртасида суммалар тақсимланиши 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» счети билан корреспонденциясида.

8532 «Захира капитали» счетида резерв капиталини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги қонунлари ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган, акционерлик жамиятлари, қўшма корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг захира капитали мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида маълумотларни, ҳамда акциядорлик жамиятининг мулкини кўпайтирувчи бошқа тушумлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Захира капитали маблағи умумий баланс зарарларини қоплаш, кутилмаган операциялардан кутилаётган муомалаларни, қарзларни чиқим қилишда ва тўлашга бошқа имконият-

лар бўлмаган пайтда бошқа мақсадларга захиралар сифатида ишлатилиши мумкин.

Захира капиталини ташкил этиш 8532 «Захира капитали» счети кредити бўйича 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси» счети корреспонденциясида акс эттирилади. Захира капитали маблағларининг ишлатилиши 8532 «Захира капитали» счети дебети бўйича бу маблағлар истеъмолчиларининг счетлари корреспонденциясида ҳисобга олинади. Масалан, 6610 «Тўланадиган дивидендлар» счети билан ушбу мақсадлар учун ҳисобот йилининг фойдаси йўқ бўлса ёки етарли бўлмаса, қатнашчиларга даромадлар (дивиденд) тўлови учун йўналтирилган сумма қисмига.

(8530) Захира капиталини ҳисобга олиш счетлари бўйича корреспонденция

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Активларнинг қиймати оширилиши натижасида захира капиталининг ўсиши: — асосий воситалар — инвестицияларнинг баланс қиймати	 0110-0199 0610-0690	 8531	Қайта баҳолаш тўғрисида қарор, бухгалтерия ҳисоб-китоби
2	Активлар қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капиталининг камайиши, олдинги қайта оширилиш қиймати ошган сумма меъёрида: — асосий воситалар — узоқ муддатли инвестициялар олдинги қайта баҳолашдан ўсган суммадан ошган суммага — асосий воситалар — узоқ муддатли инвестициялар	 8531 8531 9439 9439	 0110-0199 0610-0690 0110-0199 0610-0690	Қийматни тушириш тўғрисида қарор, бухгалтерия ҳисоб-китоби
3	Захира капитали (олдин бозор қийматида қайта баҳоланган, қайта баҳолаш суммасини маблағларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар счетига олиб борилган) қимматли қоғозларни сотиш натижасида камайиши	8531	9560	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, бухгалтерия ҳисоб-китоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
4	Ҳукумат қарорига биноан асосий воситалар қийматининг оширилиши	0111-0199	8531	Кайта баҳолаш тўғрисида қарор, бухгалтерия ҳисоб-китоби
5	Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг қайта оширилиши	0310	8531	Шунинг ўзи
6	Ҳукумат қарори бўйича қайта, баҳолаш натижасида, монтаж талаб қилинадиган ускуналар нархининг оширилиши	0710-0720	8531	Шунинг ўзи
7	Ҳукумат қарорига биноан тугалланмаган қурилишнинг қиймати оширилиши	0810-0820	8531	Шунинг ўзи
8	Эскириш суммаси индексацияси — қиймат оширилиши — қиймат пасайтирилиши	8531 0211-0290	0211-0290 8531	Шунинг ўзи
9	Жорий йилнинг тақсимланган фойда суммаси таъсис ҳужжатлари ва қонунчиликда белгиланган тартибда захира капиталига йўналтирилиши	8710	8532	Таъсис ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоб-китоби
10	Ижарага берувчининг ижарачи жорий ижара бўйича қайтарган асосий воситалар қийматини ижарачининг ижарага олган асосий воситаларга сарфланган капитал маблағлари қийматига кўпайтирилиши	0110-0199	8523	Таъсисчилар қарори, бир бирига ўтказиш далолатномаси, бухгалтерия ҳисоб-китоби
11	Корхонани тугатиш пайтида ҳар хил дебитор қарзларни чиқим қилиш ҳисобига захира капитали камайиши	8532	Ҳар хил дебитор счети	Тугатиш комиссияси қарори, бухгалтерия ҳисоб-китоби
12	Корхонани тугатиш пайтида захира капитали ҳисобидан қатнашчиларга даромад (дивиденд) ҳисобланиши	8532	6610 6620	Дивиденд ҳисоблаш қайдномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
13	Захира капитали суммаси қатнашчиларга дивидендлар тўлаш учун йўналтирилди, бундай мақсадлар учун фойданинг йўқлиги ёки камлиги ҳолларида	8532	6610	Таъсисчилар қарори, бухгалтерия ҳисоб-китоби

86 — Сотиб олинган акциялар ҳисоби счетлари

Сотилган, кейин эмитет (акциядорлик жамияти) томонидан қайта сотиб олинган ва улар томонидан кейинчалик қайта сотиш ёки бекор қилиш учун ушлаб турилган (сақланаётган) сотиб олинган хусусий акциялар — оддий ва имтиёзли акциялар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счетларда амалга оширилади:

8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий»;

8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли».

Бошқа турдаги хўжалик юритувчи субъектлар (ўртоқлик, маъсулияти чекланган жамиятлар ва бошқалар) бу счетдан бошқа қатнашчиларга ёки учинчи шахсларга бериш учун белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари сотиб олган устав капиталидаги улушларини ҳисобга олиш учун фойдаланишади.

Сотиб олинган хусусий акциялар ҳисоби счетлари 8510 «Устав капитали» счети контр-пассив счет ҳисобланади. Акционерлик жамиятининг акционерлик капиталининг камайишини (қисқаришини) кўрсатади ва балансда устав капитали бўйича умумий жамланмадан айириладиган сумма сифатида акс эттирилади. Сотиб олинган хусусий акциялар уларни оборотга қайта сотиш пайтигача ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмайди — овоз бериш, дивиденд олиш ҳуқуқига, имтиёзли ҳуқуқларга, акционерлик жамияти тугатилаётганда, унинг активларидаги улушлар ҳуқуқига эга бўлмайди. Аммо акция номинал ёки ундан ортиққа сотилган бўлса, кейинчалик эмитент томонидан сотиб олинса, у номинал қийматдан паст нарх бўйича сотилиши мумкин. Бундай жараён бошланғич эмиссияда йўл қўйилмайди. Эмитент томонидан сотиб олинган хусусий акциялар 8610 «Сотиб олинган хусусий акция-

лар — оддий» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счетлари дебетида номинал қийматда ёки бошланғич сотиш қийматида эмас, ҳақиқий сотиб олиш қиймати бўйича акс эттирилади.

Сотиб олинган акцияларнинг сотиб олиш қийматидан юқори қийматда қайта сотишда, сотиб олиш ва қайта сотиш қиймати ўртасидаги фарқ 9590 «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар» счетига кредитланади. Агар сотиб олинган хусусий акциялар уларни сотиб олиш қийматидан паст қийматда қайта сотилса фарқ 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счетига дебетланади.

Номинал қийматидан паст қийматда сотиб олинган хусусий акциялар бекор қилинишидаги фарқ 9590 «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар» счети кредитида акс эттирилади.

Агар бекор қилинган сотиб олинган хусусий акциялар қиймати, уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, унда фарқ 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счети дебети бўйича акс эттирилади.

(86) Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олиш счетлари бўйича корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Акционерлардан уларга тегишли акцияларни сотиб олиш қиймати бўйича сотиб олинди	8610 8620	5110 5210 5220 6620	Таъсисчилар қарори тўлов ҳужжатлари
2	Хўжалик юритувчи субъект иштирокчиси улуши сотиб олиш қиймати бўйича сотиб олинди	8610 8620	5110 5210 5220 6620	Шунинг ўзи
3	Сотиб олинган хусусий акциялар сотиб олиш қийматидан юқори қийматда қайта сотилиши	5010 5020 4710	8610 8620 9590	Таъсисчилар қарори, бир бирига ўтказиш далолатномаси, юк хати
4	Сотиб олинган хусусий акциялар сотиб олиш қийматидан паст қийматда қайта сотилиши: сотиб олиш ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ суммасига	5010 5020 9690	8610 8620 8610 8620	Шунинг ўзи

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
5	Устав капиталидаги сотиб олинган қатнашчилар улушини сотиб олиш қийматидан юқори қийматда қайта сотиш	5010 5020 4710	8610 8620 9590	Шунинг ўзи
6	Устав капиталидаги сотиб олинган қатнашчилар улушини сотиб олиш қийматидан паст қийматда қайта сотиш; сотиб олиш ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ суммасига	5010 5020 9690	8610 8620 8610 8620	Шунинг ўзи
7	Номинал қийматдан паст қийматда сотиб олинган хусусий акциялар бекор қилиниши	8511 8512 8511 8512	8610 8620 9590	Таъсисчилар қарори, бекор қилиш тўғрисида далолатнома
8	Номинал қийматдан юқори қийматда сотиб олинган хусусий акциялар бекор қилинди	8511 8512 9690	8610 8620 8610 8620	Шунинг ўзи
9	Бекор қилиш мақсадида қатнашчилар улуши номинал қийматда сотиб олинган суммага устав капитали камайиши: номинал ва сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқ суммасига: — ижобий — салбий	8513 8610 9690	8610 9590 8610	Таъсисчилар қарори, бекор қилиш тўғрисида далолатнома

87 — Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳисоби счетлари

Корхона фаолияти давомида, шунингдек ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойдаси ёки қопланмаган зарари суммаларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетларда олиб борилади:

8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)» счетида корхона фаолиятининг ҳисобот йили бўйича тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ҳисобга олинади.

Ҳисобот даврининг охирида якуний проводка билан тақсимланмаган фойда суммаси 8710 «Ҳисобот даврининг тақ-

симланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счети кредитига, зарар суммаси эса шу счетнинг дебетига 9900 «Якуний молиявий натижа» счети билан корреспонденцияда чиқим қилинади.

Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойда суммаси, дивиденд ҳисобланган дан сўнг 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счетидан 8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» счетига ўтказилади.

Хўжалик фаолиятидан олинган даромаддан зарарлар ва дивиденд тўловлари кўп бўлган бўлса, 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счети дебет қолдиққа эга бўлиши мумкин. Зарар суммаси 8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» счети дебетида акс эттирилади ва шу билан уни камайтиради.

Тақсимланмаган фойданинг дивидендлар тўлови йўналтирилиши 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счети дебети бўйича ва 6610 «Тўланадиган дивидендлар» счети кредитида дивидендларни акциялар билан тўлашда 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счети дебети бўйича 4710 «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счети кредитида акс эттирилади.

Тақсимланмаган фойда захира капиталини шакллантириш учун ҳам ишлатилиши мумкин, бундай ҳолда 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счети дебетланади ва 8532 «Захира капитали» счети кредитланади.

(87) Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)лар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Якуний молиявий натижа ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) счетига олиб борилади:			Бухгалтерия ҳисоб-китоби
	— фойда суммасига	9900	8710	
	— зарар суммасига	8710	9900	

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
2	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси корхона таъсисчиларига дивидендлар (даромадлар) тўлаш учун йўналтирилган	8710	6610 6710	Таъсисчилар қарори, дивиденд ҳисоблаш қайдномаси
3	Тақсимланмаган фойда захира капитали ташкил қилиш учун йўналтирилган: — ҳисобот йили фойдаси ҳисобидан — жамғарилган фойда ҳисобидан	 8710 8720	 8532	Таъсисчилар қарори, бухгалтерия ҳисоб-китоби
4	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси қуйидагиларда жамғарилган фойдага ҳисобга олинади: — фойда — зарар	 8710 8720	 8720 8710	Таъсисчилар қарори, бухгалтерия ҳисоб-китоби

8810 — Грантлар ва субсидиялар (капитал) ҳисоби счетлари

Грантлар ва субсидиялар (капитал) ҳисоби счетлари ўз капитали ҳисобига олиб бориладиган корхона (компания) фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида кўриладиган, ажратилган субсидия ва грантлар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Грантлар ва субсидиялар (капитал) мавжудлиги ва ҳаракати:

8810 «Грантлар ва субсидиялар (капитал)» счетида ҳисобга олинади.

Давлат томонидан ёрдам (субсидия) дейилганда давлат (ҳукумат)нинг корхона томонидан маълум шартлари бажарилганда, иқтисод ривожланишини қўллаб қувватлаш мақсадида пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тушунилади. Давлат (ҳукумат) ёрдами турли хил шаклларда ва турли хил шартларда тақдим этилиши мумкин.

Давлат субсидияси ҳисоби тартиби БҲМС 10-сон «Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдамини очиш»* стандарти асосида амалга оширилади.

Шу билан бирга субсидия ва грантлар корхоналарга халқаро ташкилотлар ва фондлар томонидан турли нодавлат программаларини амалга ошириш учун берилиши мумкин.

Субсидия ва грантларни ўз капитали сифатида акс эттириш шартлари:

— маълум шартларни бажаришда қайтарилмаслик;

— субсидия ва грантлар уларни жалб қилишда харажатлар бўлмайди, шунинг учун даромад бўлмайди.

Аналитик ҳисоби ҳар бир ажратилган субсидиялар ва грантлар ва уларнинг манбалари бўйича юритилади.

8810 «Грант ва субсидия (капитал)» счети бўйича корреспонденция

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Грант ва субсидия ажратилганлиги тўғрисида хабарнома олинди	4890	8810 9390	Грант бериш тўғрисида қарор
2	Ажратилган грант ва субсидиялар бўйича маблағ олинди	5110-5120 5210-5220	4890	Тегишли банк счетларидан кўчирма
3	Тегишли бўлинма қарорига биноан олдин берилган грант ва субсидия суммаси устав капитали кўпайишига олиб борилган	8810	8511 8512 8513 8523	Устав капиталини кўпайтириш тўғрисида қарор
4	Тегишли бўлинма қарорига биноан олдин олинган грант ва субсидия суммаси захира капитали кўпайишига олиб борилган	8810	8532	Резерв капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарор

8910 — «Келгуси харажатлар ва тўловлар захираси» счети

8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар захираси» счети бир маромда харажатлар ва тўловларни ишлаб чиқариш ёки муомала харажатларига қўшиш максадида белгиланган тартибда захираланган суммалар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари ҳисобидан суммаларни захиралаш тартиби тегишли қонунчилик ва норматив ҳужжатлар, ҳамда маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни иш-

лаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан тартибга солинади.

Резервларни ҳисоблаш бўйича операциялар 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар захираси» счети кредити бўйича ва ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари ҳисоби счетлари дебети бўйича акс эттирилади (20, 23, 25, 94).

Захира суммаларидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ва тўловлар 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар захираси» счети дебети бўйича захираларнинг камайишига 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счети билан корреспонденцияда — корхона цехлари томонидан амалга оширилган асосий воситалар ремонти қийматига чиқим қилинади ёки 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар захираси» счети дебетига чиқим қилинади, мисол учун материаллар, материаллар ҳисоби счетларининг кредитидан (10) чиқим қилинади, асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счетлари кредити бўйича олдин келгуси харажатлар тартибига захираланган эскириш суммаси акс эттирилади.

У ёки бу захиралар ташкил этилиш ва фойдаланиш сумаси давр мобайнида (йил охирида эса албатта) смета маълумотлари, ҳисоб-китоблар ва шу кабилар маълумотлари бўйича текширилади, лозим бўлганда корректировка қилинади.

8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар захираси» счети аналитик ҳисоби захиралар бўйича алоҳида олиб борилади.

8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар захираси» счети корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига келгуси харажатлар захирасининг ташкил этилиши акс эттирилган ҳамда ҳисобланган захирани қайта ҳисоблаш ёки сторнолаш	2010 2110 2310-2320 2510 2610	8910	Захира ташкил қилиш тўғрисида қарор, захира ҳисоб-китоби
2	Шунинг ўзи, фақат келгуси давр харажатлари бўйича (мавсумий саноат тармоқларида)	3110-3190	8910	Шунинг ўзи

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
3	Аввал келгуси харажатлар таркибига захиралаштирилган эскириш суммаси акс эттирилди (мавсумий саноат тармоқларида асосий воситалар ва ижара буюмлари таъмири)	8910	0211-0299	Эскириш ҳисоб-китоби
4	Аввал ташкил қилинган келгуси харажатлар ҳисобига олиб бориладиган материалларнинг харажатлари чиқим қилинди	8910	1010-1090	Юк хати, талабнома
5	Ремонт ва бошқа ишларни бажаришда фойдаланиладиган, улар бўйича харажатлар олдин захиралаштирилган, КТБ эскириши ҳисобланиши	8910	1210-1230	КТБ эскириши, ҳисоблаш ҳисоб китоби
6	Келгуси харажатлар захираси ҳисобидан амалга ошириладиган, ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар харажат қилинди	8910	2110	Юк хати, талабнома
7	Корхона цехлари томонидан амалга оширилган асосий воситалар ремонти ва бошқа ишлар қиймати ҳамда ишлар ва хизматлар ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хўжаликларнинг аввал ташкил қилинган захиралари ҳисобига чиқим қилинган	8910	2310-2320 9450	Бажарилган ишлар далолатномоси, билдиришнома ёзуви
8	Вақтинчалик биноларни ва иншоотларни тиклаш буйича харажатлар, шу мақсадларда ташкил қилинган захиралар ҳисобидан амалга оширилди	8910	2710-2790	Бажарилган ишлар далолатномаси, юк хати, талабнома
9	Шунинг ўзи, фақат мавсумий тармоқлардаги ижарага олинган асосий воситалар ва бошқалар бўйича ремонт ишлари харажатлари	8910	3190	Шунинг ўзи
10	Ҳисоб китоб ёки валюта счетидан олдин захиралаштирилган суммадан харажатлар тўланиши	8910	5110 5210-5220	Банкдаги счетлардан кўчирма

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
11	Келгуси харажатлар ва туловлар захираси ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар амалга оширилганда турли корхоналарнинг кўрсатган хизматлари қиймати акс эттирилган	8910	6890 7410	Бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
12	Фойдаланилмай қолган келгуси ҳаражатлар заҳирасига ҳисобланган суммалар, корхона фойдасига ўтказилди	8910	9010-9030	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

V қисм. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ФОЙДАЛАНИЛИШИ

9-бўлим. ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР

Бу бўлим счетлари корхонанинг ҳисобот йилидаги фаолияти молиявий натижаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Молиявий натижаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» (1999 йил 5 феврал 54-сон) билан тартибга солинади ва 2, 3, 4-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари билан тартибга солинади.

Ушбу бўлимда қуйидаги счетлар ҳисоби тартиби бўйича маълумотлар келтирилган:

90 — Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счетлари;

91 — Сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисоби счетлари;

92 — Асосий воситалар ва бошқа активларнинг реализацияси ва турли чиқими ҳисоби счетлари;

93 — Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счетлари;

94 — Давр харажатлари ҳисоби счетлари;

95 — Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счетлари;

96 — Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби счетлари;

97 — Фавқулотда фойда (зарар)лар ҳисоби счетлари;

98 — Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиш ҳисоби счетлари;

99 — Якуний молиявий натижа ҳисоби счети.

90 — Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счетлари

Тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан олинган даромадлар, ҳамда сотилган товарларнинг қайтарилиши, сотувдан ва нархлардан чегирмалар тўғрисида маълумотлар қуйидаги счетларда амалга оширилади:

9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олган даромадлар»;

9020 «Товарларни сотишдан олган даромадлар»;

9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар»;

9035 «Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар».

Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобига тегишли счетларда қуйидагилар бўйича соф тушум акс эттирилади:

— саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулоти ва ярим тайёр маҳсулотлар;

— саноат тусидаги ишлар ва хизматлар;

— носаноат тусидаги ишлар ва хизматлар;

— харид қилинган буюмлар (бутлаш учун харид қилинган);

— қурилиш, монтаж, лойиҳалаш-қидирув, геология-қидирув, илмий-тадқиқотчилик ва шу каби ишлар;

— тарнспорт корхоналарида йўловчиларни ва юкларни ташишга доир хизматлар;

— енгил автомобилларни ижарага бериш ва автомобилларни олиб келиш (ҳайдаб келиш)га доир хизматлар;

— транспорт экспедиция ва юклаш-тушириш операциялари;

— алоқа корхоналари хизматлари.

9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счетлари кредитида хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятдан олинган даромадлари (тайёр маҳсулот,

товарлар, ишлар ва хизматларнинг сотилиши) олинадиган счетлар ҳисоби счетлари (4010), бўлимлардан олинадиган счетлар ҳисоби счетлари (4110), пул маблағлари ҳисоби счетлари дебети билан корреспонденциясида акс эттирилади.Ҳисобот даврига тегишли ўтган даврда олинган даромад суммаси 6210 «Муддати узайтирилган даромад», 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

Саноат корхоналари ва буюртмачиларга юклаб жўнатилган маҳсулот,бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тақдим этилиши меъёри бўйича, харидорлар (буюртмачилар)га тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларида тушумдан ҚҚС, акцизлар ва тушумдан бошқа ажратмалар чиқарилгандан қолган сумма юқорида қайд қилинган счетлар кредитида ва олинадиган счетлар ҳисоби счетлари (4010) дебетида акс эттирилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида 9010, 9020, 9030 счетлар кредитида маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлари сотишдан олинган соф тушум олинадиган счетлар ҳисоби счетлари (4010) корреспонденциясида акс эттирилади.

Қурилиш корхоналарида 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счети кредити бўйича тугалланган қурилиш объектларининг ёки пудрат ва субпудрат шартномалари бўйича бажарилган ишларнинг буюртмачилар билан пудратчилар ёки субпудратчилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар бўйича аниқланган тушумдан ҚҚС, акцизлар ва тушумдан бошқа ажратмалар чиқарилгандан қолган қиймати олинадиган счетлар ҳисоби счетлари (4010) корреспонденциясида акс эттирилади.

Геология-қидирув ишларини олиб борадиган корхоналарда 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар счети» кредитида тушумдан ҚҚС, акциз ва тушумдан бошқа ажратмалар чиқарилгандан қолган қиймати бўйича буюртмачиларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича бажарилган ишларнинг шартномавий қийматида олинадиган счетлар ҳисоби счетлари (4010) корреспонденциясида акс эттирилади.

Лойиҳа ва қидирув корхоналарида 9030 «Бажарилган иш-

лар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар счети» кредити бўйича буюртмачиларга топширилган илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишларининг шартномавий (смета) қиймати, ҚҚС, акциз ва тушумдан бошқа ажратмалар чиқарилгандан қолган сумма олинадиган счетлар ҳисоби счетлари (4010) корреспонденциясида акс эттирилади.

Илмий-тадқиқотчилик корхоналарида 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счети кредити бўйича ҚҚС, акциз ва тушумдан бошқа ажратмалар чиқарилган, буюртмачиларга топширилган илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишларининг шартномавий (смета) қиймати олинадиган счетлар ҳисоби счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

Савдо, таъминот ва сотиш корхоналарида 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» счети кредитида ҚҚС, акциз суммалари чиқарилган сотилган товарлар шартномавий қиймати, олинадиган счетлар ҳисоби счетлари (4010) корреспонденциясида акс эттирилади.

Транспорт ва алоқа корхоналарида 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счети кредитида кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган суммалар ҚҚС, акциз ва тушумлардан бошқа ажратмалар чиқарилган қийматда олинадиган счетлар ҳисоби счетлари (4010) корреспонденциясида акс эттирилади.

9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счетлари кредитида ҳисобда бўлган оборотлар (айланмалар) ҳисобот даври охирида 9900 «Якуний молиявий натижа» счети кредитига чиқим қилинади.

9035 «Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар» счети сотилган товарларнинг қайтарилиши ва шартнома шартларига асосан тақдим этилган сотувдан чегирмалар, ҳамда сотилган товарларда аниқланган брак учун тақдим этилган нархлардан чегирмалар ҳисобини олиб бориш учун мўлжалланган. Бу счет асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар счетлари гуруҳига контр-счет бўлиб, унинг дебет обороти молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ялпи реализация суммасидан чиқарилади. 9035 «Сотилган товарларнинг қайта-

рилиши ва чегирмалар» счети дебети бўйича қайтарилган товарларнинг қиймати ёки тақдим этилган сотувдан ва нархлардан чегирмалар, тегишли ҳисоб счетлари корреспонденциясида пул маблағлари — харидорлар ва буюртмачиларга товарлар қийматининг қайтарилишида; олинадиган счетлар ҳисоби счетлари (4010) ва бўлинмалардан олинадиган счетлар ҳисоби счетлари (4110) — қайтарилган товарлар бўйича дебитор қарзнинг бекор қилинган суммасига; турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар ҳисоби счетлари (68) — харидорлар ва буюртмачилардан ушбу товарлар учун олинган тўловлар ва бўнаклар бўйича қарз суммасида акс эттирилади. Шу билан бирга аввал ҳисобланган қўшимча қиймат солиғига бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счетлари тегишли счетлар дебетига ва пул маблағи ҳисоби бўлинмалардан олинадиган счетлар ҳисоби (4110) тегишли счетлари кредитига ёзув амалга оширилади. Қайтарилган маҳсулотлар ва товарлар таннархи қизил сторно усулида товарлар ҳисоби счетлари (2910-2990) тегишли счетлари кредити бўйича, ва сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисоби счетлари (9110-9130) тегишли счетлари дебетида акс эттирилади.

Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби тегишли счетлари бўйича аналитик ҳисоб (9010-9035) ҳар бир сотилган маҳсулот (товар)лар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тури бўйича олиб борилади. Бундан ташқари бу счетлар бўйича аналитик ҳисоб корхонани бошқариш учун зарур бўлган бошқа географик сегмент ва бошқа сегментлар бўйича олиб борилиши мумкин.

(90) Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Харидорларга юклаб жўнатилган товар моддий бойликлари, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҚҚС, акцизлар чиқарилгандан қолган суммага акс эттирилган	4010 4110	9010 9020 9030	Юк хати, бажарилган ишлар далолатномаси, ТТН, счет-фактура

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
2	Маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг нақд пулга сотилиши акс эттирилган (4010 счет қўлланмасдан)	5010 5020	9010 9020 9030	Юк хати
3	Тайёр маҳсулот бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий инвестиция тартибида берилган (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилиши)	9110 (0610	2810 9010)	Шартнома, счет-фактура, юк хати
4	Тайёр маҳсулот бошқа корхоналарга қисқа муддатли молиявий қўйилмалар тартибида берилган (шу жумладан, қимматли қоғозларнинг харид қилиниши)	9110 (5810	2810 9010)	Шартнома, счет-фактура, юк хати
5	Товарлар бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий инвестиция тартибида берилган (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилиши)	9120 (0600	2910-2990 9020)	Бир-бирига ўтказиш далолатномаси, юк хати
6	Товарлар бошқа корхоналарга қиска муддатли молиявий қўйилма тартибида берилган (шу жумладан қимматли қоғозлар қийматининг узилиши)	9120 (5810-5890	2910-2990 9020)	Бир-бирига ўтказиш далолатномаси, юк хати
7	Ўзининг капитал қурилишига бериб юборилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати тушум сифатида акс эттирилди	0890	9010 9030	Юк хати
8	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларининг ўзининг қурилишига бериб юборилган маҳсулот, ишлар ва хизматлар қиймати тушум сифатида акс эттирилган	0810-0890 2320 9450	9010 9030	Юк хати (ички харакат)
9	Ўзининг капитал қурилишига хизмат кўрсатувчи хўжаликларга ва шу кабиларга кўрсатилган умумий ишлаб чиқариш	2510 9410-9450	9030	Юк хати

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
	ва умумий хўжалик тусидаги турли хизматлар қиймати тушум сифатида акс эттирилди			
10	Қайта ҳисобланишлар бўйича харидорлардан жорий йилда келиб тушган суммалар	5110 5210-5220	9010 4010 6410	Банк кўчирмаси, ўзаро ҳисоб-китоб солиштирма далолатномаси
11	Харидорлардан илгари олинган бўнаклар ва маҳсулот ва ишларнинг қисман тайёрлиги бўйича тўланган ва харидорларга (буюртмачиларга) ушбу маҳсулот ва ишларнинг тўлиқ тайёр бўлганда тақдим этишда ҳисобга олинадиган ҳақ маблағлари акс эттирилган	6310	9010 9030	Юк хати, счет-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси
12	Ўз корхонаси ходимларига маҳсулот, ишлар ва хизматлар сотилган (шу жумладан, махсус кийимбош)	6710	9010 9030	Юк хати
13	Корхонанинг тайёр маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) билан корхонада иштирок этишдан олинган даромадларнинг тўланиши акс эттирилган	6710	9010 9020 9030	Юк хати, бажарилган ишлар далолатномаси
14	Воситачилик консигнация операциялари бўйича мижозлардан олиниши лозим бўлган сумма акс эттирилган	4890	9010	Юк хати, бажарилган ишлар далолатномаси
15	Шуъба корхоналарга маҳсулот, ишлар ва хизматлар сотилган	4110	9010 9030	Юк хати, бажарилган ишлар далолатномаси
16	Келгуси давр даромадлари суммалари (бўнак сифатида олинган хизматлар ва ҳ.к.) улар тегишли бўлган ҳисобот даври келганида сотиш ҳажмига киритилган	6210	9010 9020 9030	Бажарилган ишлар далолатномаси
17	Кредитга сотилган товарларнинг қайтарилиши	9035	4010 4110	Сотилган товарларни топшириш далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
18	Сотишдан ва нархлардан чегирма тақдим этилиши	9035	4010 4110	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
19	Ҳисобот ойи тугагандан сўнг 9010, тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар, 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар, 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счетларининг ёпилиши	9010 9020 9030	9900	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
20	Ҳисобот ойи охирида 9035 «Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар» счетининг ёпилиши	9900	9035	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

91 — Сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисоби счетлари

Сотилган тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи тўғрисидаги маълумотларнинг умумлаштирилиши қуйидаги счетларда амалга оширилади.

9110 «Сотилган тайёр маҳсулот таннархи»;

9120 «Сотилган товарлар таннархи»;

9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи»;

9140 «Сотиб олиш (харид ўқув мақсадлари учун қолдирилган)»;

9150 «ТМЗ бўйича тузатишлар (ўқув мақсадлари учун қолдирилган).

Ушбу счетларда қуйидаги сотишлар бўйича таннарх акс эттирилади:

— саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулоти ва ярим тайёр маҳсулотлар;

— саноат тусидаги ишлар ва хизматлар;

— носаноат тусидаги ишлар ва хизматлар;

— харид қилинган буюмлар (бутлаш учун харид қилинган);

— қурилиш, монтаж, лойихалаш-қидирув, геология-қидирув, илмий-тадқиқотчилик ва шу каби ишлар;

— савдо, таъминот ва сотиш корхоналаридаги товарлар;

— транспорт ташкилотларида йўловчиларни ва юкларни ташишга доир хизматлар;

— енгил автомобилларни ижарага бериш ва автомобилларни олиб келиш (ҳайдаб келиш)га доир хизматлар;

— транспорт экспедиция ва юклаш-тушириш операциялари;

— алоқа корхоналари хизматлари;

— ва шу кабилар.

9110 «Сотилган тайёр маҳсулот таннархи», 9120 «Сотилган товарлар таннархи», 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» счетида юклаб жўнатилган тайёр маҳсулотлар,товарлар (иш,хизматлар) таннархи ҳисобга олинади.

Саноат корхоналари харидорлар (буюртмачилар)га юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим этиш меъёрига қараб юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи тайёр маҳсулотлар ҳисоби счетлари (2810-2820), асосий ишлаб чиқариш (2010) ва бошқа тегишли счетлар кредитидан 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи», 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» счетлари дебетига чиқим қилинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи», 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар» счетлари дебетида маҳсулот, ишлар, хизматларнинг режали таннархи (йил давомида, ҳақиқий таннарх аниқланмаган пайтда) ҳисобга олинади ва сотилган маҳсулот, ишлар, хизматларнинг режадаги таннархи билан амалдаги таннархи (йил охирида) ўртасидаги фарқ бу маҳсулотлар (ишлар,хизматлар)ни ҳисобга олган счетлар корреспонденциясида ҳисобдан чиқарилади.

Қурилиш корхоналарида 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» счети дебетида топширилган ишларнинг ҳақиқий таннархи асосий ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари корреспонденциясида ҳисобга олинади.

Геология-қидирув ишларини олиб борадиган корхоналарда 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар» счети дебетида ушбу ишлар бўйича ҳақиқий харажатлар асосий ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари (2010) корреспонденциясида ҳисобга олинади.

Лойиҳалаш ва қидирув корхоналарида 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» счети дебетида буюртмачиларга топширилган тўлиқ тугалланган, лойиҳалар ёки ишларнинг турларига доир лойиҳа смета ҳужжатларининг ҳақиқий таннархи асосий ишлаб чиқариш (2010) ҳисоби счетлари корреспонденциясида ҳисобга олинади.

Илмий тадқиқотчилик корхоналарида 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» счети дебетида илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳақиқий таннархи асосий ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари (2010) корреспонденциясида акс эттирилади.

Савдо, таъминот ва сотиш корхоналарида 9120 «Сотилган товарлар таннархи» счети дебети бўйича счет фактуралар ва юк хатларида кўрсатилган (муддатдан олдин тўловлар учун чегирма, ҳамда сотиб олинган товарлар қайтарилиши ва нархи туширилиши айирмаси) сотиб олиш қиймати сотиб олинган товарларни етказиш билан боғлиқ транспорт харажатлари тўлови, товарларни сотиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатларни ўзида мужассам этадиган товарларнинг бошланғич қийматлари тегишли товарлар ҳисоби счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

Транспорт ва алоқа корхоналарида 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» счети дебетида транспорт ва алоқадан фойдаланиш ҳақиқий харажатлари, ҳамда экспедиция ва юклаш-тушириш операцияларига доир харажатлар асосий ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари корреспонденциясида акс эттирилади. Ҳисобот даври охирида 9110 «Сотилган тайёр маҳсулот таннархи», 9120 «Сотилган товарлар таннархи», 9130 «Сотилган ишлар хизматлар таннархи» счетларида аниқланган жами дебет оборот 9900 «Якуний молиявий натижа» счети дебетига чиқим қилинади.

Сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисоби счетларидан амалиетда фойдаланиш корхонанинг товар моддий захираларини ҳисобга олишда қўллайдиган методи (усули)га боғлиқ.

Товар моддий захираларини ҳисобга олишда узлуксиз метод қўлланилганда,ҳар бир маҳсулот ёки товар таннархи, харажатлар ҳисоби счетларида ишлаб чиқариш жараёнида, унинг ҳаракати меъёри бўйича йиғилади. Тайёр маҳсулот сотилишида, сотилган маҳсулот таннархи сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисоби

тегишли счетлари (91), тайёр маҳсулотлар ҳисоби счетлари (2810-2820) ёки товарлар ҳисоби счетлари (2910-2990) савдо корхоналари учун) корреспонденциясида акс эттирилади.

Товар моддий захираларининг жорий ҳисоби алтернатив метод бўлиб ҳисобланади. ТМЗ жорий ҳисоби методидан фойдаланилганда ҳар бир маҳсулотнинг (товар) таннархи бутун ҳисобот даври мобайнида 9140 «Сотиб олишлар харид» вақтинчалик счетида йиғилади, лекин сотилган маҳсулотнинг, товарларнинг ҳақиқий таннархи фақат ТМЗ инвентаризацияси ўтказилгандан сўнг аниқлаш мумкин. 9150 «ТМЗ бўйича тузатишлар» — вақтинчалик счет ҳисобот даври охирида, ҳақиқатда бўлган ТМЗ инвентаризацияси натижаларини акс эттириш учун фойдаланилади. Кўрсатилган счетнинг дебети бўйича ТМЗнинг камайиши, кредити бўйича эса ўсиши ТМЗ ҳисоби счетлари (10-29) корреспонденциясида акс эттирилади. 9150 счет қолдиғи 9900 «Якуний молиявий натижа» счетига ўтказилиб ёпилади.

(91) Сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Жўнатилган тайер маҳсулот таннархи акс эттирилли	9110	2810	Счет-фактура, таннарх ҳисоби
2	Ҳайвонларнинг четга ёки айрим ички бўлинмаларга чиқиб кетиши акс эттирилди	9110	1110	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, накладной
3	Четга жўнатилган ўзи ишлаб чиқарган ярим тайер маҳсулот ҳисобидан чиқарилди	9110	2110	Накладной
4	Тайер маҳсулот бошқа корхоналарга узоқ муддатли инвестиция тартибида берилди (олинган қимматбаҳо қоғозлар қиймати қопланган	9110 (0610	2810 9010)	Шартнома, счет-фактура, накладной
5	Тайер маҳсулот бошқа корхоналарга қисқа муддатли молиявий қўйилма сифатида берилди (шу жумладан, қимматбаҳо қоғозлар харид қилинган)	9110 (5810	2810 9010)	Шартнома, счет-фактура, накладной

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
6	Бошқа корхоналарга, мактабларга, ўқув юртлари ва ш.к. текинга берилган маҳсулот қиймати	9110 (9430 (9450 ҚҚС, акциз суммасига)	2810 9110) (6410 ҚҚС ва акциз суммасига)	Шартнома, счет-фактура, накладной
7	Товарлар бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий инвестиция тартибида берилди (олинган қимматбаҳо қоғозлар қиймати қопланди)	9120 (0610-0690	2910 9020)	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, накладной
8	Товарлар бошқа корхоналарга қисқа муддатли молиявий қўйилма сифатида берилди (улардан харид қилинган қимматбаҳо қоғозлар қийматини қоплаш учун)	9120 (5810	2910 9020)	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, накладной
9	Ой тугагандан сўнг 9110 «Сотилган тайер маҳсулотлар таннархи», 9120 «Сотилган товарлар таннархи», 9130 «Сотилган итшлар ва хизматлар таннархи» счетларининг ёпилиши	9900	9110 9120 9130	Ж-о 10, 10а-сонли
10	Асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш цехларининг турли хизматлари (2810 счетни четлаб, яъни қўлланмасдан) сотилган	9130	2010 2310	Бажарилган ишлар далолатномаси, накладной
11	Босқичлар бўйича бажарилган ишлар харажатлари ҳисобдан чиқарилди	9130	2010	Бажарилган ишлар далолатномаси
12	Товар-моддий захиралар харид қилинди (ТМЗларни даврий усулда ҳисобга олганда	9140	6010 5010-5020	Счет-фактура, накладной
13	Ҳисобот даври охирида рўйхатга олиш (инвентаризация) натижасига асосан ТМЗ счетларидаги қолдиқ тўғриланди (тузатилди): а) асосий материаллар захираси бўйича: — захиранинг кўпайиши — захиранинг камайиши	 1010-1090 9150	 9150 1010-1090	Бухгалтерия хисблаши

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
13	б) тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича: — кўпайиши — камайиши в) тайер маҳсулотлар бўйича: — захиранинг кўпайиши — захиранинг камайиши г) товарлар бўйича: — захиранинг кўпайиши — захиранинг камайиши	 2010 9150 2810 9150 2910-2990 9150	 9150 2010 9150 2810 9150 2910-2990	
14	Ҳисобот даври охирида 9140 «Сотиб олиш / харид» счетининг ёпилиши	9900	9140	
15	Ҳисобот даври охирида 9150 «ТМЗ бўйича тузатишлар» счетининг ёпилиши	9900 (9150	9150 9900)	

92 — Асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими ҳисоби счетлари

Корхонага тегишли асосий воситалар ва бошқа активлар сотилиши ва турли чиқими (бузиш, чиқим қилиш, бепул берилиши) тўғрисида маълумотлар умумлаштирилиши қўйидаги счетларда амалга оширилади:

9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»;

9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турлим чиқими».

9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счети дебети бўйича асосий воситаларнинг чиқиб кетган объектларининг дастлабки қиймати,шунингдек асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ кўрилган чиқимлар (биноларни, иншоотларни кўчириш бузуш, демонтаж қилиш ва ҳ.к.)ни акс эттиради.

9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счети кредитига асосий воситаларнинг чиқиб кетган объектлари бўйича чиқиш пайтида ҳисобланган эскириш суммаси асосий воситалар объектларини сотишдан олган тушум, асосий воситалар объектларини ҳисобдан чиқариш сабабли келиб тушган моддий бойликларнинг улардан фойдаланиш ёки сотишда мумкин бўлган нархдаги қиймати ёзиб қўйилади. Ассоий воситани сотишдан олган тушум 9210 «Асосий воси-

таларнинг сотилиши ва турли чиқими» счети кредитида 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети корреспонденциясида акс эттирилади.

9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счети бўйича дебет сальдоси (зарар) жорий ҳисобот даврида 9431 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими бўйича зарарлар» счетига ҳисобдан чиқарилади. Кредит (фойда) қолдиғи эса 9310 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда» счетига ҳисобдан чиқарилади. Молиявий лизингга асосий воситалар объектларини топшириш пайтида содир бўлган,келгуси давр даромадлари ҳисобига олиб бориладиган 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счетидаги фойда ёки зарар суммаси 6210 «Муддати узайтирилган даромад» ёки 7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» счетларига ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар объектларининг камомади ёки бузилиши ҳолларида уларнинг дастлабки қиймати дебетга ёзиб қўйилади, ҳисобланган эскириш суммаси эса 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счети кредитига ёзилади. Бойликларнинг камомади сифатида акс эттириладиган қолдиқ қиймати 9210 «Асосий воситаларнинг реализацияси ва турли чиқими» счети кредити бўйича 9433 «Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бўйича харажатлар» счети билан корреспонденциясида ҳисобдан чиқарилади ва кейинчалик бу суммалар 4630 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» счети дебетига ёзиб қўйилади, камомад ёки бузилишнинг аниқ айбдорлари топилмаганда эса 9433 «Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бўйича харажатлар» счетига ёзиб қўйилади. 9210 «Асосий воситалар сотилиши ва турли чиқими» счети аналитик ҳисоби асосий воситаларнинг алоҳида чиқиб кетадиган инвентар объектлари бўйича юритилади.

9220 «Бошқа объектларнинг сотилиши ва турли чиқими» счетида чиқарилаётган бойликларнинг баланс қиймати,ҳамда шулар билан боғлиқ кўрилган харажатлар (комиссион мукофотлаш ва ҳ.к.) акс эттирилади.

9220 «Бошқа объектларнинг сотилиши ва турли чиқими» счети кредитида бойликларни сотишдан олинган тушум, шу

жумладан сотилган мол-мулк учун корхона олиши лозим бўлган сумма акс эттирилади. Номоддий активлар, арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмлар объектлари сотилганда ва бошқача чиқиб кетганда 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва чиқими» счети кредитига, шунингдек бу объектлар бўйича улар чиқиб кетадиган пайтда ҳисобланган эскириш суммаси ҳам номоддий активлар, арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар эсскириши ҳисоби счетлари корреспонденциясида ҳисобдан чиқарилади. Бу счет бўйича дебет қолдиқ (зара) 9432 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими бўйича зарарлар» счетига, кредит қолдиқ эса (даромад) 9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда» счетига ҳисобдан чиқарилади.

(92) Асосий воситалар ва бошқа активларнинг реализацияси ва турли чиқими ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Асосий воситаларнинг чиқиб кетган объектлари дастлабки қиймати акс эттирилган (сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, текинга берилиши)	9210	0110-0190	Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқари иш далолатномаси
2	Лизинг берувчининг балансидан асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилган (молиявий лизинг бўйича)	9210	0110-0190	Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиш далолатномаси
3	Ускуна бошқа корхонага ўз хиссаси билан қатнашиш ҳисобига берилган	9210	0110-0190	Шунинг ўзи
4	Чиқиб кетган асосий воситалар бўйича эскиришнинг акс эттирилиши	0210-0299	9210	Ҳисобдан чиқарилиш далолатномаси, эскириш ҳисоблаш ведомости
5	Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ хизматлари ва харажатлари ҳисобдан чиқарилиши	9210	2310	Бажарилган ишлар далолатномси, юк хати, талабнома

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
6	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишига доир операцияларда қатнашган ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ ҳисобланганда	9210	6710	Иш вақтини ҳисоблаш табели
7	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишга доир операцияларда қатнашган ходимларга ҳақ тўлаш суммалари бўйича ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар амалга оширилган	9210	6520	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
8	Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилишида кўрсатилган хизматлари учун турли корхоналарга қарздорлик акс эттирилган	9210	6890	Бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура
9	Асосий воситалар объектларини узоқ муддатли ижарага беришда пайдо бўлган келгуси давр даромадлари чиқим қилиниши (ижара берувчининг келгуси даромади)	9210	6210 7290	Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
10	Асосий воситаларнинг ишлаб турган объектлари узоқ муддатли ижарасининг тўлиқ муддатига келиб тушган ижара тўловлари суммаси акс эттирилган	0920	9210	Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириқ далолатномаси
11	Асосий воситалар чиқиб кетгандан сўнг қолган материаллар кирим қилинган (фойдаланиши мумкин бўлган нарх бўйича)	1090	9210	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси
12	Асосий воситалар тугатилгандан сўнг КТБ сифатида фойдаланиши мумкин бўлган моддий бойликлар кирим қилинган	1210	9210	Юк хати (кирим ордери)
13	Асосий воситалар чиқиб кетгандан сўнг банкка ҚҚС, акциз ва савдо пулидан бошқа ажратмалар айирилиб келиб тушган тушум акс эттирилган (нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича)	5110	9210	Банк кўчирмаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
14	Харидорларнинг уларга сотилган асосий воситалар учун қарзи акс эттирилган	4010	9210	Юк хати, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
15	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишига доир операциялар бўйича илгари олинган бўнакларнинг ҳисобга олиниши акс эттирилган	6310	9210	Юк хати, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
16	Мол-мулкни сотишдан олган тушум, яъни сотилган асосий воситалар учун корхона олиши лозим бўлган сумма акс эттирилган; уларни лизинг олувчига сотилиши	6890	9210	Шартнома, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юк хати
17	Асосий воситаларни шуъба корхоналарига сотишдан олинган даромад акс эттирилган	4110	9210	Шартнома, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юк хати
18	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишга доир операциялардан ой мобайнида аниқланган ва олинган молиявий натижа (фойда) ҳисобдан чиқарилган	9210	9310	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
19	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишга доир операциялардан ой мобайнида аниқланган ва олинган молиявий натижа (зарар) ҳисобдан чиқарилган	9431	9210	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси
20	Чиқиб кетган номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилиши (сотиш, ҳисобдан чиқариш, текинга бериш ва ҳ.к.)	9220	0410-0490	Номоддий активларнинг ҳисобдан чиқариш далолатномаси
21	Бошқа корхоналарнинг уларга сотилган номоддий ва бошқа активлар учун қарзлари акс эттирилган	4010	9220	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, счет-фактура
22	Номоддий ва бошқа активлар шуъба корхоналарга сотилган	4110	9220	Юк хати, қабул қилиш-топшириш далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
23	АТБ ва ижара буюмлари бошқа корхоналарга сотилган	9220	1210	Счет-фактура
24	Четга сотилган АТБ бўйича эскириш ҳисобдан чиқарилган	1310	9220	Эскириш ҳисоби
25	Четга сотилган турли материаллар ҳисобдан чиқарилган	9220	1010-1090	Счет-фактура
26	Четга чиқиб кетган материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилган	9220	1610	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
27	Боқишда ва бўрдоқига боқишда бўлган ҳайвонларнинг четга бериб юборилиши акс эттирилган	9220	1110	Чиқарилиш далолатномаси
28	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар сифатида ҳисобда турадиган қимматбаҳо қоғозлар сотилган (баланс қийматида)	9220	0610	Шартнома, қабул қилиш-чиқариш далолатномаси, юк хати
30	Корхонанинг хорижий валютани сотиш кунидаги курс бўйича қайта ҳисобланган суммада сотиш	9220	5210-5220	Банкдаги валюта счетидан кўчирма
31	Чет эл валютасини сотиш билан боғлиқ харажатлар	9220	5110 5210-5220	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, бухгалтерия ҳисоб-китоби
32	Бошқа активларнинг сотилиши билан боғлиқ солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги қарз акс эттирилган (шу жумладан ҚҚС)	9210	6410	Солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китоб
33	Бошқа активлар ва қимматли қоғозларни сотишдан тушган тушум ҳисоб-китоб ва валюта счетларига келиб тушди	5110 5210	9220	Банк кўчирмаси
34	Харид қилинган акцияларга мол-мулкни бериш йўли билан ҳақ тўланган	5810 0610	9220	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
35	Хорижий валютани биржадаги курс бўйича сотишдан олинган, банкка тўланган комиссион чиқариб ташланган тушум ҳисоб-китоб счетига келиб тушди (банк корхонанинг топшириғига кўра сотган)	5110	9220	Банк кўчирмаси
36	Илгари бошқа активларнинг харидорларидан олинган бўнакнинг ҳисобга олиниши акс эттирилган	6310	9220	Юк хати, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
37	Қимматли қоғозларни сотувчи корхонага материалларни бериш йўли билан сотиб олинди (бир йилдан ортиқ муддатга)	9220 (0610	1010-1090 9220)	Шартнома, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юк хати
38	Бошқа корхоналарга қисқа муддатли қарзлар тартибида берилган материаллар ҳисобдан чиқарилди; қимматли қоғозларни сотувчи корхонага материалларни бериш йўли билан қимматли қоғозларнинг қиймати узилган	9220 (5810	1010-1090 9220)	Шартнома, юк хати
39	Бошқа корхоналарга асосий подадаги ҳайвонларни мулк қилиб бериш (бир йилдан ортиқ муддатга) йўли билан узоқ муддатли молиявий қўйилмалар амалга оширилган	9220 (0610	1110 9220)	Шартнома, юк хати
40	Бошқа корхоналарга асосий подадаги ҳайвонларни мулк қилиб бериш (бир йилдан кам муддатга) йўли қисқа муддатли молиявий қўйилмалар амалга оширилган	9220 (5810	1110 9220)	Шартнома, юк хати
41	Бошқа корхонага АТБ узоқ муддатли молиявий инвестициялар тартибида берилган (қимматли қоғозларга)	9220 (0610	1210 9220)	Шартнома, юк хати

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
42	Ёрдамчи цехлар ишлар ва хизматларининг бир қисми бошқа корхоналарга узоқ муддатли инвестициялар сифатида берилган (қимматли қоғозларга)	9220 (0610	2310 9220)	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси
43	Ёрдамчи цехлар маҳсулотлари ва кўрсатилган хизматлари бошқа корхоналарга қисқа муддатли инвестиция тартибида берилди (шу жумладан қимматли қоғозлар эвазига)	9220 (5810	2310 9220)	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси
44	Чет эл валютаси аукционда сотилди УзРМБ курси бўйича савдо суммасига	9220 (9430	5210 9220)	Банк кўчирмаси
45	Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан ҳисобот даврида аниқланган ва ҳисобдан чиқарилган фойда	9220	9320	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
46	Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан ҳисобот даврида аниқланган ва ҳисобдан чиқарилган зарар	9432	9220	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

93 — Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счетлари

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

9310 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда»;

9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда»;

9330 «Ундирилган пеня, жарима ва бурдсизликлар»;

9340 «Ўтган йиллар фойдаси»;

9350 «Рента даромадлари ва ёрдамчи хизматлардан тушган даромад»;

9360 «Кредиторлик ва депонентлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромад»;

9370 «ТМЗларини қайта баҳолаш»;

9380 «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам»;

9390 «Бошқа операцион даромад».

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни шакллантириш тартиби БҲМС 2-сон «Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар»* билан тартибга солинади.

9310 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда» счетида ҳисобот даври охирида, 9210 «Асосий воситалар сотилиши ва турли чиқими» счети кредитидан ўтказиладиган, асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда суммаси акс эттирилади.

9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда счетида 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счети кредитидан ҳисобот даври охирида ўтказиладиган бошқа активларнинг сотилишидан ва турли чиқимидан олинган фойда суммаси акс эттирилади.

9330 «Ундирилган пеня, жарима ва бурдсизликлар» счетида қарздорлардан ундирилган жарималар, пенялар, бурдсизликлар ва хўжалик шартномаси шартларини бузганликлари учун санкцияларнинг бошқа турлари, ҳамда келтирилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлар, пул маблағлари ёки харажатлар ҳисоби счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

9340 «Ўтган йиллар фойдаси» счетида ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси ўз аксини топади, яъни; мол етказиб берувчилардан ўтган йилда олинган ва харажат қилинган хизматлар ва моддий бойликлар учун қайта ҳисоблашишлар бўйича келиб тушган сумма; харидорлар ва буюртмачилардан ўтган йилларда сотилган маҳсулотлар учун қайта ҳисоблашишлар бўйича олинган суммалар, пул маблағлари ёки тегишли ҳисоб-китоблар ҳисоби счетлари дебети билан корреспонденциясида.

9350 «Рента даромадлари ва ёрдамчи хизматлардан тушган даромад» счетида ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизматлар) сотилиши билан боғлиқ бўлмаган даромадлар, бевосита рента даромади, корхона қошидаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлар ва тара операцияларидан даромадлар, пул маблағлари ёки ҳисоб-китоблар ҳисоби счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

9360 «Кредиторлик ва депонентлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар» счетида даъво муддати ўтиб

кетганлиги туфайли кредитор ва депонент қарзларнинг ҳисобдан чиқарилишидан олинган даромадларнинг пул маблағлари ҳисоби ёки тегишли ҳисоб-китоблар ҳисоби счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

9370 «ТМЗларини қайта баҳолаш» счетида моддий бойликлар ва тайёр маҳсулотларни қайта баҳолашдан олинган фойдалар, нархларни тартибга солиш натижасида кўрилган зарарларни қоплаш сифатида корхона томонидан олинган тушумлар, ҳамда йўқотишларни қоплаш учун бюджетдан корхона счетига тушган тушумлар, моддий бойликлар ҳисоби счетлари, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар, меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар счетлари корреспонденциясида аксини топади.

9380 «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам» счетида пул маблағлари ва пул эквивалентлари кўринишида қайтарилмайдиган олинган даромадлар пул маблағлари ва пул эквивалентлари ҳисоби счетлари билан корреспонденциясида аксини топади.

9390 «Бошқа операцион даромад» счетида бошқа операцион фаолиятдан олинган даромадлар пул маблағлари ёки ҳисоб-китоблар ҳисоби счетлари билан корреспонденцияда аксини топади.

(93) Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда акс эттирилган	9210	9310	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
2	Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда акс эттирилган	9220	9320	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
3	Бошқа корхоналарга шартнома мажбуриятларига амал қилмаганлик учун солинган жарималар, пеня ва бурдсизлик тўловлари суммалари (эътироф этилган ёки қарор чиқарилган)	4210	9330	Хўжалик суди қарори, инкасса талабномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
4	Даъво муддати ўтиб кетганлиги туфайли кредиторлик қарзларнинг ҳисобдан чиқарилиши	6010	9340	Ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси
5	Харидорлар билан ўтган йиллар операциялари бўйича қайта ҳисоблашишлар акс эттирилган	4010	9340	Ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси
6	Ходимлардан, ўтган йили олган ва сарфлаган хизматлар ва моддий бойликлар юзасидан қайта ҳисоблашлар бўйича келиб тушган суммалар	4690	9340	Кирим касса ордери
7	Асосий ва ёрдамчи цехларда, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларда тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги, умумий ишлаб чиқариш омборларидаги ортиқча миқдорлар (камомадлардан ортиқ бўлган суммада) уй-жой коммунал хўжалигидан фойда кирим қилинган	2010 2310 2510 9450	9350	Инвентаризация комиссиясининг далолатномаси солиштирув қайдномаси
8	Олдин чиқим қилинган дебитор қарзлардан олинган даромадлар; кредитор қарзларнинг ҳисобдан чиқарилишидан даромадлар ва шу кабилар	4810-4890 6810-6890	9360	Инвентаризация комиссиясининг далолатномаси, ўзаро ҳисоб-китоб солиштирув далолатномаси
9	Хом ашё ва материаллар таннархи билан уларнинг ҳисобга олиш қиймати ўртасидаги фарқларнинг нотўғри тақсимланишини ёки материалларнинг ишлаб чиқариш харажатларига ортиқча ҳисобдан чиқаришини тузатиш	1010-1090 1510 1610	9370	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
10	Айланишдаги воситаларга кирадиган бойликларнинг қўшимча баҳоланган суммалари молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилган	2910	9370	ТМЗ қайта баҳолаш далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
11	Нархлардаги фарқлар (тара ва шу кабилар бўйича) корхона даромадига айлантирилган (тара билан операциялар бўйича натижалар) — савдо ва шу каби корхоналарда	2950	9370	ТМЗ қайта баҳолаш далолатномаси
12	Камомадлар бўйича нархлардаги фарқлар, зиммасига қўйилган (ушбу ҳисобот давридаги) корхона даромадига айлантирилган	4630	9370	Даъво ҳужжатлари, суд қарори, инвентаризация далолатномаси
13	Қайтарилмайдиган, олинган пул маблағлари кирим қилинган	5110-5120	9380	Юк хати
14	Суғурта органларидан мулкий суғурта бўйича келиб тушган суғурта тўловлари корхонанинг даромадига айлантирилган	6510	9390	Суғурта тўловлари кўрсатилган суғурта ҳоллари бўйича хабарнома
15	Шубҳали қарзлар бўйича сарфланмаган захиралар суммаларининг улар барпо бўлган йилдан кейинги йилнинг фойдасига қўшиб қўйилиши	4910	9390	Инвентаризация ва счет анализи
16	Камомадлар бўйича қарз суммаларининг келиб тушиши (ўтган ишлар учун) ижарага топширилган асосий воситалар объектларининг келишилган нархлардаги фарқлар,харид нархи билан баҳолаш нархи ўртасидаги фарқнинг харидор — корхона фойдасига секин-аста ҳисобдан чиқарилиши (ким ошди савдосида)	6210	9390	Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, бухгалтерия ҳисоб-китоби
17	Маҳсулотлар, товарларнинг ортиқча миқдорлари кирим қилинган	2810 2910	9390	Инвентаризация далолатнома, солиштирма қайднома
18	Номоддий активларга ортиқча ҳисобланган амортизация тўғриланди	0510-0590	9390	Номоддий активларга амортизация ҳисоб-китоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
19	Тикланаётган асосий воситалар объектларининг қийматига киритиладиган зарарлар ҳисобидан чиқарилган ускуна ва бошқа мол-мулкнинг ортиқча миқдори	0810-0890	9390	Инвентаризация далолатномаси, харажатлар ҳисоби қайдномаси
20	Харидорлардан ва буюртмачилардан олинган, талаб қилинмаган бўнаклар ҳисобдан чиқарилди	6310	9390	Инвентаризация комиссияси далолатномаси, солиштирма акт
21	Ҳисобот даври охирида асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счетларидаги кредит оборотлар 9900 «Якуний молиявий натижа» счетига чиқим қилинади	9310 9320 0330 9340 9350 9360 9370 9380 9390	9900	

94 — Давр харажатлари ҳисоби счетлари

Сотиш бўйича харажатлар, бошқарувчилик харажатлари, ёрдамчи хўжалик харажатлари, бошқа операцион харажатлар, бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар тўғрисида маълумотлар умумлаштирилиши қуйидаги счетларда амалга оширилади:

9410 «Сотиш харажатлари»;

9420 «Маъмурий харажатлар»;

9430 «Бошқа операцион харажатлар»;

9440 «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари (харажатларнинг турлари бўйича);

9450 «Ёрдамчи хўжаликлар».

Давр харажатлари таркиби «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 февраль 1999 йил 54-сон қарори) ва Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 4-сон «Товар моддий захиралари»га* асосан тартибга солинади.

9410 «Сотиш бўйича харажатлар» счетида маҳсулот таъ-

миноти бўйича харажатлар, яъни маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш билан боғлиқ, транспорт воситаларига юклаш, маркетинг билан банд бўлимларга ва ишчиларга ва бошқа харажатлар акс эттирилади. Бунга қуйидаги счетларни очиш мумкин:

9411 «Сақлаш ва ташиш харажатлари»;

9412 «Реклама ва сотиш харажатлари»;

9413 «Ўраш, қайта саралаш ва идиш харажатлари»;

9414 «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар»;

9415 «Меҳнат ҳақи фондидан ажратмалар»;

9419 «Бошқа сотиш харажатлари».

9420 «Маъмурий харажатлар» счетида корхонани бошқариш бўйича харажатлар, умум маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситалар ремонти харажатлари, умумхўжалик аҳамиятидаги хоналар учун ижара ҳақи, ахборот, аудитор ва маслахатчилик хизматчиларига ҳақ тўлаш харажатлари ҳисобга олинади. Унга қуйидаги счетларни очиш мумкин:

9424 «Умуммаъмурий асосий воситаларнинг ижараси бўйича харажатлар»;

9421 «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар»;

9422 «Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар»;

9423 «Умуммаъмурий асосий воситаларнинг амортизацияси бўйича харажатлар»;

9425 «Умуммаъмурий асосий воситаларнинг суғурта харажатлари»;

9426 «Умуммаъмурий номоддий активларнинг амортизацияси бўйича харажатлар»;

9427 «Бошқа маъмурий харажатлар»;

9430 «Бошқа операцион харажатлар» счетида илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ва бошқарув системасини ривожлантириш харажатлари, ходимларга моддий ёрдам (шу жумладан, табиий камайишдан йўқотишлар, суд харажатлари, янги ишлаб чиқаришни ўрганиш харажатлари (капитал қўйилма сифатида ҳисобга олинадиган капитал харажатлардан ташқари) ва бошқа харажатлар кўрсатилади. Унга қуйидаги счетлар очилиши мумкин:

9431 «Асосий воситаларнинг реализацияси ва турли чиқими бўйича зарарлар»;

9432 «Бошқа активларнинг реализацияси ва турли чиқими бўйича зарарлар»;

9433 «Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бўйича харажатлар»;

9434 «Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар»;

9439 «Бошқа операцион харажатлар».

9440 «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» счетида ҳисобот даври харажатлари, келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган, қайсики харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2-иловасида келтирилган харажатлар акс эттирилади. 9440 «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» счети 9900 «Якуний молиявий натижа» счети дебетида ёпилади. Бу счетда ҳисобот даври мобайнида харажатларнинг йиғилиши тўғрисида маълумотлар балансдан ташқари 010 «Солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган харажатлар» счети дебетига ёзилади. 010 балансдан ташқари счет аналитик ҳисоби «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-иловасида назарда тутган солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган харажатлар тўғрисида моддалари бўйича маълумотлар билан таъминлаши лозим.

9450 «Ёрдамчи хўжаликлар» счетида корхонанинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобга олинади. Уларга корхона балансида бўлган соғлиқни сақлаш объектлари, мактабгача тарбия муассасалари, маданият ва спорт объектлари ва уй-жой — коммунал хўжалик объектларини тутиб туриш харажатлари киради.

Давр харажатлари ҳисоби счетлари 9900 «Якуний молиявий натижа» счети дебетига ёпилади.

(94) Давр харажатлари ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Маҳсулотларни юклаб жўнатиш бўйича транспорт харажатлари, шу жумладан харидорлар ҳисобидан	9411	5110	Транспорт юк хати, счет-фактура
2	Четдан реклама ва маркетинг хизматлари	9412	6010	Бажарилган ишлар далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
3	Савдо ташкилотларида фойдаланиладиган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланди	9419	0510-0590	Амортизация ҳисоблаш қайдномаси
4	Ундирилмайдиган даъво суммалари муомала харажатларига чиқим қилинди	9419	4210	
5	Бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлар	9421	6710	Иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб қайдномаси
6	Бошқарув ходимларининг ижтимоий суғуртасига ажратмалар	9422	6520	Иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб қайдномаси
7	Мулкий ва шахсий суғуртага ажратмалар	9422	6521	Шартнома, полис
8	Бошқарувчилик ва умумхўжалик аҳамиятига эга (ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган) асосий воситаларининг эскириши ҳисобланган	9423	0210-0299	Амортизация ҳисоблаш қайдномаси
9	Идора хоналари, омборлар ва дўконлар ижараси	9424	6890	Шартнома, счет-фактура
10	Умумхўжалик аҳамиятига эга номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланган	9426	0510-0590	Амортизация ҳисоблаш қайдномаси
11	Материаллар бошқарувчилик ва умумхўжалик эҳтиёжларига сарфланган	9429	1010-1090	Материалларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси
12	АТБ бошқарувчилик ва умумхўжалик эҳтиёжларига сарфланган	9424	1210 1230	АТБ ҳисобидан чиқариш далолатномаси
13	Умумхўжалик аҳамиятига эга АТБнинг эскириши ҳисобланган	9429	1310	Тўловнома — юк хати
14	Материалларни ҳисобга олиш нархларидан фарқлар	9429	1610	Ҳисобдан чиқариш далолатномаси, талабнома
15	Алоқа, ахборот марказлари хизматлари, энергия ва сув истеъмоли, бошқа умумхўжалик аҳамиятига эга эҳтиёжлар учун счетлар акцепт қилинган	9429	6010	Шартнома, квитанция, счет-фактура

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
16	Транспорт хизмати учун счетлар акцепт қилинган	9429	6010	Счет-фактура, транспорт юк хати
17	Хизмат сафари ва вакиллик харажатлари	9429	4420 4430	Бўнак ҳисоботи
18	Банкларнинг ва аудиторларнинг хизматлари учун тўловлар	9429	6890	Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси
19	Юқори органларнинг бошқарув идорасини тутиб туриш учун ажратмалар	9427	6890	Ҳисоб-китоб
20	Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимдан зарар акс эттирилган	9431	9210	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
21	Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан зарар акс эттирилган	9432	9220	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
22	Айбдор шахсларни аниқлаш имкони бўлмаган камомадлар ва йўқотишлар акс эттирилган	9433	1010-1090 2810 2910-2990	Инвентаризация акти, технологик карта
23	Шубҳали қарзлар бўйича захира ҳисобланган	9434	4910	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
24	Солиқ идораларининг қарори бўйича жарима ҳисобланган	9439	6410	ДСИ қарори
25	Корхона балансида бўлган олий ўқув юртларини тутиб туриш учун ажратмалар	9439	6110	Шартнома
26	Корхона ходимлари учун дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмаларга ҳақ тўланган	9439	5110	Банк кўчирмаси
27	Бекор қилинган буюртмаларга харажатлар ҳисобдан чиқарилган	9439	2010	Шартномани бузиш
28	Ўтган йилларда операциялар бўйичаги зарарлар	9439	4010 4110 4210 4610-4690 4810-4890	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
29	Хўжалик шартномасини бузганлик учун жарималар	9439	4210	Шартнома, хўжалик суди қарори

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
30	Маҳаллий транспортдан фойдаланиш учун йўл ҳужжатларига ҳақ тўланган	9439	5110	Буйруқ, тўлов талабномаси
31	Моддий ёрдам тўланган	9439	5010	Чиқим ордери
32	Тайёр маҳсулотлар, ТМЗ-ларни қайта баҳолаш (уценка) амалга оширилган	9439	1010-1090 2810	Нарх тушириш акти солиштирма қайдномаси
33	Ўз асосий воситалари бўйича ҳар ойлик эскириш суммаси ҳисобланди а) янги буюмлар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган фойдаланишга топшириладиган ишлар; б) серияли ва оммабоп ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган, янги технологик жараёнини ўзлаштиришга хизмат кўрсатиш; в) қазиб олувчи тармоқларда тайёргарлик ишлари	9440	0210-0299	Эскириш ҳисоб-китоби
34	Номоддий активлар бўйича ҳар ойлик эскириш суммаси ҳисобланди: а) янги турдаги буюмларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган фойдаланишга топшириладиган ишлар; б) серия ва оммабоп ишлаб чиқаришга мўлжалланган, янги технологик жараёнларни ўзлаштириш хизматлари; в) қазиб олувчи тармоқларда тайёргарлик ишларида	9440	0510-0590	Амортизация ҳисоб-китоби
35	Хизмат кўрсатувчи хўжаликда фойдаланадиган ўз асосий воситалари бўйича ҳар ойлик эс кириш суммаси ҳисобланиши	9450	0210-0299	Асосий воситалар эскиришининг ҳисоб-китоби
36	Ижтимоий соҳадаги банд ходимларга меҳнат ҳақи харажатлари	9450	6710	Иш вақти ҳисоби табели

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
37	Хизмат кўрсатувчи хўжаликда фойдаланиладиган номоддий активлар бўйича амортизациянинг ҳисобланиши	9450	0510-0590	Номоддий активлар амортизацияси ҳисоб-китоби
38	Ёрдамчи ишлаб чиқариш турли корхоналар томонидан кўрсатилган, хизмат кўрсатувчи хўжалик истеъмол қилган хизматлар қиймати акс эттирилган	9450	2310 6890	Юк хати, талабнома, счет-фактура
39	Мақсадли тушумлар ва мақсадли молиялаштириш маблағлари ҳисобидан амалга оширилган хизмат кўрсатувчи хўжалик харажати акс эттирилган (сумма аввал хизмат кўрсатувчи хўжалик харажатларига чиқим қилинган)	7710	9450	Накладной, талабнома, счет-фактура
40	Хизмат кўрсатувчи хўжалик харажатлари сотиш ва маъмурий харажатларига тақсимланиши	9410 9420	9450	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
41	Ҳисобот даври охирида давр харажатларининг ҳисобдан чиқарилиши	9900	9410 9420 9430 9440 9450	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

95 — Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счетлари

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар тўғрисида маълумотлар қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

9510 «Роялти ва капиталнинг трансфертидан олинган даромадлар»;

9520 «Дивиденд кўринишидаги даромадлар»;

9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар»;

9540 «Курс фарқлари (ижобий)дан олинган даромадлар»;

9550 «Мулкни лизинг шартномаси бўйича ижарага беришдан олинган даромадлар»;

9560 «Қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар»;

9590 «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар».

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни шакллантириш тартиби 2-сон «Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар», 6-сон «Лизинг ҳисоби», 12-сон «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари билан тартибга солинади.

9510 «Роялти ва капиталнинг трансфертидан олинадиган даромадлар» счетида роялти ва капиталнинг трансфертидан олинган даромадлар пул маблағлари ҳисоби счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

9520 «Дивиденд кўринишидаги даромадлар» счетида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида корхоналар фаолиятида ўз улуши билан қатнашишидан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар, облигациялар ҳамда корхонага тегишли бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар ҳисоб-китоблари ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар корреспонденциясида аксини топади.

9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар» счетида узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоиз кўринишидаги даромадлар ҳисоб-китобларни ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар корреспонденциясида аксини топади.

9540 «Курс фарқлари (ижобий)дан олинган даромадлар» счетида валюта счетлари, шунингдек хорижий валюталардаги опеациялар бўйича курсдаги ижобий фарқлар, ҳисоб-китобларни ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар корреспонденциясида аксини топади.

9550 «Мулкни лизинг шартномаси бўйича ижарага беришдан олинган даромадлар» счетида мол-мулкни узоқ муддатли ижарага топширишдан олинган даромадлар пул маблағларини ёки тегишли ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш счетлари корреспонденциясида акс эттирилади.

9560 «Қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар» счетида қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар пул маблағларини ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счетлар корреспонденциясида аксини топади.

9590 «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар» счетида молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар пул маблағларини ёки ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счетлар корреспонденциясида аксини топади.

(95) Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Роялти ва гонорарлар бўйича олинадиган сумма акс эттирилган	4840	9510	
2	Бошқа корхоналарда ўз улуши билан қатнашишдан олинган даромадлар; банклардан ҳисоб-китоб ва бошқа счетлардаги маблағлардан фойдаланганлик учун корхонага тегишли акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар	4830 4890 5010 5110 5210	9520	Эълоннома, хабарнома
3	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммалари акс эттирилган	4820	9530	Шартнома, фоиз тўловлари ҳисоб-китоби жадвали
4	Қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар	4820	9530	Шартнома, фоиз тўловлари ҳисоб-китоби жадвали
5	Йил давомида хорижий валютадаги узоқ муддатли молиявий қўйилмалар билан ўтказилган операциялар бўйича курсдаги ижобий фарқлар (бевосита молиявий натижаларга ҳисобдан чиқаришда)	0610-0690	9540	Ҳақиқий валюта курси асосидаги ҳисоб-китоб
6	Илгари ҳисобот бериш шарти билан берилган хорижий валютадаги суммаларни узиш операциялари бўйича курсдаги ижобий фарқлар	4620 4630	9540	Ҳақиқий валюта курсидаги ҳисоб-китоб
7	Филиаллар ва ваколатхоналар билан ҳисоб-китоблардаги валюта курсидаги ижобий фарқлар	4110	9540	Ҳақиқий валюта курсидаги ҳисоб-китоб
8	Муддати узайтирилган даромадлар ҳисобида турган курсатилган қарз бўйича курс фарқларининг ижобий қолдиғи ҳисобдан чиқарилган (кирим қилиш кунига)	6210	9540	Ҳақиқий валюта курсидаги ҳисоб-китоб

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
9	Валюта счетида ҳисобда бўлган мабалғлар қолдиғини, чет эл валютасини сотиш кунига, ЎзР МБ курси бўйича қайта ҳисоблаш натижасида ҳосил бўлган ижобий курс фарқи акс эттирилган	5210	9540	Ҳақиқий валюта курсидаги ҳисоб-китоб
10	Чет эл валютасида солиқ ва бошқа тўловлар тўланиши бўйича ижобий курс фарқлари акс эттирилган	6410	9540	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб
11	Қимматли қоғозларнинг номинал ва сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқ акс эттирилган (номинал қиймати паст)	0610 5810	9560	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
12	Ҳисобот даври охирида 95 «Молиявий фаолиятдан даромадлар» счети ҳисобидаги натижа 9900 «Якуний молиявий натижа» счетига чиқим қилинади	9510 9520 9530 9540 9550 9560 9590	9900	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

96 — Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби счетлари

Молиявий фаолият бўйича харажатлар тўғрисида маълумотлар умумлаштирилиши қуйидаги счетларда амалга оширилади:

9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»;

9620 «Курс фарқларидан зарарлар»;

9630 «Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар»;

9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар».

9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счетида банкларнинг қисқа муддатли кредитлари, маҳсулот етказиб берувчиларнинг кредитлари ва қарзлари бўйича фоизларни тўлаш харажатлари, қисқа муддатли банк кредитлари ва банкдан ташқари қарзлар ҳисобига тегишли счетлари ҳамда мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар ҳисоби счетлари корреспонденциясида аксини топади.

9620 «Курс фарқларидан зарарлар» счетида хорижий валютадаги операциялар бўйича зарарлар ва курсдаги салбий фарқлар пул маблағларини ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счетлар корреспонденциясида аксини топади.

9630 «Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар» счетида қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар пул маблағларини ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счетлар корреспонденциясида аксини топади.

9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счетида сарфланган маблағларни қайта баҳолашдан қилинган зарарлар (қимматли қоғозларга, шуъба корхоналарга ва ш.к.) ва молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, пул маблағлари, ҳисоб-китобларни ва молиявий қўйилмаларни ҳисобга олувчи счетлар корреспонденциясида аксини топади.

(96) Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Қисқа муддатли (узоқ муддатли) банк кредити бўйича фоизлар ҳисобланган	9610	6820	Шартнома, фоизлар тўлови ҳисоб-китоби жадвали
2	Қисқа муддатли (узоқ муддатли) қарзлар бўйича фоизлар ҳисобланган	9610	6820	Шартнома, фоизлар тўлови ҳисоб-китоби жадвали
3	Асосий воситаларнинг узоқ муддатли лизинг шартномаси бўйича тўловга ҳисобланган фоизлар суммаси	9610	6820	Шартнома, фоизлар тўлови ҳисоб-китоби жадвали
4	Чет эл валютасида олинган, қисқа муддатли банк кредитлари бўйича салбий курс фарқлари	9620	6910	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб
5	Чет эл валютасида олинган, узоқ муддатли банк кредитлари бўйича салбий курс фарқлари	9620	7510	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб
6	Чет эл валютасида олинган, қисқа муддатли қарзлар бўйича салбий курс фарқлари	9620	6920	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
7	Чет эл валютасида олинган, узоқ муддатли қарзлар бўйича салбий курс фарқлари	9620	7510	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб
8	Йил давомида чет эл валютасидаги узоқ муддатли молиявий инвестициялар билан ўтказилган операциялар бўйича курсдаги салбий фарқлар (бевосита молиявий натижаларга ҳисобдан чиқаришда)	9620	0610-0690	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб
9	Илгари ҳисобот бериш шарти билан берилган хорижий валютадаги суммаларни узиш операциялари бўйича курсдаги салбий фарқлар	9620	4620 4630	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб
10	Филиаллар билан ҳисоб-китобдаги курслар фарқи	9620	4110	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб
11	Капитал қўйилмалар бўйича курс фарқининг салбий қолдиғи чиқим қилинди	9620	0810-0890	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб
12	Валюта счетида ҳисобда турган маблағлар қолдиғининг ЎзР Мбнинг чет эл валютасини сотиш кунидаги курси бўйича қайта ҳисоблаб чиқилиши натижасида вужудга келган салбий курс фарқи акс эттирилган	9620	5210	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб
13	Чет эл валютасида солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича салбий курс фарқлари акс эттирилган	9620	6410	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб
14	Йил охирида қимматли қоғозларни сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ акс эттирилган (сотиб олиш қиймати юқори)	9620	0610	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб
15	Қўйилган маблағларни (қимматли қоғозларга, шуъба корхоналарга) қайта баҳолашдан зарарлар	9690	0610-0690 5810-5890	Ҳақиқий валюта курси асосида ҳисоб-китоб

97 — Фавқулотда фойда (зарар)лар ҳисоби счетлари

Тасодифий, корхона учун типик бўлмаган, унинг одатдаги фаолиятидан кутилмаган ва бундай фаолиятга тегишли бўлмаган фойдалар ва даромадларни, ҳамда тасодифий кутилмаган типик бўлмаган зарарлар ҳисоби қуйидаги счетларда олиб борилади:

9710 «Фавқулотдаги фойда»;

9720 «Фавқулотдаги зарар».

Тегишли счетларда фаолиятни тўхтатганлигидан фавқулотда ҳодисалардан ҳосил бўлган фойда ва зарарлар ва бошқалар.

(97) Фавқулотда фойда ва зарарлар ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ускуналарнинг ортиқча миқдорлари офатлар оқибатларини тугатишдаги материаллар ва АТБнинг; рўйхатдан ўтказишдаги ортиқча миқдорлари кирим қилинган (ортиқча инвентаризация ўтказишда аниқланган)	0710-0720 0810-0890 1010-1090 1210	9710	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси
2	Товарларнинг ортиқча миқдорлари, шунингдек илгари табиий офатлар, ёнғинлар ва шу кабилар туфайли ҳисобдан чиқарилган товарлар кирим қилинган (савдо, воситачилик ва шу каби корхоналарда)	2910	9710	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси
3	Ускуналар камомади акс эттирилган, табиий офатдан сўнг ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланган	9720	0710-0720	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси
4	Табиий офатлар натижасида йўқотилган ёки уларнинг оқибатларини тугатишга сарфланган турли моддий бойликлар ҳисобдан чиқарилган	9720	1090-1110 1210	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
5	Табиий офатлар, ёнғинлар ва шу кабилар туфайли тугалланмаган ишлаб чиқаришни йўқотиш	9720	2010 2110 2310	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси
6	Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришнинг табиий офатлардан зарарлари чиқим қилинди	9720	2320	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси
7	Келгуси давр харажатлари табиий офатлар натижасида чиқим қилинган	9720	3110-3190	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси
8	Табиий офатлар, ёнғинлар, авариялар ва шу кабилар натижасида тайёр маҳсулотлар ёки товарлар бўйича йўқотишлар	9720	2810 2910-2990	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси
9	Табиий офатлар бўйича харажатларнинг тўланиши	9720	5010 5110 5210	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси
10	Табиий офатлар, ёнғинлар ва шу кабиларнинг олдини олиш ёки тугатиш билан боғлиқ ходимлар меҳнатига ҳақ ҳисобланди	9720	6710	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси
11	Табиий офатлар, ёнғинлар, авариялар ва шу кабилар билан боғлиқ турли харажатларга ҳақ тўлаганлиги учун ҳисобдор шахсларга қарзлар акс эттирилган	9720	6870	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси
12	Ёнғин натижасида йўқ қилинган ва суғурта ва бошқа корхоналар томонидан қопланмаган товар моддий захираларининг қиймати	9720	0110-0190 0410-0490 1010-1090 1210 2810 2910-2990	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
13	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалар фойдасига ёзиб қўйиладиган турли зарарлар суммаси, табиий офатлар, ёнғинлар ва шу кабилар туфайли	9720	4110	Табиий офатларни тугатилиш далолатномаси, инвентаризация далолатномаси
14	Ҳисобот даври тугаши билан 9710 «Фавқулодда фойда» счети ёпилади	9710	9900	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
15	Ҳисобот даври тугаши билан 9720 «Фавқулодда зарар» счети ёпилади	9900	9720	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

98 — Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши ҳисоб счетлари

Йил давомида фойда (даромад) лардан қонунга кўра белгиланган солиқлар бўйича бўнак тўловларини ва ҳақиқий фойдадан қайта ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган тўловларни ҳисобга олиш учун қуйидаги счётлар мўлжалланган:

9810 «Даромад (фойда) солиғи тўлаш»;

9820 «Йиғимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар»;

9890 «Бошқа ажратмалар».

Фойдадан солиқларнинг ҳисобланиши ва тўланишининг тартиби қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ҳисобот йили тугагач йиллик бухгалтерлик ҳисоботини тузишда бу счет ёпилади.

9810 «Даромад (фойда) солиғини тўлаш», 9820 «Йиғимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар», 9890 «Бошқа ажратмалар» счетлари дебетида йил давомида бюджетга ҳисобланган солиқ тўловлари, бюджетга йиғималар ва турли ажратмалар бюджетга қарздорлик бўйича тегишли ҳисоб счетлари корреспонденциясида акс эттирилади. Солиқлар ва йиғимлар тўлаш учун фойданинг ишлатилиш ҳисоби счетлари 9900 «Якуний молиявий натижа» счети дебетига езилади.

Солиқлар ва йиғимлар тўлаш учун фойданинг ишлатилишининг ҳисоби тегишли счетлари бўйича аналитик ҳисоби ҳар бир солиқ тури йиғимлар, ажратмалар, тўловлар бўйича олиб борилади.

(98) Солиқ ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиш ҳисоби счетлари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Фойданинг бюджетга тўловлар бўйича йил давомида ҳисобланган қарз суммалари акс эттирилган	9810 9820 9890	6410	Фойдадан даромад солиғини ҳисоблашнинг формаси ва йиғимлар ва турли ажратмаларнинг ҳисоблаш формаси
2	Йил охирида муддати узайтирилган фойда (даромад) солиғи бўйича, вақтинчалик ижобий фарқи бўйича корректировка қилинди (вақтинчалик фарқларнинг ҳосил бўлишининг биринчи йилида)	0930	6410	Бухгалтерия хисоб-китоби
3	Йил охирида муддати узайтирилган вақт тафовути бўйича ажратиладиган солиқнинг жорий қисми пропорционал ҳисобдан чиқарилди, қайсики биринчи йилда ижобий деб ҳисобланган (келгуси йилларда)	6410	3210	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
4	Асоссиз олинган фойда ва иқтисодий жазоларнинг бюджетга киритилиши	9890	6410	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
5	Ҳисобот йил охирида солиқ ва йиғимлар учун фойданинг ишлатилиши ҳисоби счетларининг ёпилиши	9900	9810 9820 9890	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

9900 — Якуний молиявий натижа ҳисоби счети

9900 «Якуний молиявий натижа» счети корхоналарнинг ҳисобот давридаги якуний молиявий натижасининг шаклланиши тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий фаолиятдан олинган молиявий натижалар, молиявий фаолият бўйича даромадлар ва фавқулотда фойдалар қўшилиши ва фаолиятнинг шу турлардаги харажатлари суммасига

камайишидан ташкил топади. 9900 счет дебетида корхона зарарлари (харажатлар) кредити бўйича эса корхона фойдаси (даромади) акс эттирилади. Ҳисобот давридаги дебет ва кредит оборотларининг таққосланиши ҳисобот давридаги якуний молиявий натижани кўрсатади. Ҳар бир ҳисобот даври охирида 9900 «Якуний молиявий натижа» счети дебет ва кредит томонлари суммалаштирилади ва бу счет бўйича умумий қолдиқ ҳисобланади. Бу қолдиқ ҳисобот даврида солиққа тортилгунга қадар умумий баланс фойдасини (зарарини) таснифлайди.

Ҳисобот йили тугаши бўйича йиллик бухгалтерлик ҳисоботи тузиш пайтида 9900 «Якуний молиявий натижа» счети ёпилади. Ҳисобот даврининг соф даромади (зарари) 9900 счетидан, 8710 тақсимланмаган фойда (зарар)» счети кредитига (соф фойда) ўтказилади.

9900 «Якуний молиявий натижа» счети корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Ҳисобот даври тугаши бўйича асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счетлари ёпилади	9010 9020 9030	9900	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
2	Ҳисобот даври тугаши бўйича сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисоби счетлари ёпилади	9900	9110 9120 9130 9140	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
3	Ҳисобот даври тугаши бўйича давр харажатлари ҳисоби счетлари ёпилади 9900	9900	9410 9420 9430 9440 9450	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
4	Ҳисобот даври тугаши бўйича асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счетлари ёпилади	9310-9390	9900	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
5	Ҳисобот даври тугаши бўйича молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счетлари ёпилади	9510-9590	9900	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
6	Ҳисобот даври тугаши бўйича молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби счетлари ёпилади	9900	9610-9690	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
7	Ҳисобот даври тугаши бўйича фавқулотда фойда счети ёпилади	9710	9900	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
8	Ҳисобот даври тугаши бўйича фавқулотда зарар счети ёпилади	9900	9720	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
9	Ҳисобот даври тугаши бўйича, солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши ҳисоби счетлари дебети бўйича ҳисобланган суммалар 9900 «Якуний молиявий натижа» счети дебетига ўтказилади	9900	9810-9890	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
10	Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) 9900 «Якуний молиявий натижа» счетидан 8710 «Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойда (зарар)» счети дебетига (зарар) ёки кредитига (соф фойда) ўтказилади	9900 (8710	8710 9900)	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

*** Эслатма.**

Бухгалтерия ҳисоби стандартлари қуйидаги Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаларида эълон қилинган:

№ 0 «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» — 1999 йилнинг 5-сонида;

№ 2 «Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар» — 1999 йилнинг 5-сонида;

№ 3 «Молиявий натижалар ҳақида ҳисобот» — 1999 йилнинг 5-сонида;

№ 4 «Товар-моддий захиралар» — 1999 йилнинг 5-сонида;

№ 5 «Асосий воситалар» — 1999 йилнинг 6-сонида;

№ 6 «Лизинг ҳисоби» — 1999 йилнинг 6-сонида;

№ 7 «Номоддий активлар» — 1999 йилнинг 6-сонида;

№ 8 «Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» — 1999 йилнинг 6-сонида;

№ 10 «Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдамини очиб бериш» — 1999 йилнинг 6-сонида;

№ 12 «Молиявий инвестициялар ҳисоби» — 1999 йилнинг 6-сонида.

«СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ»
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ

21-сон БҲМС

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЕТЛАР РЕЖАСИ ВА УНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

1-чиқарилиш

Нашр менежери ***Б. С. Муслимов***

Босишга рухсат этилди 24.09.2001. Ҳажми 20,0 б.т.
Бичими $84\times108^{1}/_{32}$. Адади 1000 нусха. Буюртма № К-8951.

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи
Тошкент ш., Махтумқули к., 1.

Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
Тошкент ш., Навоий к., 30.